

Нарзулла ЖЎРАЕВ  
Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Қамариддин УСМОНОВ

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Миллий истиқлол даври

*11-синф ўқувчилари учун дарслик*

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги  
тасдиқлаган

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1998

**М а с њ у л м у ҳ а р р и р :**

ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А. А. АЗИЗХЎЖАЕВ

Дарсликнинг методик жиҳатлари олий тоифадаги ўқитувчи Мавжуда ВАҲИДОВА томонидан тайёрланган.

**Т а қ р и з ч и л а р :**

тарих фанлари номзоди Н. НОРҚУЛОВ, Тошкент шаҳар ўқитувчилар ва педагогик ходимлар малакасини ошириш институти тарих кабинети мудир, олий тоифали методист М. МУЙДИНОВА, Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур тумани 102-ўрта мактабнинг олий тоифали тарих ўқитувчиси Н. ИСРОИЛОВА, Тошкент вилояти Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси У. ЖЎРАЕВ

**Жўраев Н.** ва бошқ.

Ўзбекистон тарихи: Миллий истиқлол даври: 11-синф ўқувчилари учун дарслик/ Н.Жўраев, Т.Файзуллаев, Қ. Усмонов: Масъул муҳаррир: А. А. Азизхўжаев.— Т.: «Шарқ», 1998.—368б.

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

1.1,2 Автордош.

**ББК 63.3(5У)я721**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998 йил.

## КИРИШ

### Муҳтарам ўқувчи!

Бугун ~~2015~~ билан одатдагидан фарқли бир ҳолатда учрашиб турибмиз. Зотан, ҳозиргача бир неча минг йиллик тарихимизни турли даврларга бўлиб, босқич-ма-босқич ўргандингиз. Бу қадимги дунё тарихидан тортиб шўро тузумининг барбод этилишигача бўлган жуда катта, шонли, шуқуҳли ва айни пайтда қайғули, рутубатли воқеалардан хабардор бўлдингиз. Энди халқимиз тақдирида кескин бурилиш ясаган, бутунлай янги таракқиёт даврини бошлаб берган мустақиллик даври тарихини ўрганишга киришяпсиз. Ушбу китоб ана шу Миллий Уйғониш, Миллий Янгиликлар ва Миллий Ўзликни Англаш тушунчаларини ўзида мужассам этган Истиқлол даври тарихига бағишланган.

Дарвоқе, мустақиллик даврини тарих дейишга ҳам дарҳол ботинолмайсиз, киши. Чунки воқеалар жараёни, янгиликлар оқими ҳали тинган эмас. Демак, у тарихга айлангани йўқ. Бироқ, ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих остонаси эканлиги ҳаётини ҳақиқат. Ана шу нуқтаи назардан «Энг янги тарих» шаклига кирган ва сен билан биз гувоҳ бўлиб турган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, кўп қиррали ислохотлар ҳарорати ҳали сўнмаган ҳолда уни ўрганишга киришдик. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

Жумладан, мустақилликнинг ўтган қисқа даври ўзининг мазмун-моҳияти, амалга оширилган ишлар кўлами, онгимиз, тафаккуримиз ва турмуш тарзимиз кўрсатган таъсири нуқтаи назардан бир неча ўн йилликларга тенгки, уни алоҳида ўрганишни давр тақозо этмоқда.

Мустақиллик — оддий сўз эмас. У қарийб 130 йиллик муштамлақачилик, маънавий ва жисмоний тобелик, ахлоқий-руҳий озурдалиқдан сўнг у берган беқиёс неъматларни — қадимий анъаналар ва қадриятларимизни қайта тиклаш имкониятлари, бу борада амалга оширилган тарихий жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни мумкин қадар тезроқ ва кўпроқ ўрганмоғимиз даркор.

Ўзини англаган — дунёни англайди. Ўзини англаган — оламни англайди. Ўзлигини англаш уни инсон бўлиб туғилиб, инсон каби яшашга, ҳаётдаги тарихий ўрнини белгилаб олишга, жамият тараққиёти ва келажак олдидagi бурчини тушунишга даъват этади. Ана шундай буюк қадриятни, илоҳий туйғуни фақат истиқлол бериши мумкин, холос.

Турмушимизда тафаккур танқислиги, ақлий ва руҳий боқимандалик, тушунчалар камёблиги сезилаётган бир пайтда тарихга нисбатан янгича муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилди. Зотан, жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтаётган, одамлар ҳаётида ва турмуш тарзида туб бурилишлар юз бераётган бир пайтда кишида тарихга юз буриш, ундан маънавий таянч излаш, ўзининг бу бўҳронли ҳаётда омонат эмаслигини, аксинча илдизлари асрлар қаърига етиб борган мустақкам ва қудратли чинор эканлигини англаш заурурати сезилади.

Айниқса, бунинг ўзбеклардай ўтмиши инсоният тарихи билан тенгдош бўлган халқлар чуқур англайди ва чуқур тушунади. Шунинг учун ҳам ҳукуратимиз маънавийта катта эътибор билан қарайди. Ўтмишимизни қайта кўриб чиқиб, уни миллий қадрият даражасига кўтариб, бутунлай янги назар билан галвирдан ўтказишни кун тартибига қўймоқда. Бунинг учта асоси бор.

**Биринчидан**, бутунги Ўзбекистон жаҳон харитасида пайдо бўлган тасодифий мамлакат эмаслигини, унинг илдизлари ниҳоятда чуқур ва қадимий эканлигини дунёга кўрсатиш.

**Иккинчидан**, собиқ шўро сиёсати ва коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни ўз ўрнига қўйиш, тарих ҳақиқатини, ҳаёт ҳақиқатини илмий ҳақиқат асосида қайта тиклаш.

**Учинчидан**, шу асосда халқимиз, айниқса ёш, навқирон авлодимиз қалбида миллий гурур, миллий ифтихор, ўз аجدодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш. Буюк ўтмишга муносиб буюк миллат бўлиш. Эртанги кунга катта ишонч ва истиқлолга эътиқод билан яшашни турмуш тарзига айлантириш.

Қўлингиздаги китобда мустақиллик даври воқеалари шўро даврида шакллланган тарихнавислик «анъаналари»га, фикрламаслик услубига унчалик ҳам мос келмайди. Муаллифлар оддий «хабаркаш»ликдан, шунчаки маълумот беришлардан қочиб, воқеалар атрофида фикрлаш, унинг мантиғи, фалсафаси, мазмун-моҳия-

ти, келиб чиқиш сабаблари ва келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари атрофида ҳам озми-кўпми фикр юритадилар. Назаримизда ана шунда тарихнинг **мураббийлик қудрати** очилади, **тафаккур** маҳсули эканлиги кўзга яққол ташланади.

Зотан, донишмандлар айтганидай, тарих — улуғ мураббий. У юз берган ҳодисалар моҳиятидан келиб чиқиб сабоқ беради. Ҳаётда саракни-саракка, пучакни-пучакка ажратишга даъват этади. Агар тарихга шунчаки воқеалар баёни, ҳодисалар тафсилоти сифатида қаралса, унинг мураббийлик аҳамияти йўқолади. Нурсиз, ҳароратсиз, жозибасиз, киши руҳиятига таъсир этмайдиган бир нарсага айланади.

Тарих — тафаккур маҳсули. Ўтмишимизда юз берган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида юз берган. Яхшими-ёмонми, эзгулик ёки ёвузликми, бундан қатъи назар, ҳар қандай ҳодиса ўз даври кишиларининг қалби, онги, шуури, маънавий қудрати маҳсулидир. Демак, унга назар солганда, асрлар силсиласини варақлаганда алоҳида ҳаяжон, алоҳида интиқлик ва зукколик билан қараш керакки, **воқеалар замиридаги мантиқ, фалсафа, руҳият, сиёсат, қўйингки, ҳар даврнинг ўзига хос шукуҳи-ю ташвишлари, севинчу изтироблари** яхлитлиги кўзга яққол ташлансин. Онгимиз ва шууримизга мустаҳкамроқ ўрнашсин. Ана шунда кишини фикрлашга, ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам беради. Тарихнинг тафаккур маҳсули ва улуғ мураббийлиги, олий қадрият эканлиги ана шу билан белгиланади. Бу қадрият, айниқса, мустақиллик даврида яна ҳам олий мақомроқ мавқе ва нуфуз касб этади.

Мустақиллик даври тарихи, юқорида айтганимиздек, ҳали-ҳамон давом этипти. Яъни унинг ҳарорати ҳали онгимизда, қонимизда, руҳиятимизда яшамоқда. Демак, унга шунчаки ўткинчи ҳодиса сифатида қараб бўлмайди. У алоҳида таҳлилни, ҳар бир воқеа атрофида фикр юритишни, тафаккур қудрати билан уларни мумкин қадар теранроқ англашни, мушоҳада қилиб яшашни тақозо этади. Буни муаллифлар қанчалик амалга оширишганини баҳолаш сен — муҳтарам ўқувчининг ҳукмингга ҳавола.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол даври тарихи биринчи марта дарслик шаклида чоп этилмоқда. Унинг 1—7-боблари ҳамда илова қисми сиёсий фанлар номзоди Нарзулла Жўраев ва тарих фанлари номзоди, до-

цент Турсунбой Файзуллаев томонидан ёзилди. Сўнги 8-боб эса тарих фанлари доктори, профессор Қамариддин Усмонов қаламига мансуб. 4-бобда академик С. Камолов материалларидан фойдаланилди.

Албатта, дарслик мустақиллик даври тарихига бағишланган дастлабки иш бўлгани ва жараёнлар ҳали давом этаётгани сабабли у айрим тўлдиришларга муҳтождир. Шунинг учун ҳам муаллифлар мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар ва барча ўқувчиларнинг самимий фикр-мулоҳазаларини, таклиф-истакларини бажонудил қабул қиладилар ва уларга миннатдорчилик билдирадилар.

## 1-б о б. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

### 1-§. МУСТАҚИЛЛИК — ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУ-ИНТИЛИШИ

**Ўзбек халқининг  
мустақиллик учун  
интилиши**

XX аср интиҳосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, ком-

мунистик мафкура деб аталмиш зўравонлик ва тазйиққа асосланган мафкура таназзулга учради. Жаҳонга, Ер юзига ҳокими мулқликни даъво этган СССР жамият сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам парчаланиб кетди. Унинг таркибига кирган иттифоқдош республикалар мустақил давлат мақомини олдилар.

Мустақилликка эришиш ғояси халқимизга азалдан мерос. Бу халқимизга аждодлар орқали минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келмоқда. Президент И. Каримов «...ўзбек миллати азалдан ўз фикр-зикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойий, ўз йўлидан, маслағидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни кунг билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз», — деганда ана шу ҳолатни назарда тутлади. Халқимизнинг узоқ тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганлигидан гувоҳлик беради.

Туркистон тарихий ривожланишнинг ҳамма босқичларида турли шаклда бўлинишларга, халқи эса ўзгалар томонидан таҳқирланишга, камситилишларга дучор бўлган. Халқимизнинг аҳамонийлар, грек-македонияликлар зулмига, араблар истилосига, мўғул-татар босқинчилигига ва ниҳоят чоризм мустамлакачилигига қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракатлари тарих саҳифаларида абадий қолган. Айни чоқда яқин ўтмишда,

совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг Марказга тобелигига қарши, аниқроғи шу даврда миллий мустақилликка эришиш учун тарихий вазиятга қараб гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона олиб борган курашларини янги манбалар орқали ҳам тобора чуқурроқ билиб бораемиз. Бир сўз билан айтганда, халқимиз азал-азалдан ўз фикри-зикри билан мустақил, озод, эркин яшаш учун тинимсиз интилган.

### Мустақиллик тушунчаси

Мустақиллик — тенглик сари қўйилган биринчи қадам. Чунки тенглик бўлмаган жойда ким кимгадир тобе бўлади.

Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Биз сўнгги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик даврида шундай бўлган эди. «Тенглик» сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча тобеликларга чек қўяди.

Мустақиллик — ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, давлатлар ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, умумий мезонлар асосида яшаш демакдир.

Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир.

Мустақиллик — эркин дунёқараш, эркин тафаккур-га суяниб яшаш салоҳиятидир.

Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик билан енгади, дунёнинг шиддатли муаммолар бўрони қаршисида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётгий ҳақиқатни давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин.

Мустақиллик мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз равнақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асо-



сида яшаш демакдир. Агар у ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса ўз қобиғида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тажрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Чунки у доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, такомиллаштириб, онг ва тафаккурни ўстириб борадиган воқеликдир.

Мустақиллик — табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони. Айни пайтда у ҳаракатларнинг, интилишлар ва қобилиятларнинг кучайиши ва рўёбга чиқишини тақозо этадиган ҳодиса. Бу айниқса собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

#### **Тоталитар тузум. Иллатлар ва сабоқлар**

Тоталитар тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида-алоҳида шахсларнинг кундалик турмушига ва истиқболига дахлдор бўлган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни ҳам ўз зиммасига олгани учун меҳнаткаш халқ боқимандалик кайфиятига дучор бўлган эди. У фақат ишлаш ҳуқуқига эга эди, холос. Меҳнат деб аталган ҳиссиз машинанинг мурувватига айланиб қолган эди. Эртадан-кечгача меҳнат қиласан, меҳнатингга яраша очдан ўлмасликка етадиган ҳаққингни оласан, тамом-вассалом. Бу — собиқ Иттифоқда қонун кучига эга бўлган давлат сиёсати эди. Одамзот шунчаки ишлар, шунчаки умр кечирарди, холос. Тириклик деган буюк неъматнинг, ҳаёт деган олий тушунчанинг мағзини чақишга ўзида рағбат ҳам, эҳтиёж ҳам сезмас эди. Бинобарин, ақл билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакат тараққиёти сустлашиб, одамлар турмуш даражаси пасайиб борарди. Ана шунинг ўзи тоталитар тузум иллатларини кўрсатади.

Собиқ Иттифоқда 1985 йилдан бошлаб ҳукм сурган қайта қуриш сиёсати унинг таркибига кирган иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка чиқишига йўл қўймаслик мақсадида қилинган маккорона ҳаракат эди. 1991 йил 19—21 август кунлари юз берган давлат тўнгаришига уриниш, зуравонлик ва тазйиқ ўтказиш

сиёсатини чуқурлаштиришга интилиш бу жараённинг якуни бўлди.

Кейинги йилларда «мустақиллик», «хуррият» деган сўзлар бутун жозибаси билан бирга беқиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсата бошлади. У дунёқарашларимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни, дунёга кенгроқ ва тийракроқ назар билан қарашни, бу кўҳна оламда шўро тузумидан бошқа адолатли тузумлар ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадр қимматини ҳимоя қиладиган ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан, истиқлолнинг буюк моҳияти, беқиёс қадрияти ана шунда. Мустамлакачиликнинг кишилик тарихида андуҳ ва кулфатлар ёғдирган беқиёс фожеаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқтидоридан маҳрум этганида Мустақиллик ана шу инсоний фожеанинг аччиқ мазмунини очиб берди.

**Мустақиллик қадрияти.**

**Унинг тарихий аҳмиёти**

Истиқлол бизга ўзлигимизни англаш имконини берди. Инсон ўзининг бутун моҳиятини, инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшаш мазмун-

моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди.

Ўзлигини англаган киши оламнинг бутун ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон қадр қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Демак, бевосита ички бир даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — мустақилликнинг яна бир мўъжизаси.

Мустақилликнинг асосий қадриятларидан яна бири унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевосита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришдан иборат. Акс ҳолда туб ислоҳотларнинг умри қисқа, тақдир эса фожеа билан тугаши мумкин.

Мустақиллик изтироблар, қон ютишлар исканжасида қолган халқимиз қалбига нур, умидларига қанот, дардларига малҳам бўлиб келди. Мустақилликнинг маънавий-ижтимоий мазмуни, унинг беқиёс моҳияти ана шунда. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб Президент

Ислом Каримов: «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаган олий мақсаддир», деганида том маънода бутун халқимизнинг орзу-умидини, мақсад ва интидишларини ифода этган эди.

### Савол ва тошпириқлар

1. «Мустақиллик ғояси халқимизга азалдан мерос» иборасини қандай тушунасиз?
2. Мустақиллик ва давлат мустақиллиги дейилганда нимани тушунасиз?
3. Тоталитар тузумнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Мустақилликнинг қандай аҳамияти бор?
5. Мустақилликнинг олий қадрияти омма фикрининг уйғониши эканлиги хусусида гапиринг.

### 2—3-§§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ ТОМОН ЙЎЛ ТУТИШИ

Озодликка интилишнинг кучайиши

XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европада мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инкирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошладди. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия Социалистик Республикаси иккига бўлиниб, Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди.

Кўпгина мамлакатларда мустақилликка эришиш масаласи дунёни кенг қамраб олган жараёнга айланди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шу оламшумул жараён таркибида юз берди. «Халқларнинг озодлик, мустақиллик, бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори ҳаётдаги чуқур ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир», — деган эди Ислом Абдуғаниевич Каримов.

80-йиллар охирида республика ижтимоий ҳаётида жонланиш бошланди. Одамлар хилма-хил фикрлар билдириш, дилларидагини ошкора айта олиш имкониятига эга бўла бошладилар. Ўзбек халқининг дилидаги ғоя — мустақиллик ғояси эди, халқ мана шу ғояни кўтарди. Мустақиллик учун ҳаракатда янги тўлқин бошланди. Аммо юртимизда ҳукмрон бўлган Марказдан юборилган «кадрлар тўдаси», уларнинг қош-қовоғига қараб иш юриладиган айрим маҳаллий ожиз раҳбарлар бу ғояга, уни амалга оширишга тўсқинлик қилдилар. Миллий қадриятларимизга нисбатан яна қатағонлик уюштирилди, тўқиб чиқарилган «пахта иши» баҳонаси билан ўн минглаб кишилар жиноий жавобгарликка тортилди ва уларнинг аксарияти қамалди. Тарих тақозоси билан элим, юртим деб ёниб яшаётган Ислом Каримовдек фидойи инсоннинг Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозимига сайланиши бу соҳадаги адолатсизликларга барҳам берилишига олиб келди, адолат тикланди.

И. Каримов халқ хоҳиш-иродасини бажариб, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ишига бошчилик қилди. 1989 йил 21 октябрда Республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида қонун қабул қилди. Сиесий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзбек тили тўла амал қилиши қонунлаштирилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташлаган биринчи қадами бўлди. Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари натижасида марказдан юборилган «кадрлар тўдаси»га зарба берилди, улар Ўзбекистондан бирин-кетин чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Ўзбекистонда раҳбар кадрларни марказдан юбориш, марказнинг розилигини олиш «тажрибаси»га чек қўйилди. Республика раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишини ўз тасарруфига олди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг Мустақиллик сари бораётганини кўрсатувчи далиллардан биридир.

90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг мустақилликка эришишдан иборат азалий орзусини амалга ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди. Мамлакатда шундай вазият вужудга келдики, бир томондан, «Зўравонликка асосланган, маъмурий-буйруқбозликка хос бўлган марказлашган давлат сақланиб қоладими ёки демократик жараёнлар чуқурлашиши эвазига иттифоқдош республикалар суверенитети таъминланадими?» деган масала долзарб бўлиб қолди. Иккинчи томондан, ўша даврдаги марказий давлат

раҳбарияти мамлакат ичкарасидаги вазиятни тўғри ба-  
ҳолай олмайди, миллий республикаларда мустақилликка  
эришишга интилиш тобора кучайиб бораётганининг ол-  
дини ололмай қолди.

СССР Олий Совети ҳам, СССР Президенти ва Ҳуку-  
мати ҳам инқирозий ҳолатдан чиқишнинг йўлини топа  
олмай қолди. Хуллас, 90-йилларнинг бошларига келган-  
да марказ ва иттифоқдош республикалар ўртасидаги  
муносабатлар кескинлашиб, марказий ҳокимиятнинг об-  
рўи пасайиб кетди. Сиёсий, иқтисодий ва ҳўжалик  
ҳаёти бошқарилмай қолди. Оқибатда турмушнинг барча  
соҳаларидаги салбий аҳволдан халқнинг кун сайин но-  
розилиги ортиб, турмуш даражаси ёмонлаша бошлади.  
Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми издан чиқди. Бу  
ҳол табиий равишда халқнинг кўзини очди, энди у  
эскича буйруқбозлик усулини қабул қила олмай қолди.

1990 йилларга келиб республикалар суверенитетини  
ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган тоталитар-буйруқ-  
бозлик бошқарувининг истиқболсиз эканлигини ҳаёт-  
нинг ўзи кўрсата бошлади. Бундай ҳолат собиқ СССР-  
да халқ ҳўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш ҳам-  
да Янги Иттифоқ Шартномасини тайёрлаш борасидаги  
натижасиз қадамларда ҳам ўз ифодасини топди.

1990 йил 6 августда мамлакат Президенти М. Гор-  
бачевнинг «Янги Иттифоқ Шартномасининг асоси си-  
фатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ Дас-  
тури Концепциясини тайёрлаш ҳақида» Фармони эъ-  
лон қилинди. Бу вазифани бажариш учун СССР ва  
РСФСР раҳбарлари томонидан комиссия тузилди. Ко-  
миссияга 1990 йил сентябрдан кечикмасдан Ҳукумат  
Дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

1990 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган СССР Олий  
Кенгашининг IV сессиясида Н. Рижков «Бошқарила-  
диган бозор иқтисодига ўтишга тайёргарлик ва мамла-  
кат халқ ҳўжалигида барқарорликни вужудга келтириш  
ҳақида» маъруза қилди. Унда депутатларнинг аввалги  
фикрлари инобатга олинган вариант ишлаб чиқилгани  
айтилса-да, сессия Ҳукумат Дастурини қабул қилмади.  
Бунинг муҳим сабаби депутатларда Ҳукуматга нисба-  
тан ишончнинг йўқола бориши эди. Айни чоғда Ҳуку-  
мат Дастури собиқ Иттифоқни сақлаб қолишни, шу-  
нингдек иқтисодиётни социалистик йўлдан ривожланти-  
ришни кўзда тугар эди.

Айни пайтда, 1990 йил 11 сентябрда РСФСР Олий  
Советининг II сессияси С. Шаталиннинг «500 кун»

Дастурини қабул қилди. Дастур фуқароларнинг мулкка эгаллик ҳуқуқини, иқтисодий мустақилликни, эркин истеъмол бозори ва унда эркин нархни жорий этишни, корхоналарга мустақил иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқини беришни, иттифоқдош республикаларнинг мутлақ суверенитетини, аҳоли турмуш даражасини пайсайтирмашликни кўзда тутар эди.

Шунга қарамадан СССР Олий Совети 1990 йил 21 сентябрдаги IV сессиясида ҳар иккала Дастурни ҳам қабул қилмади. 1990 йил 24 сентябрда сессия «Халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари»ни муҳокама қилиб, Хукумат Дастури ва С. Шаталин Дастуридан иборат Ягона Дастур ишлаб чиқишни топширди. 1990 йил 18 октябрда сессия: «Бозор иқтисодиётига утиш жаҳон амалиётидан келиб чиққан зарурат, аммо у иқтисодиётнинг социалистик йўналишига зиён етказмайди», — деб хулоса берди.

Демак, 80-йиллар охирига келиб, ҳаётнинг ўзи мамлакат халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишни кун тартибига қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини яратишни заруратга айлантди. Бироқ бу даврда иқтисодиёт орқага қараб кета бошлади ва халқнинг турмуш тарзи, шароити тобора ёмонлаша бораётган эди. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутарди. Бу ҳолатни СССР ижтимоий-сиёсий ҳаётида вужудга келган қуйидаги учта йўналишдаги кучлар манфаатларининг тўқнашуви янада чуқурлаштирмоқда эди.

**Биринчи кучлар** — Н. Рижков ва В. Павлов дастури тарафдорлари. Улар собиқ СССРни сақлаб қолиш, халқ хўжалигини марказдан бошқариш, ҳуқуқни кўпроқ марказда тўплаш ниятида эдилар. Улар иқтисодиётни ривожлантиришда социалистик йўлдан воз кечмасликни талаб қилар эдилар.

**Иккинчи кучлар** — С. Шаталин дастури тарафдорлари. Улар СССРни тарқатиб юбориш, иттифоқдош республикалар ўрнида суверен, мустақил давлатлар тузиш, чексиз хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, колхоз ва совхозларни тугатиб, фермер хўжаликлари тузишни кўзда тутдилар. Бу моҳиятан иқтисодий ривожланишнинг социалистик йўлидан воз кечишни билдирар эди.

**Учинчи кучлар** — бу М. Горбачев тарафдорлари. Улар муроса йўлини қидириб, юқорида тилга олинган

ҳар икки дастур йўналишларини уйғунлаштириш ва СССРни сақлаб қолиш, марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ҳокимиятини йўқотмаслик, «шоковая терапия» усулидан фойдаланиш ғоясини илгари сураб эди. Янги Иттифоқ Шартномасини тайёрлаш ҳам шу мақсадларга йўналтирилган эди. Жумладан, янги Иттифоқ Шартномасида мамлакат номини ҳам «Социалистик Республикалар Иттифоқи» деб эмас, «Мустақил Совет Республикалари», «Мустақил Давлатлар Иттифоқи» деб аташ тўғрисидаги таклифлар ҳам ўртага ташлана бошлади.

Шундай қилиб, собиқ СССР ижтимоий тараққиётида учта йўналиш — тоталитаризм, буржуача трансформация ва социалистик йўналишдаги демократик кучлар тўқнашиб қолган эди. Табиийки, бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида таназзулнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

**Ўзбекистон  
раҳбариятининг  
«Иттифоқ Шартномаси»га  
муносабати**

Зиддиятлар авж олган бир шароитда Ўзбекистон раҳбарияти бу йўналишларнинг номақбул эканлигини аниқ-равшан кўрди ва республика халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг

ўзига хос йўлини мустақил тарзда ўзи белгилай бошлади. Аввало, «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепциясини» тайёрлашга киришилди. Концепция республика Режа Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Унга кўра, «Ўзбекистон халқ хўжалигини соломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари» ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

1990 йил 29 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг III сессиясида бу масала юзасидан Ҳукуматнинг ҳисоботи эшитилди. Олий Кенгаш сессияси «...вужудга келган аҳволдан чиқишнинг йўли... республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш асосида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштиришдан иборат» деб ҳисоблади.

Шунинг учун ҳам сессия республика Ҳукумати Дастурини маъқуллади ва Ўзбекистон Министрлар Сове-

тига Ўзбекистон ССР мулкига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари юзасидан республиканинг суверен ҳуқуқларини амалга оширишнинг самарали амал қилувчи механизмини яратиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлашни топширди. Шунингдек, 1991 йилнинг 1 июнигача Ўзбекистон Олий Советига иқтисодий тизим масалалари ва ер, ер ости ҳамда бошқа табиий бойликларни, ишлаб чиқариш корхоналарини Ўзбекистон ССР мулкига ўтказиш бўйича Ўзбекистон ССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида Қонун лойиҳаси киритиш вазифаси қўйилди.

Ҳукумат Дастурига кўра, қуйидагилар Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг асосий йўналишлари қилиб белгиланди:

«Мустақил давлат бўлиш Ўзбекистон:

— бошқа республикалар билан мувофиқлаштирилган мустақил ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни, халқ хўжалигини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш соҳасида суверен ҳуқуқларини амалга оширади, хўжалик турмуши ва маданий турмушдаги миллий ўзига хослик сақланиб қолишини таъминлайди;

— бошқа республикалар билан ўзаро иқтисодий алоқаларни эквивалентлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустақил ҳал этади, бу алоқаларни мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси доирасида ўзаро шартномалар ва битимлар билан тартибга солади».

Умуман, Ўзбекистон раҳбарияти СССР Ҳукуматига Ўзбекистоннинг шошилиш бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги кўрсатмасига эътироз билдириб, бу республика шароити учун бозор иқтисодиётига бирданга ўтиш тўғри келмаслигини ва бозор иқтисодиётига аввало аҳолини, биринчи навбатда, унинг кам таъминланган қатламни ижтимоий қафолатлаб, аста-секин ўтиш борасида Ўзбекистон ўзи мустақил ҳаракат қилишини маълум қилди.

1990 йил 29 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Иттифоқнинг янги шартномаси ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш программасининг асосий қоидалари ва йўл-йўриқларига нисбатан республиканинг тутган ўрни тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб бу борада шошилмаслик лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Олий Совет Президиуми Иттифоқнинг янги шартномасини тузиш ҳамда бошқарила-



диган бозор иқтисодиётига ўтиш дастури бўйича тайёрланган таклифлар биринчи туркумини чуқур ўрганиб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Олий Совети, Компартия Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларига юборди.

Кўрииб турибдики, янги Иттифоқ Шартнома лойиҳаси аввалги йиллардагидек дарҳол республика томонидан қувватланмади, бу ерда биринчи навбатда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ҳимоя қилиниши назарда тутилди. Янги Иттифоқ Шартномасини: «У Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига зарар етказмайди-ми?» — деган нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда имзолаш кўзда тутилди.

**Ўзбекистоннинг иқтисодий  
мустақиллик ва сиёсий  
суверенитет учун амалий  
ҳаракатлари**

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий мустақилликни амалга оширишни назарда тутадиган муайян концепция ишлаб чиқди.

Концепцияга биноан, СССР марказий идораларидан фарқли ўлароқ, 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида Ўзбекистон дадиллик билан иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенитетни қўлга киритиш учун амалий ҳаракат қила бошлади. Айни чоқда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва сиёсий суверенитетини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун ҳам аниқ чоралар кўрилди. Бу борада халқнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинди. Масалан, 1989 йил 20 октябрда ўн биринчи чақирिқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш» тўғрисидаги масала махсус муҳокама этилди. Сессияда шу масала юзасидан республика Олий Совети Раиси маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун давлат механизмнинг ҳамма бўғинлари Республика Олий Советига бўйсунганини назарда тутиши алоҳида таъкидланди. Республика Олий Советига энг олий назорат қилувчи идора сифатида Ўзбекистон ССРнинг юқори мансабдор шахсларини, шу жумладан, Олий Совет Раисини сайлаш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, ҳукумат аъзолари ва бошқа раҳбар лавозимдаги кишиларни тасдиқлаш ёки тайинлаш

ва зарур бўлганда уларни муддатидан олдин лавозимидан қақриб олиш ҳуқуқи берилди. Ҳукуматнинг бир йилда камида бир марта Олий Совет олдида ҳисоб бериши мажбурий қилиб қўйилди. Шунингдек, Олий Совет бюджетни назорат қилиш, министрлик ва идоралар ишини текшириш, депутатлар сўровини муҳокама қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқадиган бўлди.

Конституцияга киритилган бу ўзгартиришлар республика давлат ҳокимиятининг олий идорасига мустақил давлат олий идорасига хос зарур ваколатларни берди. Аини чоқда бу ваколатлар унинг адолат бузилган ҳамма жойда зудлик билан адолатни тиклаш, жамият турмушида юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш имкониятини ҳам берди.

Қонун яна шуниси билан аҳамиятли эдики, Республика Олий Советини Ўзбекистоннинг Иттифоқда эркин, ҳар томонлама ривожланиши учун кафолат берадиган ваколатлар билан ҳам таъминлади. Илгари бу ваколатларнинг кўпчилиги фақат Иттифоқ идораларининг ҳуқуқи ҳисобланар эди. Масалан, 102-моддада кўзда тутилган «мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалигини ва социал-маданий қурилишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлашни, нарх белгилашни, солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни, шунингдек бир қанча бошқа ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан республикада тартибга солиш» шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам Конституцияга киритилган бу қўшимчалар депутатлар томонидан яқдиллик билан кутиб олинди.

Республика раҳбариятининг Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетини таъминлашга қаратилган қатъий позицияси И. А. Каримов томонидан 1980 йиллар охиридан бошлаб бир неча марта кўндаланг қилиб қўйилди. Жумладан, у КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 20 сентябрда Москвада бўлиб ўтган Пленумида дадил тарзда: «**Биз иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз**», — деб таъкидлади. Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1990 йил 23 мартдаги Пленумида Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишининг асосий йўлларини кўрсатиб: «**Сиёсий системани янгилаш масалаларини Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммолари-**

дан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас. Бизда бундай мустақиллик учун шарт-шароит бор», — деган фикрни билдирди.

Дарҳақиқат, 1980 йилларнинг охирларидан бошлаб республикада иқтисодий ва сиёсий суверенитет учун қадам-бақадам чора-тадбирлар кўрилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети 1989 йил 25 ноябрда бўлган сессиясида «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат шани тўғрисида»ги масалани муҳокама қилар экан, республиканинг иқтисодий мустақиллигига оид муҳим тадбирларни белгилади.

Сессияда республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган қуйидагича қарор қабул қилинди: «1990 йилда совет ва хўжалик органлари, илмий муассасалар ишининг муҳим йўналиши республикани ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципига ўтишга тайёрлаш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат, деб ҳисоблансин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу иш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал ресурсларини ҳамда амал қилиш имкониятлари — структурани тубдан такомиллаштириш ва унинг илмий-техникавий ҳамда ташкилий даражасини ошириш имкониятларини ҳар томонлама қараб чиқсин... амалга оширилаётган сиёсий система ислоҳотини, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда республиканинг иқтисодий суверенитетини кенгайтиришнинг асосий йўллари белгиласин».

Ўзбекистон сиёсий тизимдаги ўзгаришлар

1990 йил 23 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети ма-

салаларига оид муаммоларни таҳлил этишга ва концепцияларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилди. Пленум янгиланаётган сиёсий тизимда республика Компартиясининг ўрни ва мавқеи, унинг давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабати принциплари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиб, буйруқбозликдан, маъмуриятчиликдан воз кечиш лозимлигини уқтирди. Шу билан бирга Пленум республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб

чиқишни ҳаёт тақозо қилаётганлигини кўрсатиб, «реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражаларидаги комитетларидан халқ депутатлари Советларига берилиши билан боғлиқ барча қийинчиликларни енгиб ўтишлари лозимлигини таъкидлаб, юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳамият касб этади», — деб таъкидлади.

Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик шакли масаласи кўтарилди. Республикада бошқарувнинг айна мана шундай шакли жорий этилиши, аввало, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш воситаси сифатида жорий қилинди. Энг муҳими, Президент муассасасининг жорий этилиши республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтишни билдирар эди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, айна шу пайтда кенг миқёсда тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларида ижро механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат қилиш масалалари ҳам катта аҳамият касб этмоқда эди. Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми Президентлик лавозими ташкил қилишни республика Олий Совети сессиясига таклиф қилди.

1990 йил 24 мартда XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сессия яқдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Қаримовни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ерда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш борасида қўйилган дадил қадамлардан дастлабкиси эди. Чунки узоқ йиллар мобайнида йиғилиб қолган миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари бу вақтга келиб ниҳоятда кескин тус олган эди. Ҳаёт республиканинг келажаги, халқ тақдири ва турмушининг, Ўзбекистон фуқаролари келажак авлодлари ҳаётининг тўқислиги, тинчлик, осойишталик муаммоларини изчил ҳал этиш-

ни кўрсата бошлади. Ўзбекистон олдидаги мана шу долзарб муаммоларни ҳал этишда Президент лавозими кенг имконият очар эди.

Республиканинг биринчи Президенти И. А. Каримов сессияда «Бу катта ишюнч учун ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман, мен буни, энг аввало, ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиламан. Ҳар бир гражданинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш йўлида катта масъулият деб тушунаман», — деди.

И. Каримов Президент вазифасига тўхталиб, бундай деди: «Ўзбекистон Президенти сифатидаги ўзимнинг асосий вазифаларимни нимадан иборат деб биламан? Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш, шунингдек, «Президент бошқаруви»нинг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини-ўзи идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир. Айни чоқда меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республика давлат ҳокимияти органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир».

Шу тариқа Президент энг қийин ва қонли тўқнашувларни бошдан кечирган халқ олдида бутун масъулиятни очиқ-ойдин ўз зиммасига олди. Шу билан бирга Президент ўз фаолиятининг марказида халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий, жисмоний такомилга эриштириш турганлигини ҳам алоҳида уқтирди.

«Мустақиллик  
Декларацияси»нинг қабул  
қилиниши. Унинг тарихий  
аҳамияти

Ҳап Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида борганда, шубҳасиз, Ўзбекистон Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхташ лозим. Зеро, бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида

қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири эди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Декларацияни қабул қилишда республика Олий Совети депутатлари фаоллик кўрсатдилар. Ўзбекистондаги тарихий шарт-шароит ва вазиятни ҳисобга олган 200 дан ортиқ депутат ~~ХII чақириқ республика Олий Советининг иккинчи сессияси (1990 йил 18 июнь) бошланғичлаёқ Мустақиллик Декларацияни қабул қилишни кун тартибига киритишни ва уни кечиктирмасдан шу сессияда қабул қилишни талаб қилдилар.~~

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсати аъзолари, комиссия раислари ва муовинлари «Мустақиллик Декларацияси» хусусида фикрлашиб, депутатлар фикрини олиш ва сўнг уни сессияга олиб чиқиш лозим деб топдилар. 19 июнь кuni 40 дан ортиқ депутат, доимий комиссияларнинг раислари ҳуқуқшунослар тайёрлаган Декларация матнини батафсил кўриб чиқди. Натижада бу масала 20 июнь кuni сессияда кун тартибига киритилди.

«Мустақиллик Декларацияси» депутатлар томонидан модда-модда, бандма-банд муҳокама қилинди, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қoидаси билан кафолатланиши қайта-қайта таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинishi уқтирилди.

Натижада сессияда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси»нинг кириш қисмига қўйидагича ёзиб қўйилди: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қoидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади».

Шунингдек, биринчи моддада: «Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча тапқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир», — деб белгилаб қўйилди. Сессия қабул қилган бу «Муста-

қиллик Декларацияси» халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Сурхондарё вилояти, Куйбишев сайлов округидан сайланган депутат И. Файзуллаев ўз ҳис-туйғуларини ифодалаб бундай деган эди: «Халқимиз қарсақ чалиб, жойимиздан туриб, бутун вужудимиз билан берилиб, «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилдик. Бу вазиятни бутун Ўзбекистон халқи кўриб турди. 70 йил давомида Ўзбекистон ишлаб топган маҳсулотларини, бор хом ашёсини ўзи емай бошқа республикаларга бериб келди. Энди мустақилликни қўлга киритай деганда... орқага қайтмаслик лозим».

Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди.

Бу борада баъзи мисолларни келтириш ўринлидир. Масалан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганлигини 1991 йил 17 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларида ҳам яққон кўриш мумкин. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати йиғилиши бўлиб, унда ССР Олий Кенгаши томонидан белгиланган референдумда овоз беришга мўлжалланган асосий бюллетень билан бирга «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли республика бўлиб қолишига розимисиз?» деган савол қўйилган қўшимча бюллетень киритишга қарор қилинди. Бюллетендаги ушбу матн ўзгартирилиши мумкин эмас, деб белгиланди.

Олий Кенгаш Раёсати вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўлажак референдумда Ўзбекистоннинг мустақил бўлишига муносабат билдирувчи ушбу бюллетень матни юзасидан кенг меҳнаткаш омма ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришни топширди. Бу ишларга ҳуқуқшунослар, мутахассислар, зиёлилар вакиллари кенг жалб қилиш тавсия қилинди.

Референдум якуни шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида бўлишига доир қўшимча бюллетень бўйича 9215571 нафар киши ёки овоз берувчиларнинг 93,9 фоизи овоз берди.

Шундай қилиб, референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилигида Ўзбекистонни мустақил республика сифатида кўриш хоҳиши борлигининг ўзиёқ

республика раҳбариятининг бу борадаги дадил куч-гайратини қўллаб-қувватлаш ифодаси эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари ҳам дадил бошлаб юборилди. 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонунлар, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига бевосита қаратила бошлади.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, республикада қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифоқ қонунига мослаштириб эмас, балки республика манфаати ифода этилганлиги билан ажралиб тура бошлади. Жумладан, 1991 йилнинг 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш» тўғрисида қабул қилган қарори ҳам Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар ташлаганлигининг далилидир. Бу халқ томонидан ҳам қониқиш билан кутиб олина бошлади. Масалан, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти 1991 йил февраль ойида Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидаги 10 та саноат корхонасида 400 ишчи билан социологик сўров ўтказди. Сўралганларнинг 67,8 фоизи мамлакатдаги иқтисодий аҳвол яхшиланмайди, деб, 72 фоиздан ортиғи эса ҳаётдан қониқмаётганлигини билдирган. Ишчиларда собиқ Марказнинг социал-сиёсий тартиботларига ишонмаслик вужудга келди. Масалан, «Умумиттифоқ ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларига сизнинг муносабатингиз қандай?», — деб берилган саволга 4,5 фоиз киши: «Ўз умидимни умумиттифоқ давлат идоралари билан боғлайман», 32,5 фоиз ишчи эса: «Республика давлат органлари билан боғ-



лайман», — деб жавоб берди. Ушбу жавоблардан ҳам кўриниб турибдики, кишиларда умумиттифоқ идораларига эмас, балки республика давлат идораларига, табиийки, республиканинг мустақил ривожланишига бўлган ишончи тобора орта бошлади.

### Савол ва топириқлар

1. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги қандай воқеалар мустақиллик учун ҳаракатнинг янги тўлқини бошланганидан дарак берарди?
2. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг аҳамияти ҳақида сўзланг.
3. Тоталитар тузум инқирози нима ва у қачон бошланди?
4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг объектив зарурият эканлигини тушунтиринг.
5. «Янги иттифоқ шартномаси»ни тузишдаги ҳаракатлар қандай натижа берди.
6. Республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи дастлабки эволюцион йўлни тушунтиринг.
7. Иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминловчи ҳуқуқий асосларни яратишда қандай чоралар кўрилди?
8. Сиёсий тизимда қандай ўзгаришлар қилинди?
9. Президентнинг халқ олдидаги масъулиятини қандай тушунаси?
10. «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзланг.
11. Референдум нима? Ўзбекистонда биринчи референдум қачон, қандай масалада бўлди?

### 4-§. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ

Давлат тўнтаришининг  
уриниш. Ўзбекистон  
ҳукумати унга  
муносабати

Собиқ Марказни кучайтириш, ҳокимиятни марказда сақлаб қолиш тарафдорлари ўз мақсадларини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари, СССР халқ депутатлари съезди ва

Олий Совет сессияси минбарларидан кенг фойдаландилар. Айни чоқда улар бошқа усуллардан: намоёнлар ўтказиш, митинглар ташкил қилиш, ҳатто, ғайри конституциявий йўллар орқали давлат тўнтариши қилиш билан бўлса-да, барча ҳуқуқни Марказда тўплаш, аввалги буйруқбозлик усулини сақлаб қолишга ҳаракат қилавердилар.

1991 йилнинг 19—21 августида Москвада давлат тўн- тариши қилишга уриниб кўрилди. Фавқулдда ҳолат давлат кўмитаси тузулиб СССР Президенти М. Горба- чев зўравонлик билан ўз вазифасидан четлаштирилди. Фитначилар Президент ваколатлари вице-президент Г. Янаевга ўтказилганлигини эълон қилдилар. Уларнинг мақсадлари Иттифоқ ҳудудида яшовчи барча халқлар- нинг мустақилликни қўлга киритишларига, ўз тақди- рларини ўзлари ҳал қилишларига йўл қўймаслик эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тўнтаришни уюштирган кишилар мамлакатда юз берган бошбошдоқлик ва па- рокандалик юқори чўққига чиққан бир пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди. Аммо қайта қуриш йилларида кўзи очилган халқни энди эски тузум дои- расида қолдиришга, унга эскича буйруқбозлик қилиш- га уриниш беҳуда эди.

Бутун мамлакат учун фожиали бўлган ўша кунлар- да Ўзбекистон раҳбарияти, партия, совет ташкилотла- ри, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, халқ сайлаган депутатлар, барча софдил кишилар, халқни матонат ва осойишталикка даъват қилдилар. Улар бар- қарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш, республика ҳудудида фавқулдда ҳолат жорий этилишига йўл қўймаслик, Конституцияга қарши давлат тўнтариши- ни қўллаб-қувватлаш йўлидаги ифвогарона ҳаракатларга учмаслик учун ўзларининг бутун имкониятларидан фойдаландилар.

Фаоллар билан учрашувларда республиканинг дав- лат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация ва конститу- циявий тузум қондаларига риоя қилинажаги айтилди. Халққа Марказдан ҳар қандай кўрсатмалар, турли ваъда- лар берилиши, дағдағалар қилинишига қарамай, рес- публика ўз сиёсий йўлидан қайтмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон сафаридан қайтиши биланок, 19 август кuni кечкурун Тошкент шахрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти Марказдан бериладиган қонунга хилоф бўлган ҳар қандай кўрсатмаларни бажар- ишни ман этди. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳу- зуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарла- ри иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда фитна муносабати билан вужудга келган вазият муҳокама қи-

линиб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди. Баёнотда республикада вазият барқарор эканлиги ва фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳожат йўқлиги таъкидланди. Унда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳар қандай ифвогарона ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳамма жойда қаттиқ интизом ва тартибни сақлаш вазифалари илгари сурилди. Баёнотда Ўзбекистон Мустақиллик Декларацияси қоидаларини амалга ошириш йўлида бораверади, деб кўрсатилди.

Шу кунги Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Мурожаатда Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканлиги яна бир бор алоҳида уқтирилди. Жумладан, унда «Ўзбекистон жумҳурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бировнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марқаздан, бошқа баъзи бир жумҳуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириклар, давъатлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, ҳуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлдир», — деб қатъий таъкидланди. Шунингдек, турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларни ҳал этиш учун куч ишлатиш, энг аввало, ҳарбий куч ишлатиш очиқ-ойдин қораланди. Президент халқни оғир синовлардан ўтаётган бир пайтда сабр-тоқатли, бардошли ва вазмин бўлишга, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашишга чақирди.

1991 йил 21 август кунги Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келалиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ислом Каримов Фавқулодда ҳолат давлат кўмитаси фаолиятига ўз муносабатини билдирмаган, кўрқоқ ва принципсиз мавқеда турган КПСС Марказий Кўмитаси Сиёсий Бюроси ва Котибияти юз минглаб коммунистларнинг шаъни ва қадр-қимматини зарба остига қўйганини қоралади. Бунинг устига республика коммунистларини чалғитишга ва давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлашга мажбур қилишга уриниш бўлганини ошкора айтди. И. Каримов бундан буён КПСС Марка-

зий Кўмитаси Сиёсий Бюросининг таркибида қола олмаслиги тўғрисида баёнот берди. Мазкур баёнотни Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсати маъқуллади.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонида биноан Республика ички ишлар вазирлиги та Давлат хавфсизлиги кўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик кўмитаси, прокуратураси, адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай ҳоли қилинди.

Ўзбекистон — мустақил  
давлат

Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилиятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир рес-

публика ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди. Чунки ҳар бир миллий республиканинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназзулдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун ҳақиқий мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, ҳар бир республика сўзда эмас, балки амалда тенглар орасида тенг бўлиши лозим эди.

Республика Олий Кенгаши 1991 йил 26 август кунини Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси ва Марказий назорат кўмитасининг 28 августда бўлган қўшма Пленуми Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқасини тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекис-

тоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И. А. Каримов маърузаси тингланди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида Марказий Ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилди. 19—21 август кунлари Москва Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси аъзоларининг одамлар бошига азоб-уқубатлар солиш, бутун-бутун халқларнинг озодлигини, республикалар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўлганликларини халққа рўй-рост билдирди. Алғов-далғовли кунларда ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли ва мақсади борлиги, бу халқ манфаатига мос йўл эканлиги, қандай шароит бўлмасин, ундан қайтмаслиги айтилди. Президент ўз маърузасида мустақил давлатлар мақомига тўхталиб қуйидагиларни таъкидлади: «**Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул тошган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатил, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни тақлиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини тошган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқалласдир».**

Олий Кенгаш депутатлари моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди.

Сўнгра «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Олий Кенгаш мазкур Баёнот орқали халқа-

ро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, республика халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Олий Кенгаш сессияси «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда: «1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин», — деб қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун ғоят катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун бу муҳим ҳужжат ҳақида батафсил тўхтаб ўтиш лозим. Мазкур қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳужжат республика учун вақтинча конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. 17 модладан иборат ушбу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб берди.

1-моддада Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидagi Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил демократик давлат деб эълон қилинди.

2-моддада Ўзбекистон Республикасининг халқи суверен эканлиги ва у республика давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби эканлиги таъкидланди.

3-моддада Ўзбекистон Республикасининг тўла давлат ҳокимиятига эгаллиги, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаши қонунлаштирилди.

5-моддада Ўзбекистон Республикасида Конституция, унинг қонунлари устун эканлиги ва давлат идораларининг тизими, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби белгиланди.

8, 12, 14-моддаларда Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асослари изоҳлаб берилди.

13, 14-моддаларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий алоқаларидаги мустақиллиги шарҳланди.

15-моддада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига мувофиқ ҳолда республика фуқаролиги жорий этилиши, у фуқаролар миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши, қайси динга мансублигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқларга эгаллиги ва улар республика Конституцияси қонунлари ҳимоясида бўлишлари қонунлаштирилди.

16-моддада давлат рамзи бўлган герб, байроқ ва мадҳия ҳамда давлат тили ҳақида гапирилса, 17-моддада эса Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон билан муносабатлари хусусида сўз бориб, Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг ҳудудий яхлитлигини тан олиши ҳақида фикр юритилади, унинг Ўзбекистон таркибида эканлиги эътироф этилади (бу моддада Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўзаро муносабатлари икки томонлама тенглик асосида таркиб топиши кераклиги қонунлаштирилган). Шунингдек, бу моддада Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида чиқиб кетиши мумкинлиги ҳам эътироф этилган.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши Мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқларнинг натижаси ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ушбу Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессиясида қабул қилинган қарори билан Конституциявий Қонун мақоми берилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддаларига «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг моддаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин».

Шу тариқа қонун тарзида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган Ўзбекистон мустақиллиги барчанинг дилини қувончларга тўлдирди. Тошкентдаги Подъёмник ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 21-сэйлов округидан Ўзбекистон халқ депутати Ботир Қосимов сессия якунида сўзга чиқиб, шундай деди: «Яширмайман, мустақиллик ҳақида гап-сўз кўп эди-ку, лекин

ишнинг амалий қисмига келганда силжиш йўқ эди. Ниҳоят республикамиз Олий давлат ҳокимияти жуда муҳим қонун, давлат мустақиллиги тўғрисида ҳужжатни қабул қилди. Энди мана шу ҳар биримизга қувонч ва ифтихор туйғуларини олиб келган қарорни амалда қувватлашимиз зарур».

Олий Кенгашда Давлат рамзлари ҳақидаги масала ҳам кўрилди ва қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. Ун иккинчи чақириқ Олий Кенгаши II сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг Янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсин.

2. Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин.

Шу тариқа, халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, рўёбга чиқди. Узоқ йиллар давом этган кураш натижасида мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутеликдан, асоратдан қутилди. Дунё харитасида яна битта мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон тарихида янги давр — миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлари учун муносиб турмуш яратиш имконияти вужудга келди.

### Савол ва топшириқлар

1. Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг мақсади нима эди?
2. «Фавқулодда ҳолат» юз берганда Ўзбекистон раҳбарияти қандай йўл тутди?
3. Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонининг моҳияти нимада?
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида қандай масалалар кўрилди, қандай ҳужжатлар қабул қилинди?
5. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун ҳақида сўзлаб беринг ва дафтарингизга ёзиб қўйинг.
6. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти»да нималар дейилган?
7. Қайси кун Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб белгиланди, у қандай ҳужжатда кўрсатиб берилди?



**5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УМУМХАЛҚ ТОМОНИДАН  
МАЪҚУЛЛАНИШИ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВЛАТ  
РАМЗЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ**

**Ўзбекистон  
мустақиллигининг  
умумхалқ ва жаҳон  
жамоатчилиги томонидан  
қўллаб-қувватланиши**

Ўзбекистон Республикаси-  
нинг давлат мустақиллиги  
эълон қилинганидан кейин-  
ги тарихий вазият шундай  
эдики, энди давлат, халқ ўз  
тақдирини ўзи томонидан  
белгилайди, деб эълон қи-  
лиш етарли эмас эди. Ўзбе-

кистоннинг Давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонун-  
лар маъносини англамоқ, айти пайтда мустақиллик  
ғоясини ҳам фақат бир томонлама нуқтаи назардан  
келиб чиқиб талқин қилиб бўлмасди. Бинобарин, эри-  
шилган мустақилликни собитқадамлик билан мустақ-  
камлаш, бунинг учун курашиш лозим эди.

Ўзбекистон эришган истиқлолни мустақкамлаш  
учун, аввало, халқнинг фикрини билиш, мустақиллик-  
ка муносабатини аниқлаш зарур эди. Шу мақсадда Ўз-  
бекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сес-  
сияси 1991 йилнинг 18 ноябрида «Ўзбекистон Респуб-  
ликаси референдумини ўтказиш тўғрисида» қарор қа-  
бул қилди. Қарорда куйидагилар белгиланди:

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба кuni Ўзбекистон  
Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги  
масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг рефе-  
рендуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала  
куйдаги таърифда киритилсин: «*Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбеки-  
стон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқу-  
лайсизми?*»

Референдумга катта тайёргарлик кўрилди. Референ-  
думни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Марка-  
зий сайлов комиссияси, 13 округ, 7 минг участка сай-  
лов комиссиялари тuzилди. Улар жойларда референдум  
ўтказиш ҳақидаги Қонуннинг сўзсиз бажарилишини  
таъминлаш борасида катта ташкилотчилик ишларини  
олиб бордилар. Умумхалқ референдумида 9 миллион  
898 минг 707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилган-  
ларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Ўзбекистон Респуб-  
ликасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини ёқ-

лаб 9 миллион 718 минг 155 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди. Демак, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан яқдиллик билан маъқулланди. Шунини айтиш керакки, референдум бутун республика ҳудудида қонун асосида ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик, фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги билан ўтди. Буни референдумда АҚШ, Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган мустақил кузатувчилар ҳам тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил республика деб эълон қилиниши фақат мамлакат халқи эмас, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам қониқиш билан кутиб олинди. Буни мустақиллик кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига келган табриклардан ҳам билса бўлади. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг ўша пайтдаги Президенти Жорж Буш И. Каримов номига юборган телеграммада шундай дейди: «Қадрли жаноб Президент, СССР тарқатилгандан сўнг, Сизнинг мамлакатингизда юз берган тарихий ўзгаришлар муносабати билан шунини маълум қилиш менга қониқиш берадики, Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олди».

Шунингдек, Швеция Бош вазири Карл Билодт ўз телеграммасида: «Швеция ҳукумати номидан Швеция ҳукумати Ўзбекистон Республикасини суверен ва мустақил давлат сифатида тан олиш ҳақида қарор қилганлигини маълум қилишдан бахтиёрман. Шу муносабат билан Швеция ҳукумати номидан Ўзбекистон халқига эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман», — деган илиқ истақлар билдиради.

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг қабул қилиниши мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон байроғи халқаро ташкилотлар қароргоҳларида, хорижий мамлакатлар пойтахтларида ҳилпираб турибди. Ўзбекистон мадҳияси жаҳон узра янграб турибди. Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлган кундан оқ дастлаб мустақилликка эришган Болтиқбўйи республикалари билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида муносабат ўрнатиш учун ҳаракат бошлади, 1991 йилнинг 30 сентябрида республика Олий Кенгаши Латвия, Литва ва Эстония республикалари мустақиллигини эътироф этиш тўғрисида қарор ва шу республикалар Олий Кенгашларига Мурожаатнома қабул қилди. Жумладан, Латвия Республикасининг Олий Кенгашини, бутун халқини Лат-

вия тўла давлат мустақиллигига эришганлиги, у халқаро кўламда кенг танилганлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги билан табрикланди. Табрикномада, жумладан, шундай сўзлар битилган эди: «Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар анъанавий дўстлик руҳида бўлиб, хайрихоҳлик ва иккала республиканинг суверенитетини тан олиш принципларига асосланади. Мустақил Ўзбекистон бундан буён тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида ҳар томонлама иқтисодий ва маданий алоқаларни сифат жиҳатидан янги даражада давом эттириш ниятида. Латвия халқига мустақил демократик давлат қурилишида катта муваффақиятлар, бахт ва равнақ тилаймиз».

Худди шу мазмундаги мурожаатномалар Латвия ва Эстония Республикалари Олий Кенгашлари номига ҳам юборилди. Мустақиллик қўлга киритилган даврдан бошлаб Ўзбекистон тарихида мутлақо янги давр бошланди.

Ўзбекистон ўз суверенитетини қўлга киритгандан сўнг бу ҳақда республика ичкарасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам айрим кишилар турлича қарашларни илгари сурдилар. Жумладан: «Ўзбекистон осонгина, курашсиз мустақил бўлиб олди», — деган фикрлар пайдо бўлди. Тўғри, 1991 йилнинг ўрталарига келиб собиқ СССРнинг емирилиши, Иттифоқ ҳукумати эса бошқарув жиловини қўлдан чиқариб юборганлиги туфайли мустақилликка эришиш учун қулай тарихий шарт-шароит пайдо бўлди. Бироқ, тарихий тажриба шуниси исботладики, ўта мураккаб раҳбарлик сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири ҳал қилувчи қадамни тўғри белгилаш, фақат қулай вазият вужудга келгандагина қатъий ҳаракат бошлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти ана шундай вазият вужудга келганда донолик билан ҳаракат қилди, энг қулай пайтдан дадиллик билан фойдаланиб, республиканинг давлат мустақиллигини эълон қилди.

**Давлат рамзлари —  
мустақиллик асоси**

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ мустақил давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида, Давлат гербининг нусхаси ва Давлат мадҳиясининг мусиқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясининг экс-

перт гуруҳига Давлат байроғининг вариантлари устида ишлашнинг давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли кўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроғи, Давлат мадҳияси ҳақида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, навбатдаги сессияга тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ўзининг халқаро талаблар ва меъёрлар доирасида қиёфасини кўрсатмоғи, бунинг учун эса ўзининг бутун имкониятларини, ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи давлат рамзларига эга бўлмоғи лозим эди. Одатда рамзлар шунчаки ранглар йиғиндисидан иборат бўлган шакллар эмас, улар айна ана шу давлатнинг ва шу мамлакат фуқароларининг ўзлигидан келиб чиққан, қолаверса, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этмоғи керак.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ана шу муҳим сиёсий ҳодисага алоҳида эътибор билан қаради. Чунки жуда қисқа фурсатда ўз мустақиллигини қонун билан мустаҳкамлаб, унинг жаҳон ҳамжамиятида тан олиншига эришиш тарихий-оламшумул воқеа эди. Бир қатор ёш мустақил мамлакатларда турли сиёсий қарашлар жазавага келиб, фикрлар чувалашиб, «калаванинг учи топилмай қолган» бир пайтда Ўзбекистон ўзининг ҳар бир кунига ва олис истиқболига қатъий ишонч билан қаради, шунинг учун ҳам у, энг аввало, давлат рамзларини қабул қилиб, дунёга кўз-кўз этиб, уни тан олдириш йўлидан борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессияси «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида» Қонун қабул қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар туғларига хос бўлган энг яхши анъаналарни, ғояларни давом эттирган, улуғ аждодларимизнинг ақида ва маслақларига мос келган, қарашларини давом эттирган ҳолда миллат табиати ва халқимиз руҳиятидан келиб чиқиб, унинг миллий ва маънавий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирмоғи керак эди.

Байроқдаги **новий ранг ҳаётимиз мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзидир**. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, шон-шухрат ва садокатни билдиради.

Мовий ранг шарқда азалдан қадрланган. Амур Темур ҳам ўз байроғига шу рангни танлаган.

Байроқдаги Оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат йўлининг мусаффо, бегубор ва чароғон бўлиши учун яхши ният ифодаси.

Қизил йўллар — бу ҳар бир тирик жоннинг қон томири, унда жўш уриб турган ҳаётий куч, тириклик рамзи.

Яшил ранг — Ўзбекистоннинг саховатли ва табаррук тушроғи, гўзал табиасти тимсоли, одамларни атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ундайди.

Ярим ой — ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мос келади. Ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмон ва тинчликнинг ифодасидир.

12 та юлдуз тасвири — қадимдан мукамаллик, баркамоллик тимсоли.

Хуллас, мамлакатимиз давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажакнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби» тўғрисида Конун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга.

Герб марказидаги ҳумо қуши — бахт саодат ва эрк-севарлик рамзи.

Гербнинг юқори қисмидаги саккиз қиррали юлдуз республикамизнинг собит ва барқарорлиги тимсоли сифатида тасвирланган.

Қуёш — давлатимизнинг йўли ҳаммаша нурафшон бўлиши билдирилган яхши ният, айна пайтда у Ўзбекистоннинг ноёб иқлимга эга мамлакат, серқуёш ўлка эканлигини билдиради.

Бошоқлар — ризқ-рўзимиз тимсоли, тўкин-сочинлик ифодаси. Опшоқ пахта — Ўзбекистон донғини дунёга таратган бебаҳо бойлигимиз рамзи.

Бугдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг Давлат байроғига лента бўлиб ўралганлиги Ўзбекистонда яшаётган халқлар дўстлиги ва яқдиллиги ифодаси ҳисобланади.

Герб рангли тасвирда бўлиб, ҳумо қуши — кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар — тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар — яшил рангда, тоғлар — ҳаво рангда, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз — оқ

рангда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента — тўрт хил рангда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг 1992 йил 10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шоир Абдулла Орипов ва бас-такор Мутал Бурҳонов томонидан тайёрланган мадҳия варианты тасдиқланди.

### Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон  
Оламни маҳдиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқдол машғали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон!  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳдиё айлаган диёр.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 16 июндаги Фармониға мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалаға киритилди.

**Мустақиллик — ўзбек  
халқининг оламшумул  
ютуғи**

Мустақиллик бу инъом эмас,  
балки бутун халқнинг, мил-  
лионларнинг узоқ йиллик  
интилиши туфайли қўлга ки-  
ритилган буюк ғалаба. Зотан,  
Ўзбекистоннинг давлат мус-  
тақиллигига эга бўлганлиги катта тарихий аҳамиятга  
эга воқеа ҳисобланади.

**Биринчидан**, шуни уқтириш лозимки, ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби, эгаси, хўжайини бўлиб қолди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон мустақиллиги республикада адолатли, демократик, инсонпарвар жамият куриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилигини барпо қилишга имконият яратди.

**Учинчидан**, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, айна чоқда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон янги, ёш мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

**Тўртинчидан**, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди, яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этилди. Мулкка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкониятлар очилди.

**Бешинчидан**, мустақиллик халқнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Юрт тарихи, қадимий маданият тиклана бошлади. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари унга қайтариб берилди. Динга муносабат мутлақо ижобий томонга ўзгарди.

Шундай қилиб, қўлга киритилган мустақиллик ўзбек халқи тарихида тамоман янги даврни бошлаб берди, миллий дунёқарашда янгича тафаккур шакллана борди. Халқ енгил нафас олиш имкониятига эга бўлди. У энди келажакка ишонч билан қарай бошлади. Ўз юртининг тўла хўжайини эканлигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини қўлга киритганлигини ҳис қила бошлади.

Бу буюк оламшумул ютуқ эди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги қандай кутиб олди?
2. Ўзбекистон Республикасининг референдумига қандай савол киритилди?
3. Референдумнинг ўтказилиши ва натижалари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ўзбекистон Давлат Байроғини тасвирлаб беринг.
5. Ўзбекистон Давлат Гербини тасвирлаб беринг.
6. Ўзбекистон Давлат Мадҳиясини ёдлаб олинг.

7. Ўзбекистон давлат рамзлари мустақилликни мустаҳкамлашда қандай аҳамиятга эга?
8. Мустақилликнинг халқимиз учун ёки Сиз-у биз учун оламшумул ютуқлигини исботланг.

## 6-§. ИСЛОМ КАРИМОВ — МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Президент сайловлари.  
Унинг натижалари

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шакллана бошлади. Прези-

дентлик Республика бошқаруви мазкур тизим ўзигини ташкил этди.

1991 йил охирида Ўзбекистон ҳаётида том маънода улкан тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан ортиқ бўлмаган, сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин, Ўзбекистон Президенти 5 йил муддатга сайланади, бир фуқаронинг ўзи қетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган. 1991 йил 29 декабрда халқимиз узоқ йиллик мустамлакачиликдан сўнг том маънодаги мустақиллик рамзи сифатида биринчи бор умумхалқ хоҳиш-иродаси билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади.

Бу тарихий воқеа жуда катта меҳнат, сиёсий фаоллик, миллий яхлитлик, ғоялар ва мақсадлар муштараклиги маҳсули бўлди. Бу шарафли ишни Марказий сайлов комиссияси, 13 сайлов округи ва қарийб 7 мингта участка сайлов комиссияси амалга оширди. Асосий вазифа Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ҳақиқати қонун талабларини оғишмай амалга ошириш, бир томондан, миллионлаб фуқароларга ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишга, хоҳиш-иродаларини эркин билдиришга, иккинчи томондан, президентликка номзодларга уларнинг сайловолди курашида тенг шароит яратиб беришдан иборат эди.

Сайловга тайёргарлик жараёнида Марказий сайлов комиссияси энг аввало сайловга доир барча ҳужжат-



ларни марказлаштирилган ҳолда тайёрлаш ва жойларга ўз вақтида етказиш чораларини кўрди. Бу вазифа муваффақиятли ҳал этилди. Хусусан, Президент сайлови-га доир бюллетенлар барча сайловчиларга етадиган миқдорда — ўн бир миллион нусхада қилиб чоп этилди.

Президентликка номзодларнинг ҳар бирининг сайловолди дастурлари акс эттирилган 301 минг нусхадан иборат плакат, номзодларнинг 40 минг нусхадан сайловчиларга мурожаатномалари чоп этилди.

Марказий сайлов комиссияси сайловолди компаниясида номзодлар учун тенг шароит яратиш, уларга ўз сайловолди дастурларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга бир хил имкон яратиш масалаларига Президент сайлови ҳақидаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида эътибор берди.

Умумхалқ Президент сайлови мамлакат тарихида илк бор ўтаётганини, сайловчиларимизда ҳали етарли тажриба ва кўникма йўқлигини инобатга олиб, бу тadbирни уюшқоқлик билан кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида фаоллар кенг кўламда жалб қилинди. Сайлов комиссиялари ишида 75 мингдан зиёд киши қатнашди. Сайлов комиссияларига ёрдам тариқасида Олий Кенгаш ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари кенг фаолият кўрсатишди.

Ўзбекистон Республикаси сайловлари муқобиллик асосида ўтди. Олий давозимга икки номзод — Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси номзоди И. А. Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди қўйилди.

Сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислам Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3%) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди.

**Ислам Каримов —  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан Ислам Абдуганиевич Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти давозимига сайланган деб ҳисоблашга қарор қилди. Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўз вазифасини бажаришга киришди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан».

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республиканинг барча ҳудудларида сайлов уюшқоқлик билан, қонунларга қатъий амал қилинган ҳолда сайловчиларнинг юксак фаоллигида ўтди. Сайлов пухта ташкил этилгани, сайловларнинг ўтказилиши ва унинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш қонун асосида адолатли ташкил этилгани МДХ мамлакатлари, шунингдек АҚШ, Туркия ва Малайзиядан ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлардан келган мустақил кузатувчилар томонидан эътироф этилди.

Сайловлар натижалари ўзбек халқининг мустақил тараққиёти ва ривожланишини, ютуқларини И. А. Каримов шахси, унинг доно сиёсати, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан боғлашнинг яққол далили эди.

### ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ

*Давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. 1938 йилда Самарқандда туғилган. Урта Осий политехника институти ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. 1960 йилдан «Таисельмаш» заводида аввал мастер ёрдамчиси, сўнг мастер, технолог, 1961 йилдан В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор, 1966 йилдан Ўзбекистон Давлат план комитетида фан ва янги техникани жорий этиш бўлимининг бош мутахассислигидан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилдан Ўзбекистон молия вазири, 1986 йилдан Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари — республика Давлат план комитетининг раиси. 1986 йил декабридан Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби. 1989 йил июнидан Ўзбекистон Компартияси Марка-*

зий Комитетининг биринчи котиби. 1990 йил 24 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. И. А. Каримов 1991 йил 29 декабрда биринчи бор муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ, у айна вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳамдир. И. А. Каримов 1991 йил 31 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. И. А. Каримов Ўзбекистонда давлат тузумини мустаҳкамлашда, республиканинг ички ва ташқи сиёсатида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда.

1995 йил 26 мартда умумхалқ овози (референдум) билан И. А. Каримовнинг Президентлик ваколати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилди. И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва бошқа китоблар муаллифи. И. А. Каримов Ўзбекистон Қаҳрамони (1995), Мустақиллик ордени (1996) ва Амир Темури ордени (1997) нишондори. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (1994).

### **Ўзбекистон Президентининг мақоми**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-бўлимининг 19-бобида Ўзбекистон Республикаси Президенти мақоми белгилаб берилди.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар сони чекланмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг камида 50 фоизи қатнашган тақдирда сайлов ҳақиқий деб ҳисобланади. Умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат қурилиши соҳасидаги тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллаши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

~~Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.~~

~~Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимни ижро этишга киришиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қасамёд қилади.~~

~~Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция томонидан давлат, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш, халқаро муносабатлар соҳасида унга берилган ваколатларини амалга ошириш мақсадида Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.~~

Ўзбекистон Республикаси Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлисининг фавқулодда йиғилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

**Умумхалқ референдуми.**

**Унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг натижасини, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, жаҳон тараққиётида қўшаётган муносиб ҳис-

сасини мамлакат фуқаролари ҳам, хориждаги сиёсатдонлар ва давлат арбоблари ҳам тан олмоқдалар.

Тарихан гоят қисқа муддатда қўлга киритилган ютуқлар мазмун-моҳияти ва кўлами билан бир неча ўн йилликларга тенг. Зотан, қисқа фурсатда жамиятни тубдан ўзгартириш, ҳуқуқий демократик давлатни вужудга кел-

тириш, турмушимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида қатта ишлар амалга оширилди. Ана шу кенг миқёсли ислохотларни узлуксиз давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 26 мартда Президент И. А. Каримовнинг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятни такомиллаштириш, аҳоли дунёқараши ва тушунчаларини янги ғоялар билан бойитиш узоқ муддатли жараён. Ёки бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг янги асрадаги дастурий фаолиятидир. Ўтиш давридек ҳозирги мураккаб, зиддиятли, кенг миқёсли ислохотлар авж олган бир пайтда эса Давлат бошқарувидаги изчилликнинг сақлаб турилиши, бошланган оғир ва хайрли ишларни бир меъёрда олиб бориш ва охирига етказиш жамият ҳаётида ҳам, фуқаролар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Олий Мажлисининг мамлакатда Президент ваколатини 2000 йилгача чўзиш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қабул қилган қарори, шу қарор асосида ўтказилган референдум катта сиёсий-ижтимоий аҳамият касб этди. Қолаверса, мазкур қарор ва унинг шарҳларида бошқа яна бир қатор ўта муҳим, ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдор масалалар аниқ кўрсатиб берилган.

Шу ерда ўқувчилар эътиборини бир нарсага тортмоқчимиз. Ривожланган мамлакатларда (дейлик, Америка Кўшма Штатлари, Германия, Франция, Корея ва бошқалар) Президент алмашинуви ёки сайловлари ва бошқа сиёсий ҳодисалар оддий фуқаролар ёки умуман жамият ҳаётида кескин бурилишларга сабаб бўлмайди. Чунки улар учун аниқ, мукамал қонунлар асосида ўзларини ўзлари бошқариш ҳаёт тарзига айланиб қолган. Демак, амалдаги қонунлар бўйича фаолиятларини давом эттираверадилар. Президент эса жамият тараққиётининг умумий йўналишларини, давлат сиёсатининг асосий тамойилларини янги тарихий шароитларда, янги аҳамиятлар нуктаи назаридан бойитиб боради, холос.

Ўтиш даврида эса вазият бошқача — анча мураккаб. Ҳар қандай давлат сиёсатида, эндигина шаклланаётган бошқарув тизими ва қонунчиликда изчилликнинг сақлаб турилиши табиий ва самарали ҳодиса си-

фатида баҳоланади. Қолаверса, таъбир жоиз бўлса, халқ ибораси билан айтганда, «кечувда отлар алмашинмайди». Чунончи, қўшни мамлакатларда юз бераётган нохуш воқеалар бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, ижтимоий-сиёсий вазият чигал бўлган Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистонда давлат раҳбарлари уч марта, Украина, Белорусь, Молдова, Болтиқбўйи мамлакатларида 2—3 мартадан алмашди. Россия Федерациясидаги чигал ҳолат эса бутун халқ бошига кулфат келтирмоқда. Ҳар қандай мамлакатда сиёсий барқарорлик мавжуд бўлган шароитдагина ишлаб чиқаришдаги мувозанат, иқтисодий ва ижтимоий, умуман ҳар томонлама барқарорлик тўла сақланиши мумкин.

### Савол ва тошпириқлар

1. Қандай киши Ўзбекистон Республикасининг Президенти қилиб сайланиши мумкин?
2. Президент сайловлари қандай ўтказилди? Сайлов натижаси қандай бўлди?
3. Ўзбекистон Президенти И. Каримов шахси ҳақида гапиринг. Унинг ислохотчилик сиёсати, ташаббускорлиги ва фидойилигини кўрсатинг.
4. Президент қандай мақомларга эга?
5. Қайси масала бўйича умумхалқ референдуми бўлди, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти нималардан иборат?
6. Президент қасамёдида нималар дейилган?
7. Президент И. А. Каримовнинг 1992 йил январдаги дастурий нутқида қандай вазифалар илгари сурилди?

### 7—8- §§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

**Ўзига хос тараққиёт  
йўлини таялаш зарурияти**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кун тартибида жаҳон андозаларига мос келадиган давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада туб ислохотларни амалга ошириш, уларни қонун билан мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий тизимни вужудга келтириш вазифаси турарди. Чунки собиқ социалистик тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар эндиликда республикада барпо қилинажак янги жамият манфаатларига мос келмас эди. Мулкчилик,

мулкка эгаллик ва уни бошқариш, ишлаб чиқариш омиллари, бозор механизми, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини нормал изга солиш ана шундай жиддий янгиликларни тақозо этарди.

Шуни айтиш керакки, жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳамма мамлакатбоп тамойиллари, барча учун тавсия этиш лозим бўлган тайёр андозалари ҳеч қачон бўлмади. Шу билан бирга ривожланишнинг маданий, маърифий, тарихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари мавжуд бўлган Ўзбекистонда қадимий маконда ҳам ўзига хос йўл танлаш учун анчамунча изланишлар қилиш зарур бўлди. Бироқ вақтни бой бермай, тезкорлик билан иш тутиш лозим эди. Шунинг учун ҳам «мустақил Ўзбекистон туғилган куниде оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди».

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтда мамлакат ичкарасида бўлгани каби, унинг ташқарисида ҳам унга ишонмайдиган, шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Ҳатто собиқ марказдаги айрим кароматгўйлар Ўзбекистонга нисбатан «Ўзларингги мустақил бошқаришга, мустақил давлат куришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, сизлар эса бажарасизлар, холос» деб шовинистларча гаразгўйлик қиларди. Мамлакат ичкарасидаги айрим тоифалар ўртасида эса «Энди Ўзбекистон қандай йўлдан боради?», «Қандай жамият куради?», «Марказсиз яшай оладими?», «Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланадими?» — қабиладаги саволлар вужудга келган эди. Унга ҳар ким ўзича жавоб қидирар эди.

Табиийки, ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андозасини ишлаб чиқиш ғоят долзарб ва аҳамиятли эди. Ўз навбатида бундай вазифани удалаш Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, диний эътиқоди, руҳияти ва ҳулқ-атвор нормалари шуни тақозо этарди. Айни чоқда, Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали қисмини ўзлаштириш билан бирга Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш ло-

зим эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди.

Албатта, мамлакат учун ҳаёт-мамот бошқичи бўлган бир пайтда унинг янги жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш давлат раҳбаридан янги шароитга мос бошқарув тизимини ишлаб чиқишни, жамиятнинг иқтисодий асосини вужудга келтиришни тақозо қилади. Аҳолининг барча тоифаларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи ғоялар тизимини яратишни талаб этади. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ана шу тарзда шаклланди.

**Ислом Каримов —  
туб ислохотлар асосчиси**

Мамлакат истиқлолининг ташаббускори ва раҳнамоси сифатида Президент И. А. Каримов мустақилликнинг дастлабки даврида ўзининг қатъий, илмий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан яшовчан хулосаларини ўртага ташлади. Ҳали собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган даврда у республика раҳбарлигига келган вақтдан бошлаб республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий равишда янгиланишни, туб ўзгаришларни бошлаб юборган эди.

1990 йил март ойидаёқ собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг ташкил этилиши, ғоявий қарашлари, сиёсати бутунлай янгиланаётган жамиятга мос бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг пайдо бўлиши, ҳокимиятнинг аста-секин ва изчиллик билан партия идораларидан Президент, ҳукумат, маҳаллий идоралар қўлига ўтиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, миллий кадриятларнинг тиклана бошлагани бевосита И. Каримов номи билан боғлиқ.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, И. Каримовнинг республика раҳбари сифатида халқ олдидаги масъулияти яна ҳам ошди. У энди марказга боғлиқ бўлмаган ҳолда бутун муаммоларни ўзи ҳал қилишга, ҳар қандай зиддиятларни юзма-юз туриб бартараф этишга киришди. Ана шундай қарама-қаршиликлар қуршовида унинг катта сиёсатчи сифатидаги раҳбарлик маҳорати кун сайин шаклланиб, янги мазмун касб эта борди.



Ислом Абдуганиевич Каримов умумхалқ овоз бериши йўли билан мамлакат Президенти этиб сайланганиданоқ ўзининг бутун амалий фаолиятида халқ ва ватан манфаати асосида иш тутди. У Олий Кенгашнинг 1992 йил 4 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида шундай деган эди: «**Менга қандай юксак масъулият юкланганини ҳис қилган ҳолда халқнинг муносиб турмуш кечирishi учун қандай йўллар танлаганимиз ҳақида баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоқчиман.**

Халқ иқтисодиётни барқарорлаштириш учун қатъий ҳаракатлар қилишни кутяпти. Утмиш қолдиқлари халқ елкасига оғир юк бўлиб қолган. Энг муҳим вазифалардан бири халқнинг бахтли ҳаётини таъминлашдир. Президент шиддат билан кириб келаётган бозор зарбаларига бардош берувчи, ёрдамга муҳтож кишиларни ўз ҳомийлигига олиши керак. Булар — кўп болали, кам таъминланган oilалар, ногиронлар... Бундан кейин ҳам биз учун шу тамойил қатъий бўлиб қолаверади».

Президент Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида Дастур аҳамиятига молик бўлган нутқида давлат сиёсатининг стратегиясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Иқтисодий барқарорликни, миллатлараро тинчликни таъминлаш, тотувлик ва осойишталикни сақлаш, фуқароларга эркинлик бериш, жамиятда маънавий янгиланиш учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериш кераклигини, ҳуқуқий давлатда қонун устивор бўлишини алоҳида таъкидлади. Жумладан, ўз фикрини давом эттирар экан, И. Каримов «**Хуқуқий давлатда қурол ҳам, қалқон ҳам қонунидир... Қонун бу халқ иродаси ва у муқаддасдир**», — деб уқтирди.

Табиийки, Президент нутқидаги ушбу қондалар Ўзбекистон истиқлоли ва тараққиётининг асосий йўллари билан белгилаб бериш учун асос бўлиб хизмат қилди. Масалага ана шундай ёндашиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ аниқ тартиб-интизомга риоя қилиш, қонун устиворлигига интилиш мамлакатда энг мураккаб пайтларда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

И. А. Каримов Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айни чоқда 90-йиллар бошларида, яъни мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган

ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқур таҳлил қилди. Шу асосда «сохта инқилобий сакрашларсиз, фожияли оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш — таълаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир», — деган хулосага келди. У Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлларини ишлаб чиқишда аввало республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олди.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб, уюшиб яшашга одатланган, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда бир-бирига кўмаклашган. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида гам-хўрлик кўрсатиш, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик, ўзгаларга ёрдам туйғуси ўзбек халқига тарихан хосдир. Шунинг учун ҳам И. Каримов 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида «Истиқлол йўллари ва муаммолари» мавзуида нутқ сўзлар экан, «Биз ижтимоий тараққиёт ва янгилашни борасида ўз ичимиз бор, деб эълон қилдик. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз», — деди ва туб ислоҳотларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилни белгилаб берди. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, республикадаги ўзига хос маънавий-руҳий вазиятдан келиб чиқиб иш тугилди. Чунки Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари йилдан-йилга ўсиб боровчи минтақа ҳисобланади. Ушбу омилнинг аҳамиятига эътибор берар экан, Президент шундай деди: «Халқимизнинг 60 ва ҳатто ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди. Хулоса шуки, қишлоқ жойда ва район марказларида мавжуд бўлган ортиқча ишчи кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас, балки янги, ихчам, замонавий корхоналарни қишлоқ жойларига, туман марказларига олиб бориб қуришимиз зарур. Содда қилиб айтганда, одамларни ишхонага эмас, ишхонани одамларга яқинлаштириш лозим».

Учинчидан, Ўзбекистон тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда республиканинг қулай жуғрофий-сиёсий имконияти ҳисобга олинди. Демакки, минтақалараро алоқалар, дунёвий интеграцияни йўлга қўйишга киришилди.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини ҳисобга олиш лозимлиги ҳам кўрсатиб берилди. Чунки шўролар даврида кишилар онгида ижтимоий тенглик тушунчаси, яъни яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган фикр шаклланиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган, мулкка эгаллик туйғусидан узоқлашган эди. Ислохотлар даврида хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашиши, мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш сари дадил қадамлар қўйилиши мана шу омилдан келиб чиққан хулосадир.

**Бешинчидан**, И. Каримов мустақил Ўзбекистон сиёсатини белгилашда ислом динига муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтирди ва «дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга», — деб кўрсатди.

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш имконини берадиган бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциалига ва кадрлар қудратига эга мамлакат эканлигидир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишда эди.

Ушбу хулосалар И. Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, қадам-бақадам янги қоида ва йўл-йўриқлар билан бойитиб борилди. Хусусан, 1992 йил август ойи охирида Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналари арафасида Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққий йўли» номли Ўзбекистон истиқлолининг, демократик жамият куришининг назарий асослари чуқур таҳлил этилган асари нашрдан чиқди. Ушбу рисола кенг жамоатчилик томонидан маънавий ҳаётдаги янгилик ва қўлланма сифатида кутиб олинди. Унда Ўзбекистон истиқлолининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилиб, жамият сиёсий ривожининг, иқтисодий тараққийнинг, маънавий покланишининг асосий йўл-йўриқлари янгича мушоҳада ва ёндошув билан кўрсатиб берилди.

**Тараққиётнинг  
«Ўзбек модели»**

Ўзбекистон ўз тараққиётининг энг мақбул йўлини ишлаб чиқар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай мазмун касб этишига эътибор берди. Президент фикрича, Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан холи бўлиши ва у қандай номланишидан қатъи назар, адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим эди.

**«Республикада собитқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир, — деб уқтиради Президент. Бу борадаги фикрини давом эттириб у «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир», — деган қондани илгари сурди. Бу мустақилликнинг бир йиллиги арафасидаёқ қатъий қилиб ўртага ташланган давлат сиёсати эди. И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номи асарида янгиланган жамиятда яшовчи кишининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини кафолатловчи йўллар кўрсатиб берилди.**

**Жумладан, сиёсий соҳада бу:**

— халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ иштирок этиши лозимлигини;

— ҳокимият бўлинишининг жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчиликни барпо қилишни;

— жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан янгилашни;

— барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини таъминлашни;

— бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг яқка ҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишни;

— демократиянинг қонуний таркиби сифатида кўп-партиявийликни шакллантиришни;

— Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансуб-

лиги ва эътиқодидан қатъи назар республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга эришишни билдиради.

**Иқтисодий соҳада эса бу:**

— миллий бойликнинг қўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этишни;

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;

— мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни;

— иқтисодиётни ўта марказлаштирмасдан корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни билдиради.

**Ижтимоий ва маънавий соҳада бу:**

— инсонпарварлик ғояларига содиқликни, инсоннинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадрқиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;

— маънавиятни қайта тиклашни;

— ўзбек тилини ривожлантиришни;

— ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришни;

— ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлашни;

— одамларнинг истесъод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилишни билдиради.

Президент И. Каримовнинг Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг юқоридагидек дастурий қоидалари демократик, инсонпарвар жамият қуриш борасидаги жаҳон тажрибасини янада ривожлантирди ва янги қоидалар билан бойитди.

Президент янгиланаётган жамият мазмун-моҳиятини кўрсатиш билан бирга долзарб вазифа қилиб, энг аввало бозор иқтисодиётига ўтиш масаласини қўяди. Чунки фақат иқтисодий бақувват давлатгина кучли бўлади ва ҳар қандай ислоҳотларга қодир бўлишини у яхши тушунар эди.

Шунинг учун ҳам И. Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисо-ласида «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин», — деб қатъий кўрсатиб берган эди.

**Иқтисодий  
ислоҳотларнинг беш  
тамойили**

И. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш

дастурининг ўзаги сифатида куйидаги бешта асосий қоидадан ўртага ташлади:

**Биринчидан**, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш керак.

**Иккинчидан**, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

**Учинчидан**, қонун устиворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

**Тўртинчидан**, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Бешинчидан**, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда,

яқин ўтмишимиздаги «инқилобий сакраш»ларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ана шу муҳим қоидалар Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинди, янги жамиятга ўтиш даврининг негизини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлади.

Шу билан бирга И. Каримовнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги тамойили вақт ўтгани сайин ўзининг ҳаётий қийматини, сиёсий кучини кўрсатди. Бинобарин, булар етакчи тамойиллар сифатида тан олинди. Чунки улар иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантиғини, ривожланиш йўлини ва характерини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши, бир томондан, аввалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди, иккинчи томондан, ислох қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиб берди. Бу босқичларнинг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди. Аниқроғи, бу тамойил халқнинг «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик» ҳақидаги доно фикрига асосланганини кўрсатди.

Президент И. Каримов ҳар бир рисола ва нутқда Ўзбекистон тараққиётига доир тажрибаларни мушоҳада қилади, уларни бойитиб бориб, янгидан-янги қоидаларни ишлаб чиқади.

«Ўзбек модели» — жаҳон  
девятчиликда янги  
босқич

Мамлакатимиз раҳбари «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодиётни тубдан ислох қилишга доир бешта тамойилнинг

аҳамиятига яна бир бор тўхталади. Хусусан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон учун нақадар афзалликларига алоҳида урғу беради. Жумладан, «бир босқични тамомлагандан кейингина зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин, — дейди И. Каримов. Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар би-

лан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтариб-гина ислохотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз. Ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик. Дастлабки якунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устивор йўналишларини белгилаш зарур». Шунинг учун И. Каримов ушбу китобнинг иккинчи қисмида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар — хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустақкамлаш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларини белгилаб беради. Жумладан, унинг фикрича, мазкур масаланинг устивор йўналишлари қуйидагича бўлмоғи лозим:

**биринчидан**, иқтисодий сиёсатда деҳқончиликка, умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараш;

**иккинчидан**, миллий валютанинг қадрини муттасил ошириб бориш;

**учинчидан**, мулкчиликнинг барча шакллариغا эрк бериш, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка йўл очиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

**тўртинчидан**, иқтисодни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш, бу жараённи тобора чуқурлаштириш;

**бешинчидан**, ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш ишларини йўлга қўйиш ва бу борада изчил тадбирларни амалга ошириш мустақил Ўзбекистонда давлат мустақиллигини амалга оширишнинг жамият ривожининг ҳозирги босқичидаги устивор йўналишларидир.

Шундай қилиб, Президент И. Каримов мустақилликнинг дастлабки палласидан бошлаб янги жамиятга мос сиёсий ислохотлар ўтказиш йўлларини оқилона кўрсатди. Айни пайтда жамиятнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тамойилларини ишлаб чиқди, уни изчил амалга ошириш чора-тадбирларини кўрди. Тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни ишлаб чиқишда жаҳон тажрибаси, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари, имкониятлари ва шарт-шароитлари асос қилиб олинди.

И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ёш миллий мустақил давлатлар тараққиётига доир ҳам назарий,



ҳам амалий йўналишлар, илмий қоидалар, йўл-йўриқлар Ўзбекистон мустақил ривожланишининг етти йили давомида ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди, бошқа мустақил ривожланиш йўлига кирган давлат сиёсатдонлари эътиборини тортди. 1996 йилда Австрияда «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» деб номланган теран таҳлил ва мазмунга эга китоб нашр қилинди. Бу асарнинг муаллифлари доктор Левитин ва доктор Карлайл кўп йиллар Марказий Осиё республикаларида бўлган, минтақалаги сиёсий вазият ва иқтисодий ислохотларнинг боришини ўз кўзи билан кўрган, минтақанинг ўзига хос жиҳатларини анча-мунча ўрганган кишилардир. Шунинг учун муаллифлар ўз асарларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарасига юксак баҳо берадилар. «Тасаввуримча, — деб ёзади Л. Левитин, — дунё Ўзбекистон мисолида алоҳида цивилизациявий қиёфа кучайиши билан, ўзига хос цивилизациявий ўз-ўзини англашнинг ўсиши билан иш кўраётир».

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсоният тарихи йигирмадан ортиқ цивилизация ва бундан ҳам кўпроқ субцивилизацияларнинг шоҳиди бўлган экан. Улардан қулчилиги ҳозирги дунёда ҳам амал қилаётир. Фарб, Ислом, конфуцийлик, япон православян, Лотин Америкаси, Африка цивилизациялари шулар сирасига киради. Европа ва Шимолий Америка, Турк ва араб суперцивилизациялари ҳам бор. Фарб ва Шарқ; икки суперцивилизация саналади.

Кўриниб турибдики, Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни чуқур тадқиқ этиб, ҳар икки хорижий муаллиф «Ислом Каримов ўтиш даврининг объектив омилларини инobatта олиб, ўзбек халқи цивилизацияси хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутди, ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Оқибатда бу ҳолни мустақил давлатлар тараққиёти учун хос бўлган ривожланишнинг «Ўзбек модели» деган жаҳон тан олган йўлга олиб келди» деб баҳолайди.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаш заруриятини қандай тушунасиз?
2. И. Каримовнинг 1992 йил 4 январда сўзланган Дастурий нутқида қандай сиёсий йўл баён этилди?

3. Туб ўзгаришлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқлигини тушунтиринг.
4. Иқтисодий ислохотларнинг беш тамойили ва уларнинг мақсади ҳақида гапиринг.
5. Тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни тушунтиринг.
6. «Ўзбек модели» мустақил давлатлар тараққиёти учун хос бўлган янги йўл бўлиб қолганлигини қандай тушунасиз?

### 9-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ўзбекистон янги Конституцияси лойиҳасининг тайёрлашнинг**

Ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири унинг асосий Қонуни — Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ғояси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши муносабати билан бевосита илгари сурилган эди. Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида Мустақиллик декларациясининг муҳим тамойиллари асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиши лозим деган хулосага келинди. Сессия Президент И. А. Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг таркибига депутатлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, корхоналар, хўжаликларнинг раҳбарлари, таниқли ҳуқуқшунослар, олимлар ва мутахассислар кирди. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Комиссия таркиби қисман янгиланди.

Конституциявий комиссия томонидан конституциянинг ғоявий маъзи, яъни концепцияси устида иш бошлаб юборилди. Натижада учта муқобил концепция яратилди: Республика Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ва Президент девони юридик булими тайёрлаган концепция. Ишчи гуруҳ мажлисида учинчи концепция асос учун қабул қилинди. У қолган икки концепциянинг диққатга сазовор ғоялари билан бойитилиб, умумлашган, пухта, ягона ғоявий асос шаклига келтирилди. Конституция

туциявий комиссия ва унинг Раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак Конституция лойиҳасини яратишга киришилди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йил октябр-ноябригача тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга тақсим қилинган 158 моддалан иборат эди. Ушбу лойиҳа юзага келаётган пайтда мамлакатимиз тарихида туб бурилиш юз берди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти қабул қилинди. Бу билан республика парламенти мустақил Ўзбекистон Республикаси, суверен давлат қарор топганлигини бутун дунёга эълон қилди. Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилиқ, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устиворлиги, ҳокимият бўлиниши, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Ушбу илғор демократик ғоя ва принциплар Конституция лойиҳаси мазмунига ҳам сингдирилди. Шунга қарамасдан дастлабки лойиҳа ҳали мукамаллик даражасидан анча йироқ эди. Янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш лозим эди.

**Конституция лойиҳаси  
умумхалқ муҳокамасида**

1992 йил баҳорида лойиҳанинг 149 моддалан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. Мамлакат Президенти иштирокида Консти-

туциявий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Конституция лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Таъкидланишича, ишчи гуруҳ Ўзбекистон халқ депутатлари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳанинг учунчи кўринишини тайёрлади. Унда ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маънавий хусусиятларини имкон қадар тўлароқ акс эттиришга ҳаракат қилинди. Конституциявий комиссия томонидан қабул қилинган қарорга биноан Конституция лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ (комиссия) тузилди. Унинг таркиби 25 кишидан иборат бўлди. Гуруҳ зиммасига ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жаҳон тажрибасини, Ўзбекистоннинг демографик ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзини, унинг тараққиёти тажрибасини ҳар томонла-

ма умумлаштириш ва уни Конституция лойиҳасида ҳисобга олиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси пухта ишловлардан сўнг Конституциявий комиссия қарори билан 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқ оммаси Конституция лойиҳасини катта қизиқиш ва озод Ватан учун чексиз ифтихор туйғулари билан кутиб олди. Бу ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Зеро, давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ, аниқроғи ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг қўламли бўлиб, юксак ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик кайфиятида ўтди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намоиши бўлди. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизғин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатди.

Умумхалқ муҳокамаси қарийб уч ой давом этди. Унда мамлакатда яшаётган турли миллат ва элатга мансуб бўлган барча катта ёшдаги аҳоли иштирок этди. Матбуотда, радио ва телевидение орқали, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлардаги йиғилишларда, аудиторияларда қизғин муҳокама, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лойиҳа Қорақалпоғистон Олий Кенгаши сессиясида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги фаоллар йиғилишларида муҳокама этилди. Олий Кенгаш Раёсати, вилоят ҳокимликлари таклиф ва мулоҳазаларни мунтазам равишда умумлаштириб, якуний жадваллар тузиб, уларни Конституциявий комиссияга юбориб турдилар.

Шу даврда Ўзбекистон Республикаси давлат-ҳуқуқий тажрибасида муҳим бир янгилик бўлди. Унинг мазмуни шундаки, Конституциявий комиссия дастлаб белгилаган икки ярим ойлик муддат мобайнида муҳокама қилинган лойиҳа меҳнаткашлар таклифлари асосида қайта тузатилиб 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун иккинчи маротаба матбуотда эъ-

дон қилинди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент рўй берди — умумхалқ муҳокамаси икки босқичда амалга оширилди. Бу ҳол муҳокама иштирокчиларини сиёсий жиҳатдан фаоллаштирувчи қудратли туртки бўлди. Унинг мақсади фуқароларга уларнинг муҳокамадаги жонбозлиги, маҳсули ва самараларини аниқ кўрсатишдан иборат эди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Фақатгина Конституциявий комиссияга мингдан зиёд хатлар тушди. Уларда лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилигига ёрдам берувчи мулоҳазалар билдирилди.

Таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқий ва бурчлари, шахс дахлсизлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва роли, иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боблар ва бўлимларга тааллуқли бўлди.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, умумлаштириб, уни мужассам давлат иродаси тарзида Асосий Қонунда ифодалаш имконини берди. Конституция халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлди.

Умумхалқ муҳокамаси давом этаётган даврда ҳам Конституциявий комиссия Раиси лойиҳани такомиллаштиришга катта эътибор қаратди. Фуқаролар ва меҳнат жамоаларидан тушаётган таклиф-мулоҳазалар жамланиб, унинг эътиборига ҳавола қилиб турилди. Мамлакат Президентни Конституция лойиҳаси устида ишлар экан, унинг ортида миллионлаб кишиларнинг тақдирни турганлигини қайта-қайта таъкидлар эди. Бунни кўйидагилардан билса бўлади. Масалан, лойиҳанинг 1-моддасида «Ўзбекистон — демократик республика» деб ёзилган эди. Президент бунга аниқлик киритиб, «суверен» сўзини қўшиб қўйган. Натижада бу модда «Ўзбекистон — суверен демократик республика» тарзида бўлди. Маълумки, суверенитет ҳар қандай давлатнинг муҳим белгисидир. Конституцияда бу жиҳатга урғу берилиши Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекис-

тон энди илгаригидек Иттифоқ давлатининг таркибида эмас. Иккинчи тарафдан, унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилганлиги мустақилликни ва давлат суверенитетини йўқотди, деган маънони аңлатмайди. Бу МДҲ шаклиланаётган ва унинг атрофида турли қарама-қарши мулоҳазалар билдирилаётган бир пайтда катта сиёсий аҳамиятга эга эди.

Дастлабки лойиҳанинг 7-моддаси, 2-қисми мана бундай таҳрирда эди: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция... ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади». Президент ниҳоятда муҳим тузатиш киритиб, республикада давлат ҳокимияти **халқ манфаатларини кўзлаб...** амалга оширилади, деб белгилаб қўйди. Бу билан Конституциянинг «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7-модда, 1-қисм) деган қондаси билан юқорида келтирилган қондаси ўртасидаги мантиқий боғлиқлик кучайди.

**Ўзбекистон**  
**Конституцияси (Асосий**  
**Қонуни)нинг қабул**  
**қилиниши**

1992 йил 8 декабрда 12-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақида»ги масала кў-

рилди. Бу хусусда Конституциявий комиссия Раиси, Президент И. А. Каримов маъруза қилди. Ушбу маърузада сессия муҳокамасига ҳавола қилинган Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни, республикада аввалги йилларда қабул қилган қонунлардан фарқли ўлароқ, демократик йўл билан тайёрланган бўлиб, унда йиллар давомида синовдан ўтган умуминсоний қадриятлар ўз аксини топганлиги, у кўплаб тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларини ўзига сингдирганлиги алоҳида уқтирилди. **«Шунинг учун ҳам мазкур Конституция ҳар қандай етакчи мамлакатнинг конституцияси билан баҳслаша олиши мумкин»,** — деб таъкидланди.

Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгариш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Жумладан, лойиҳадаги Конституциявий, Олий ва Олий ҳужалик судларининг ваколат муддати ўн йилдан беш йилга туширилди. Олий Кенгаш 84-моддани қуйидаги янги қисм билан тўлдирди: «Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига

ҳар йили ҳисобот бериб турадилар». 78-модданинг 8-бандига эса шундай жумла қўшилди: «Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш» ва ҳоказо.

Албатта, депутатлар таклифларининг рад этилганлари, лойиҳага қўшилмаганлари ҳам бўлди. Масалан, депутат В. А. Козлов Олий Мажлис икки палатадан иборат бўлишини таклиф этди. Бироқ бу таклиф қабул қилинмади, тажрибада синалган бир палаталик тизим сақлаб қолинди. Сабаби, Ўзбекистонда бундай анъана бўлмаганлиги, ва шунингдек, мамлакатда халқлар ўртасида барқарорлик, миллатлараро муносабатлар, миллий тотувлик йўлга қўйилгани билан ажралиб туради. Гап кўп поғонали парламент тузишда эмас, балки давлатнинг доно, пухта ўйланган миллий сиёсатида, асраш ва ривожлантириш зарур бўлган халқ анъаналарида эди. Шунинг учун Ўзбекистонда тузилажак парламент бир палатали деб лозим топилди.

Шундай қилиб, суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Асосий Қомусимиз давлат, мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули сифатида дунёга келди ва ҳурлигимиз, озод-эркинлигимиз қалқони сифатида яшамоқда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Конституциявий комиссиянинг Раиси И. А. Каримов Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида Конституция лойиҳаси юзасидан сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлади: «**Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир... Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар»**.

Сессия иштирокчилари яқдиллик билан Конституцияни қабул қилдилар. Конституция 6 бўлим, 128 моддадан иборатдир.

Фақат миллий истиқлол, давлат мустақиллигига эришиш туфайли Ўзбекистон Республикасининг тамо-

мила янги, инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи чинакам демократик Конституциясини яратишдек улкан тарихий имконият вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги ўн биринчи сессияси томонидан Ўзбекистон биринчи Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат тарихида оламшумул воқеа эди.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда янги Конституция қабул қилишнинг зарурияти нимада эди?
2. Конституция лойиҳаси қандай тайёрланди?
3. Янги Конституциямизнинг умумхалқ муҳокамаси қандай ўтди?
4. Конституция лойиҳасига қандай ўзгаришлар киритилди? Мисоллар келтиринг.
5. Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ҳақида гапириб беринг.
6. Конституциянинг тарихий аҳамияти нимада?

## 10-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

### Конституциянинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси ўзига хос хусусиятлари билан диққатга сазовордир.

**Биринчидан**, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик илмини ўзида мужассам этган.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Конституциясининг ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянилганлиги ҳам унинг ўзига хос муҳим хусусиятидир.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикасидаги аввалги ижтимоий-иқтисодий, давлат-сиёсий тизимидан амалда бошқа тизимга ўтилганлигини, тубдан янгиланиш рўй берганлигини конституциявий расмийлаштириш билан ажралиб туради. Масалан, «социалистик» ўтмишдан, айни вақтда совет намунасидаги тизимдан ҳам воз кечган ҳолда, ижтимоий онг давлатлашиб кетган умумхалқ мулкчилигини ижтимоий тараққиётга тў-



ганоқ сифатида инкор этиб, хусусий мулкни, иқтисодий эркинлик ва яқка тартибдаги тадбиркорларни тан олди. Янги Конституция моҳиятининг ўзига хос томони ана шу омиллар билан белгиланади. Демак, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан янги, принципиал сиёсий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи асосий тамойиллари эътиборга лойиқдир.

#### **Конституцияда Давлат суверенитети**

Давлат суверенитетининг мазмуни Конституцияда ўз ифодасини топган ва жуда аниқ очиб берилган. Чунончи, 1-бобда «Ўзбекистон суверен демократик республика» эканлиги мустақамлаб берилган. Конституцияда давлат ҳокимияти, бир томондан, мамлакат ичида устунлик ва мустақилликка эга бўлса, иккинчи томондан, ташқи сиёсат, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатда ўзи эркин, мустақил иш юритиши белгилаб қўйилган. Давлат ўз ҳудуди ва миллий бойликларига нисбатан энг олий ҳуқуққа эгадир. «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир» (3-модда). Ўзбекистон Республикаси мустақил равишда ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимиятни ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, республика Конституцияси ўз ҳудудида устунликка эга бўлган қонунлар қабул қилади.

Давлат суверенитетининг беистисно барча ижтимоий ҳокимият ваколатлари фақат конституцияга биноан тузилиб, амалда бўлган давлат институтларидаги тўла ва сўзсиз жамланишини тақозо қилади. Ана шу нуқтаи назардан 10-модда мантиқан жуда катта аҳамиятга эга: «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Парламенти иш олиб бориши мумкин».

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ваколат берилган идоралар амалга ошириши ҳам назарда тутилган. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги тизимларини яратиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга

биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади (7-модда).

Халқаро доирада Ўзбекистон Республикасининг устуңлиги ва мустақкамлиги унинг давлатлараро мулоқотларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомига асосланади. Конституцияда Ўзбекистон давлатининг аломатлари қайд этилган бўлиб, улар давлатимиз халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини таъминлайди.

#### Конституцияда халқ ҳокимиятичилиги

Янги Конституцияда халқ азалдан орзу қилган, ўз тақдирини ўзи белгилаши қойдаси муқаммал тарзда ўрин олган. Шу боис у халқ ҳокимияти тамойилига асосланади ва уни мустақкамлайди. Халқ ҳокимияти деган ибора бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халқники эканлигини аңглатади. Халқ ҳокимияти ўз вазифаларини ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширади. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Конституцияда давлат ўз фаолиятини халқ манфаатларини, жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади, деб белгилаб қўйилган.

Асосий Қонунда халқ ҳокимиятининг реал омиллари кўрсатиб берилган. Халқ сайлов йўли билан вакиллик ҳокимияти органларини тузади, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдум орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қарорлар (қонунлар) қабул қилинишида иштирок этади (9-модда). Шу тарзда халқнинг суверен хоҳиш-иродаси, унинг ўз давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш усуллари конституциявий йўл билан мустақкамланади.

#### Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари. Демократик тамойиллар

Конституция мақсадининг чўққисидан инсон фуқаро, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари туради. «Эңдиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади», — деб таъкидлади Республика Президенти И. А. Каримов Конс-

титущиянинг бир йиллигига бағишланган тантанали мажлисда. Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланган. Давлат фуқароларининг ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлайди, уларни суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади. Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, демократизм янги Конституциянинг асосий тамойили ҳисобланади. Конституцияда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш назарда тутилган. Чунки халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш янги демократик, адолатли жамият қуришда ўта муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Шу сабабдан ҳам Конституциянинг муқаддимасида давлатнинг демократия ғояларига, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга садоқатли эканлиги расман эълон қилинган. Конституцияда «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», — деб таъкидланган.

**Ўзбекистонда давлат  
ҳокимиятларининг  
бўлиниши**

Янги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ҳам асослаб берилган. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятига бўлиниши қонулаштирилди. Уч ҳокимиятдан ҳар бири мустақил фаолият юритади. Конституцияда учала ҳокимиятнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва мустақил равишда амал қилишининг ўта мақбул механизмлари мустаҳкамлаб берилган. Ҳокимиятнинг учта тармоғи ўртасида мувозанат сақлашнинг оқилона тизими яратилган. Чунончи, қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг раҳбарлиги остида Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд

ҳокимияти — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар бир-галикда республиканинг ягона тизимини ташкил этади. Яна бир Конституциявий тамойил — одил судлов, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигидир.

Конституцияда кучли ва лаёқатли ижроия ҳокимияти ҳақидаги фикр ривожлантирилган. Бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида кучли ижроия ҳокимияти зарурдир. Уни мустаҳкамлаш қонун чиқарувчи ҳокимият мавқеини пасайтириш ҳисобига юз бериши керак эмас.

Прокурорлик назорати масаласига ҳам Асосий Қонунда алоҳида эътибор берилди. Шу вақтга қадар прокурорлик назорати гўёки «Тўртинчи ҳокимият» бўлиб келар эди. Энди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Президент Фармони билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар (118-модда).

Президентнинг вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этишга доир ваколатларини ўзига хос рағбатлантирувчи омил деб қараш мумкин. Бу эса уларга одил судловни, ҳукм чиқариш ва ҳал қилувчи қарорлар қабул қилишни давлат номидан амалга ошириш имконини беради.

Президент мамлакат Куролди Кучларининг Олий Бош кўмондони ҳисобланади. Башарти, мамлакатта ҳужум қилинган тақдирда уруш ҳолати эълон қилиб, бу қарорини уч кеча-кундуз ичида Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсат ўтказиш тарафдори эканлигининг баён қилиниши янги Конституциянинг бутунлай муҳим тамойилларидан биридир. Конституцияда давлат ташқи сиёсатининг асосий қоидалари белгилаб берилди (17-модда). Шундай қилиб, Конституцияда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, Республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Маҳаллий ўзини-ўзи  
бошқариш тамойилли

Конституциянинг махсус бо-  
би (XXI боб) жойлардаги  
давлат ҳокимияти органла-  
рига бағишланган. Бу бобда  
ўзини-ўзи бошқариш тамо-

йилларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи бўлган ҳоким тартиботи жорий этилади. Тегишли ҳуқуқлардаги маҳаллий вакиллик ҳокимияти — халқ Кенгашларига, шунингдек ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладилар.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳрининг ҳокими Президент томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимлари тегишли юқори турувчи ҳокимлар томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади (102-модда).

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш жамоат органлари шаклида амалга оширилади. Фуқароларнинг йиғинлари бундай ўзини-ўзи бошқаришнинг органлари ҳисобланади. Фуқаролар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. У мамлакатда қонунчиликнинг ривожланиши учун, ҳуқуқий ислоҳотлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик ҳужжати, инсонпарвар, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У улкан, сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг молия ва кредитлари, мудофаа ва хавфсизлиги тўғрисидаги қоидаларнинг биринчи марта акс эттирилганлиги Конституцияда ҳали тамойилга айланмаган бутунлай янги ҳодисадир.

Конституциянинг барқарорлигини ва узоқ муддат амал қилишини таъминлаш мақсадида Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Бугунги кунда Конституция жамиятимизда халқ манфаатлари йўлида демократик ислоҳотларни давом

эттириш учун шарт-шароит яратишга ҳуқуқий асослар яратди. У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни белгилаб бермоқда.

Ўзбекистон Конституцияси давлатимиз суверенитетини рўйбга чиқарди. Уни дунёдаги нуфузли давлатлар тан олди.

### Савол ва тошғирқлар

1. Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Давлат суверенитети тамойилини тушунтиринг. Асосий Қонуни-мизда бу тамойил қандай акс этган?
3. Конституциядаги «халқ ҳокимияти» тамойили моҳиятини тушунтиринг.
4. Конституциянинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенглиги ва дахлсизлиги тамойили ҳақида сўзланг.
5. Демократизм тамойили нима?
6. Конституцияда ҳокимият бўлиниши қандай ифодаланган?
7. Конституциямизнинг ХХІ бобида бошқарувдаги миллий тарихий анъаналаримиз тикланганлигини исботланг.
8. Конституция ва қонунларнинг устиворлиги деганда нимани тушуна-на-сиз?
9. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни қандай тушуна-на-сиз.
10. Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти ҳақида сўзланг.

### Мавзуга доир адабиётлар

- Каримов И. А. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
- Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992.
- Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., «Шарқ», 1993.
- Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994.
- Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., «Ўзбекистон», 1995.
- Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Т., «Ўзбекистон», 1996.

«Ўзбекистонда Мустақил давлатнинг туғилиши». Т., «Ўзбекистон», 1992.

Мустақиллик Қомуси. Т., «Ўзбекистон», 1993.

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси. Т., 1990.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1990, 22—24-сонлар, 1991, 4, 5, 8-сонлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. Хабарнома, 1992 йил, 3-сон.

«Ўзбекистон овози» газетаси, 1991 йил 1 сентябрь.

«Правда» газетаси, 1990 йил 25 май, 28 июль, 11 август, 2 сентябрь.

«Известия» газетаси, 1990 йил 7 август, 19 октябрь.

«Инсон ва сиёсат» журнали, 1991 йил 6-сон.

«Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 24 март.

## 2- 6 ● 6. СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ПОЙДЕВОРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

### 11-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ДАВЛАТ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ — ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

#### Ҳуқуқий давлат сари

Ўзбекистон тарихида биринчи марта бутунлай янги шароитларда сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар, кенг

қамровли янгиланишларнинг амалга оширилиши йирик тарихий ва ижтимоий ҳодиса бўлди. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бу ишларнинг энг муҳими ҳисобланади. 90-йиллар бошига келиб ёш мустақил давлатлардаги сиёсий вазият шундай эдики, улар олдида ижтимоий ривожланишнинг икки йўли турарди. Биринчиси — халқ ҳўжалигини аввалгидек социалистик йўналишда ривожлантириш. Иккинчиси — жаҳон амалиёти синовидан ўтган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик жамият қуриш йўлидан бориш. Ўзбекистон иккинчисини танлади, шу йўлнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга дадиллик билан киришди. Президент И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак», — деб кўрсатган эди. Айни чоқда сиёсий соҳада бу: «...Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш мумкин», — деб таъкидлаган эди Президент.

Маълумки, 1990 йил 18 февралда Ўзбекистон Олий Кенгазининг навбатдаги янги таркиби сайланди ва 1990—1994 йилларда фаолият кўрсатди. У ўз фаолиятини бошлаган пайтда собиқ шуру тузумининг қонунлари



амалда эди. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти дастлаб ана шу қонунлар доирасида бошланди. Айни пайтда Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш йўлидан борди ва уни қадам-бақадам шакллантира бошлади. Олий Кенгаш мамлакатимиз тарихида биринчи бор Президент сайлади, Мустақиллик Декларациясини, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида конституциявий қонунни ва бошқа муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқди ва қабул қилди. 1990—1994 йилларда Олий Кенгаш 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд қарор қабул қилди.

**Олий Мажлисини  
шакллантиришнинг  
ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Конституциясининг XVIII боби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантиришга бағишланган ва унинг 76-моддасида: «Ўзбекистон Респуб-

ликсининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади», — деб мустаҳкамланди. Шунга мувофиқ 1993 йил 28 декабрда бўлиб ўтган Республика Олий Кенга-шининг XIV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида», 1994 йил 22 сентябрда бўлиб ўтган XVI сессияда «Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Уларда қонун чиқарувчи ҳокимият соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурияти кун тартибига қўйилди. Биринчидан, шу вақтга қадар Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган айрим қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамон амалда эди, улар мазмун ва моҳияти янгиланаётган давлат ва жамият учун мутлақо мос келмас ва ҳатто, янги жамият олдида турган туб мақсадларни амалга оширишда тўсқинлик қиларди. Иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдига адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, тараққиётнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлидан бориш ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини мақсад қилиб қўйган эди. Бу борада ривожланган мамлакатлар қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш талаб этиларди. Учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида вужудга келаётган миллий давлатчилик тизими ҳар қандай мафкуравий таъсирдан холи, халқнинг ўзига хос тарихий ахлоқий-маънавий ва ру-

ҳий қадриятларига мос бўлмоғи лозим эди. Бундай ва-  
зифани, Конституцияда белгиланганидек, қонун чиқа-  
рувчи вакиллик ҳокимияти — Олий Мажлис уддалаши  
керак эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-  
нинг XVI сессияси (1994 йил сентябрь) 1994 йил 25  
декабрь кунин Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман  
Кенгашларига сайловлар ўтказишга қарор қилди.  
Сайловни муваффақиятли ўтказиш учун зарур шароит-  
лар яратилди. Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик қо-  
нунчиликка қатъий риоя қилинган, ижтимоий барқа-  
рорлик ва осойишталик тўла сақланган ҳолда олиб бо-  
рилди. 1994 йилнинг 14—15 ноябрида Тошкентда  
Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комис-  
сиялари раисларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди.  
Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши  
раиси вазифасини бажарувчи Э.Халилов республикада  
сайлов тизимини ислоҳ қилиш — демократик ҳуқуқий  
давлатни барпо этиш йўлидаги муҳим қадам мавзусида  
маъруза қилар экан, «Парламент сайланиши билан Ўз-  
бекистон тарихида янги давр бошланади. Халқимиз  
Олий Мажлисдан иқтисодиётни тезроқ барқарорлаш-  
тиришга, тadbиркорлик эркинлигига, инсон ҳуқуқлари  
ҳимоясига, жаҳон майдонида мустақил Ўзбекистон  
мавқеи юксалишига хизмат қиладиган қонунлар қабул  
қилинишини кутади», — деб таъкидлади.

Семинар-кенгашда Бирлашган Миллатлар Ташки-  
лотининг Ўзбекистондаги вакили Холид Малиқ,  
АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор эл-  
чиси Генри Ли Кларк, Россия элчиси Ф.Ф.Сидорский,  
Туркия элчиси Эрдуган Айтун ва бошқалар иштирок  
этиб, сайловга тааллуқли қимматли тажрибалар билан  
ўртоқлашдилар. Жумладан, Холид Малиқ Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисида Округ сайлов комис-  
сиялари раислари билан семинар-кенгаш ишида учра-  
шиш ўзи учун юқори мартаба эканини таъкидлади. У  
семинар-кенгашни тарихий сана — сайловлар олдидан  
Ўзбекистонда демократик жамият барпо қилиш йўлида  
олдинга босилган қадам бўлди, деб баҳолади.

#### **Олий Мажлисга сайловлар**

Сайловларни қонун талабла-  
ри асосида ўтказиш учун  
республика бўйича 250 округ  
ва 7192 участка сайлов ко-  
миссиялари тузилди. Улар  
таркибига меҳнат жамоаларида обрӯ-эътибор ва хур-

мат қозонган, партиясиз бўлган муносиб кишилар киритилди. Сайловга номзодлар қўйишда кўппартиявийлик ва муқобиллик таъминланди. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига салкам 6 минг, сиёсий партиялардан депутатликка жами 6110 киши кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Халқ демократик партиясидан 247, «Ватан тараққиёти» партиясидан 146, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан 250 номзод кўрсатилди. Ҳар бир сайлов округида икки-уч номзод депутатлик учун курашди. Сайловчилар биринчи марта номзодларни танлаб олиш имкониятига эга бўлдилар. Сайловда рўйхатга олинган 11 миллион 248 минг 464 сайловчининг 93,6 фоизи, яъни 10 миллион 526 минг 654 киши ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди. 1994 йил 25 декабрь куни ҳамма жойда сайловлар қонун талабларига мувофиқ умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Номзодлардан биронтаси ҳам етарли овоз ололмаган сайлов округларида 1995 йил 8 ҳамда 25 январь кунлари қайта сайлов бўлди. Сайловларда сайловчилар халқнинг муносиб фарзандлари учун яқдиллик билан овоз бердилар. Олий Мажлисга 250 депутат сайланди. Бу Олий Мажлис — янги Парламентни демократик йўл билан шакллантиришнинг мамлакатимиз тарихидаги илк тажрибаси бўлди.

**Олий Мажлисининг  
биринчи сессияси**

1995 йил 23—24 февраль кунлари янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. У Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Сессияда И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» тўғрисида кенг қамровли маъруза қилди. «Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон Парламенти — Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди», — деди Президент. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва тўрт кишидан иборат Раис ўринбосарлари сайланди. Э.Х.Халилов яқдиллик билан Олий Мажлис раиси, Б.И.Бугров, Б.А.Шодиева, А.Қ.Қосимовлар ҳам бир овоздан Раис ўринбосарлари қилиб

сайландилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси вакили — Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков ҳам яқдиллик билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари қилиб сайланди. Қонунларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Мандат Комиссияси ва 12 кўмита ташкил этилди. Биринчи сессияда Ўзбекистон парламенти ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокани, 69 депутатдан таркиб топган Халқ демократик партияси фракциясини, 47 депутатни уюштирган «Адолат» социал-демократик партияси фракциясини, 14 депутат иштирокидаги «Ватан тараққиёти» партияси фракциясини рўйхатга олди. Сессия қарори билан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти жорий этилди. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонун, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Парламентнинг регламентига мувофиқ парламент ишини ташкил этиш учун Олий Мажлис Раиси раҳбарлигида Олий Мажлис Раёсати тузилиб, унинг таркибига Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, кўмиталарнинг раислари, мандат комиссияси раиси, парламентдаги депутатлар блоки ва фракцияларнинг раҳбарлари кирди. Олий Мажлис фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилишга йўналтирилган мана шу тадбирларнинг барчаси парламент ишини янада режали, ташкилий жиҳатдан пухта уюштириш имконини берди. Шунингдек, сессияларнинг кун тартибини Олий Мажлис Раёсати мажлисларида олдиндан муҳокама қилиш, сессияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳлари ташкил этиш, кўмиталар ва комиссиялар фаолиятини янада аниқроқ уйғунлаштириш ҳам қонунларни ишлаб чиқиш ишининг сифатини оширишга хизмат қилди.

**Қонунларни ишлаб чиқиш  
ва қабул қилиш  
таъминллари**

Қонунларни ишлаб чиқиш  
жараёнида амалда кўмита-  
ларнинг бутун таркиби иш-  
тирок этади. Қонун лойиҳа-  
ларини тайерлаш бўйича

махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, уларга олимлар ва му-

тахассисларни кенгроқ жалб этиш борасида халқаро тажрибадан фойдаланилмоқда. Ўтган давр шуни кўрсатдики, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар сифатини оширишда уларнинг лойиҳаларини олдиндан матбуотда чоп этиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ижобий самара берди. Қонунлар лойиҳаларини депутатларга олдиндан юбориш тартиби жорий қилинди ҳамда уларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари ҳар бир қонунни узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида албатта эътиборга олинадиган бўлди. Қонунлар лойиҳаларини назарий ва амалий жиҳатдан янада теранроқ, пухтароқ ишлаб чиқиш мақсадида улар тегишли вазирликлар ва идоралар, концернлар, уюшмалар ва меҳнат жамоаларига юбориладиган бўлди. Халқаро ташкилотларнинг экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди. Сессия муҳокамасига киритиладиган барча қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари ҳузурида тегишли қўмиталар, котибият, бўлимлар раҳбарлари, ишчи гуруҳларнинг аъзолари ва экспертлар иштирокида олдиндан синчковлик билан пухта ва атрофлича муҳокама этиш қонунчилик ишидаги мақбул жиҳат эканлигини кўрсатди. Ишнинг бу тарзда йўлга қўйилиши қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатига ижобий таъсир эта бошлади. Ана шундай тадбирлар натижасида Ўзбекистонни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичга, юз бераётган янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари воқелигига, мамлакатни янада тараққий эттиришнинг барча ички ва ташқи вазифаларига монанд қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда депутатларнинг фаоллиги ва масъулияти кучайди. Сессиялар ишида Ўзбекистон Президентининг бевосита иштироки, унинг қонунларни ишлаб чиқиш жараёнини янада такомиллаштиришга муттасил эътибор бериши Ўзбекистон парламенти фаолиятининг изчил бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, биринчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуида кенг қамровли маъруза қилиб, унда республика босиб ўтган ўзгаришлар йўлини ҳар томонлама таҳлил этди ва «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган Дастурни қонунан мўлжаллаш вазифасини қўйди. Бундай Дастурнинг йўналишлари асослаб берилди. Президент кейинги сессиялардаги нутқларида жамият риво-

жига доир муҳим қондаларни янада чуқурлаштирди ва аниқлаштирди, янги мазмун билан бойитди. Жумладан, у Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Хозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзуида нутқ сўзлади. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг ҳамма органлари томонидан катта-катта чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Олий Мажлис Кенгаши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996—1999 йилларга мўлжалланган фаолият дастури» ва республика парламенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бунда белгиланган чора-тадбирлар Олий Мажлис фаолиятининг барча асосий йўналишларини қамраб олишга, қонунчиликни янги поғонага кўтаришга қаратилган. Ўзбекистон парламентининг биринчи сессиясида таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти ҳозирга қадар халқаро амалиётни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис Раёсати томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият олиб бормоқда. Парламентнинг еттинчи сессиясида биринчи ўқишда киритилган ва маъқулланган «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг фаолияти Дастурида мўлжалланган фоят муҳим ҳужжатлардан биридир. У республикада инсоннинг сиёсий, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари пухта ҳимоя қилинишини таъминлайдиган институтнинг қонуний асосини шакллантиришга хизмат қилади.

**Олий Мажлиснинг Олий  
Кенгашдан фарқи**

Кенгашдан бутунлай фарқ қилувчи Олий давлат вакиллик органидир. Биринчи фарқ шундаки, аввал кўрганимиздек, Олий Мажлисга депутатлар сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилди. Кўппартиявийлик тамойили Олий Мажлис ишида ҳам ўз ифодасини топди. Иккинчидан, Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ташкил қилишда синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилди. Аввалги сайловларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар синфи,

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси ўзининг  
шаклланиши, фаолият кўрса-  
тиши, иш юритиш тартибла-  
ри билан аввалги йиллардаги

колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Бунинг устига, Парламентда ва Маҳаллий Кенгашларда вазифаси бўйича албатта депутат бўлувчи ўринлар ҳам мавжуд эди. Бундай ёндашувдан воз кечилди. Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланди. Республика фуқаролари сайловларда, энг аввало, номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, аксинча, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига, энг муҳими, дастурларнинг мазмун-моҳиятига катта эътибор бердилар. Учинчидан, Олий Мажлис Конституцияга мувофиқ, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи доимий амал қилувчи парламент сифатида фаолият юритмоқда, яъни депутатларнинг бир қисми парламент таркибида доимий ишламоқда. Шунингдек, депутатларнинг бир қисми олдинги хизмат вазифаларини депутатлик ваколати билан қўшиб олиб бормоқда. Тўртинчидан, Олий Мажлис депутатлари томонидан ўз сайловчилари билан яқиндан алоқада ва мулоқотда бўлади. Авваллари бу масалага унча эътибор берилмаган эди. Ҳаёт шуни кўрсатдики, сайловчилар Олий Мажлисида қандай қонунлар муҳокама қилинаётгани ва қабул этилаётганидан хабардор бўлиб туриши, депутат эса ҳаётнинг энг долзарб, қайноқ нуқталарида аҳоли билан бирга бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга масалалар муҳокама қилинаётганда Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари ҳузурда бўладилар. Масалан, депутатлар ўз сайловчилари билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раёсати 1996 йил 25 март куни «Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қарори тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Раёсат сайловчилар фикрини инобатга олиб: «Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда қабул қилган собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори муҳокамага лойиқ эмас», «Давлатлар устида турувчи ҳар қандай тузилмалар ташкил қилишни назарда тутадиган интеграция жараёни Ўзбекистон учун мақбул бўла олмайди», — деб қарор қабул қилди. Бундай қарорнинг қабул қилинишига халқнинг Россия давлат Думаси қарорига салбий муносабатда бўлганлиги асос бўлди. Халқ Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бормоқда, унинг муста-

қиллик йўлидаги ишларига ҳеч ким тўсиқ бўлмаслиги, бирон-бир ташқи ёки бошқа куч халақит бермаслиги керак, деган фикрни билдирди. Олий Мажлис фаолиятидаги мана шундай изчиллик, янгилик, дадиллик халқнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, демократик онгини юксалтириш имконини бера бошлади, ислохотларнинг изчил ва собитқадамлик билан амалга ошишига ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қила борди. Бешинчидан, Олий Мажлис қошида махсус парламентлараро алоқалар қўмитаси ташкил этилди ва у етакчи давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Ёш мустақил давлатлар олдида ижтимоий ривожланишнинг қандай икки йўли бор эди? Ўзбекистон қайси йўлни танлади?
2. Олий Кенгаш қачон сайланди, у қандай вазиятда ўз фаолиятини бошлади?
3. Олий Кенгаш қайси йилларда фаолият кўрсатди, қанча қонун ва қарорлар қабул қилди?
4. Олий Мажлис нима?
5. Олий Мажлисни сайлаш ҳуқуқий асосларининг яратилиши ҳақида сўзланг.
6. Олий Мажлисга сайловлар қандай ташкил этилди ва нечта депутат сайланди?
7. Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қандай масалалар кўрилди, қандай қонунлар қабул қилинди?
8. Қонунлар қандай тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади?
9. Олий Мажлисининг Олий Кенгашдан фарқи нима?

### 12-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис 1995—1997 йилларда етти та сессия ўтказди. Уларда 100 га яқин қонун ва 120 дан ортиқ қарор қабул қилди. Булар жамиятни демократлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, жамиятни маънавий янгилаш, миллий давлатчилик асосларини яратиш ва мустақамлашни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлади. Суд органлари тизимини янада такомиллаштириш масалалари ҳам парламентнинг доимо диққат марказида бўлди. Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиб, республикаимиз тарихида биринчи бор Конститу-



циявий суднинг ташкил этилишига ҳуқуқий асос солди. Шунингдек Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларини сайлаб, республикада мустақил суд тизимини вужудга келтириш жараёнини асосан ниҳоясига етказди. Парламент мамлакатнинг давлат ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни таъминловчи қонунлар қабул қилди. Шу маънода 1995 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини яна бир бор намоён этди. У Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва жаҳон майдонидаги мавқеини оширди. Олий Мажлиснинг 1996 йил апрель ойида бўлган V сессияда Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги туғрисидаги қонунни қабул қилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди. Олий Мажлиснинг VII сессиясида (1996 йил, декабрь) қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари туғрисида»ги Қонун мамлакатимизнинг тинчликсевар, бетараф сиёсатини белгиловчи халқаро аҳамиятга молик бўлган муҳим ҳужжат ҳисобланади. У Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатимиз юритаётган мустақил, одил йўлнинг ифодаси сифатида жаҳон афкор оммаси орасида катта эътироф этилди.

**Инсон ҳуқуқларини  
кафолатловчи қонунлар**

Олий Мажлис томонидан Меҳнат кодекси (1995) ва Фуқародик кодексининг (1996) қабул қилиниши ва уларнинг 1997 йил 1 мартдан кучга кириши Ўзбекистоннинг демократия йўлидан янада олғориши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу кодекслар кишилар учун ҳаётий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган меҳнатга, мол-мулкка доир ва бошқа муаммоларнинг кенг доирасини қамраб олувчи мураккаб, кўп қиррали қонуний ҳужжатлар ҳисобланади. Кодексларнинг марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари туради. Олий Мажлис қабул қилган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш туғрисида»ги Қонун ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Мазкур қонунларда давлат ҳокимияти ва бош-

қарув органлари билан ҳамда ишлаб чиқаришдаги кўп қиррали муносабатларда инсоннинг устуворлиги ҳуқуқ амалиётига сингдирилган. Қонунлар ҳокимиятнинг барча институтлари инсонни ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва кафолатлашдан иборат асосий мақсадга бўйсунитиш таъминини амалда рўйга чиқармоқда.

#### **Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун**

Кўппартиявийлик жамиятимиз ҳаётида, парламентчиликнинг демократик асосларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни тайёрланиб, Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 декабрда бўлган VII сессиясида қабул қилинди. Қонун жамиятимизда фаолият кўрсатаётган ҳамда келажакда тузилиши мумкин бўлган сиёсий партияларнинг ўрнини белгилаб, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиланаётган жамиятда гутган мавқеи, вазифалари ва ҳуқуқларини кафолатлайди.

#### **Иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асослари**

Олий Мажлис томонидан «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» (1995 йил, декабрь), «Концепциялар тўғрисида» (1995 йил, декабрь), «Эркин иқтисодий зоналар» (1996 йил, апрель), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги жиддий тадбир бўлди. Мазкур ҳужжатлар, шунингдек, Олий Мажлиснинг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш кўламлигини кенгайттирди, бу жараёнга амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига қарашли ўрта ва йирик корхоналарни ҳам киритишни тезлаштирди, монопол ишлаб чиқариш ва ҳўжалик тизимларини майдалаштириш учун, рақобатли бозор муҳитини яратиш учун ҳуқуқий

шарт-шароитларни вужудга келтирди. «Мулк тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Гароз тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳам қабул қилинди. Бу қонунлар республика тақдири учун ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишга, шу жумладан, ўрта мулкдорликнинг кўп сонли қатламини вужудга келтиришга қаратилди.

Пул-кредит тизимини, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютани мустақкамлаш, пулнинг кадрсизланишини камайтириш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Республика парламенти аграр ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида «Ер тўғрисида», «Ўсимликларнинг карантини тўғрисида», «Наслчилик тўғрисида», «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалик ширкатлари», «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжаликлари» тўғрисидаги янги Қонунларни қабул қилди. Олий Мажлис кўмиталари Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликда амалдаги қонун ҳужжатларини ижтимоий ривожланиш воқелигига ва иқтисодий ислоҳотлар эҳтиёжларига мувофиқлаштириш борасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишларни амалга оширди.

#### **Маънавий янгиликнинг таъминловчи қонунлар**

Маълумки, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жамиятнинг маънавий ва маданий ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Буюк аجدодлардан бизга асрлар оша етиб келган бебаҳо маънавий ахлоқий қадриятлар, табиийки, маънавий меросни авайлаб-асраш, уни янада кўпайтириб, миллий ва умуминсоний маданиятнинг янги ютуқлари билан бойитишни тақозо этади. Олий Мажлис «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунни, «Лавлат тили ҳақида»ги Қонунни (1995 йил декабрь) янги таҳрирда қабул қилди. Тил амалиётдаги мавжуд жараёнлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишни 2005

Йилга бориб узил-кесил якунлашга қарор қилинди. Қонуннинг Янги қоидалари давлат тилининг мақоми ни шак-шубҳасиз мустақамлашга, республиканинг жаҳон коммуникация тизимига киришига, мамлакатнинг барча фуқаролари ўзбек тилини янада чуқур, пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, аста-секин ва осойишталик билан эгаллаб олишларини таъминлашга, айти чокда Ўзбекистонда гуж бўлиб яшаётган бошқа миллатларнинг ўз тилларидан эркин фойдаланишига ҳам қаратилгандир.

**Жаҳон парламентлари  
билан алоқалар**

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ ўз эшиклари бутун дунё учун очқлигини, жаҳон хўжалик муносабатла-

рига тенг ҳуқуқли шерик сифатида кириш истагини, халқаро ҳуқуқ ва қоидаларни рўёбга чиқариш йўлида амалий ҳаракатларни кучайтиришни эълон қилди. 1995 йили республика парламенти Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан имзоланган ўн саккиз шартнома ва битимни ратификация қилди. Ўзбекистоннинг йигирма беш халқаро конвенцияга қўшилиши ҳақидаги қарорлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. У мамлакатимизнинг халқаро шартномаларни тузиш, бажариш, бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ҳамда денонсация қилиш тартибини белгилаб берди.

Республика парламентининг фаолияти жаҳон ҳамжамиятида борган сари кенг қизиқиш уйғотмоқда. Олий Мажлис сессияларида дипломатия корпусларининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл ахбороти воситаларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинган журналистлари ҳозир бўлмоқдалар.

Ўтган йилларда Олий Мажлиснинг халқаро парламент ташкилотлари билан алоқалари кенгайди ва чуқурлашди. Ўзбекистон Миллий парламент гуруҳи тузилди, Республиканинг Парламентлараро Иттифоқ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ва Европарламент билан алоқалар бўйича парламент гуруҳларининг раҳбарлари тасдиқланди. Олий Мажлис комиссиялари Парламентлараро Иттифоқнинг 93- ва 94- конференцияларида иштирок этди.

Олий Мажлис Котибияти ва унинг бўлимлари Олий Мажлис Раёсати, кўмиталари, комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, парламент сессияларини пухта ва ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга муайян даражада хизмат қилди. Улар кўмиталар билан ҳамкорликда олимлар ва амалиётчиларни, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг экспертларини жалб қилиб, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва олдиндан ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Депутатларни, кўмиталарни, комиссияларни ва ишчи гуруҳларини зарур шарт-шароит, ахборот-маълумотлар билан таъминламоқда. Ҳар бир депутатга ҳужжатларни олдиндан, чуқур, шошмасдан ўрганиб чиқиш, ҳар бир моддани таҳлил этиш, малакали мутахассислардан маслаҳат олиш учун имкониятлар яратиб бериш чора-тадбирлари кўрилди.

Ходимларнинг билимлари кўламини кенгайтириш, парламент фаолияти юзасидан тажриба алмашиш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. 1995 йил ноябрь ойида Тошкентда Аденауэр номли халқаро жамғарма билан ҳамкорликда «Олий Мажлис — мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириши даврида» мавзуда амалий конференция ўтказилди.

Фуқароларнинг сўровларини кўриб чиқиш ҳамда фуқаролар қабулини ташкил этиш масалалари ҳам парламент ишида муҳим ўрин тутди. Биргина 1995 йилнинг ўзида Олий Мажлис раҳбарлари, кўмиталар раислари ва Котибият ходимлари томонидан икки ярим мингдан ортиқ фуқаро қабул қилинди. Олий Мажлис номига келган қарийб икки минг хат, ариза ва мурожаат кўриб чиқилди. Улар Олий Мажлис раҳбарлигида, кўмиталар ва Котибиятда ҳар тамонлама таҳлил этилди, таклиф ва мулоҳазалар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинди. Фуқаролар томонидан қўйилган асосли масалаларнинг аксарият қисми ижобий ҳал қилинди.

**Давлат мукофотларининг таъсис этилиши**

Олий Мажлис фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири Давлат мукофотларини таъсис этиш бўлди. Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг ўзига хос давлат рамзлари бўлганидек, унинг ўзига мос ҳукумат мукофотлари ҳам бўлиши лозим. Шунинг учун 1995 йил 22 декабрда биринчи чақириқ Ўз-

бекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида «Давлат мукофотлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра, республика фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланадиган бўлдилар. Айрим ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин. Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан таъсис этилади. Мукофотларга доир низомилар ва уларнинг тавсифлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида Олий даражадаги мукофот сифатида 1995 йил май ойида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали таъсис этилди. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медалига биринчи бўлиб «Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқларвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун» Ўзбекистон Республикасининг Президентги И. А. Каримов сазовор бўлди. Шунингдек ~~кейинги йилларда~~ Бўрон Рузиев, А. Н. Панин, Эркин Алимұхамедов, Муяссар Темирова, Комилжон Мамажонов, Ойша Кўчқорова, Николай Кучирский, Иброҳим Файзуллаев, Содикжон Абдурасулов, Мирумар Асадов, Парда Зиятов, Қобилжон Обидов, Абдулла Орипов, Жонсаид Турдиев, Анвар Қурбоновлар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирландилар.

Айни чоқда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатган фуқаролар «Мустақиллик», «Амир Темур», «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», I—II даражали Соғлом авлод учун», «Меҳнат шўхрати», I—II даражали «Шон-шараф» ва «Дўстлик» орденлари билан, «Жасорат», «Шўхрат» медаллари билан мукофотландиган бўлдилар.

Шунингдек мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари ҳам таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги Фахрий унвонлари таъсис этилди:

- «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»,
- «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»,

- «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи».

Халқ хўжалигининг 22 соҳаси бўйича «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ходим» унвонлари таъсис этилди. 1998 йил 25 августда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йили 2 июлда қабул қилинган «Байрам кунлари ҳақида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йили 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 131-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйилади кунлар байрам (дам олиш) кунлари деб белгиланди:

**1 январь — Янги йил;**

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни;**

**21 март — Наврўз байрами;**

**9 май — Ғалаба куни;**

**1 сентябрь — Мустақиллик куни;**

**8 декабрь — Конституция куни;**

**Рўза Ҳайити (Ийд ал-Фитр) — диний байрамнинг биринчи куни. Қурбон Ҳайити (Ийд ал-Адҳа) — диний байрамнинг биринчи куни.**

**1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.**

### Савол ва тошпириқлар

1. Олий Мажлис томонидан 1995—1997 йилларда қабул қилинган қандай қонун ва қарорларни биласиз?
2. Ушбу қонун ва қарорларнинг ҳаётдаги аҳамияти ҳақида гапиринг.
3. Олий Мажлис халқаро парламентлар билан қандай алоқалар ўрнатган?
4. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?
5. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали қандай кишиларга берилади?
6. Ўзбекистонда қандай орден ва медаллар таъсис этилган?
7. Қандай Фахрий унвонлар таъсис этилган?
8. Ўзбекистонда қайси кунлар байрам кунлари деб белгиланган?

### 13- §. МИЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ БАРПО ҚИЛИНИШИ. БОШҚАРУВДА ЯНГИ УСУЛЛАРНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

#### Бошқарув тизимининг ташқил топини

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар қандай жамиятда давлат ва бошқарув, ўша давлат конституциясида кўзда тутилганидек, унинг туб мақсадларига мос бўлиши керак. Буни Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ижтимоий ҳаёт ҳам тақозо қила бошлади. Ўзбекистонда президентлик институти ўрнатилган дастлабки даврда Вазирлар Кенгаши ижроия ҳокимияти сифатидаги ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини сақлаб қолган эди. Чунончи, унинг 1990 йил 30 мартда Олий Кенгаш тасдиқлаган янги таркиби 41 киши, яъни Раис, бош вазир, унинг икки биринчи ўринбосари, тўрт ўринбосари, 19 вазир, 14 давлат кўмитаси раисидан иборат эди. Республикада демократик жамият қуриш борасида бошқарув идоралари тобора такомиллашиб борди.

Ўзбекистонда янги жамият қуриш борасида тажрибалар ортиши билан Президентлик бошқаруви ҳам ривож топиб борди. Бу борада 1990—1992 йилларда амалга оширилган ишларни кўрсатиш мумкин. Бу даврда Президентлик Ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилиб Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. 1990 йил 15 ноябрда Президент И. Каримов «Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида» Фармон чиқарди. Президентнинг ушбу фармони асосида халқ хўжалиги деҳқончилик саноати, халқ истеъмоли моллари, қурилиш-транспорт, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, умумиқтисодиёт, моддий-техника, маданият ишлари комплексларига ажратилиб, унинг раҳбарлари белгиланди ва улар Вазирлар Маҳкамаси таркибига киритилди.

1991 йил сентябрь ойидаёқ Президент И. Каримов: «Биз Ўзбекистон давлат миллий сиёсатининг йўналишларини ва стратегиясини қамраб олувчи кенг кўламдаги ва истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқдик ва амалга ошира бошладик. Бу сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бошқаришнинг демократик шаклига, умуминсоний қадриятларга асосланувчи реал мустақил



**миллий давлатчиликни қарор топтириш»,** — деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида шундай қайд қилинади: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади».

Конституцияда кўзда тутилганидек, Ўзбекистон Республикаси ижроия ҳокимияти Президентлик ҳокимияти ва Вазирлар Маҳкамасидан иборат Республика Президенти қoшида ижро этувчи ҳокимият девони тузилган бўлиб, унга Президент раҳбарлик қилади. Вазирлар Маҳкамаси Президент томонидан тузилади ва Республика Парламенти томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасига Президент Раислик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрди.

Шундай қилиб, Президент республикада олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширувчи олий мартабали шахсга айланди ва айна бир пайтда давлат бошлиғи ҳам ҳисобланди. Эндиликда у фақат фармонлар эмас, балки қарорлар ва фармойишлар ҳам қабул этадиган бўлди.

Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик республика шаклининг юзага келиши ва такомиллашувида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун катта аҳамиятга эга бўлди. Унда фуқароларнинг шу соҳадаги сайлов ҳуқуқий, сайловни ўтказиш қатъиятлари ва тартиби, президентликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларини чиқариш тартиби каби ўта муҳим ҳуқуқий қоидалар ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда Президентлик республика бошқарувининг янада такомиллашувида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки янги Асосий Қонунга мувофиқ, Президентнинг ҳуқуқий мақоми янада такомиллашди ва маълум даражада кенгайди. Чунончи, Президент ловозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистонда

муқим яшаган республика фуқароси сайланиши мумкин, деб белгиланди.

Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, деб кўрсатилди. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Президент ваколатларининг бундай кенгайтирилиши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви туфайли содир бўлди. Янги Конституцияда белгилаб қўйилдики, Президент мустақил давлат раҳбари сифатида музокаралар олиб боради ва республика шартномаларини имзолайди, уларнинг бажарилишини таъминлайди, ўз ҳузуридаги аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади, вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, ўз ваколатига берилган бошқа ички ва ташқи масалаларни ҳал қилади.

Хукумат таркиби ҳам янги талаблар асосида шакллантирилди. 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессияси бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармони тасдиқлаш масаласи кўрилди. Сессияда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги туб ўзгаришларга мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасининг 35 кишидан иборат янги таркиби сайланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи, фуқароларни ҳимоя қилувчи олий даражадаги ижроия ҳокимияти вужудга келтирилди.

**Президент И. Каримов —  
Ўзбек миллий давлатининг  
асосчиси**

Ўзбекистонда миллий давлатчилик қурилишида Президент Ислом Каримовнинг хизматлари катта. Ислом Каримов ўзининг асарларида миллий давлатчилик қурилишининг назарий жиҳатларини асослаб берди. Шунингдек, миллий давлат тизимини яратишга амалий раҳбарлик қилмоқда. Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда Президентлик Республика бошқаруви қарор топди.

Президентлик республика бошқарувида энг муҳими — ҳокимият бўлинишини адолатли тарзда амалга

ошириш имкони бор. Яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти бир-бирига дахлсиз ҳолда иш олиб боради. Президентлик республика бошқарувида ижро ҳокимияти Президент қўлида бўлади. Бу усул имкониятларини дунё тан олган.

Ҳақли савол туғилади: нима учун Президент Ислом Каримов бошқарувнинг айнаи шу усулини танлади? Масаланинг икки жиҳати бор.

Биринчидан, Шарқда азалдан давлат демократияга қанчалик кенг имконият яратиб берган бўлмасин, кучли ҳокимият мавжуд бўлган. Энг улуғ ва адолатпеша давлат бошлиғи қатъиятли, талабчан ва айнаи пайтда меҳр-мурувватли бўлиши билан ҳаммага ўрناк бўлган ва ҳамиша тинчлик, адолат ва ҳақиқатта хизмат қилган. Акс ҳолда ҳар қандай ҳокимият анархияга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Иккинчидан, бошқарувнинг парламентар республика усулида Президент парламент йиғилишида унинг аъзолари томонидан сайланади. Президентлик республика бошқарувида эса Президент умумхалқ сайлови йўли билан барча фуқароларнинг овоз бериши асосида сайланади. Бунда Президент ўз ваколатини парламентнинг санокли аъзоларидан эмас, кенг халқ оммасидан олади. Қолаверса, бунинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва демократик мазмуни ҳам бор.

Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан машҳур беш тамойилнинг бири — ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиб қолиши зарурлигининг моҳияти шундай пайтда кўзга яққол ташланади. Ижро ҳокимияти билан давлатнинг жилови бир кишининг қўлида бўлган тақдирда ва уни парламент қонун билан ҳимоялаб турган бир шароитда мамлакатда соғлом ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий вазият барқарор бўлади. Демак, туб ислохотларнинг самарадорлиги, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва истиқболи кафолатланган ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар республика ва монархия шакли ўрнатилган мамлакатларда ҳам ҳукумат — олий ижро идораси асосий ўринни эгалламоқда. Масалан, Германия, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ана шундай ҳодиса юз бермоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Уни назорат қилиб борувчи Конституциявий суд мавжуд.

Президент Ислом Каримовнинг бошқарувчилик фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки,

у доимо босиб ўтилган йўлга назар солиб боради. Воқеа-ҳодисаларнинг боришини сертаклик билан кузатиб, ўз иш юритиш усулини ана шу таҳлиллар асосида бойитиб, такомиллаштириб боради. Ҳеч қачон маълум бир фикрга абсолют ҳақиқат деб қарамайди. Уни доимий равишда кучайтириб, миқёсини кенгайтириб, эҳтиёж туғилса, янгилаб боради.

**Бошқарув тизимидаги  
ислохотлар**

Ўзбекистонда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистоннинг давлат су-  
беренитетини амалга оши-

рувчи тузилмалар — Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди.

1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди. Мустақилликни, ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш учун 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси тузилди. 1992 йил июлда Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Адлия вазирлигининг фаолияти такомиллаштирилди.

Республиканинг ташқи фаолияти масалалари бўйича шуғулланадиган идоралари тизими ҳам такомиллаштирилди. Жумладан, 1991 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди. 1992 йил 21 февралда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди, ушайили 10 августда эса Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси барпо этилди, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари белгиланди. Ўзбекистон ҳудудида саёҳат соҳасидаги ягона сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи бош идора сифатида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳам барпо этилди.

**Иқтисодиёт билан  
шуғулланувчи идоралар  
тизимидаги ўзгаришлар**

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларда ноқ бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи, бозор муносабатларининг фаолияти

учун имкон берувчи янги бошқарув тизимини яратиш зарур эди. Негаки, биринчидан, янги жамиятга

ўтишда бошқарувда жиддий камчиликларга йўл қўймаслик, МДХга кирувчи айрим давлатларда бўлганидек, иқтисодиётни бошқарувчи реал дастакларни қўлдан чиқармаслик лозим эди.

Иккинчидан, ўтиш даврида етук бозор муносабатлари ва механизмлари тўла шаклланмаган эди. Шу боисдан Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини билан шуғullanувчи давлат идоралари тизимида тубдан ўзгаришлар қилинди. Мамлакатда 1990 йил декабрида маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этувчи Давлат режа қўмитаси Иқтисод комиссиясига айлантирилди. 1992 йилда шу комиссия негизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тараққиёт ва истиқболни белгилаш қўмитаси ташкил этилди. 1992 йил 5 августда эса ушбу қўмита билан Статистика давлат қўмитаси бирлаштирилди ва улар негизда Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ва жойларда унинг тегишли идоралари барпо этилди. Бу қўмита вазифаларига иқтисодиётдаги ислохотларни таҳлил қилиш, баҳо бериш, тақлифлар киритиш, Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари ва ташқи иқтисодий алоқалар стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳоли моддий фаровонлигини ошириш ва уни ижтимоий муҳофаза этиш, ягона статистика сиёсатини ўтказиш кабилар киритилди. 1997 йилдан ушбу қўмита Макроиқтисодиёт вазирлигига айлантирилди.

Ўзбекистонда молия идораларини бошқариш ташкилий тузилмаси ва нарх белгилаш тизими ислоҳ қилинди. Шу боисдан Давлат нархлар қўмитаси тугатилиб, нархларга доир давлат сиёсатини ўтказиш вазифалари Молия вазирлигига топширилди. Молия вазирлиги таркибида нархларни назорат қилиш, нархларни белгилашда яққаҳоқимликка йўл қўймаслик, рақобатчилик муҳитини шакллантириш ишларига қўмаклашувчи махсус бошқарма тузилди.

Тақсимот бўйича яққаҳоқим бўлиб олган Давлат таъминот қўмитаси ўрнига Республика улғуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди. Уюшма таркибига республика акциядорлик товар-хом ашё биржаси, акциядорлик биржа банки, худудий акциядорлик тижоратчи-воситачи компаниялар кирди. Уюшма товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва тадбиркорлар учун товар ресурслари бозорида эркин иштирок этишга тенг имкониятлар яратиш, уларга ти-

жорат-воситачилик, савдо ва маркетинг хизматлари кўрсатиш ишлари билан шуғулланмоқда.

Республикада молия ва банк тизими тубдан ўзгарди. Молия вазирлиги республика бюджетини шакллантириш билан бир қаторда, давлат солиқ сиёсатини, молия сиёсатини белгиламоқда, валюта ишларини бoшқармоқда. Банк тизими ислох этилди. Давлат банки ва унинг бўлинмалари тугатилди, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Саноат-қурилиш банки, Пахта банки, Ўзжамғармабанк, ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари — «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогарбанк», хусусий банклар ва бошқа банклар тузилди. Банкларнинг мустақиллиги ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлиги оширилди.

Давлат назорати тизими тартибга солинди. Давлат солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси тузилди. Давлат назорати қўмитаси, унинг жойлардаги органлари тугатилди, Президент девонида назорат инспекцияси, ҳоқимиятларда тегишли назорат инспекциялари тузилди.

Ислохотларни чуқурлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президент ҳузурида Иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро Кенгаш тузилди, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмита мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишда, кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда муҳим тадбирларни амалга оширди. Қўмита инвестиция фондлари, фонд биржалари, кўчмас мулк биржалари, аудиторлик хизматлари ва бошқа бозор муносабатларига мос янги тузилмаларини ташкил этди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқасини йўлга қўйиш мақсадида республика тарихида биринчи марта Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди. Вазирлик товарлар ва хизматлар халқаро бозорини таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, экспорт-импорт бўйича марказлашган тартибда маҳсулотлар етказиб бериш ишларини ташкил этмоқда. Вазирликлар, идоралар, корхоналарда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи бўлимлар, ташкилотлар, фирмалар тузилди. Республикада ташқи алоқаларни таъминлайдиган яхлит тизим таркиб топди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш, транспорт бўйича тармоқ вазирликлари тугатилиб, улар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган уюшмаларга, концернларга, корпорацияларга ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантирилди. Автомобиль транспортида, қурилишда бошқарув тизими қайта тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ишлари вазирлигининг структураси, фаолияти ва иш юритиш усуллари тубдан ўзгарди. Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Мумимиллий аҳамиятга молик бўлган тармоқларда, айтайлик, саёҳатчилик, транспорт, маданият, кино, телевидение ва радио тизими ва бошқаларда иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган миллий компаниялар ташкил этилди.

Шундай қилиб, мустақиллик қўлга киритилгандан бери ўтган қисқа тарихий даврда миллий ҳуқуқий давлат, унинг замонавий ҳокимият органлари барпо этилди, ихчам, очиқ ва тадрижий ривожланишга эга бўлган ижтимоий-сиёсий тизим яратилди.

Биз юқорида қисқача санаб ўтган марказий бошқарув идоралари тизимининг барпо этилиши асосан икки ҳолат билан изоҳланишини, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви ва унинг бозор иқтисодиётига ўта бошлаши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидламоқчимиз.

Хулоса сифатида уч муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчидан, илгари республика давлат бошқаруви соҳасида жуда катта ва ҳал қилувчи масалалар Иттифоқ идоралари ваколатида эди. Мустақиллик шароитида бу ваколатлар тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси тегишли марказий идораларига — Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва бошқа маҳкамаларга ўтди. Аввал республика ҳукумати, вазирликлари ва давлат кўмиталарининг 80—90 фоизи марказнинг тегишли идораларига итоат этган бўлса, эндиликда улар мустақил давлат идораларига айланди.

Иккинчидан, бошқарув тизимидаги туб ислохотлар натижасида марказлаштирилган тартибдаги қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий-буйруқбозликдан ҳуқуқий бошқарувга, иқтисодий омиллар орқали ўзини-ўзи идора этишга ўтилди.

Учинчидан, илгари вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа марказий маҳкамалар фақат давлат корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилган бўлса, эндиликда улар ўрнига барпо этилган концерн, ассоциация, компания, уюшма ва корпорациялар ҳам давлат, ҳам мулкчиликнинг бошқа шакллари асосида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга раҳбарик қиляпти, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турибди.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда Президентлик республика бошқаруви ташкил этилди. Бунинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Парламентар республика бошқарув усули нима?
3. Ўзбекистонда миллий давлатнинг асосчиси ким?
4. Президент Илом Каримовнинг бошқарувчилик фаолиятидаги муҳим жиҳатларини айтинг.
5. Бошқарув тизимида қандай ислоҳотлар амалга оширилди?
6. Давлат суверенитетини амалга оширувчи қандай давлат тузилмалари ташкил этилди?
7. Бозор муносабатларини шакллантиришга кўмаклашувчи қандай бошқарув идоралари ташкил этилди?
8. Бошқарув тизими ислоҳотларининг муҳим жиҳатлари, натижалари ҳақида сўзланг.

### 14-§. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

#### Маҳаллий ҳокимият тизимидаги ислоҳотлар

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида маҳаллий ҳокимият органлари тубдан ислоҳ қилинди. Аввало шунга айтиш керакки, бу тизим таркибига вилоят, туман, шаҳарча, шаҳарлар таркибидаги туман, шаҳар, қишлоқ, посёлка доирасидаги ҳокимият муассасалари мажмуи киради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бошқарувнинг бу тизимида ислоҳот ўтказишни тақозо қилган омиллар нималардан иборат эди?

Биринчидан, вилоят, шаҳар ва туманлардаги ҳокимият органлари ҳисобланган халқ депутатлари Кенгашлари шаклан демократик тарзда шакллантирилсада, уларнинг иш фаолиятида демократик тамойилларга амал қилинмас эди. Улар КПСС сиёсатини ҳаётга тад-



биқ этиш қуролига, аниқроғи партия ташкилотлари раҳбарлик қиладиган бир муассасага айланган эди.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари мустақиллигини кенгайтириш, ҳудудлар тизимида туб ўзгаришлар ясашни ҳам талаб қила бошлади. Маълумки, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ҳудудий тараққиёт кўпинча марказлаштирилган тарзда қайта тақсим қилинадиган давлат бюджети ажратмалари ҳисобига амалга оширилар эди. Янгича муносабатларга ўтиш жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга бевосита масъул бўлишини талаб қиларди. Маҳаллий ҳокимият тизimini шакллантириш соҳасида бир қатор қонун ва расмий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил, сентябрь), «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳақида»ги Қонун (1993 йил, сентябрь), «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Қонун (1994 йил, май) кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида таъкидланганидек, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади. Уларнинг ваколатлари муддати 5 йил бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда қатнашадилар.

#### **Маҳаллий Кенгашларга сайловлар**

1994 йил 25 декабрдаги Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари катта тайёргарлик кўрдилар.

Тошкент шаҳрида Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ тузилди. Қонунда

белгиланган тартибда ва тавсия этилган вақтда календарь режасига асосан шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов комиссияси ташкил этилди.

Сайлов комиссиялари таркибига саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари ва маҳалла йиғинлари вакиллари билан иборат 810 киши жалб этилди.

Анджон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида депутатликка номзодлар кўрсатиш демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда олиб борилди. Бу жараён сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари иштирокида, муқобиллик асосида амалга оширилди. Натижада вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда вакиллик органлари бўлиши Халқ депутатлари Кенгашларига халқнинг муносиб фарзандлари сайландилар.

#### Ҳокимликнинг ташкил этилиши


Миллий давлатчилик тарихи тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил

этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ вилоят, шаҳар ва туманларда ҳоким лавозими таъсис этилди. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими маҳаллий ҳудуднинг олий мансабдор шахси сифатида тегишли ҳудуд ижроия ҳокимиятини бошқарадиган бўлди. Республиканинг 12 вилояти ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида тасдиқланадиган ҳокимлар бошчилигидаги ҳокимликлар ташкил қилинди. Шунингдек, 163 қишлоқ туманлари, 18 шаҳар туманларида, 120 шаҳарларда ҳоким сайланди.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинадиган бўлинди.

— Ҳокимликда кўпроқ мустақиллик, ўз ҳудудида ўз ҳукми ва сўзининг салмоғини ошириш, хўжалик ва иқтисодий бошқарувда қатъият билан ишлаш имконияти кенгайди. Ҳокимлик усулининг ихчамлиги, буйруқбозлик ва қоғозбозликнинг камайиши, ҳаётга ва ишлаб чиқаришга яқинлиги билан олдинги бошқарув тизими анъаналари ва усуллари билан анча афзалликларга

эга бўлди. Ҳоким ва унинг ижроия аппарати жойлардаги корхона ва муассасаларга раҳбарлик қилмоқда. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқаролар манфаатига мослаб ҳал этмоқда.



Тошкент шаҳар ҳокимиятининг янги биноси.

Мамлакатда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тизимини такомиллаштиришда уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартиришга жиддий эътибор берилди. Энг аввало ислохотларни қонун билан мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви янги тизимининг ҳуқуқий негизларини яратиш, қонун устиворлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Президент сиёсатининг бош йўли ҳуқуқий, демократик давлатни вужудга келтириш, ҳамма нарсадан қонунни устун қўйиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, «фуқаро-жамият-давлат» принципини жорий этиш, ана шу йўл билан фуқаролар жамиятини вужудга келтиришдан иборат. Бу принципга зид бўлган барча ҳаракатларга қарши мамлакатда қатъийлик билан кураш олиб борилди. Жойларда қонунни ҳурмат қилмаслик, уқувсизлик ва бошқа иллатлар туфайли мавқеини йўқотиб қўйган айрим вилоятлар ва ўнлаб туман ҳокимлари, маҳаллий ҳуқуқ органлари, савдо, таъбат, маиший хизмат тармоқларининг раҳбарлари хизмат вазифаларидан озод этилди. Бу тузумни иллатлардан тозалаш, фуқаролар жамиятини шакл-

лантириш, инсонга буюк неъмат сифатида қараш каби халқчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, республикада давлат ҳокимияти барча органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунлар базаси вужудга келди. Улар марказий, вилоят, шаҳар ва туманлар даражасидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув функцияларини аниқ қилиб белгилаб берди. Бу мустақил миллий давлатчилигимизни таъминловчи муҳим шартлардан биридир.

### Савол ва топшириқлар

1. Қандай омиллар маҳаллий ҳокимият тизимида туб ислоҳотлар ўтказишни талаб қилди?
2. Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгашларига сайловлар қандай ўтказилди?
3. Ўтказилган сайлов натижалари нимани кўрсатди?
4. Бошқарувда ҳокимлик тизимининг ташкил этилиши ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ҳокимларга қандай вазифалар юклатилган?
6. Сизнинг вилоятингиз, шаҳрингиз, туманингизда ҳоким ким, унинг фаолияти тўғрисида жамоатчилик қандай фикрда?

### 15-§. ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Маҳалланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни

Осиё минтақаси ва мусулмон шарқида давлат қурилиши ва бошқарув тажрибаси ўзига хос хусусиятларга ва ўзига хос анъаналарга эга.

Шарқда қадимдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда маҳаллаларнинг роли салмоқли бўлган.

Дарҳақиқат, маҳалла азалдан Ўрта Осиёдаги шаҳарлар ичидаги ҳудудий бирлик бўлиб, у бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Араблар истилоси ва ислом дини қабул қилинганидан анча илгари пайдо бўлган маҳалла муайян бир кичик ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат кўшничилик ришталари билангина эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан ҳам боғланган.

**Ўзини-ўзи бошқариш  
органларининг ҳуқуқий  
асослари**

Ўзбекистон Конституциясида ўз-ўзини бошқариш органларини тузиш тартиблари белгилаб берилди. Конституциянинг 105-моддасида шаҳарлардаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг йиғинларида икки ярим йил муддатга маҳалла раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайланади.

Маҳалла — ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий бўғини. Бу аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Маҳаллада ҳар бир кишининг тақдири, орзу-умиди, ҳаётга ва одамларга муносабати қатъий назоратда туради, улар бир-бири билан ҳисоблашиб яшашади. Шу билан бирга маҳаллачилик узоқ анъаналарга ва халқимиз тарихига, унинг бой маънавий-ахлоқий удумларига боғлиқ бўлган улкан ҳаёт мактабидир.

Мустақиллик қўлга киритилгач, бутун мамлакатимиз ҳудудлари — шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларда янги турмуш тарзини шакллантиришда, жамиятда шахсининг родини оширишда, ўзини-ўзи идора қила олиш фазилатларини кучайтиришда, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш тамойилларини кундалик фаолиятга айлантириш-



Маҳаллада сумалак.

да маҳалла имкониятларидан фойдаланиш зарур эди. Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари фаолиятини ўзгартиришни, уни миллий анъаналар ва жаҳон тажрибалари асосида ташкил этишни тақозо этади.

«**Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради**», — дейди Президент И. Каримов. Бу йўл бевожита мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланиши ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш тамойилининг бош йўналишига айланиб қолди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Қонунда маълум бир ҳудудда бирлашган жамоа ўзини-ўзи бошқариш идораларини маълум турар жой мавзеси, қишлоқ, посёлка, кўча доирасида ташкил этади, деб қайд этилган.

Қонун фуқаролар йиғинида қарор қабул қилишга имкон берувчи ҳуқуқий шаклларни кўрсатиб берди. Фуқаролар йиғини унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг камида ярми, аҳолиси кўпроқ маҳаллаларда бўладиган вакиллар мажлиси эса делегатларнинг учдан икки қисми қатнашганда қонуний кучга эга бўлади. Йиғинни раис ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва у тегишли ҳокимиятга юборилади.

Фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилди. Улар қонуннинг 17-моддасига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш вақтини аҳолига қулай ҳолда белгилашлари, маъмурий комиссия ташкил этишлари мумкин. Бу мамлакатда фуқаролар фаоллигини ошириш, шу асосда ўз турмушини йўлга қўйиш ва жамият умумий қиёфасини шакллантириш имконини беради.

Буларнинг ҳаммаси маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятига доир ҳуқуқий қондалар улар фаолиятини маҳаллий шароитга яқинлаштиришга, ортиқча расмийчиликларга барҳам беришга ва аҳоли-

нинг жамиятни бошқаришда мумкин қадар кўпроқ иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

#### Маҳаллаларга ҳомийлик

Маҳаллаларни ташкил этишга ҳомийлик қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги 1992 йил 12 сентябрдаги ҳамда мамлакат «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисидаги 1992 йил 8 октябрдаги фармонлари катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Бу фармонлар маҳалла кўмиталарининг ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг миқёсли ишларга катта кўмак берди.

Ҳукумат маҳаллаларга дастлаб бюджет ҳисобидан 25 миллион сўм маблағ ажратди. Жойларда маҳаллалар ролини ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш учун қулай имкониятлар яратилди.

Мамлакатда маҳалла кўмита раислари ҳамда котибларига ойлик иш ҳақи белгиланди. Қисқа вақтда бу мақсадларга маҳаллий бюджетдан 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

#### Ўзини-ўзи бошқариш органларининг таъкил этилиши ва фаолияти

Мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил этишга катта эътибор берилди. 1994 йил охириларигача республикада 12,4 минг ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла кўмиталари шакллантирилди. Улар ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ўзлари ҳақидаги Низомга, маҳаллий ҳокимиятнинг маҳалла фуқароларининг йиғилиши ҳақидаги қарорларига амал қилиб иш юритдилар.

Бу борада Чилонзор тумани ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман Кенгаши ибратли ишларни амалга оширди. Улар маҳалла аҳлининг кўп асрлик тажрибаларидан ва энг одилона бошқарув усулидан самарали фойдаланиш мақсадида кўп қаватли уйлар жойлашган мавзеларни ҳам маҳаллаларга айлантиришга қарор қилдилар. Туман ҳудудида аввалдан мавжуд бўлган 19

та маҳаллалар қаторига бир қатор турар жойларда ян-гитдан ташкил этилган 25 та маҳалла қўшилди. Уларнинг сони 44 тага етди. Айна пайтда бу ерларда кенг миқёсли ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, маданий тадбирлар амалга оширилди. Булар аҳолининг ўзини-ўзи бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтирмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг вилоят ва шаҳарлари ҳудудларида ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлган маҳаллалар сони, уларнинг аҳоли ўртасидаги роли ортиб бориши республикада ижтимоий ҳаётнинг янада демократлашиб бораётганини кўрсатади.

Кейинги йилларда янгидан қаддини кўтараётган маҳаллалар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Буни 1996 йил май-июнь ойларида Ўзбекистонда бўлиб ўтган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар яққол кўрсатди.

Сайловни пухта тайёрлаш мақсадида Олий Мажлис Раёсати 1996 йил 13 март куни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масаласини махсус муҳокама қилди ва шу асосда зарур ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Фуқаролар йиғинлари ва уларнинг раислари сайловини ўтказиш ҳақидаги қонун матни 4 минг нусха атрофида кўпайтирилиб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига етказиб берилди. Шунингдек, бу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга доир тавсияномалар ишлаб чиқилди. Улар «Маҳалла» газетасида эълон қилинди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга доир амалий семинарлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти масъул ходимлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ишончли ёрдамчиси тариқасида ўзини кўрсатгани, жамиятда фуқаролик тотувлигини мустаҳкамлашга кўмаклашаётгани алоҳида таъкидланди. Маҳалла раҳбариятининг кам даромадли оилаларга ва муҳтож кишиларга кўрсатаётган ёрдами, ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан амалга ошираётган кенг миқёсли ишлари жамоатчиликда яхши фикр уйғотди.



Сайловга тайёргарлик кўриш Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида яхши ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб мамлакатда 6 минг 955 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва 60 мингдан ортиқ раис маслаҳатчиси сайланди. Қишлоқ, овул ва шаҳарларнинг ва шаҳарлардаги маҳаллалар йиғинлари раисларининг 84 фоиздан ортиғи шу лавозимига иккинчи муддатга сайланди, бу кўрсаткич маслаҳатчилар орасида 65 фоиздан ортиқроғини ташкил қилди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг умумий маълумот даражаси анча ошди. 1997 йилги маълумотларга кўра, фуқароларнинг барча қишлоқлар ва овулларда 1436 та, шаҳарларда — 117 та, маҳаллаларда — 5402 та, шу жумладан қишлоқ маҳаллаларида 3305 та ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, уларнинг раислари жамоатчилик асосида иш олиб бора бошладилар.

### Савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий ҳаётда маҳалла қандай ўринга эга?
2. Ўзини-ўзи бошқарув органларининг тузилиши тарихий қадриятларимизнинг тикланиши эканлигини исботланг.
3. Қандай ҳужжатларда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган?
4. Ўзини-ўзи бошқариш органлари нима учун тузилди; унинг вазифалари нималардан иборат?
5. Маҳаллаларга қандай ҳомийлик қилинмоқда?
6. 1996 йилги фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови қандай ўтди, қанча киши сайланди?
7. Қанча ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда?
8. Сизнинг маҳаллангизда ўзини-ўзи бошқариш ва фуқаролар тотувлигини таъминлашда қандай ишлар қилинмоқда?

### 16-§. КАДРЛАР СИЁСАТИДА ЯНГИЧА ЙЎЛ

#### Иллатлар ва сабоқлар

Миллий ҳуқуқий давлат қурилиши, маъмурий-буйруқ-бозликка асосланган бошқарув тизимидан демократик бошқарув тизимига ўтиш, биринчи навбатда кадрлар масаласи билан боғлиқ бўлиб қолди. Ҳаёт мутлақо янги-ча кадрлар сиёсати юритишни тақозо қиларди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш табиий равишда кадрлар сиёсатида қандай мерос қолганини, кадрлар сиёсатидаги хатолардан сабоқ чиқариб олишни талаб

этди. Советлар замонида кадрлар сиёсатида назария билан амалиёт ўртасида номутаносиблик мавжуд эди. Бир томондан, расмий йиғилишларда маҳаллий кадрлар тарбиялаш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйиларди. Иккинчи томондан, амалда эса унинг тескарисси бўларди, маҳаллий кадрларга ишонмаслик, уларни бадном қилиш одат тусига кириб қолган эди.

Қарийб 74 йил давомида жамият бошқарувида шундай услуб қарор топдики, мамлакатда сиёсий ҳокимият тепасига янги раҳбар келиши билан ўз фаолиятини албатта аввалгисини танқид қилишдан бошларди. Ҳокимият тепасига келган киши хоҳ партия, хоҳ давлат раҳбари бўлсин, унинг айтгани асосий йўл-йўриқ сифатида қабул қилинар эди. Бу оқибатда ҳамма даражада бошлиқ гапини асослашга хизмат қилувчи мафкуранинг вужудга келишига олиб келдики, бу ҳолат жамиятдаги демократик жараёнларнинг ривожига тўсиқ бўлди. Натижада маънавий қашшоқлик, баъзан сиёсий маданиятсизлик, ҳатто ғоявий бебурдлик юз берди, бир қолипдаги ягона мафкура ҳукмронлиги қарор топди. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XVI Пленумида (1984 йил 24 июль) республиканинг собиқ биринчи котиби Ш. Рашидов асоссиз тарзда танқид остига олинди. Бундай ноқобил иш услуби қуйи бўғин идораларида ҳам юз берди.


Аввалги йилларда кадрлар сиёсатида йўл қўйилган иккинчи хатолик кадрларнинг назарий тайёргарлиги, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларига коммунистик мафкура, мақтончоқлик асос қилиб олинди. Бу партия ва совет ташкилотлари фаолиятида жуда жиддий қусурга айланиб кетди. Кадр танлашда ходимнинг одамлар билан ишлаш қобилияти, касб маҳорати эмас, кўпроқ биринчи раҳбарга шахсий садоқати асосий ўринга қўйилди. Натижада раҳбарларнинг замонавий билим савияси, маънавий баркамоллиги, одамларни ишонтириш ва эргаштира олиш фазилатлари эътибордан четга сурилди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, кадрлар сиёсатида бир-бирига қарама-қарши икки тенденция устунлик қиларди. Бир томондан, кадрлар корпусида турғунлик ҳолати анча кучли намоён бўлди. Айрим шахслар партия ва ҳукуматнинг, хўжалик органларининг раҳбарлик лавозимларида 10—15 йиллаб ўтирарди. Бундай турғунлик хизмат мансабини суниистеъмол қилишларга олиб келди. Айни пайтда, халқ хўжалиги

бошқарувининг қуйи бўғинида кичик раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ҳоллари учрай бошлади. Ҳатто бундай лавозимларни олди-соттига айлантириш ҳолларига йўл қўйилди.

Кадрлар сиёсатидаги жиддий камчиликлардан бири раҳбарликнинг барча даражаларида марказ буйруғига сўзсиз итоат қилиш туйғусининг шаклланиши эди. Марказнинг «оталарча ғамхўрликлари» «амалий ёрдам» сифатида қабул қилинадиган бўлди, айти чоқда марказдан бўлган ҳар бир кўнғироқ, асоссиз кўрсатмалар сўзсиз бажариладиган ҳолат вужудга келди.

Кадрлар сиёсатидаги жиддий хатолардан яна бири марказ томонидан миллий республикаларга, жумладан, Ўзбекистонга маҳаллий шароитни билмаган кадрларнинг юборилиши билан боғлиқ эди. Масалан, 1984—1987 йилларда Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа минтақаларидан 400 дан ортиқ киши Ўзбекистон партия, совет ва маъмурий органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун юборилган эди. Натижада маҳаллий халқ ҳаёти билан, маҳаллий кадрларнинг ишчанлик қобилияти, ташкилотчилиги, билим даражаси билан мутлақо таниш бўлмаган кишилар кўпайиб кетди. Тажрибали маҳаллий кадрлар бадном қилинди, миллий қадриятлар, урф-одатлар яна бир бор оёқ ости қилинди.



Мустақиллик ва кадрлар сиёсати

Мамлакат мустақил давлат мақомига эга бўлгандан кейин истиқлол талабларига, қурилажак ҳуқуқий демократик давлат, адолатли, инсон-

парвар жамият талабларига мос кадрлар сиёсати ишлаб чиқирилиши лозим эди. Ўзбекистон Президенти ўз ҳаракат Дастурида ҳозирги замон кадрлар сиёсатидаги асосий йўналишни белгилаб, «биз энди ўзини-ўзи бошқарув усулини кенг жорий қиламиз. Маҳалла, қишлоққача ўзини-ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур. Бу бекорлик, бўйсунмаслик дегани эмас. Бунда ҳар қандай раҳбар... халқ олдида, юрт олдида масъул ва жавобгардир, деган қондан келиб чиқиши шарт», — деб уқтирди. Бундай кўрсатма республикада амалга ошириладиган кадрлар сиёсати учун асос қилиб олинди, қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатда энг аввало, маҳаллий бошқарув органлари кадрларини давр талабига мос даражада мустаҳкамлашга киришилди. 1991 йил 4 январда Ўзбекистон

Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Олий Кенгаш шу хусусда қабул қилган қарорида «Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки — вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикасининг Президентига ва Халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисоб берадилар. Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар», деб белгилаб қўйди.

Шундан кейин, қонун талаблари асосида жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларини танлаш, тайинлаш ишини амалга ошириш учун ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Аввало бўлажак янги ҳокимларнинг билим даражаси, ташкилотчилик ва тадбиркорлик фазилатлари, халқ ичида обрў-эътиборга эга бўлиши, ишни уddaбуронлик билан олиб бориш фазилатлари ҳисобга олинди. Шу маънода Президент девони, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари вилоятларда, шаҳар ва туманларда депутатлар ва маҳаллий фаоллар билан жонли, ошкора суҳбатлар, маслаҳатлашув олиб бордилар.

~~1991 йил 29 декабрда Тошкентда шаҳар ҳокими этиб А. Фозилбеков сайланди.~~ 1992 йил давомида 12 вилоятда Президент тавсияси асосида вилоят ҳокимлари тайинланди. Шу даврда республиканинг 212 шаҳар ва туманида ҳокимлар тайинланди.

Ҳокимларнинг кўпчилиги раҳбарлик ишида катта ҳаёт тажрибасига эга кишиларни ташкил қилар эди. Айни пайтда ҳокимлар сафига янги кучлар ҳам келиб қўшилди. Масалан, 50 дан ортиқ ҳокимлар биринчи марта туман ва шаҳар раҳбарлигига келган кишилар эди. Улар республикада яшовчи турли миллатларнинг вакиллари эди. Жумладан, 7 миллат вакили ҳоким қилиб тасдиқланди.

Янги шароитда раҳбарлик лавозимларига кўплаб янги, ёш кадрлар қўшилди. Бу ҳол мустақиллик ша-

роитида раҳбарликнинг янги иш услубини уларга ўргатишни тақозо қила бошлади. Шу мақсадда 1992 йил 3 апрелда Тошкентда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг биринчи учрашуви бўлди. Учрашувда кадрлар сиёсатининг шаклланиши ва унинг стратегияси атрофлича таҳлил қилинди. Мавжуд камчиликлар кўрсатилди ва навбатдаги вазифалар белгилаб берилди.

Учрашувда Президент И. Каримов қандай талаблар ва талаблар асосида кадрлар танлаш лозимлиги ҳақида фикр юритиб, қуйидаги ҳолатларга алоҳида урғу берди.

Биринчидан, кадрлар масаласини ҳал қилишга дахлдор кишилар айниқса бизнинг халқларимизнинг кўп миллатли хусусиятларини эътиборга олиши зарур. Кадрларнинг таркиби устида ҳам, миллий ва маҳаллий чекланишлардан устун туриш учун ҳам барча чораларни кўришимиз лозим. Бу ўринда республиканинг кўп йиллик шаклланган ҳаёт тарзини, кўп миллатлилик хусусиятларини, ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини сақлаб қолиш мақсадларидан келиб чиқиб, иш тутишимиз лозим.

Иккинчидан, биз кадрларнинг ишбилармонлик фазилатларини етарлича қадрлай билишимиз керак.

Учинчидан, Ҳоким маҳкамасида ҳар бир фуқаро учун эшик очиқ бўлиши шарт... Одамларни арзимас сабабларга кўра сарсон-саргардон қилишга, бевосита ўз зиммасидаги иш учун жавобгарликни ўзидан соқит қилишга уринишга чек қўйиш пайти келди.

Истиқлол йилларида кадрлар тарбиялаш, улар билан ишлашдаги дастлабки тажрибани таҳлил қилар экан, Президент И. Каримов кадрларни уч тоифага бўлади. Биринчи тоифа — бу ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ҳам ташвишидан бегона кишилар. Иккинчи тоифа — бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, улар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман ортиришни хоҳламайдиган кимсалар. Учинчи тоифа — ёш, ташаббускор, куч-ғайратга тўла, Ватан равнақи учун фидойилик билан хизмат қилувчи кадрлар.

Мана шу таҳлилнинг ўзи кўрсатиб турибдики, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш истиқлолни мустаҳкамлаш, мамлакатни янада ривожлантириш манфаатлари нуқтаи назаридан ғоят долзарб масаладир. Амалиёт

кадрлар сиёсатида лавозимларга кишиларни танлашнинг асосий мезонларини аниқлаб олишни, умуман бу борада давлат дастури ва стратегик йўлини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Чунки кадр танлашдек нозик ва масъулиятли вазифа ҳар нарсадан оғир ва у мамлакат тақдирини, халқ келажагини, истиқлол истиқболини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади.

Чунки ҳеч ким тайёр раҳбар кадр бўлиб туғилмайди. Уни қатъият ва бардошлик билан тарбиялаш, ўстирмоқ керак. Ҳар бир ҳаёт сабоғидан тўғри, одил хулоса чиқаришга, халқдан ажралмасдан, унинг дарди, ўй-фикрига доимо шерик бўлиш руҳида тарбияламоқ лозим. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир кадрдан одамларга етакчи бўлишлик малакасини изчиллик билан шакллантириб бориш лозим.

Давлат ва жамият  
қурилиши Академияси

1995 йил сентябрь ойида мамлакат Президентини ҳузурда Давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил қилинди. Академиянинг очи-

лиш маросимида нутқ сўзлар экан, И. Каримов бундай деган эди: «Академия ташкил қилиш, бу шунчаки орзу кетидан қувин, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурият, қонуният тақозоси ва ҳаётий эҳтиёждир... Ислохотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёнги олға силжишларимиз тобора қийин муаммага бориб тақалиши мумкин. У ҳам бўлса — юксак малакали ходимларнинг, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат идоралари, банк ва молия тизимини бошқарадиган даражадаги раҳбарларнинг етишмаслигидир...

Академиянинг вазифаси фақатгина муайян соҳа учун кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим».

Президент кўрсатмалари асосида Академия қисқа вақт ичида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун зарур кадрлар тайёрлашда катта ишларни амалга оширди. Кейинги икки йил мобайнида 150 дан ортиқ ёш мутахассис 10 ойлик курсларда ўқиб, бошқарув сирларини жаҳон амалиёти андозалари даражасида эгаллаб қайтдилар ва турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу даврда Академиянинг малака ошириш

курсларида бир неча юзлаб шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирликлар ва давлат идоралари ходимлари замонавий бошқарув санъатининг янги қирралари билан танишиб амалиётда қўлламоқдалар.

Шундай қилиб, мамлакатда ривожланишнинг кейинги йилларида шаклланган кадрлар қувватига таянган ҳолда мустақиллик шароитида янгича кадрлар сиёсати ишлаб чиқилди. Агар тараққиётнинг аввалги босқичларида кадрлар танловида асосий мезон сиёсий етуклик, ахлоқий фазилатлар, ташкилотчилик қобилияти бўлса, эндиликда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кадрлардаги бу фазилатлар билан биргаликда улардаги ишбилармонлик, тадбиркорлик, халқ билан узвий боғлиқлик, унинг ижтимоий кафолатини таъминлашга қодирлик биринчи ва асосий мезон ҳисобланадиган бўлди. Шубҳасиз, кадрлар сиёсатидаги бу йўл истиқлолни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эди.

### Савол ва топшириқлар

1. Қандай ҳолатлар кадрлар сиёсатида янгича йўл тутиш заруратини келтириб чиқарди?
2. Кадрлар сиёсатида советлар замонида қандай хатоларга йўл қўйилди?
3. Мустақил Ўзбекистоннинг кадрлар сиёсатидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапиринг.
4. Кадрлар танлашда инobatта олинadиган тоифалар ҳақида сўзланг.
5. Давлат ва жамият қурилиши Академияси қачон, нима мақсадда ташкил этилди?

### Мавзуга доир адабиётлар

- Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.
- Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995 йил.
- Каримов И. А.* Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.
- Ўзбекистон Олий Кенгаши Ахборотномаси. Т., 1991, 1,2,12-сонлар.
- СССР Олий Совети Ахборотномаси. М., 1990, 12-сон.
- «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 31 март, 30 сентябрь, 9 декабрь.
- «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 10 январь, 12 февраль, 5 май, 14 декабрь, 1995 йил 24 февраль, 6 май.
- «Ўзбекистон овози» газетаси, 1991 йил 7 сентябрь, 1992 йил 29 июль, 7 август, 4 сентябрь.
- Чориёров У.* Ўзбекистон Республикаси ижрония ҳокимиятининг Олий идоралари: Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат. Т., «Адолат», 1995 йил.

### 3 - б о б. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА СУВЕРЕН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

#### 17-§. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Тоталитаризм ва  
Қорақалпоғистон

XX аср бошларида Марказий Осиё халқлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. 1924 йили

Туркистон АССРнинг Амударё вилояти ва Хива хонлигининг Хужайли ҳамда Кўнғирот туманлари ҳудудида Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоғистон Автоном вилояти ташкил этилди. У 1930 йилдан РСФСР таркибига кирди. 1932 йилда Қорақалпоғистон Автоном Республикасига айлантирилди.

Қорақалпоқлар тарихида 1936 йил муҳим сиёсий воқеалар йили сифатида абадий қолади. Чунки шу йили улар ўз тақдирларини Ўзбекистон ССР таркибига кириш билан белгилади ва танлаган йўлининг истиқболли эканлигини кўрсата билди.

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгач, Қорақалпоғистон АССР Республикаси мустақил Ўзбекистон таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси мақомини олди. Бу табиий ҳодиса эди. Чунки асрлар мобайнида қорақалпоқлар билан ўзбек халқи ўртасида дўстлик, қардошлиқ муносабатлари қарор топган, турмуш тарзлари ва дунёқарашларида муштараклик вужудга келган эди. Оролбўйи кенгликларида қадимий ўзбек ва қорақалпоқ аجدодлари биргаликда яшаб, меҳнат қилишди. Ўзларининг тараққиёт йўлларини босиб ўтишди.

Қадимий туркийларнинг икки қавми йиллар мобайнида ҳақиқий оға-иничилик фазилатларини кўрсатдилар, ўзаро муносабатларни чуқурлаштирдилар. Бу икки қавм маънавий-руҳий яқинлигини белгилайдиган асосий омил ва маданиятлар муштараклиги, уларнинг ўзаро яқинлиги эди. Дарҳақиқат, тиллар яқинлиги диллар яқинлигига олиб келди. Маданиятлар бир-бирини бойитди. Қадимий маданият намуналари, умум-



миллий қадриятлар, жондошу қондош бўлган ҳар икки миллат учун тарихий аҳамиятга эга бўлган анъаналар шаклланди. Шу асосда иқтисодий ҳамкорлик, ягона иқтисодий макон вужудга келди.

Ўзбекистон таркибида ўтган 60 йиллик тарих қорақалпоқ халқи учун жиддий ўзгаришлар даври бўлди. Маданий ва маънавий равнақ, санъат ва адабиётдаги юксалиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришидаги катта ютуқлар бевосита қардош ўзбек халқининг беғараз ёрдами, кўмаги билан дунёга келди.

Бироқ яқин кўшничилик, қардошлик ва дўстлик ҳар икки халқ учун қанчалик қимматли бўлмасин, яқин кўшничилик сингари юксак инсоний фазилатлар асрлар синовидан ўтиб, оғир кунларда энг ишончли қурол бўлиб хизмат қилди. Совет ҳокимияти йилларидаги маъмурий-бўйруқбозлик усули, сохта ва асоссиз миллий сиёсат, «улуғ оға»ларга хос юзаки «миллатпарварлик» бу макон халқларининг муносабатларига раҳна сололмади.

Қорақалпоқ ва ўзбек халқи бир неча ўн йилликлар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштиришда ўз анъаналаридан унумли фойдаланиш йўлини танладилар. Ҳар икки халқ тақдири, истиқболи бир эканлигини, уларни муштарак орзулар, ягона интилиш бирлаштириб турганлигини очиқ-ойдин кўрсатдилар. Тарихан турли даврларда турли сиёсий ўзгаришлар ва қийинчиликларда тобланган дўстлик ва қардошлик муносабатлари бунга асос бўлди.

Юқоридан амалга оширилган бир ёқлама режалаштириш, кичик халқларга бўлган эътиборнинг суғлиги туфайли Қорақалпоғистон собиқ Иттифоқ таркибида тараққиёт даражаси энг паст бўлган ўлкага айланди. Иттифоқ ҳукуматининг айби билан қийинчиликлар чуқурлашди, муаммолар устига муаммолар тўпланди. Экологик ҳалокат юзага келди. Амударё сувининг ифлосланиши ва Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар пайдо бўлди.

Тўпланиб қолган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт борасидаги муаммолар тизимини ҳал этишда энг адолатли йўл танланди: ягона замин, ягона маконда яшаб келган ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўз тақдирларини абадий бирликда кўришди. Қорақалпоқ халқи миллий давлатчилик асосларини қуришда ҳамда том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мус-

тақилликка ўзбек халқи кўмагида эришди ва ўзининг порлоқ келажagini яратишга киришди. Унинг улкан орзу-умиди бекаму кўст амалга ошадиган бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси  
таркибида мустақил  
Қорақалпоғистон**

Қорақалпоғистон жамоатчилигининг Ўзбекистон таркибида давлат мустақиллиги ва республика мақомининг ҳуқуқий асосга эга бўлишга интилиши Президент Ислон

Каримов томонидан қўллаб-қувватланди.

1990 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитети тўғрисида Декларация» қабул қилинди. Мазкур Декларация 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда ўзининг ҳуқуқий асосини топди. Унда Қорақалпоғистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллиги эътироф этилди. Ҳар икки республика ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (70—75-моддалар) ўз аксини топди. Натижада икки томонлама ҳурмат асосида қорақалпоқ халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил тараққиёт ҳамда миллий давлатчиликни мустаҳкамлашдаги роли ошди. Келажакка қатъий ишонч билан қарайдиган, олис истиқболни яратишнинг кафолатини берадиган ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади (70-модда).

Конституциянинг 21-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Бу қорақалпоқ халқига Ўзбекистон халқларининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини беради. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Қорақалпоғистон Республикаси тараққиёти учун қатор ҳуқуқий имкониятлар яратилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий вакиллиги мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг 82-моддасида мустаҳкамлаб қўйилгани-

дек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг депутаты ва Олий Мажлис Раиси ўринбосарларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати раҳбари лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. 107-моддага биноан эса Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг худди шундай суд органларининг раҳбарлари киради. Суд ҳужжатлари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ тилида ҳам олиб борилади (115-модда).

Конституциянинг 71-моддасида белгилаб қўйилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга бўлмоғи керак. Ана шу ҳуқуқий асосга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзининг XII сессиясида 1993 йил 9 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳеч қандай монетлик қилмайди, аксинча уни бош ҳуқуқий асос сифатида билади ва Қорақалпоғистон ҳудудида тўла амал қилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Қорақалпоғистоннинг бутун ҳудудида мажбурий эканлиги эътироф этилган.

#### **Суверен Қорақалпоғистон давлатининг барпо этилиши**

Қорақалпоқ миллий давлатчилиги ўз тараққиёти тарихида биринчи марта ана шундай инсонпарвар, адолатли, демократик имтиёзларга эга бўлди. Айти пайтда у суверен республиканинг барча давлат рамзларига эга. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида Қорақалпоғистон Давлат байроғи, 1993 йил 9 апрелда бўлиб ўтган XII сессиясида Давлат тамғаси, 1993 йил 4 декабрда бўлиб ўтган XIV сессиясида Давлат мадҳияси гасдиқланди.

/ Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосан 1994 йил 25 декабрда Олий Кенгашнинг 75 депутатдан иборат янги таркиби муқобиллик асосида тайланди. Республика парламенти Қорақалпоғистон

Республикаси Жўқорғи Кенгеси деб аталди. Жўқорғи Кенгеснинг 1995 йил 11 январда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Жўқорғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосарлари, мандат комиссияси, 8 кўмита раислари ва унинг аъзоларини сайлади. Айни пайтда депутатлар кўмиталар раислари раҳбарлигида республика қонунчилик тизimini яратишда фаол иштирок этмоқдалар.

Хусусан, демократик жамият қуриш, эркин бозор муносабатларини шакллантиришга мўлжалланган муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Жўқорғи Кенгес Раиси қошида доимий ҳаракатлагчи Кенгаши ташкил қилинган бўлиб, унинг таркибига Жўқорғи Кенгес Раиси, раис ўринбосарлари, Вазирлар Кенгаши раиси, мандат комиссияси ва кўмиталар раислари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси ижроия ҳокимият органи Вазирлар Кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибига раис, иккита биринчи ўринбосар ва 4 та тармоқ ўринбосарлари киради. Шунингдек, ижроия ҳокимият таркибига Вазирликлар ва қатор тармоқ кўмиталари раҳбарлари ҳам киради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ўзининг иш олиб борувчи доимий вакилига эга.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатётган қатор жамоат ташкилотлари бу ерда демократик жараёнларнинг тобора қарор топаётганидан далолат беради. Айни пайтда республика ҳудудида ҳукуматга қарашли бўлмаган қатор ташкилотлар, жумладан, «Орол ва Амударёни ҳимоя қилиш уюшмаси», «ЭКО-САН», «Аралсос», «Соғлом авлод учун» сингари бир қатор халқаро ташкилотларнинг бўлимлари иш олиб бормоқда.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг замонавий тизimini вужудга келтиришда дастлабки қадамлар қўйилган бўлса-да, ҳали бу борада қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

1997 йил 17 июль куни Нукусда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти фаолиятларида давом этиб келаётган камчиликларни чуқур таҳлил қилди. Хусусан, қабул қилинган қонун ва қарорларни ҳаётга тўла тадбиқ қилишда, ижроия интизомини қарор топтиришда ҳали жиддий кам-

чиликлар борлиги қайд қилинди. Мазкур сессияда нутқ сўзлар экан Президент И. Каримов «Ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало ўз тасарруфида белгиланган, топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур», — деб қайд қилди.

Сессияда Қорақалпоғистон бошқарув тизимида бир қатор камчиликлар мавжудлиги рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши фаолиятларидаги бир-бирини такрорлаш ҳоллари танқид қилинди. Амалий фаолиятга халақит бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар тўплаш каби нуқсонлар тилга олинди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига барҳам бериш алоҳида таъкидланди. Жўқорғи Кенгес амалда тарихга айланиб қолган ва ўтмиш сарқити ҳисобланган — шўролар давридаги «Олий Совет Президиуми» ролини бажараётгани, Жўқорғи Кенгес қўмиталари фаолияти ўз мақомига ва ўз олдига қўйган вазифаларга мос келмаётгани, ишлаб чиқаришга доир муаммолар билан ўралашиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Учала ҳокимият органи — Жўқорғи Кенгес, Ижро ҳокимияти — Вазирлар Кенгаши ва суд ҳокимияти ўз мақоми доирасида иш олиб бормоғи лозимлиги таъкидланди. Ана шунда ҳақиқий демократик жамият шаклланади.

### Савол ва топшириқлар

1. Маъмурий-буйруқбозлик тизими Қорақалпоғистонга қандай таъсир кўрсатган?
2. Ўзбекистон Республикаси таркибида «Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитети тўғрисида Декларация» қачон, қайси орган томонидан қабул қилинди?
3. Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон мустақиллигининг эътирофи этилиши.
4. Қорақалпоғистон миллий суверен давлати қандай ташкил топди?
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Қорақалпоғистон Республикасининг қандай ҳуқуқий асослари белгилаб берилган?
6. Қорақалпоғистонда ҳақиқий демократик жамиятни шакллантириш ҳаракатлари ҳақида гапиринг.
7. «Қорақалпоғистон» деганда нима учун Орол кўз олдимишга келади?

**Мустақиллик даври  
одинлари**

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу мўтабаб

юрт кишиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўзбекистон ҳукумати Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. 1996 йили Ўзбекистон Давлат бюджетидан Қорақалпоғистонни ривожлантириш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизини ташкил қилади.

Қорақалпоғистонга берилаётган молиявий ёрдам миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиарддан ошиқ сўмни ёки бутун Қорақалпоғистон бюджетини харажатларининг 75 фоизини ташкил этмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг амалий ёрдами ҳамда қорақалпоқ халқининг фидоий меҳнати туфайли кейинги йилларда Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланди. Ҳамжиҳатлик билан юрт истиқболи йўлида меҳнат қилишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўла бошлади. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида нодавлат секторининг ҳиссаси ошиб борди. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич 80—90 фоизни ташкил этмоқда. Республика иқтисодиётининг бошқа йўналишларида ҳам ислохотлар изчил амалга оширила бошланди. Жумладан, банк тизимида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бу ерда давлат банклари билан бирга тижорат ва хусусий банклар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Агросаноат банки ва саноат-қурилиш банклари ихтисослантирилган ҳиссадорлик тижорат банкларига айлантирилди. Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

Қорақалпоғистонда улгуржи ва биржа савдоси билан шуғулланувчи ҳиссадорлик уюшмалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Товар ишлаб чиқарувчилар, ис-

теъмолчилар ва ишбилармонларнинг бутун имкониятларини ишга солиш мақсадида уларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Қорақалпоғистонда 1996 йили 51 та майда улгуржи тизим, шу жумладан 2 та савдо уйи, 13 та майда улгуржи савдо дўконлари ва омборлар, 17 та кўтара савдо бозор ҳамда Ўзбекистон товар-хом ашё биржасининг Қорақалпоғистон бўлимига қарашли 19 та супермаркет дўконлари фаолият кўрсатди. 1997 йилнинг биринчи январигача бўлган маълумотларга қараганда, хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг умумий ҳажми 330 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 20 фоизи республика ижтимоий тараққиётига ажратилди, 50 фоизи эса тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишга сарфланди. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси давлат мулкани хусусийлаштириш қўмитаси хусусийлаштирилган корхоналар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 13,8 миллион сўм кредит ажратди.

Бозор фондининг фаолияти сезиларли равишда фаоллашди. 1996 йилда республика фонд биржалари филиалларида 191,6 миллион сўмлик акциялар сотилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид фармонларини бажариш амалда ўз самараларини бера бошлади.

1997 йил 1 январь ҳолатига қараганда республикада солиқ идоралари томонидан 318 та акционерлик жамиятлари рўйхатга олинди. 1996 йил якунига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 10355,7 миллион сўмлиكنи ташкил этди, бу 1995 йилга нисбатан 2,2 марта кўпдир.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат корхоналарининг улуши 90 фоизга ўсди. 144 та саноат корхоналари ва бирлашмаларидан 113 таси мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб ишлай бошлади, жумладан, хусусий корхоналар 20, жамоа корхоналари 50, давлат акционерлик жамиятлари 41, қўшма корхоналар 2 та бўлди. Кичик ва хусусий корхоналар, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ривожланди. Улар бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга мослаша бошладилар. Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўса бошлади. Республикада 1996 йилда амалдаги нархларда 10754,4 мил-

лион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, бу солиштирма нархларда олганда 1995 йилдагига нисбатан 101,5 фоизни ташкил этади.

1991—1996 йилларда натура кўринишида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпайди, хусусан паст волтли аппаратуралар, йўл қурилиши машиналари эҳтиёт қисмлари, енгил саноат технологик ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, мебеллар ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Пахтадан ип ишлаб чиқариш, ип газламалари, тайёр трикотаж буюмлар, истеъмол маҳсулотларидан ун, макарон, минерал сувлар ишлаб чиқариш кўпайди.

1996 йилда йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, тошдан безакли материаллар тайёрлаш, қандолатчилик маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, узум виноси, салқин ичимликлар ва ош тузи ишлаб чиқариш ўсди.

Саноатда бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 1995 йилда Хўжайли шаҳрида шиша идишлар заводи қурилиб фойдаланишга топширилди. Натижада республикага четдан шиша идишларни ташиб келтириш сезиларли даражада камайди.

1996 йилда Кўнғиротдаги «Урга» газ саноати корхонасида газ конденсати ва табиий газ қазиб чиқарилиши бошлаб юборилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 83 фоизга етди. «Қорақалпоққурилиш» акционерлик жамиятида Италия фирмаларининг юқори сифатли жиҳозлари билан жиҳозланган, йилига 60 минг кв. м. мрамар блоклари ва плиталари ишлаб чиқарадиган янги мрамар цехи очилди. «Нукусун» заводида эса спирт ишлаб чиқарадиган янги цех қурилди.

Енгил саноат ишлаб чиқаришининг базаси кенгай борди. 1993 йилда Нукус шаҳрида «Катекс» тўқимачилик мажмуаси, 1995 йилда Элликқалъа туманида ҳам «Элтекс» номли худди шундай тўқимачилик мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Нукус ва Кўнғирот ун комбинатлари, Тўрткўлда 3 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод, Элликқалъа туманида эса шундай қувватга эга бўлган консерва цехи фойдаланишга топширилди.

1995 йилда Кўнғирот туманида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган, йилига 190 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди.



Завод таркибида кимёвий йўл билан экологик тоза ва энергия сарфланмайдиган каустик сода ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида 144 та саноат корхонасидан 113 таси мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб ишлаб бoшлади. Нодавлат шаклига ўтиб ишлаётган корхоналарнинг ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлди. Шунингдек, бу корхоналар иқтисодий самарадорлиги, фойда олиш борасида ҳам сезиларли ютуққа эришди. Бу борада хусусий корхоналар айниқса пешқадамлик қила бoшлади.

Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, кўп-лаб саноат корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондлари (дастгоҳлар, механизмлар) маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскиргани сезилиб қолди. Уларнинг эскириш даражаси 35 фоиздан юқори. Энг аввало йиғирув-тўқув фабрикалари, гўшт-сут ва озиқ-овқат саноати корхоналари (консерва заводи, вино заводи) ишлаб чиқариш паркларини янгилаш талаб этилади.

#### **Аграр ислохотлар**

Қорақалпоғистонда меҳнатта лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қаторида аграр секторда ҳам иқтисодий қайта қуриш, бозор муносабатларига ўтиш рўй берди. Қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. 1997 йил бошларида республикада 263 та қишлоқ хўжалик корхонаси фаолият кўрсатди. Нодавлат секторининг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши 98,3 фоизни ташкил этди. Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта етиштиришда нодавлат корхоналарининг ҳиссаси 97,9 фоизни, дончиликда — 98,1 фоизни, картошкачиликда — 99,7 фоизни, сабзавотчиликда — 98,8 фоизни, полизчиликда — 95,1 фоизни, боғдорчиликда — 98,5 фоизни, пиллачиликда — 100 фоизни, гўшт етиштиришда — 98,9 фоизни, сут ва тухум ишлаб чиқаришда — 99,4 фоизни, қорақўл тери ва жун етиштиришда — 100 фоизни ташкил этди.

Деҳқончиликда экин майдонларининг таркиби ўзгарди. Агар 1991 йилда ғалла майдонлари экин майдонларининг 27,1 фоизини (жумладан, буғдой 1,9 фоизни) ташкил этган бўлса, 1996 йилнинг охирида бу

35,8 фоиз (буғдой майдонлари 8,3 фоиз)га етди. Шу давр мобайнида буғдой етиштириш 13,6 минг тонна, яъни 3 марта, картошка 6,7 минг тонна ёки 2,3 марта, сабзавот 11,4 минг тонна, узум етиштириш 4 мартага кўпайди. Республика озиқ-овқат мажмуасида шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссаси тобора кўпайди.

Шу билан бирга чорвачиликда аҳвол анча мушкуллашди. Мураккаб иқлим шароити туфайли республикада кейинги йилларда ҳайвонлар сони камайди. 1991—1996 йилларда давлат хўжаликлари, ижара корхоналари, кооперативларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 22 минг 588 бош йирик шохли қорамол, 23 минг 236 чўчқа, 176 минг 603 бош қўй ва эчкилар йўқотилди.

Қорақалпоғистонда деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича бирмунча тажриба тўпланди. Масалан, Эликқалъа туманида деҳқонларга ер, ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотларга эгаллик қилиш имконини бериш мақсадида мавжуд 14 та жамоа хўжаликлари деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилди. Деҳқонларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ерлар узоқ муддатга ижарага берилди. Ўзбекистон ҳукумати ана шу тажрибани маъқуллаб, уни бошқа вилоятларда ҳам оммалаштиришни тавсия этишга қаратилган махсус қарор қабул қилди. Хўжалик юриштиринг бу янги усули бошқа вилоятларда яхши натижа берди. Лекин Қорақалпоғистоннинг ўзида ана шу тажрибани оммалаштиришга етарли эътибор берилмади. Оқибатда республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳиссаси кам бўлди. Бунинг асосий сабаблари фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхоналар яхши ишламади, бўрдоқчилик базаси суст ривожланди, зотдор ҳайвонларни кўпайтиришга эътибор берилмади, хўжаликлар моддий-техника ва пул маблағлари билан етарли даражада таъминланмади, агротехник ва зооветеринария хизмати кўрсатиш тўғри ташкил этилмади.

Кейинги 6 йил ичида инвестиция фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Капитал қурилишда корхоналарнинг маблағлари ҳисобидаги қурилишлар ҳажми кўпайиб, бюджет маблағининг ҳиссаси камайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари қурилишига ажратилган маблағлар ноишлаб чиқариш объектларига ажратилган маблағга

нисбатан анча кўп бўлди. Масалан, 1995 йилда ишлаб чиқариш корхоналари қурилишига ажратилган маблағ 61,2 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу 78 фоизга етди. Бир вақтнинг ўзида ноишлаб чиқариш объектлари учун ажратилган маблағлар миқдори 38,8 фоиздан 22 фоизгача камайди.

#### Ташқи иқтисодий алоқалар

Республикада истиқлол йилларида ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор берилди. Масалан, 1996 йилдаги ташқи савдо обороти

228,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу 1995 йилдагига нисбатан 3,7 марта кўп бўлди.

1996 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи савдодаги асосий шерикларининг ҳиссаси қуйидагича бўлди: Россия — 11,4 фоиз, АҚШ — 14,1 фоиз, Жанубий Корея — 11,1 фоиз, Швейцария — 9,4 фоиз, Нидерландия — 7,2 фоиз.

Экспорт қилинган товарлар ҳажми 122,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Унинг ташқи савдо оборотидаги улуши 53,8 фоизни ташкил этди. Фарб мамлакатларига экспорт қилинган хом ашё 113,6 миллион АҚШ долларини, МДХ мамлакатларига жўнатилганлари эса 9,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Хорижий мамлакатларга асосан пахта толаси, толадан олинган маҳсулотлар, қайта ишланган нефть маҳсулотлари сотилди. Пахта толаси жами экспорт маҳсулотларининг 95 фоизини ташкил этди.

Ташқи савдо оборотида импортнинг салмоғи 1996 йилда 46,2 фоизни ташкил қилди. Унинг ҳажми 1995 йилдагига нисбатан 3,4 марта кўпайди. Импорт маҳсулотлари таркибида асосан халқ истеъмол моллари 60,9 фоиз, қора ва рангли металллар 18,9 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 13,1 фоизни ташкил этди.

Узоқ хорижий мамлакатлардан келтирилган маҳсулотлар 70,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу жами импортнинг 66,4 фоизини ташкил қилди. Яқин хорижий мамлакатлардан республиканинг 130 корхоналари орқали 35,4 миллион долларлик маҳсулотлар олиб келинди. Асосан шакар, бугдой, машина ва жиҳозлар, агрегатлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, қувурлар, автомашиналар, ишлаб чиқаришни комплектловчи материаллар ва бошқа турдаги маҳсулотлар келтирилди.

Демак, мустақилликнинг олти йилида республика иқтисодиётини ривожлантириш соҳасида дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Бироқ республиканинг ҳали иқтисодиётни ривожлантиришга муҳим омил бўлган имкониятларидан тўла фойдаланилмаганлиги сезилиб турибди.

### Савол ва топшириқлар

1. Утиш даврида республикада амалга оширилган ишлар ҳақида гапиринг.
2. Саноатда қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?
3. Аграр соҳада қандай туб ислохотлар ўтказилди? Чорвачиликнинг аҳволи қандай?
4. Республикада инвестиция-капитал қурилишнинг аҳволи ҳақида сўзланг.
5. Республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир мисоллар келтиринг.
6. Мамлакатнинг иқтисодий соҳадаги муаммоларини кўрсатинг.

### 19-§. ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Демографик жараён.  
Ижтимоий соҳадаги  
ўзгаришлар**

Мустақиллик йилларида республикада ижтимоий соҳалар ривожланишига эътибор кучайди. 1991—1996 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маълум демографик

ўзгаришлар рўй берди. Туғилиш (минг киши ҳисобида) 1991 йилдаги 36,4 дан 1996 йилда 25,0 кишига қисқарди. Туғилишнинг камайиши ўз ўрнида республика аҳолисининг ўсиш даражасига таъсир этди. Демографик ўзгаришнинг асосий сабабларидан бири туғилишнинг камайиши, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик яшаш шароитларига боғлиқдир. 1991—1996 йилларда республикадан (келганларни чиқариб ташлаганда) 26,7 минг киши кўчиб кетди. 1996 йилда республика аҳолиси 143 минг 764 кишига ўсди, шундан шаҳар аҳолиси 69 минг 401 кишини, қишлоқ аҳолиси 74 минг 363 кишини ташкил этди. 1996 йилда аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,36 фоизга тенг бўлди.

Ишсизлар сони 1996 йил охирида 4,2 минг кишига етди. 1996 йилда 16 минг ишчи ўринлари яратилди, жумладан, қишлоқ жойларида 8,5 мингта. Бу эса ша-

ҳар ва туман меҳнат биржаларига мурожаат қилган фуқароларни иш билан таъминлаш имконини берди.

1996 йилда аҳоли жон бошига пул даромадлари 9628,8 сўмни, харажатлар эса 6300 сўмни ташкил этди ёки 1995 йилга нисбатан 2,2 ва 2,3 марта кўпайди.

Даромадларнинг кўпайиши истеъмол бозоридаги вазиятни жонлантирди. Аҳоли жон бошига товар айланиши ҳажми амалдаги нархларда 5 минг 36 сўмликни ташкил қилди ва 2,1 мартага, солиштирма нархларда эса 8,8 фоизга ўсди. Пуллик хизмат 2,8 марта, маиший хизмат 2,7 мартага кўпайиб жон бошига 679 ва 108 сўмни ташкил этди. Лекин шунга қарамасдан аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичидан 2,2 марта кам бўлди.

1996 йилда аҳолига 7,2 миллиард сўмлик истеъмол моллари сотилган. Бу амалдаги нархларда 1995 йилдагига нисбатан 2,1 марта кўп. Товар айланишининг жами ҳажми 10,3 фоизга ёки 350,5 миллион сўмликка кўпайди. Товар оборот ҳажмида давлат секторининг улуши пасайиб, нодавлат секториники ўсиб борди. Расмий савдо тармоқларига нисбатан истеъмол ва буюм бозорларида ҳолат анча яхшиланди, жами товар оборотида уларнинг улуши 20 фоизга етди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи изчил ўсиб борди. 1996 йилда у 1409 сўмдан 2761,1 сўмга етди ёки 1,96 марта кўпайди.

Республика тиббиёти эришган натижалардан энг муҳими — оналар ўлими сони камайди. «Ҳомиладор аёлларни ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича миллий дастур» ҳамда «Ёш авлодни соғломлаштириш комплекс дастури»нинг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги натижасида 1996 йилда оналар ўлими 1991 йилдагига нисбатан 4,4 марта, чақалоқлар ўлими эса 1,8 мартага камайди. Ҳомиладор аёлларнинг 56 фоизи стационарларда туғишгача бўлган даволанишдан ўтказилди.

Республикада жарроҳлик, махсус даволаш амбулатория марказлари ташкил топди.

Тиббий хизмат тармоғини молиялаштиришда давлат маблағлари билан бирга нодавлат манбаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Хўжалик ҳисобида, яқка тартибда, кооператив усулда ишлайдиган тиббиёт тармоқлари кенгайиб бормоқда. «Медтехника», «Оптика», «Тибтаъминот» дорихона муассасалари тўла давлат тасарру-

фидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Бироқ аҳолининг касалланиши камаймади. Бу кўрсаткич 1996 йилда 1991 йилга нисбатан 26,3 фоизга кўпайди.

#### Экологик таҳдид

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. А. Каримов-  
нинг ташаббуси билан 1992  
йилда Нукусда Орол муам-

мосига бағишланган халқаро илмий конференция бўлди. Бу конференция қарорларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 2 сентябрда «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 405-сонли қарор қабул қилди. Бу қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати катта куч сарфлади. Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли пунктларини электрлаштириш тўла ҳал қилинди. 1992—1996 йилларда Туямўйин сув омборидан республика аҳоли пунктларига 2 минг 885 километр сув қувури тармоғи олиб келинди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 59,5 фоизга етди. Шу йилларда 16,3 километр канализация ва 4057,5 километр газ тармоқлари ётқизилди. Республика аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши 85,4 фоизни, шу жумладан, шаҳарда — 99,4 фоизни, қишлоқда — 72,4 фоизни ташкил этди.

1991—1996 йилларда Қорақалпоғистонда кўплаб соғлиқни сақлаш объектлари, касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхона ва турар жой бинолари қурилди. Оролбўйи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами берила бошланди, касалхона ва поликлиникалар шундай таъминотдан фойдалана бошладилар.

Қорақалпоғистон халқи И. А. Каримовнинг БМТ минбаридан туриб дунё мамлакатларининг Орол денгизини сақлаб қолиш тўғрисидаги қақирғини катта қониқиш билан кутиб олди. Унинг ташаббуси билан 1994 йил 14 январ куни Нукусда Марказий Осиёнинг бешта давлат Президентлари ҳамда Россия Федерациясининг вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда Оролга ва Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам бериш масаласи муҳокама этилди. 1995 йил сентябрда И. А. Каримов ташаббуси билан Нукусда ўтказилган халқаро конференция эса тарихий воқеа бўлди. Бу анжуман-

нинг асосий ҳужжатларидан бири Нукус Декларацияси бўлиб, унда бутун дунё жамоатчилиги эътибори Орол муаммосига қаратилди.

1997 йил март ойида Алматида Марказий-Осиё республикалари Кенгаши йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда ҳам И. А. Каримов ташаббуси билан Оролбўйи халқларига ижтимоий муаммоларни ечишда амалий ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукуматининг Оролбўйи муаммолари тўғрисидаги ташаббуслари минтақадаги кўшни мамлакатлардаги халқлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Амударё бўйидаги меҳнаткашлар экологик вазиятнинг яхшиланишига, халқро форумларда Орол денгизи муаммосини ҳал қилишга доир қабул қилинган қарорлар ўз самарасини беришига қатъий ишонч билдирмоқдалар.

### Савол ва топшириқлар

1. Истиқлол йилларида мамлакат демографик жараёнида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. Ижтимоий соҳадаги ўзгаришларни айтиб беринг.
3. Мамлакатда экологик тангликнинг кучайиш сабаблари ҳақида гапиринг.
4. «Орол дарди — олам дарди» иборасини қандай тушунасиз?
5. Оролни кутқариш соҳасида Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган чора-тадбирлар нималардан иборат?

### 20-§. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ

#### Миллий маданият ва халқ таълими

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, қадриятлари, удум ва

анъаналари оламга машҳурдир.

Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ерназар Олақўз, Оллаёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг — жасоратли, ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди. Миллий маданият ва маънавиятнинг қарор топишига, қорақалпоқ халқининг классик шоирлари Бердақ, Ажи-

ниёз боболар ижодий меросларининг тўла тикланишига, азиз хотираларининг улуғланишига йўл очиб берилди.

Бугунги кунда Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайпбергенов, Тиловберген Жумамуратов каби қорақалпоқ езувчи ва шоирларининг асарлари халқларимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олди.

Собир Камолов, раҳматли Чаржау Абдилов каби йирик олимлар Ўзбекистон фани ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон маданий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, аввало халқ таълими тизимида юз берган ўзгаришларни таъкидлаш ўринли. Бугунги кунда республика халқ таълими тизими миллий уйғониш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётда етакчи рол ўйнамоқда.

Республикада янги типдаги ўрта умумтаълим муассасалари — лицейлар, гимназиялар ва алоҳида фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тез ривожланмоқда. 1996 йил охирида республикада 743 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатди. Шу жумладан, айрим фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар 1991 йилда 31 та бўлган бўлса, 1996 йилда 169 тага етди, лицей ва гимназиялар 19 тага етди. Ўтган йилнинг ўзида ўқувчилар сони 1743 нафарга кўпайди.

Барча қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида республика учун зарур бўлган соҳа кадрларини тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга, гилам тўқиш, керамик буюмлар тайёрлаш, ганчкорлар ва бошқа шу каби ҳунар эгаларини тайёрлашга аҳамият берилди.

Республикадаги 22 та ўрта махсус ўқув юртларида, шу жумладан, кундузги бўлимда 11,8 минг ўқувчи таълим олмоқда. Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат Университети ҳамда Ажиниёз номи Нукус Давлат Педагогика институтларида олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ўқув юртларининг кундузги бўлимларида 9 минг нафар талаба ўқимоқда. Университетда қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт ихтисослиги бўйича факультетлар мавжуд.

Республика ҳукумати халқ таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрмоқда. Кейинги 6 йилда 42 минг 778 ўринли мактаб, 6 минг



660 ўринли боғча, 6 минг 840 ўринли ҳунар-техника билим юрти бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина 1996 йилнинг ўзида эса 3126 ўринли мактаб қуриб ишга туширилди.

**Фан соҳасидаги туб ўзгаришлар**

1991—1996 йилларда фан соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими мақоми берилди.

Унинг таркибида илгари 3 та институт мавжуд бўлган бўлса, яна иккита янги институт ташкил этилди. Тарих, археология ва этнография ҳамда биоэкология институтлари ҳам шу бўлим таркибига кирди. Ботаника боғи бўлинмасига бўлим мақоми берилди. 1994 йилда эса Фанлар Академияси таркибига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тажриба институти ва тиббиёт клиникаси ҳам киритилди.

Фанлар Академиясида ташкил этилган бундай тадбирлар олимларга табиий ва ижтимоий фанларни янада ривожлантириш, халқ хўжалиги ва маданиятни юксалтиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдам берди. Қорақалпоқ фанида эришилган ютуқлар ҳамда тўрт томлик «Қорақалпоқ тилининг изоҳли лугати»ни яратишдаги хизматлари учун фанлар академиясининг 4 нафар илмий ходимлари (М. Қаландаров, Р. Есемуратова, А. Тўрабоев, Д. Қозоқбоев) 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Республика олий ўқув юртларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кейинги йилларда Тошкент олимлари кўмагида катта миқдордаги юқори малакали мутахассислар тайёрланди. Республикадаги 60 нафар фан докторлари ва 600 нафар фан номзодларидан деярли 30 фойизи Ўзбекистон мустақиллиги йилларида илмий даража олди. Илгари фанлар академияси ҳақиқий аъзоллигига сайланган Ч. А. Абдиров, С. К. Камолов ҳамда мухбир-аъзолар А. Б. Бахиевлар қаторига 1994—1995 йилларда яна икки олим — Т. Ешанов, А. Даулетовлар ҳақиқий аъзоликка, У. Ҳамидов эса мухбир аъзоликка қабул қилинди. Шунингдек, қатор олим ва мутахассислар (Ж. Медетуллаев,

1992) академикликка, Б. Мамбетназаров мухбир-аъзоликка сайландилар. 1997 йилда эса икки нафар рас- сом (Ж. Изентаев ва Ж. Қуттимуратов) Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг академиклиги- га сайланди.

Республикада юқори малакали кадрлар ўсишида, айниқса ижтимоий фанлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Атгестация Комиссияси томонидан тарих ва археология, этнография, тил ва адабиёт бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилувчи ихтисослашган Кенгашларнинг ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика олимлари кейинги йилларда чет эл му- тахассислари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Республика Фанлар академияси- нинг Қорақалпоқ бўлими биоэкология институти хо- димлари Германия олимлари билан биргаликда 1993 йилдан бери Оролбўйи экологияси муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Тарих, археология ва этнография институти олимлари Австралиянинг Сид- ней университети олимлари ҳамда француз археолог- лари билан биргаликда иш олиб бормоқдалар. 1995 йилда Мўйноқда Германия Федератив Республикаси ёрдамида биоэкология институтининг халқаро эколо- гия станцияси очилди.

#### Адабиёт ва санъат

Мустақил Ўзбекистон ва Қо- рақалпоғистоннинг долзарб масалалари республика шоир ва ёзувчилари ижодида катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброим Юсупов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғис- тон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергеновлар қато- рига янги номлар келиб кўшилди. Сагинбай Иброҳи- мов, Кенесбой Раҳмонов каби шоирлар, Гулойша Есемуратова, Ўзарбой Абдураҳмонов сингари прозаик- лар ва сатирик Муратбой Низановлар ана шулар жумла- сидандир.

1993 йил январда Тошкентда Қорақалпоғистон ма- данияти кунлари, шу йил ноябр ойида эса Қорақал- поғистонда Тошкент маданияти кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар Нукус ва Тошкент маданият ходимлари фаолиятини бир-бирларига яқинлаштирди. 1996 йил- да Қорақалпоқ хореографияси тарихида биринчи марта

«Ойжамол» номли қорақалпоқ балети (Н. Муҳаммединова мусиқаси, Т. Ходжаев асари) саҳналаштирилди. 1996 йилда Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги олдидан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ-танловида ёш кўшиқчи Роза Кутекеева «Мустақиллик гуллари» кўшиғи билан иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни олди. Шу йили яна Амир Темур ролининг энг яхши ижроси учун танловида Бердақ номидаги драма театри артисти Бозорбой Узоқберганаев қатнашиб, биринчи ўринни олди. Бу мисоллар Қорақалпоғистон санъаткорлари мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлардан далолат беради.

Қорақалпоғистон санъатида эришилган муваффақиятларни кенг тарғиб этишда Рассомлар уюшмаси, И. В. Савицкий номидаги санъат музейи, тарих-ўлкашунослик музейи катта ишларни олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгашининг «Ёрқин Қорақалпоғистон», «Қорақалпоғистон хабарлари» газеталари, ёзувчилар уюшмасининг «Амударё» журнали, «Республика Фанлар академиясининг Қорақалпоқ бўлими хабарлари» илгаригидек мунтазам чиқарилмоқда. 1991 йилдан республикада ҳукуматга қарашли бўлмаган «Орол қизлари» журнали чоп этила бошлади.

1991—1996 йилларда Нукус шаҳрининг 60 йиллиги, Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллиги, Ажиниёз Қосибой ўғлининг 170 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Булар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихидаги энг муҳим воқеалар, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик рамзидир.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Нукус шаҳрининг 60 йиллиги байрамида: «Ўзбекистон тақдир — бу Қорақалпоғистон тақдирidir, ўзбек халқининг тақдир — бу қорақалпоқ халқининг келажагидир» деган оташнафас сўзлари қорақалпоқ халқи хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бугун қорақалпоқ халқи шуни яхши биладики, унинг амалдаги суверенитети, мустақиллиги фақат Ўзбекистон билан бирга бўлгандагина таъминланиши мумкин. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ халқи ўз тақдирини ўзбек халқи ва Ўзбекистон билан абадий боғлаган. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари бунинг ёрқин қорғоғидир.

## Савол ва топшириқлар

1. Мустақиллик йилларида миллий маданият соҳасидаги ютуқларни кўрсатинг.
2. Халқ таълимидаги ўзгаришлар қандай юз берди?
3. Фан соҳасидаги ютуқлар ҳақида гапиринг.
4. Адабиёт ва санъат вакиллари ижодидаги янгиланиш руҳини кўрсатинг.
5. «Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тақдири абадий боғлиқ» деган фикрни қандай изоҳлайсиз?

## 4 - б о б. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

### 21-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИ

Ўзбекистоннинг  
демократик жамият қуриш  
йўли

Демократик жамият қуриш бобида ҳамма давлат учун тайёр қолип ва андозалар йўқ. Президент Ислон Каримов дунёда бир-бирига ўхшаган иккита инсон бўлма-

ганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ, деганида ҳақлидир.

Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган бир қатор тамойиллари бор. Чунончи, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши; озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги; давлат асосий органларининг сайлаб қўйилиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши ва бошқалар. Ўзбекистон демократик жамият қуришда жаҳон халқлари тажрибаси синовидан ўтган ана шу тамойилларга асосланди. Шунингдек Ўзбекистон демократик, фуқаролик жамият қурилишида халқимизнинг неча минг йиллик тарихий ва маънавий тараққиёти тажрибасига, миллий давлатчилигимиз негизларига, маънавий меросимиз илдизларига, миллий хусусиятларимиз ва бой анъаналаримизга таяниш йўлини тутди.

Демократик жараённинг индивидуализм фалсафасига таянувчи, инқилобий ўзгаришларга мойил Фарб намунаси Ўзбекистонга унчалик тўғри келавермайди. Шарқ фалсафаси ва ислон дини таълимотларини акс эттирувчи ҳамжиҳатлик ғояси ва жамиятчилик фикрининг устиворлигига таянувчи «Шарқона демократия» қадриятлари Ўзбекистон учун кўпроқ кўл келди. Шу боисдан Ўзбекистон демократия ривожининг жаҳон тажрибаси билан Шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳўжалик анъаналарини уйғунлаштириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистонда шошма-шошарликка йўл қўйилмасдан, демократик ўзгаришларни одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савиясига мос бўлган даражада ва суръатларда амалга ошириш томон йўл тутилди.

Ўзбекистон шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қуриш йўлини танлади. Адолат ва ҳақиқатга интилиш азалдан халқимизнинг муҳим фазилатларидан бири бўлиб келди. Адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. Адолат ва ҳақиқат ғояси давлатимизнинг, қонунчилик фаолиятимизнинг бош йуналиши, демократик жамият қурилишининг асоси қилиб олинди. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш, ҳаётимизнинг бошқа ҳамма жабҳалари адолат ва ҳақиқатга таянади. Ижтимоий, мулкий жараёнлар тубдан ўзгараётган пайтда давлатимиз жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишга йўл қўймаслик йўлини танлади.

Президент Ислам Каримов адолатли жамият барпо этиш учун, аввало, одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён этиш ва амалга оширишлари учун зарур дастлабки имкониятлар яратиш лозим, деб таъкидлайди. Мамлакатимизда бундай имкониятларни вужудга келтириш, унинг ҳуқуқий механизмини яратишга катта эътибор берилмоқда. Ана шундай имкониятлар яратилгандан кейингина ҳар бир инсоннинг тақдири, турмуши унинг ўзига — жамиятдаги ўрни, меҳнат қилиш истаги, оқилу уддабуронлигига боғлиқ бўлади.

Айни пайтда, Ўзбекистон давлати ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уруғларининг кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун баробар имкониятлар вужудга келтириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон давлати фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий ва маънавий ҳаёт тарзини эркин танлаб олишини кафолатлайди.

#### **Фуқаролик жамияти қурилиши**

Ўзбекистон демократик ислохотларни амалга оширар экан фуқаролик жамияти қуришга интилмоқда. Бунинг маъноси шуки, бошқарувнинг турли хил вазифалари бевосита халққа топширилади, ўзини-ўзи бошқариш органлари ривожланиб боради.

«Фуқаролик жамияти» ва «жамият» тушунчалари айнан бир нарса эмас. Жамият бу кишилар умумийлиги, давлатнинг бугун белгиларини ҳам уз ичига оладиган бирлиги. Фуқаролик жамияти — бу жамиятнинг бир қисми, ҳокимиятнинг давлат органлари ва бошқарувидан ташқари қисми. Фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси фуқароларнинг сиёсий ва жамоат ташкилотларига бирлашиш даражаси, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг таъсири ва тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Мамлакатимизнинг фуқаролик жамияти қурилиши йўлидан бораётганлигини мустақиллик йилларида вужудга келган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, мазмунан янгиланган кўплаб жамоат ташкилотларининг ташкил топганлиги ва уларнинг фаолияти яққол кўрсатмоқда. **«Фуқаролик жамияти, — деб ёзади Ислом Каримов, — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўзини-ўзи камол топтиришга мөнелик қилмайди, аксинча ёрдам беради».**

Бугун жамиятни демократик асосда батамом янгилаш имконига эга бўлган Ўзбекистон уни кафолатлашнинг энг асосий меъёрий ҳуқуқий ҳужжати — Конституциясига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунё миқёсида энг мукамал демократик конституциялар сафидан ўрин эгаллади. Конституция фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштирди. Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устиворлиги, инсон манфаатини кўзлаб иш юритилиши мамлакатда барқарорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий омилidir.

Конституцияни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилишнинг ўзи энг замонавий демократик асосда содир бўлди. Унинг ҳар бир боби ва банди бир неча бор қайта кўрилди, халқаро даражадаги экспертлар маслаҳати инobatга олинди, барча меҳнат жамоалари ва ҳудудлар умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Шу боис, қабул қилингандан буён унинг бирон-бир банди ўз кучини йўқотмади. Бу эса Конституциямизнинг жаҳон тажрибаси, барча мамлакатларнинг конституциявий амалиёти ҳамда, энг муҳими, халқимизнинг минг йиллик демократик анъаналари ва негизларининг чуқур эътиборга олинганлигининг яққол исботидир.

## Савол ва топшириқлар

1. Демократик жамият нима?
2. Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган қандай тамойилларини биласиз?
3. «Шарқона демократия» қадриятларини қандай тушунасиз?
4. Ўзбекистоннинг демократик жамият қуриш йўлини тушунтириб беринг.
5. Демократик адолатли жамият нима?
6. Фуқаролик жамияти деганда нимани тушунасиз?

## 22-§. СУД ҲОКИМИЯТИ ИСЛОҲОТЛАРИ

### Суд мустақиллиги

Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда суд ҳоқимиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатда мустақиллик йилларида суд ислоҳотларини изчиллик билан ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Олий Мажлиснинг 1995 йил февралда бўлиб ўтган биринчи, 1995 йил декабрда бўлган тўртинчи ва 1996 йил августда бўлган олтинчи сессияларида суд ҳоқимияти учинчи, мустақил ҳоқимият тармоғи эканлиги, одил судлов тизимини шакллантириш ва демократиялаштириш лозимлиги кўрсатилди. «Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳоқимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир... Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим», — деб уқтиради И. Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида.

Суд ислоҳоти суд ҳоқимиятининг обрўйини жиддий равишда оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, халқ маслаҳатчиларининг мақомини кўтаришга йўналтирилди.

### Суд тизимидаги ислоҳотлар

Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қо-



рақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар хўжалик судларидан иборат.

Ҳуқуқий демократик инсонпарвар давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида суд ҳокимиятида янги тизим — ҳуқуқ тармоқларини бирлаштиришни ва улар ўртасидаги муносабатни уйғунлаштиришни таъминловчи Конституциявий Суд юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалари ва бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қанчалик мослигига доир ишларни кўради ва аниқлайди. Ўзбекистон Конституциявий судининг вужудга келиши демократик давлат учун улкан воқеадир.

Ўзбекистон Конституцияси суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судловни амалга оширишда кенг имкониятлар очди.

Конституциянинг кўпгина моддаларида суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгиланиб, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги мустаҳкамланган. Шунга кўра, суд ҳокимияти ва судьялар фақат қонунгагина бўйсунадилар. Бу қоида Конституцияда қатор кафолатлар билан ҳимояланган.

Мустақил суд ҳокимиятини амалга ошириш механизмини тартибга солувчи ва судьяларни сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни вазифасидан озод қилиш тартиби, суд ишларини кўришда аралашганлик учун жавобгарлик ва ҳоказоларнинг асосий кафолати ҳисобланган «Судлар тўғрисида»ги Қонун 1993 йил 2 сентябрда Олий Кенгашнинг XIII сессиясида қабул қилинди. 1992 йил 10 декабрда Олий Кенгашнинг XI сессиясида қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун эса Прокуратуранинг суд билан бутунлай янги шароит ва талаблар доирасидаги ўзаро муносабатларини белгилаб берди. Янги Жиноят-ижроия ва Фуқаролик тўғрисидаги кодекслар қабул қилиниб, уларда суд мустақиллиги тамойиллари, тарафларнинг тенглиги, суд ишларини юритишда тортишув ва одил судловнинг бошқа демократик меъёрлари мустаҳкамланди.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун ва «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий суди таркибида ҳарбий ҳайъат ташкил этиш тўғрисида»ги қарор асосида Қуrolли кучларнинг ҳарбий судлари, ҳарбий гарнизон судлари ва уларнинг иш фаолиятларини назорат қилиш учун Республика Олий судида ҳарбий ҳайъат ташкил этилди. Ҳарбий ҳайъат раиси лавозими бўйича Олий суд Раиси ўринбосари ҳисобланади. Уларга Қуrolли кучлар сафида, чегара қўшинларида, миллий хавфсизлик органларида, республика ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган, ўқув йиғинларидаги шахсий таркиб томонидан содир этилган жиноят ишларини ҳамда Қуrolли кучлар ҳарбий қисмлари қўмондонларига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъвоси бўйича бўлган фуқаролик ишлари ва уларнинг гайри-қонуний ҳаракатлари юзасидан тушган шикоятларни кўриш ваколати юклатилган.

Суд ислоҳотларининг  
иккинчи босқичи

1996 йилдан бошлаб суд ислоҳотларининг иккинчи босқичи бошланди. Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 декабрда бўлган VII сессиясида

Жиноят кодекси ва Жиноят-ижроия кодексларига жиддий ўзгартиришлар киритилди. Ислоҳотларни бошқа йўналишлар бўйича ҳам ўтказиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Суд ҳокимияти Конституция ва халқ томонидан судга берилган жиноят, фуқаролик ва маъмурий ҳамда хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқ ва адолат, қонун устиворлиги тамойилига амал қилиш, топширилган иш учун жавобгарлик асосида одил судловни амалга ошириш имконини берувчи ваколатлар мажмуидир.

Жиноий жазо чораларини тайинлаш масаласида ҳам жиддий ўзгариш юз берди. Олий суднинг 1993 йилдан бошлаб жойларда ўтказган текширишлари, Пленумларда қабул қилинган тегишли қарорлар, хавфли жиноятчиларга, унинг ташкилотчиларига, жиноий гуруҳларнинг фаол қатнашчиларига жазо тайинлаш амалиёти тубдан ўзгарди. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жазо тайинлаш анча кучайтирилди.

Мамлакатимиз ташқарисига товар, моддий бойликларни олиб чиқиш тартибларини бузиш жамиятимиз учун катта хавф туғдиришини, бозор иқтисодиётига ва фуқароларнинг манфаатларига жиддий зарар келтиришини эътиборга олиб, Олий суд 1993 йил 27 декабрда


ги Пленумида «Республикадан ташқарига товар, моддий бойликларни олиб чиқиш ва республикага нақд пулларни олиб келиш тартибларини белгиловчи қонунларни қўллаш тўғрисида» қарор қабул қилиб, қуйи судларга дастурий кўрсатмалар берди.

80-йилларнинг охирига келиб, республикадаги жиний муҳитнинг кескинлашганлиги ва жиноятларнинг янги уюшган, қуролланган ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ турлари кўпайганлиги жиноятчиликка қарши курашда кескин чоралар кўришни тақозо этди.


Ўзбекистон Республикаси Олий суди 1994 йил 7 январда Пленум ўтказиб, «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги масалани муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди. Мазкур қарор жиноятчиликка, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашда ижобий рол ўйнади. Аввало, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида мажон қурган «номдор», жиноят оламида «шуҳрат қозongan» тўдаларнинг асосий қисми ушланди ва тергов қилиниб, судлар томонидан қилмишларига яраша қонуний жазо белгиланди.

Оғир жиноят содир этган шахсларга, жиний гуруҳнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига, муқаддам судланганларга қонун доирасида қаттиқ жазо чораларини қўллаш билан уюшган жиноятчилик, товламачилик (рэкет), автомашиналарни олиб қочиш каби жиноятларнинг кескин камайишига эришилди.

Транспорт воситаларини олиб қочишга оид маълумотлар



## Транспорт воситаларини ўтирлашга оид маълумотлар



Гиёҳвандлик оқибатида кўплаб оғир жиноятлар содир этилмоқда. Оилалар барбод бўлмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий ишларни судда кўриш амалиёти-ни ўрганиб, бу масалани 1995 йил 27 октябрдаги Пленумида муҳокама қилди. Пленум судларга зарур кўрсатмалар берди, судлардан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ўтказиш, экиш ва шу каби жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланишни талаб қилди.

Маълумки, қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш билан боғлиқ жиноятлар жамият учун катта хавф туғдиради. Шу сабабли Олий Суд Пленуми 1996 йил 7 январда «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар буйича суд амалиёти ҳақида»ги масалани кўриб чиқиб, судларнинг эътиборини мазкур масалага доир жиддий камчиликларга қаратди. Бундай ишларни кўриш чоғида қуролларни олиш, тайёрлаш манбалари ва сабабларини, жиноятларнинг содир этилишига имконият туғдираётган шароитлар ва шахслар доирасини аниқлаш, жазо тайинлашда алоҳида ёндашув қоидаларига риоя этиш, айбдорларга нисбатан асоссиз равишда енгил жазо тайинлаш ҳолларига барҳам бериш талаб этилди.

Республикада мавжуд бўлган экологик вазиятни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми бу масала билан боғлиқ жиноий ишларни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларни ҳам ўрганиб чиқиб,

1996 йил 20 декабрда «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича Суд амалиёти ҳақида» қарор қабул қилди. Унда Судларнинг эътиборлари табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан зиён-заҳмат етказмасдан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунларга қатъий амал қилиш энг муҳим давлат вазифаларидан бири эканлигига, уларни тўғри ҳал қилиш фуқароларнинг соғлиғи ва фаровонлигига, шунингдек, республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига боғлиқлигига қаратилди.

Маълумки, давлат ва жамиятнинг обрўси ўша давлатда мавжуд бўлган суд ва судьяларнинг қонун талабларига оғишмасдан амал қилишларига, қабул қилинган ҳар қандай қарорлар қонун меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқ. Дарҳақиқат, яхши қонунлар бўлса-ю, суд тизимида ишловчилар унинг талабларига мос қарор қабул қилмаса суд тизимининг обрўсига путур етказади. Бу давлат ва жамият обрўсига ҳам раҳна солади.

Суд фуқаролар кўз олдида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланиши шарт. Суд ҳокимиятининг обрўсини кўтариш, унинг холислигини таъминлаш ҳар бир судьядан катта масъулият, жасорат, билим, тажриба орттиришни, поклик ва адолатни барча нарсалардан устун қўйишни, давлат ва халққа содиқ бўлишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам суд ва судьяларнинг бошқа тармоқлардан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунушини, суднинг ҳаммабоп, ҳимоя доираси кенгайишини таъминлайдиган тадбирлар кўрилмақда.

### Савол ва топшириқлар

1. Суд мустақиллигини ва унинг аҳамиятини тушунтиринг.
2. Суд соҳасида дастлаб қандай ислоҳотлар қилинди?
3. Суд ислоҳотларининг иккинчи босқичи, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида нималар биласиз?
4. Ўзбекистон Республикаси суд тизимига кирувчи судларни санаб беринг?
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят, шаҳар ва туман судлари қандай ишлар билан шуғулланади?
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қандай вазифаларни бажаради?
7. Хўжалик судлари қандай ишлар билан шуғулланади?

## 23-§. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

**Инсон ҳуқуқлари ва  
эркинликлари — энг олий  
қадрият**

Ўзбекистон тарихининг мустақиллик йиллари аввалги даврдан фарқли ўлароқ, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати учун зарур шарт-шароитлар

яратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида кафолатлаб қўйилди. Конституциянинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», — деб белгилаб қўйилди.

Конституциянинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталишининг ўзи Асосий Қонуннинг инсонпарварлигини кўрсатади. Конституцияда демократик жамиятнинг асосий тамойили бўлган фуқаролар тенглиги мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг ҳар бир моддасида фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, уларнинг кафолатланиши ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳаётнинг барча соҳаларида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларда бир-бирлари билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги ҳам белгилаб қўйилган. Шунингдек ҳар ким яшаш, шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга, бу давлат томонидан ҳимоя қилинишлиги ҳам кўрсатилган. Фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, фуқароларнинг динга муносабати Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлайди.

Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, меҳнат ва касбни эркин

танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролар ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашмоқдалар. Улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда қатнашиш, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар ва улардан фойдаланмоқдалар. Ҳар бир фуқаро мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларидан фойдаланмоқда.

### **Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари**

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Истиқлол йилларида фуқароларнинг ҳуқуқларини акс эттирувчи,

ҳимоя қилувчи, уларнинг турли соҳалардаги фаолиятини тартибга солувчи 300 дан ортиқ қонун ва Парламентнинг Қонунга тенглаштирилган қарорлари, Президентнинг бир ярим мингдан ортиқ фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Улар фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш, бозор муносабатлари шароитида фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ҳимоялашни таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир бир қатор халқаро ҳужжатлар тан олинди. «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт ва факультатив Баённома» шулар жумласидандир. Ўзбекистон БМТ Котибиятининг 21 та асосий пакт ва Конвенциясига қўшилган.

1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили сайланди. Унинг мақоми ва фаолият доираси 1997 йил 26 апрелда қабул қилинган. Олий Мажлиснинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун билан белгилаб берилди. Вакил БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маркази, ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда қабул қилган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи муҳим ҳужжатдир.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг 1996 йил 28 августда бўлиб ўтган сессиясида: «Навбатдаги муҳим масала республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришидир», — деб таъкидлади.

Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича 70 та стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятлари ва уларга нисбатан қилиши шарт бўлмаган ишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон бу стандартлардан 15 тасига қўшилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий Маркази

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 1996 йил  
октябрь ойида эълон қилин-  
ган «Инсон ҳуқуқлари бўйи-  
ча Ўзбекистон Республикаси  
Миллий Марказини тузиш

тўғрисида»ги Фармонига биноан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ташкил этилди. У Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ишлари билан шуғулланмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳали тажрибамиз йўқлиги, бу янгилик сифатида эндигина турмуш тарзимизга кириб келаётгани туфайли унга давлатнинг ўзи ташаббускор ва раҳнамо бўлмоқда.

Давлат ва фуқаро  
бурчларининг ўзаро  
боғлиқлиги

Ўзбекистонда фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғланган. Давлат ўзининг фуқаролар олдидаги вазифаларини бажармоқда,

фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳам дав-



лат олдидаги бурчлари, мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Давлат ҳар бир инсон зиммасига тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш, табиий атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятини юклайди. Конституциянинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган.

### Савол ва топшириқлар

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг олий қадрият эканлигини тушунтиринг.
2. Инсон ва фуқаролар қандай ҳуқуқлар, эркинликларга эга?
3. Фуқароларнинг бурчлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ўзбекистонда яратилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларини тушунтиринг.
5. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қандай ишлар билан шуғулланади?
6. «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази»нинг тузилиши ва аҳамиятини тушунтиринг.
7. Давлат ва фуқаро бурчларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

### 24 - §. ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

**Сайлов тизимининг  
ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг асосий таъминловчи шартлари мувофиқ демократик жамиятга хос сайлов тизими шакллантирилди. 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», 1993 йил 28 декабрда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида» Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Сайлов тизимининг асосий  
тамоийллари**

Конституция ва қонунларда сайлов кунигача 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаронинг овоз беришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Суд томонидан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилган шахслар сайловларда қатнаша олмайдилар.

Ўзбекистонда сайловлар умумий ва тенгликка асосланади. Ҳар бир сайловчи битта овозга эга. Республика фуқаролари ижтимоий келиб чиқинми, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, фаолият тури ва ҳаракати, ижтимоий ва моддий аҳволдан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадилар.

Мамлакатимизда сайловлар номзодни тўғридан-тўғри, бевосита сайлашга қаратилган. Бунинг маъноси шуки, Президент, Олий Мажлис, ҳокимиятнинг маҳаллий органларига бўлган сайловларда ҳар бир сайловчи бевосита ўзи иштирок этади. Айрим мамлакатларда, масалан, АҚШда аввал сайловчилар танланади, ана шу танланган кишилар Президентни сайлайдилар.

Сайловларда яширин овоз бериш таъминланади. Ҳар бир сайлов участкасининг овоз берадиган жойида сайлов бюллетенларини тўлдириш учун алоҳида хоналар ташкил этилган бўлади. Бу хоналарда овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши ман қилинади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра сайлов комиссияси аъзосидан бошқа бирор шахсни хонага таклиф этиши мумкин. Сайлов бюллетенида яширин овоз бериш тартибини бузадиган бирон-бир белги, ишора, рақам ёки сайловчининг фамилияси бўлмаслиги қонунлаштириб қўйилган.

Сайловлар бир мандатли округларда ҳудудийлик тамойиллари бўйича ўтказилади. Яъни ҳокимиятнинг вакиллик органи шаклланадиган ҳудуд сайловчиларнинг таҳминан тенг миқдори асосида сайлов округларига бўлинади.

Ўзбекистон сайлов тизимининг муҳим тамойилларидан бири сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишидир. Сайлов белгиланган кундан камидан олти ой бурун Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга

олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи ваколатли ҳокимият органлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Кенгашига берилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунларида ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга эканлиги белгилаб қўйилган. 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти, 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга, 21 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Фуқаро бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

#### Сайлов ҳуқуқларининг кафолати

Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя қилинади. Куч ишлатиш, алдаш, кўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш республика қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Сайлов комиссиясининг мустақиллиги қонун билан ҳимоя этилади. Олий Мажлис томонидан Марказий сайлов комиссияси тузилади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларини тузади. Сайлов комиссиялари таркибида сиёсий партиялар аъзоларининг бўлиши ман этилади.

Ўзбекистонда сайлов яқунларини энг демократик усул билан аниқлаш белгиланган. Сайлов натижасида сайловда қатнашганларнинг 50 фоиздан битта ортиқ овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Агар номзодлардан биронтаси ҳам шунча овозни ололмаса, иккинчи тур сайлов ўтказилади. Башарти, сайловда

сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса сайлов ўтмаган деб топилади. Иккинчи турда сайлов округида иштирок этган номзодлар орасидан бошқаларига нисбатан кўпроқ овоз олган иккитаси қайтадан сайловга қўйилади ва улар орасидан кўп овоз олган номзод ютиб чиқади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун сайловчиларимиз ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Бундай қонун бoshқа мамлакатлар сайлов тизимида ҳанузгача йўқ.

Мустақиллик даврида яратилган энг демократик сайлов тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови, шунингдек муҳим масалалар бўйича референдумлар ўтказилди. Уларнинг яқунлари республика фуқароларининг фаоллигини яққол кўрсатди.

Ўзбекистонда ўтказилган сайлов ва референдумларнинг натижалари ўзбекистонликларнинг Президент ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатга, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга ишончи мустаҳкам эканлигини кўрсатди. Референдум яқунлари халқнинг ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва охирига етказиш тарафдори эканлигини билдирувчи белгидир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қандай ҳужжатлар сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилмоқда?
2. Кимлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга?
3. Сайлов тизимининг асосий тамойилларини тушунтиринг.
4. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?
5. Сайлов комиссиялари қандай тартибда тузилади?
6. Сайлов яқунлари қандай усулда аниқланади?
7. Сайлов ҳуқуқининг кафолати ҳақида сўзланг.

### **25-§. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

Демократик жамиятни барпо этиш аҳолининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданияти, одамларнинг янги демократик қадриятларни идрок этиши масалалари билан боғлиқ албатта. Шу жиҳатдан, турли сиёсий партия-

лар ва жамоат ташкилотларининг шаклланиши ва қарор топиши муҳим ўринга эга. Кечаги бундай тузилмалар замирида фуқаролар онгини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш истиқболлари муҳассамлашади. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг фаолияти демократик жамият учун зарур бўлган сиёсий муҳолифатни шакллантиради. «**Шуни яхши уқиб олишимиз керак**, — деган эди И. А. Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида, — **жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган, кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппарати-нинг коррупцияси сингари иллатлар бўлмаслигига жиддий қафолат ҳам бўлмайди**».

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вужудга келиши ва фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Республика парламенти томонидан қабул қилинган «**Жамоат ташкилотлари тўғрисида**» (1991 йил 15 февраль), «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**» (1998 йил 28 апрель), «**Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва қафолатлари тўғрисида**» (1992 йил 2 июль), «**Сиёсий партиялар тўғрисида**» (1996 йил декабрь)ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда 5 та сиёсий партия, 1 та жамоатчилик ҳаракати фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис Қурултойида ташкил топган. Ушбу қурултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991 йил 15 ноябрда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Халқ демократик партияси ўз Дастурида мамлакатда адолатли жамият қуриш, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқлари ўртасида тинчлик, осойишталик, фуқаролар тоғувлигини таъминлаш, ҳар бир меҳнатқашнинг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш, фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадини илгари сурди:

Ўзбекистон ХДПнинг олий органи Курултой бўлиб, у ҳар 5 йилда бир марта чақирилади. Унда партиянинг раҳбар органлари сайланади. М. М. Расулов 1991—1994 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1994 йил 1 ноябрдан А. М. Жалолов биринчи котиб этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП парламент партиясидир. Ўз аъзоларидан Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар пайтида номзодлар кўрсатиб давлат ҳокимияти органларининг барча бўғинларида иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори билан ХДПнинг 69 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди.

Ҳозирда Ўзбекистон ХДП таркибида 218 вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 13665 бошланғич ташкилотлари ва 420 мингга яқин аъзоси бор.

Ўзбекистон ХДПнинг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали нашр этилмоқда.

#### **Ватан тараққиёти партияси**

Ўзбекистон истиқлоли йилларида сиёсий куч сифатида шаклланган партиядан яна бири Ватан тараққиёти партиясидир (ВТП). У 1992

йил 24 майда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис Курултойида тузилган. Ушбу Курултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1992 йил 10 июлда Ватан тараққиёти партиясини рўйхатга олган.

Ўзбекистон Ватан тараққиёти партиясининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия тамойилларига асосланган, янги ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини куришдир. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз Низоми ва республиканинг бошқа амалдаги қонунларига мувофиқ амалга оширади. Партия фаолияти ўзини-ўзи бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, хайрихоҳлик, партия ҳаётида фаол қатнашиш, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларига асосланади.

Унинг ижтимоий қатлами — зиёдилар, гадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар ва ўрта табақа мулкдорлардир. Партиянинг олий органи Курултой, қуйи органи эса бошланғич партия ташкилоти йиғилиши.

Ватан тараққиёти партиясининг 1992 йил май ойида бўлиб ўтган I Курултойида Усмоҳ Азим, 1994 йил октябрь ойида бўлиб ўтган II Курултойида Анвар Йўлдошев раис қилиб сайландилар. Партиянинг раҳбар органлари — умумий йиғилиш, мажлис, кенгаш, конференция, қурултойдир.

Партия ўзининг аъзоларини Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар вақтида номзод этиб кўрсатади ва давлат ҳокимияти органининг фаолиятида иштирок этади.

1995 йил 24 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида ВТПнинг 14 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди. Партия фракцияси партия Марказий Кенгаши Пленумлари, Курултойлари қарорларига амал қилади, улар олдида ўз иши юзасидан белгиланган тартибда ҳисоб беради.

Бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган масалалар юзасидан ҳамкорликда иш олиб боради.

ВТП таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, шаҳар ва туман партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Партия аъзолари 35 минг кишидан ортиқдир. Ўзбекистон Ватан тараққиёти партиясининг нашри «Ватан» газетасидир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (СДП) 1995 йил 18 февралда Тошкентда бўлган I таъсис Курултойида тузилди, унинг

Дастури ва Низоми қабул қилинди. Алия вазирлиги 1995 йил 18 февралда «Адолат» СДПни рўйхатга олган.

Партиянинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан етук, демократия тамойилларига асосланган адолатли, фуқаролик жамияти қуришда фаол иштирок этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори билан «Адолат» социал-демократик партиясининг 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди. Партия фракцияси «Адолат» СДП мажлислари, кенгашлари ва қурултойлари қарорларига амал қилиб, улар олдида ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради. Бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сафида 30 мингдан ортиқ аъзо бор. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда, шунингдек 175 шаҳар ва туманларда партия Кенгашлари тузилган. Жойларда 1000 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов. Партиянинг «Адолат» номли ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

#### **Миллий тикланиш демократик партияси**

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялардан яна бири Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидир (МТДП). У 1995

йил 3 июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис Курултойида тузилди ва партиянинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Курултой А. П. Қаюмовни партия раиси қилиб сайлади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги 1995 йил 9 июнда МТДПни рўйхатга олган.

Партиянинг мақсади миллий манфаатларни, миллий яқдилликни таъминлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилишдан иборат. МТДП миллатнинг ўз-ўзини англаши, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тўла шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуриш, миллий тикланиш йўлидан ривожланишга эришиш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш, миллатнинг илмий, техникавий салоҳиятини юксалтириш ва демократик жамият қуриш учун курашади.

Ўзбекистон МТДПнинг олий органи 5 йилда чақириладиган Курултой бўлиб, унда раҳбар органлар



сайланади. Жойларда партия ташкилотлари ва бўгинлари иш олиб бормоқда. Унинг 6 мингга яқин аъзоси бор. 1997 йилда И. Фафуров партия раиси этиб сайланди. Ўзбекистон МТДПнинг «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

#### **Халқ бирлиги ҳаракати**

Мамлакатда «Халқ бирлиги» ҳаракати 1995 йил июндан фаолият кўрсатмоқда. Адлия вазирлиги мазкур ҳаракатни

1995 йил 9 июнда рўйхатга олган.

Ҳаракатнинг асосий мақсади кўп миллатли мамлакатда халқлар бирлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини тўла-тўқис амалга ошириш ва фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг олий органи Қурултой бўлиб, у 4 йилда бир марта чақирилади. Унда раҳбар органлар сайланади. 1995 йилдан Ҳаракат раиси академик Т. Н. Долимовдир.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати таркибида вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 165 та бошланғич ташкилотлар иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг «Бирлик» ва «Единство» ҳафталик газеталари нашр этилмоқда.

#### **Жамоат ташкилотлари**

Ўзбекистонда турли жамоат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, **Ўзбекистон касаба уюшмалари**

турли касб эгалари бўлган ходимларни жинси, диний эътиқодлари, ирқий ва миллий мансубликларидан қатъи назар ихтиёрий бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Касаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши жаҳон касаба уюшмалари амалиёти андозаларига мос келадиган федерализм, демократия, мустақиллик ва ихтиёрийлик тамойиллари асосида ислоҳ этилди. Касаба уюшмаларининг қуйидан юқоригача барча органлари уюшма аъзолари томонидан сайланган вакилларнинг йиғилишлари, конференциялари ва қурултойларида сайланади ва улар олдида ҳисоб беради. Касаба уюшмаларининг ҳар бир аъзоси сайлаш ва сайланиш, йи-

ғилишлар, матбуот ва бошқа воситалар орқали касаба уюшмалари ҳамда маъмурий органлар фаолиятига тааллуқли масалаларни қўйиши мумкин.

1996 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 53 мингга яқин бошланғич ташкилотга бирлашган 7,5 миллиондан зиёд аъзоси бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибида 21 тармоқ касаба уюшмалари мавжуд, ҳудудий жihatдан эса Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ҳамда битта шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари мавжуд.

Мустақиллик шароитида аёлларни, кўп болали оналарни ҳар томонлама муҳофаза қилишни янада кучайтириш, меҳнаткаш ва ижодкор аёлларнинг бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал этиш, илм-фан соҳасидаги аёлларнинг имкониятларини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 1 мартдаги Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар кўмитаси тўғрисида»ги Фармойиши билан Хотин-қизлар кўмитаси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят хотин-қизлар кўмиталари, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, 38 шаҳар, 170 туман, 14 мингдан ортиқроқ меҳнат жамоалари ва турар жойларда ташкил этилган хотин-қизлар кўмиталари киради. Кўмита қошида хотин-қизлар тоифаларига қараб турли-туман профессионал, ижодий ва бошқа уюшмалар тузилган.

Кўмита жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг маънавий ва маданий талабларини қондириш, аёлларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ёрдам бериш, оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга кўмаклашмоқда. Хотин-қизлар кўмитаси халқлар ўртасидаги дўстликни ва ўзаро ҳамкорликни муҳофаза қилиш, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт йўлида фаолият кўрсатаётган аёлларнинг халқаро демократик ҳаракатига Ўзбекистон аёлларининг иштирок этишларини таъминлаш каби вазифаларни бажармоқда. У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси доирасида жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Кўмитага Республика Бош вазири ўринбосари Д. Фуломова бошчилик қилмоқда.

1996 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Фахрийлар Кенгаши «Нуро-

ний» жамгармасига айлантирилди. Декабрьда бўлиб ўтган таъсис йиғилишида Б. Раҳимов Республика «Нуроний» жамгармасининг раиси қилиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1994 йил 16 мартдаги «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги фармонида ўзбекистонликларнинг уруш йилларидаги жасоратини ҳамда қурбон бўлганлар хотирасини абадийлаштиришга бағишланган кўп жилдли «Хотира» китобини нашр этиш вазифаси қўйилди, ётарли миқдорда маблағ ажратилди ва барча шарт-шароит яратиб берилди. Жуда катта меҳнат ва машаққатли изланишлар натижасида урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин ўзбекистонлик жангчиларнинг азиз номлари зикр этилган 32 жилдлиқ «Хотира» китоби 1995 йилда, Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида халқимизга, собиқ жангчиларнинг хонадонларига бепул етказиб берилди. Шунингдек у барча музейларга, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги фахрийлар ташкилотларига, кутубхоналарга, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларига, вазирлик ва идораларга, Давлат органлари, ҳокимликлар, ёшлар ва жамоат ташкилотларига ҳамда Москва, Санкт-Петербург, Киев, Минск, Волгоград шаҳарлари музейларига юборилди. «Хотира» китобида катта тарих, аччиқ ҳаёт ҳақиқати тикланган. Бу тарихни ҳозирги ёшлар ҳам, келажак авлод ҳам чуқур билишлари керак.

### Савол ва топшириқлар

1. Сийсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат ташкилотларини тузиш, уларнинг фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар қандай ҳужжатларда белгилаб берилган?
2. Халқ Демократик партиясининг ташкил топиши ва унинг фаолияти ҳақида нима биласиз?
3. Ватан тараққиёти партиясининг ташкил топиши, унинг мақсади ва фаолияти ҳақида сўзланг.
4. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қачон ташкил этилди? Унинг фаолиятини тапиринг.
5. «Адолат» социал-демократик партиясининг тузилиши, мақсади, фаолиятини тушунтиринг.
6. «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳақида сўзланг.
7. Истиқлол эришиш жамоат ташкилотлари фаолиятига қандай аҳамият қилиди?

## 26-§. СОХТА ДЕМОКРАТЛАРНИНГ ЭКСТРЕМИСТИК ЙЎЛ БИЛАН ҲОКИМИЯТНИ ЭГАЛЛАШГА УРИНИШИ ВА УНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ

**Норасмий ҳаракатларнинг  
вужудга келиши**

80-йилларнинг иккинчи яр-  
мида собиқ СССР ҳудудида  
жумбушга келган сиёсий  
васвасалар ва демократия  
ўйинлари натижаси ўлароқ

Ўзбекистонда «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» ва бошқа норасмий ҳаракатлар вужудга келган эди. Улар ўз мақсад ва интилишлари билан мавжуд сиёсий режимга, етмиш йил мобайнида халқ бошига келтирилган кулфатларга қарши эдилар. Мазкур гуруҳлар маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган давлат бошқарувига, яккаҳоқимлик ва ғоявий ҳукмдорлик эгарига миниб олган коммунистик мафкурага қарши ҳолда фаолият кўрсатдилар.

Бироқ бу фаолият ҳар томонлама асосланган талаблар, ҳукумат даражасига кўтарилган сиёсий нуфуз ва ақл-идрок кўриги сифатида эмас, балки даҳанаки жанглар, эҳтиросли шиорбозликлар, ибтидоий ҳайқириклар шаклида дунёга келди. Бу жамият ҳаёти учун ҳам, халқ ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдирди.

Ўзбекистонда юзага келган оғир ижтимоий-сиёсий вазият, жазавалар, бўҳронлар оқибатларини ҳисобга олиб Президент И. Каримов мамлакат Олий Кенгашининг 1993 йил 2—3 июль кунлари бўлиб ўтган X сессиясида бундай деган эди: «Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом опозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай опозиция жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади.

Айни замонда, мавжуд конституциявий ҳоқимиятни куч билан ағдарилгани мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар, шуни аниқ айтишимиз керак, таъқиқлаб қўйилиши керак. Республика чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фанизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб этувчи, демократик эркинликлар ва халқ маънавияти асосларига тажовуз этувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши варт».

Бу Ўзбекистон ҳукуматининг мустақилликнинг энг таҳликали кунларида тутган қатъий сиёсий йўли, стратегик қарашлари эди. Айни ана шундай қатъий, журъат ички ва ташқи ғанимларимиз зўр бериб Ўзбекистонда

барқарорликни йўқ қилишга, фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уринаётган бир пайтда унинг собитқадамлигидан, ҳар қандай ифвогарликларга йўл қўймаслик чораларини кўраётганлигидан далолат беради.

#### «Эрк» партиясининг сохта демократик уринишлари

«Эрк» демократик партияси вакиллари ва уларнинг ҳомийлари мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рўкач қилиб, ҳар қандай йўл

билан ҳокимият тепасига чиқиб олиш учун очиқдан-очиқ кураш бошладилар. Улар кўча-қўйларда митинглар уюштириб, оммавий норозиликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Халқ сайлаган депутатларга ишончсизлик билдириб, уларнинг истеъфога чиқишларини талаб қилдилар.

«Эрк» демократик партиясининг тажовузкорона ҳаракатлари ва сиёсий қўпоровчилик фаолияти 1991 йил ноябрь ва декабрь ойларида айниқса Президент сайловлари кунларида юқори чўққига чиқди. Бу партия вакиллари сайловчилар билан учрашувларда, партия йиғилишларида эҳтиросларга берилиб, қонуний ҳукуматни очиқдан-очиқ бадном қилиш ва зўравонлик сингари салбий ҳаракатларни яққол намойиш қилдилар. Тўғридан-тўғри ҳукумат раҳбарларига турли йўллар билан гоъвий, сиёсий ва маънавий зарба беришга ҳаракат қилдилар.

Президент сайловларида қуйидаги сабабларга биноан «Эрк» партиясининг раҳнамоси Муҳаммад Солиҳ мағлубиятга учради.

Биринчидан, у ҳали партия раҳбари ва сиёсий етакчи сифатида омма ичига кириб улгурмаган, халқнинг алоҳида эътиборини қозонолмаган эди.

Иккинчидан, «Эрк» демократик партияси дастурлари, партия раҳбариятининг омма орасидаги чиқишлари том маънода жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ва уни бутунлай янги ўзанга буриб юборишга қодир эмаслигини халқ яхши тушуниб олган эди. Партия хулосалари, ислоҳотлар учун таклиф этган мулоҳазалари ҳаётий жиҳатдан ҳам, илмий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам етуклигига ҳеч ким кафолат бермас эди.

Учинчидан, Президент Ислом Каримов эса мамлакат жар ёқасига бориб қолган энг қийин ва зиддиятли пайтларда ўз иқтидорини кўрсата олган, ўз фикрининг ва гоъясининг тўғрилигига халқни ишонттира билган эди.

Президент сайловлари халқимизни кўп нарсага ўргатди. У «Мени сайланг, мени сайланг» қабилидаги сиёсий чайқовчиликни ҳам, ҳар қандай ташкилий-сиёсий ишлардан хатоликлар қидириш йўли билан «сувни лойқалатиш» ҳолатларини ҳам кўрди. Айни пайтда халқ собиқ СССР ҳукумати жазавага тушган, кичик халқларга зуғум қилаётган бир пайтда Ўзбекистон ҳукуматининг қатъият билан ишлаётганидан, Москва — Тошкент ўртасидаги сиёсий «жанг»ларда мамлакат манфаатини зўр бериб ҳимоя қилаётганидан хабардор эди. Мамлакатда соғлом ғоя, очиқ сиёсий ҳаёт қарор топаётганини кўриб турарди.

Мамлакатда вужудга келган вақтинчалик тангликдан фойдаланишга урунишлар қизғин тус олди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ижтимоий-сиёсий жиҳатдан халқимизга қийинчиликлар келтирган бўлса, ғоявий мухолифларнинг хатти-ҳаракатлари эса уни тобора чигаллаштирди, мамлакатда маънавий-руҳий вазиятни мураккаблаштирди. Ана шундай қийин ва зиддиятли бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати масалага жиддий қаради. Буни Президент Ислом Каримовнинг 1993 йил 2—3 июль кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқида кўриш мумкин: «Иқтисодий танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гутурт чақилса бас — ҳўлу куруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, азизлар, биродарлар, бошқа кўшнилариимизнинг аҳволини кўриб, яна бир марта такрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни хушёрликка даъват этмоқчиман.

Фуқаролар тўқнашуви бўлаётган минтақаларда одамлар нобуд бўляпти, қон тўкиляпти, халқ хўжалиги юз миллионлаб сўм зарар кўрмоқда, мол-ҳол қаровсиз, дала-лар экинсиз қолиб кетмоқда.

Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шопмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

Куруқ ваъдалар, жиззакилик, сиёсий жазавалар пайти ўтди. Бугун халқимизга тинчлик ва осойишталик керак. Олдин қоринни тўйғазиб, ишнинг сарҳисобини қилиб, тўғри йўлни танлаб, бозор иқтисодиёти учун замин ҳозирлаб, ундан кейин сиёсий баҳслар билан шуғулланиш мумкин. Олдин ҳаммамиз бир бўлиб, бир тан-бир жон бўлиб, эртанги кун ҳаракатини қилайлик».

Ўз йўлига собитлик, қатъият ва ирода энг оғир пайтларда мустақиллик деган олий неъматни асрай олди. Дарҳақиқат, халқ орзу-умиди ва ички эҳтиёжлари билан давлат сиёсатининг уйғунлиги таъминланди.

**Ғоявий мухолифларнинг асл мақсади. Уларнинг мамлакат тараққиёти учун хавфи**

Демократия ишқибозлари ўз фаолиятларидаги жиддий нуқсонларни, ғоявий кемтикликни ва ташкилий ношудликни жазавалару васвасалар билан ниқоблашга интиларди. Сохта демократлар сиёсий

режим оқибатида вужудга келган нуқсонлардан жабр тортаётган, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган аҳолининг иккиланишларидан, ички норозиликларидан устомонлик билан фойдаланишга уриндилар. Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, ўз ғояси, мақсад ва вазифаларига кўра коммунистик диктатурага қарши турган партия айни коммунистик партия тарқатиб юборилгандан сўнг ҳам эндигина шаклланаётган янги ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга кескин қарши турганлиги том маънодаги мантиқсизликнинг ёрқин кўриниши эди. Улар ўзларининг ҳар бир чиқишларида янги тузум ҳокимияти ва мустақиллик ташаббускорларини эскича ишлаётганга, ислоҳотлар ўтказишга қодир эмасликда айблашарди. Халқни оёққа туришга, қалқишга, кескин норозилик билдиришга даъват этишарди. Жамият қон-қонига сингиб кетган бюрократия ва тўрачилик иллатларини тезда барбод этиш, эртақлардаги сингари «бир юмалаб» янги ҳаётга эришиш мумкин эмас эди. Бир юз ўттиз йиллик тобелик кайфиятларини, мутелик руҳиятини синдириб, янгича яшаш тамойилларини англаш учун вақт кераклигини тушунишмади.

**Иккинчидан**, қарийб 130 йиллик мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакат тақдири барча фуқароларни ана шу муқаддас замин истиқболи йўлида, янги ғоя — мустақил тараққиёт ғояси атрофида жипслашишни талаб этарди. Сохта демократлар буни била туриб бузишга интиларди.

**Учинчидан**, халқ узоқ йиллик сиёсий исканжадан озод бўлгач, у энди ўзини қаерга қўйишини, қандай йўлдан боришини, келажагини қандай белгилашни билмай қолган эди. Мамлакатда саросималик вужудга кел-

ди. Ишлаб чиқаришда парокандалик юз берди. Собиқ Иттифоқнинг ягона иқтисодий маконида вужудга келган пўлат занжирлар узилгач, кун кечириш оғирлашди. Одамларда руҳий ҳорғинлик, асабий чарчоқлик, маънавий кемтиклик ва асабий таранглик кайфияти пайдо бўлди. Бу ҳар қандай сиёсий кучлардан жиддийроқ ўйлашни, жиддийроқ ҳаракат қилишни, ҳар бир қадамни ўйлаб босишни тақозо этарди. Чунки, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг ўша пайтдаги аҳволи ниҳоятда улкан газ бўчкасига ўхшарди. Унинг туйнугига ортиқча бир гугурт чақиш ҳалокатли ва фалокатли ҳодисага олиб келиши муқаррар эди. Ана шундай пайтда «Эрк» демократик партияси мустамлакачи ҳокимиятга нисбатан қандай позицияда турган бўлса, мустақиллик давлат ҳокимиятига ҳам худди шундай позицияда турди. Бу мухолифатчиларнинг жиддий сиёсий хатоси, узоқни кўра олмаслик илллати эди.

Ана шундай жиддий ҳодисалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда вужудга келган «демократия жарчилари»нинг баландпарвоз шиорларию, қалин-қалин низом ва дастурлари шунчаки гап эди, холос. Чунки уларнинг олдинги ҳокимиятга ҳам, кейинги ҳокимиятга ҳам бирдай қарши туришларидан мамлакат ва халқ манфаати учун кураш эмас, айна ҳокимият учун кураш, тожу тахт жанги, амалу курси кураши эканлиги аён бўлди.

#### **Тунтаришга уриниш**

1991 йилнинг охирлари Ўзбекистон мустақиллигининг энг таҳликали, изтироблар ва оғир кечинмалар жўш урган даври эди. Ҳали Москвада собиқ Иттифоқни сақлаб қолиш илинжида юрган сиёсий арбобларнинг жазавалари тутган, асабий кайфият ҳукмронлик қилаётган, умидлари келажакдан катта бўлган бир пайтлар эди. Ана шундай зиддиятли бир пайтда Ўзбекистонда мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий асосини яратиш борасида жиддий ишлар амалга оширила бошланди.

Собиқ Иттифоқ тарқалиши арафасида турли мишмишлару гап сўзлар, сиёсий ифвогарликлар авж олди. Биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон гўёки, фақат Иттифоқ таркибидагина кун кўриши мумкин. У ҳеч қачон мустақил давлат бўла олмайди, мустақил тараққиёт йўлидан бора олмайди,



охир-оқибатда эса Москва марҳаматига мажбур бўлади, деган фикрлар мавжуд эди.

Бундай мунозараларнинг бўлиши табиий эди. Чунки узоқ йиллар Москвага қарам бўлган пайтларда халқимизга ношуд-нотавон, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир бўлмаган мавжудод сифатида қаралиб келинарди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, ташқи ганимларнинг, «улуғ оға»ларнинг таажжуби ошди.

Энг ёмони ички парокандалик. Ички парокандалик, сиёсий беқарорлик жамиятни остин-устун қилиб ташлаш хавфини вужудга келтиради. Халқ бошига қирон келтирувчи ана шундай ҳодисалар Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди.

Мустақиллик эълон қилинган, орқада писиб ўтириб, зимдан ишлаётганлар аста-секин бош кўтардилар. Энди ўзларини истиқлол қаҳрамони, мустақиллик жарчиси, мамлакатни бошқаришда «нодир истеъдод» эканликларини кўрсата бошладилар. Бутун масъулиятни зиммасига олиб, ҳаётини хавф остида қолдириб, мустақилликни эълон қилганларга очикдан-очик қарши чиқдилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18—21 ноябрь кунлари бўлиб ўтган VIII сессияси Ўзбекистон тарихида алоҳида воқеа сифатида муҳрланди. Айни ана шу сессияда бир гуруҳ сохта демократлар очикдан-очик бош кўтардилар. Турли томондан сўз олиб, сессия кун тартибини бузиш, унга қўшимчалар киритиш баҳонасида бир-бирига тўғри келмайдиган муаммоларни кўтариб чиқишга интилдилар. «Ташаббус» гуруҳи номи билан сўзга чиққан бир гуруҳ депутатлар «Ўзбекистонда митинглар ва намойишлар ўтказилишини тақиқлаш тўғрисида»ги Қарорни бекор қилиш, республика маъмурий органлари, шунингдек Конституцион Назорат Кўмитасига ултиматум қўйиш талаби билан чиқа бошладилар. Айни чоқда ўзларини тарафдорлар сифатида кўрсатишга уриниб, «демократиями ёки диктатурами?» қабилида сессияга, унинг раҳбариятига асоссиз кесатикли саволлар қўя бошладилар.

Бир сўз билан айтганда, сессияга маълум кучларнинг олдиндан тайёргарлик кўргани яққол сезила бошланди. Бу ўз навбатида собиқ Иттифоқ ҳудудида саросималик, барча иттифоқдош республикаларда турли ҳадиксирашлар ва иккиланишлар, мустақил Ўзбекистонда эса иқтисодий танглик ҳукмронлик қилаётган бир пайтда муҳолиф кучларнинг турли ҳийла ва

найранглар билан, ўзларини демократиянинг «сохта» тарафдори сифатида кўрсатиш билан ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатар эди.

Сессия жанговарлик, шафқатсиз кураш ва ҳужумкорлик руҳида ўтди. Унда Президент Ислом Каримовнинг қатъий ирода кучи, ҳар қандай танқидий фикр ва кўпоровчилик ҳаракатларига оғир-вазминлик, сиёсий ҳушёрлик ҳамда асосли мулоҳазалари билан муносабат билдирганлиги натижасида мухолиф кучлар ўз мақсадларига ета олмадилар. Соғлом фикрли кишилар, аслида гап нимада эканлигини ақлан чуқур ҳис қилган фуқаролар юқоридаги «сохта» демократлар чиқишларини кўллаб-қувватламадилар, кун тартибидаги масалалар юзасидан амалий таклифлар билдирдилар, ҳар бир масалада мамлакатда олиб борилаётган халқчил сиёсатни маъқулладилар, мамлакат Президенти атрофига янада жипслашдилар.

Ўзбекистон давлати сиёсий мухолифатнинг бўлишига монелик қилмайди. Мухолифат мавжуд сиёсий кучларни тарозига солиб турадиган, жамият тараққиёти мувозанатини сақлаб турадиган, унинг равнақи, янгидан-янги тамойилларини ишлаб чиқишга даъват этадиган ижобий воқеликдир.

Очиғини айтганда, узоқ йиллар давомида бизда мухолифат бўлмаган ва бўлишига имконият ҳам йўқ эди. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида демократия ўйинлари авж олган пайтда бир гуруҳ кишилар ўзларини турли томонга уришди. Мухолифат деб аталган бу гуруҳларни мухолифатчилар эмас, балки ҳаётдан норозилар, деб аташ мумкин. Президент И. Каримов «**Биз расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифатни кўришни истаймиз**», — деган эди.

### Савол ва тошпириқлар

1. Ўзбекистонда қандай норасмий партия ва ҳаракатлар вужудга келди?
2. «Эрк» демократик партиясининг халқ бирлигини бузиш йўлидаги хавfli ҳаракатлари ҳақида сўзланг.
3. Барқарорликка таҳдид хавфи туғилганда Ўзбекистон ҳукумати қандай йўл тутди?
4. Ғоявий мухолифатларнинг мамлакат тараққиётига солган хавфини тушунтиринг.

5. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг го-вий мазмунига баҳо беринг.

6. Сиёсий арбобларнинг «сохта демократия» ўйинларига муноса-батингиз.

7. Олий Кенгашнинг VIII сессиясидаги сиёсий кураш, унинг натижаси ҳақида сўзланг.

## 27-§. ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ РОЛИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

**Оммавий ахборот  
воситалари ҳуқуқий  
асосларининг яратилиши**

Демократик ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш, алоҳида янгича дунёқарашни шакл-лантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳ-мияти каттадир.

Оммавий ахборот воситалари советлар замонида ягона коммунистик мафкура қуроли бўлиб, миллий за-миндан узилган эди.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек матбуоти, оммавий ахборот воситалари ўз миллий заминига эга бўлди. Республика оммавий ахборот воситалари қайта оёққа турган ўзбек давлатчилигининг асл ифодачиси, ҳимоячиси сифатида тарих саҳнасига кирди.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг ҳу-қуқий пойдеворини яратиш тадбирлари кўрилди. Авва-ло Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўйилмаслиги (67-модда) белгилаб қўйилди.

1996 йил 2 августда Олий Мажлис томонидан «Но-ширлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ноширчилик фаолиятининг, ихтирочилик ва бадиий ижод муаллифлари ҳуқуқларини ҳимоя қи-лишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 14 апрелда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», 1997 йил 26 декабрда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Қонунлар қабул қилди. Бу қо-нунлар Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот во-ситаларининг демократик жамиятга хос ҳуқуқий асос-ларини белгилаб берди.

## Матбуот турларининг кўпайиши

Истиқлол эркин фикрлашга, ҳар кимнинг ўз фикрини ошқора баён қилишга, ҳурриятга кенг эшик очди. Ҳур-фикрлиликни барқарор

этишнинг янгидан-янги имкониятларини яратди. Жумладан, вақтли матбуот турлари ва сонлари кўпайди. Демократик эркинлик шароитида бир неча мустақил сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмаларининг нашрлари ташкил қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Ватан тараққиёти» партиясининг «Ватан», «Адолат» социал-демократик партиясининг «Адолат», «Миллий тикланиш» партиясининг «Миллий тикланиш», «Халқ бирлиги» ҳаракатининг «Бирлик», «Единство» газеталари нашр қилина бошланди. Қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшма ва концернларнинг ўз соҳаларига доир нашрлари ташкил топди. Бундай газета ва журналларнинг чиқиши маълум тармоқ муаммоларини, ўзига хос мураккабликларни ўз вақтида ўрганишга ёрдам беради.

Мустақил газета ва журналлар вужудга келди. Жумладан, 1996 йил декабридан бошлаб мустақил «Ҳуррият» газетаси нашр этила бошлади. Мустақил нашрлар ўз муассислари ғоялари ва дастурлари йўналишлари доирасида мустақил иш олиб борадилар, ислохотларга ва янгиланишларга ўз муносабатларини эркин билдирадилар. Ягона мақсад — истиқлол тақдири, мамлакат ва халқ истиқболи барча турдаги оммавий ахборот воситаларини бирлаштирмоқда.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари борган сари ранг-баранг фикрлар минбарига айланиб бормоқда ва сони ҳам кўпаймоқда. 1990 йилда 345 та вақтли нашр чоп этилган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 670 га етди. Нашр этилган 495 та газетанинг 377 таси давлат ташкилотларига, 74 таси жамоат ташкилотларига тааллуқли. 50 та яқин тижорат, реклама ва диний нашрлар босилмоқда. Айти пайтда мамлакатда 113 та журнал нашр этилмоқда. Барча вилоят, бир қатор шаҳар ва туманларда давлат, айрим ҳудудларда эса хусусий телевидение ва радио воситалари фаолият кўрсатмоқда. [Иккита ахборот агентлиги мавжуд.

Ўзбекистонда матбуот эркинлиги, сўз ва фикр дахлсизлиги қонун билан кафолатланган. Жумладан, Конституциясининг 67-моддаси билан цензура таъқиқланган.

**Оммавий ахборот  
воситаларининг қўллаб-  
қувватланиши**

Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти дeвонида Ахборот маркази,

Миллий матбуот клуби ташкил этилди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази тузилди. Марказ журналистларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш йўлида фаолият кўрсатмоқда.

1996 йилнинг май ойида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил қилинди. Бу оммавий ахборот воситалари вакилларининг мустақил ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий хайрия ташкилоти ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг жамғармани қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилган қарори оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини оширишга, уларнинг демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга заминлар, шарт-шароитлар яратди. Жамғарма матбуотнинг эркин тайёрланиши ва тарқалишини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистонда қурилаётган ўзига хос демократик жамият оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ҳамда кўламини белгилаб берди.

Оммавий ахборот воситалари миллий мустақилликнинг Ватанимиз, халқимиз тақдиридаги буюк ўрни ва аҳамиятини яқин ўтмиш фожеалари ва халқимизнинг бугунги яратувчилик ишлари мисолида кенг тарғиб қилиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбияламоқда.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг моҳиятини, давлат сиёсатини одамлар онгига етказмоқда, уларнинг мағзини тушунишга кўмаклашмоқда. Инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда, давлат ва жамият ўртасида воситачи бўлишдек ролни бажаришда муҳим ишларни амалга оширмоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикрни шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб, шу йўл билан жамоатчиликни мамлакат ҳаётига дахлдор бўлган қонунлар ва қарорлар қабул қилинишига, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига кенг жалб қилади.

Шунингдек, матбуотда ислом маданияти, назария-

си, тарихи ва қонуниятларини тарғиб қилишга кенг йўл берилди. Буюк мутасаввуф алломалар Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда бошқа қатор тарихий шахслар, улуғ донишмандлар, хусусан Соҳибқирон Амир Темур ҳақида кенг миқёсли мақолаларнинг бериб борилиши жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ислом динининг бой маънавий имкониятларидан фойдаланишга имкон яратилди. Ахлоқий баркамоллик ва руҳий тозалик учун зарур омил сифатида унинг тараққий этишига, кундалик турмуш тарзимизга кириб боришига кенг йўл берилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон матбуотининг олдинги «қизил яловбардорлик» иллатларидан қутулиб, соғломлашиб, халқчил ва ошқора тус ола бошлаганидан далолат беради. Буни оммавий ахборот воситаларининг демократлашиш сари қадам ташлаётганининг ёрқин далили, дейиш мумкин.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари эндиликда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни, янгиликларни ўша мамлакатлар ёки йирик ахборот агентликларидан бевосита, тўғридан-тўғри қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикамызда Америка Қўшма Штатларида жойлашган жаҳондаги йирик компьютер тизими «Интернет» билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди. «Интернет»нинг 50 миллион абоненти бўлиб, жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бутун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликлар қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради.

Ўз навбатида республикамыз ҳақидаги муҳим янгилик ва ахборотлар ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатётган хорижий ахборот агентликлари вакиллари ва мухбирлари томонидан ўша мамлакатлар ахборот воситалари учун бевосита етказиб берилмоқда. Ахборот алмашинуви, дунё воқеаларидан хабардорлик, ёки аксинча, дунё саҳнасига чиқиш, ўзини намоён қилиш имконияти туғилди.

Мустақиллик туфайли газета саҳифалари, радиоэшитиришлари ва телекўрсатувларда мамлакатнинг қадимий тарихи, ўтмиши, маданияти, шўролар тузуми дав-

рида таъқиқлаб қўйилган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, миллий кадриятлари ёритилган қизиқарли мақолаларга кенг ўрин берилмоқда.

1996 йил 7 майда «Ўзбекистоннинг ижтимоий таъриққиятида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш Кўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга айлантирилди. Унинг вазифаси қилиб қўйидагилар белгиланди.

Биринчидан, ахборотларнинг мафкурадан мутлақо холи бўлишини назарда тутган ҳолда аҳоли ҳамда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларига эҳтиёжини ўрганиш ва қониқтириш.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш ва ҳоказолар.

Мустақиллик йилларида мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор фармонлар, қарорлар ва фармойишлар, Олий Мажлис қабул қилган Қонунлар оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳоқимият» даражасида фаолият кўрсатишига имкон яратмоқда. Журналистнинг эркин ижод қилиши ва мамлакат равнақи йўлида бел боғлаб хизмат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилишини кафолатлаб бермоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Жамиятни демократлаштиришда оммавий ахборот воситалари қандай ўринга эга?
2. Истиқлол туфайли оммавий ахборот воситалари олдиға қандай янги вазифалар қўйилди?
3. Қандай ҳужжатлар ахборот воситалари учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда?
4. Матбуот турлари ва уларнинг иш фаолиятлари ҳақида нималар биласиз?
5. Мамлакатимизда ихтирочилик бадий ижод ва ноширчилик фаолиятини ривожлантиришдаги ишлар ҳақида гапиринг.

### Мавзуга доир адабиётлар

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
2. *Каримов И. А.* Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри. Хабарнома, 8-сон (23), 1996.

## 5-б о б. ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

### 28—29-§§. АҲОЛИНИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

Аҳолини ижтимоий  
ҳимоялан чораларининг  
кўрилиши

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муҳим тамойил, давлат сиёсатининг бош йўналиши бўлиб қолди. Бинобарин, мамлакатда ўткази-

лаётган барча ислохотларнинг асил мақсади инсонга муносиб турмуш шароитларини вужудга келтиришдир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврдан бошлаб аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриб борилди. Шу мақсадда миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги тўловларни жорий қилиш усули кенг қўлланилди.

Энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турилди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина турлари бўйича нархлардаги тафовутларнинг ўрни давлат бюджети ҳисобидан қопланди. Шу билан бирга қўшимча ижтимоий имтиёзлар ҳам жорий қилинди. Масалан, биринчи — бешинчи синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар берилди. Шунингдек, кўпгина тоифадаги фуқароларга турар жойи бепул шахсий мулк қилиб берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда энгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Ислохотларнинг биринчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.



Нархларнинг эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси кескин ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам равишда ошириб борилди. Бу соҳада 1993 йил январда жорий этилган ягона тариф сеткаси барча ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорини тариф коэффициентлари орқали ва энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди. Энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақи, пул даромадлари ҳам кўтарила борди.

1995 йилда республика давлат бюджетининг 29,3 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларга, 21,8 фоизи эса ижтимоий ҳимояга ажратилди.

1992—1998 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди. Масалан, энг кам иш ҳақи 1995 йилда 1994 йилга нисбатан 2,5 марта ортди, 1996 йилда эса 1995 йилга нисбатан 2,7 марта кўпайди. Нафақахўрларнинг ижтимоий аҳолини эътиборга олиб, энг кам пенсия миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошиқроқ бўлиши муттасил таъминланиб келинди. Бу йўл ижтимоий адолат тамойилларига тўла мос келар эди. Масалан, 1998 йил июлдан иш ҳақининг энг оз миқдори 1100 сўм бўлгани ҳолда, қарилик пенсиясининг энг кам миқдори 2100 сўмни ташкил этди.

#### **Ички истеъмол бозорининг ҳимоя этилиши**

Мамлакатнинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаб туради.

1992—1994 йилларда нон ва ун маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шакар, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун давлат дотациялари қисман сақлаб турилди. Бу аҳолига ижтимоий жиҳатдан катта ёрдам бўлди. Даромад даражаси турлича бўлган оилалар булардан бир қадар фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Дастлаб мураккаб бир пайтда истеъмол молларини сотиб олиш учун бир марта, сўнгра эса кўп марта ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларнинг чекланган турларини

меъёрланган тарзда сотишни ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу тизим ўзини тўла оқлади. У бозорни пишиқ-пухта ҳимоя қилибгина қолмай, савдо тармоғига барча зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ва кундалик харид молларини мунтазам равишда чиқариб туришни таъминлаш, уларни истеъмол қилиш ҳажмларини камайтирмаслик имконини берди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичига ўтилгач, 1995 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечилди ва эркин нархларга ўтилди.

Меъёрлаш тизимига барҳам бериш, эркин нархларни жорий этиш тадбирлари аҳоли таъминотини ёмонлаштирмасдан, «эсанкирашларсиз» амалга оширилди. Буни Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг муҳим натижаси деб баҳолаш мумкин.

**Кам таъминланган  
oilлаларнинг ҳимоя  
қилиниши**

Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўрилди. «Биз, — деган эди И. Каримов, — аҳолининг ижтимоий

жиҳатдан ночор табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли oilлалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишиларни ҳимоя қилиш давлатнинг муқаддас бурчидир, деган қондага асосланиб иш тутдик».

Иш ҳақини ошириш билан бирга барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча моддий неъматлар — квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи навбатда ажратиладиган бўлди. Масалан, 120403 ўқитувчининг давлат ва ташкилотлар томонидан берилган уйлари бепул хусусийлаштирилди, 35841 кишига шахсий қурилиш учун ер участкаси берилди, 489256 ўқитувчи имтиёзли коммунал хизматдан, 83353 ўқитувчи шаҳар транспортдан бепул фойдаланаётир. Айни чоқда ёлғиз пенсионерларни турар жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ

тўлашдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар дори-дармонлар ва энг зарур молларни белгиланган меъёрда бепул олиш ва жамоат транспортида текин юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлдилар. Уларга мадад бериш учун республикада махсус ижтимоий ёрдам бўлимлари тузилди. Бу бўлимлар елғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни уюштирмоқда.

Республикадаги 27 мингдан кўпроқ ёлғиз қариядан 24 минг нафардан кўпроғи ўзгалар парваришига муҳтож бўлганлиги сабабли уларга ижтимоий хизмат кўрсатадиган ходимлар бириктирилди, 3 мингдан ортиқ ёлғизларга ижтимоий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олиш учун зарур шароит яратишга эътибор берилди. 1992—1997 йилларда стипендиялар бир неча марта оширилди. Ўқув даргоҳлари ошхоналаридаги нархлар арзонлаштирилди. Миллий анъаналар назарда тутилиб, биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-куёвлар мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олишда имтиёзли тартибдан фойдаландилар.

1994 йил 24 августда Президентнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра 1994 йилнинг октябридан Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Илгари фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва йўналишлар бўйича ижтимоий ҳимоя амалга ошириларди, бу эса маблағнинг сочилиб кетишига олиб келиб тўла самара бермаётган эди. Янги тизимнинг моҳияти шундан иборатки, болалар ва кам даромадли оилалар ижтимоий ердандан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолди. Ижтимоий ердам аниқ мақсадли ва аҳолининг маълум табақаларини қамраб оладиган бўлди. Энди моддий ердам маҳалла томонидан оила орқали етказиб бериладиган бўлди. Оила асосий мавқега эга бўлди. Бундай ёндошув умуминсоний кадриятларга, миллий анъаналарга ва руҳиятга мос келди.

Ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизимида фарзанд туғилганда, бир йўла бериладиган тўловлар сақлаб қоллиниши билан бирга нафақалар ва имтиёзларнинг қуйидаги тури ҳам амалга ошириладиган бўлди. Маса-

лан, бола боқувчи оналарга тўланаётган нафақанинг миқдори кўпайтирилибгина қолмай, унинг муддати ҳам узайтирилди. Илгари бундай ёрдам бир ярим йилгача тўланган бўлса, энди бу муддат икки йилгача узайтирилди. Ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам, бу нафақадан фойдаланадиган бўдилар. Масалан, 1995 йил ижтимоий ҳимояга ажратилган маблағнинг 3 фоизи оналарга икки ёшгача фарзандларини парвариш қилиш учун ажратилди. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда бу нафақа иш ҳақининг энг оз миқдорига боғлиқ қилиб қўйилди.

1995 йилда 500 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга маҳалла кўмиталари орқали жами 6 миллиард сўм моддий ёрдам берилди.

^ 1996 йил 10 декабрда болали оилаларга ижтимоий ёрдам берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида «Болали оилаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» яна бир муҳим Фармон қабул қилинди. Унда 1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йиғинлари орқали ёрдамга муҳтож, болали оилаларга болаларнинг сонига қараб энг оз иш ҳақининг 50 фоизидан бошлаб 175 фоизигача нафақалар бериладиган бўлди. Бу борада ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш лозимлиги қайд қилинди.

Давлат мустаҳкамлана борган сари унинг халқпарварлик сиёсати янада кучайди. Президентнинг 1995 йил 20 декабрда чиқарган «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси буйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин далили бўлди. Фармонга биноан 1992 йилнинг январига қадар жамғарма банкига пул қўйган миллионлаб фуқароларнинг маблағлари яна қадрланди. Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Мазкур Фармон ва қарор ватанимизда яшаётган биронта кексаю ёшни бефарқ қолдирмади. 5 миллиондан ортиқ омонатчилар ўз пуллари қайтариб олишди.

**Соғлиқни сақлаш — муҳим  
ижтимоий масала**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 41-мод-  
дасида «Аҳоли малакали тиб-  
бий хизматдан фойдаланиш-  
га ҳақлидир», — деб ёзиб

кўйилиши катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаси қилиб касалликларнинг олдини олиш, хасталарни даволаб дарддан фориг қилиш, яшаш муҳитини соғломлаштиришдан иборат қилиб белгиланди. Бунда халқ табобатининг бой анъаналарига, илм-фан ва техниканинг илгор ютуқларига, олим ва мутахассисларнинг заковату салоҳиятига суяниш кўзда тутилди. Ўзбекистон ўз истиқлолига эга бўлгандан сўнг ижтимоий соҳадаги энг муҳим масала сифатида аҳоли соғлиғини сақлаш мамлакат Президенти ва ҳукуматининг доимо диққат-эътиборида бўлди.

1991 йилга келиб Ўзбекистонда касалхоналар сони 1370 тага, ўринлар сони 256,6 мингга, врачлар сони эса 71,1 мингга етган эди. Советлар тузуми даврида соғлиқни сақлаш тизими кенгайган бўлса-да, лекин ерга турли хил кучли химикатлар солиниши, пахта якка ҳокимлиги ва бошқа ижтимоий оқибатлар натижасида аҳоли орасида касалликлар кўпайиб кетган эди. Ўзбекистонда ҳар йили 8 миллионга яқин киши хасталиги туфайли тиббий муассасаларга мурожаат этиб, шулардан 240 минг киши юқумли касалликлар (шуларнинг 120 минги гепатит) билан оғриб турди, аynи вақтда уларнинг 70 фоизи болалар эди. Гўдаклар орасида ўлим янги туғилган ҳар 1000 бола ҳисобидан олганда 35,5 нафарга тўғри келди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 24 минг бола бир ёшга етмай ўлиб кетарди. Оналар ўртасидаги ўлим тирик бола туққан 100 минг аёл ҳисобига 65,3 тага тўғри келарди. Одамларнинг ўртача умри жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари — Япония, Швеция, Буюк Британия ва бошқаларга қиёсан олганда 8—10 йил кам эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари қайтадан кўрила бошланди. Бунда тараққиётнинг экстенсив йўлидан воз кечиб, интенсив йўлига ўтиш, аynи вақтда соҳага мўлжалланадиган маблағни республика аҳолисининг ҳар бир жон боши ҳисобидан ажратиш, соғлиқни сақлаш ишнинг асосий таомили — профилактик йўналишни тиклаш, оналар ва болалар

муҳофазасини кучайтириш, тиббий таълим тизими ва кадрлар сиёсатини ислоҳ қилиш, мамлакатда етарли дори-дармон, тиббиёт ашёлари ҳамда техника воситалари ишлаб чиқаралиган саноат вужудга келтириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариб, мулкчилик шаклини ўзгартириш ва сугурта таъаботига ўтиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 1994 йили миллий даромаднинг 4,1% миқдоридан маблағ ажратилган бўлса, 2000 йилга бориб у (баҳолаш ўзгаришини ҳам ҳисобга олган ҳолда) 6,5—7% ни ташкил этиши кўзда тутилди.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан давлат санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига боғлиқ. Ўзбекистонда санитария-эпидемиология станциялари ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ташкилий-методик ва мувофиқлаштирувчи ишларини олиб борадиган «Саломатлик» марказлари бу вазифани амалга ошира бошлади. 1991 йили Тошкентда диагноз қўйиш бўйича республика аҳолисига хизмат кўрсатувчи «Диагностика» маркази ишга туширилди. 1995 йил охирига келиб диспансер назорати ўрнатилди. Ишчиларга даволаш-профилактика хизмати кўрсатиш, хусусан, санаторий-профилакторийлар тармоғи кенгайтирилди. 1991 йилдан оммабоп «Сихат-саломатлик» журнали (бош муҳаррири Наби Мажидов) нашр этила бошлади.

#### **Оналар ва болалар саломатлиги**

Ўзбекистонда туғилиш кўп бўлгани ва аҳолининг кўпчилиги қисмини болалар ташкил этгани учун оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси ҳамisha энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб келди. Оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини уюштириш ва ривожлантиришда тиббиёт олий ўқув юр்தларининг педиатрия, акушерлик ва гинекология кафедралари, шунингдек ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари — педиатрия, акушерлик ва гинекология институтлари катта роль ўйнади. Оналикни муҳофаза қилувчи ва ихтисослашган педиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар тармоғи кенгайди. 1995 йилдан 109 дан зиёд аёллар консултациялари ёки акушерлик-

гинекология кабинетлари, 1800 дан ортиқ болалар поликлиникалари (маслаҳатхоналари) иш олиб борди, касалхоналарда болалар учун ажратилган ўринлар сони 50,7 мингга етди. Турмушга алоқадор масалалар юзасидан маслаҳат берадиган «Никоҳ ва оила» маслаҳатхоналари ва тиббий-генетик маслаҳатхоналар очилди.

#### **Кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришни**

Соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тайёрлаш диққат-эътиборда бўлди. Ўзбекистонда 1995 йили барча ихтисосликлар бўйича 75117 врач,

246124 ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари, 2571 фармацевт ишлади. Республикада врачлар сонининг ўзи 1995 йили 1991 йилдагига қараганда 106 фоиз кўпайди. 1995 йили Ўзбекистонда 5608 олий маълумотли мутахассис, жумладан, даволаш ишлари бўйича — 2517, педиатрия бўйича — 2083, гигиена, санитария ва эпидемиология бўйича — 321, стоматология бўйича — 328, фармация бўйича — 359 мутахассис тайёрланди. «Даволаш ишлари» ихтисослиги бўйича врач кадрлар тайёрлаш иши 3 босқичдан иборат қилиб белгиланди. Биринчиси — таъбиёт бўйича 5 йил давомида умумий тайёргарлик кўриб, бакалавр, яъни врач ёрдамчиси унвонини олади; иккинчиси — тўла-тўқис тиббий маълумотга эга бўлиб, тиббиёт доктори даражасига эришади; учинчиси — тиббиёт доктори танлаган ихтисосига қараб 2 йилдан 4 йилгача муддат ичида магистратурада таҳсил кўради.

Магистратурада мутахассис врач тайёрлаш энг яхши илмий мактаблар ва клиникаларда олиб борилди. Аини вақтда замонавий таълим технологиясидан фойдаланила бошланди. Шу билан бирга, мутахассисларнинг малакасини текшириб бориш ёки ошириш мақсадида улар вақти-вақтида синов (аттестация)дан ўтказиб турилди.

Дорихоналар иши ва тиббий техника билан таъминланиш ислохотларнинг асосий қисми бўлди. Агар Туркистонда биринчи дорихона дастлаб 1874 йили Тошкент шаҳрида очилган бўлса, 1996 йил охирига келиб уларнинг сони Ўзбекистонда 3980 дан ошиб кетди. Олий ва ўрта маълумотли фармацевтлар ва провизорлар сони ҳам анча кўпайди. Ўзбекистонда дори-дармонлар, тиббий ускуна ва аппаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 1992 йили фармакология ва фармако-

пия кўмиталари тузилди. 1993 йили «Фарминдустрия» концерни ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини тиббиёт суғуртасига ўтказиш ва даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш масаласи кейинги йилларда муҳим масала бўлиб қолди.

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобида мавжуд бўлиб келган соғлиқни сақлаш тизимида бозор муносабатлари шаклланиб, иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган шароитда тиббиёт суғуртасига ўтиш учун тайёргарлик кўрила бошланди. Айни вақтда кўп мамлакатлардаги суғурта хизматлари тажрибалари ўрганилди, турли идора ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузилди. Тиббиёт суғуртасига ўтиш даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш билан ҳам боғлиқ, чунки давлатга қарашли муассасалар билан бирга мулкчиликнинг ҳар хил шаклларига асосланган муассасалар, жумладан, хусусий муассасалар ҳам фаолият кўрсатиб бориши керак. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда соғлиқни сақлаш муассасаларини хусусийлаштириш тадбирларини ишлаб чиқди. Хусусийлаштириш дорихоналардан бошланди. 1996 йилга қадар мамлакатда 2200 дорихона хусусийлаштирилди, 839 дорихонани ўз таркибига олган 239 дорихона акционерлик жамиятига айлантирилди.

### Савол ва топшириқлар

1. Аҳоли даромадларини мунтазам оширишнинг зарурияти нимада, бу борада қандай чоралар кўрилди?
2. Ички истеъмол бозорини ҳимоялаш тадбирларини тушунтиринг.
3. Кам таъминланган оилалар қандай ҳимоя қилинди? Ҳимоялаш тадбирларини айтиб беринг.
4. Ижтимоий ҳимоялаш тизимининг тубдан ўзгартирилиши ҳақида гапиринг.
5. Аҳоли соғлиғини ҳимоя қилишда қандай ишлар қилинмоқда?
6. Она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш борасидаги тадбирлар ҳақида гапиринг.



7. Тиббиёт ходимларини тайёрлашда қандай ислохотлар қилинмоқда?
8. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ҳақидаги фикрларингиз?

### **30-§. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**

**Миллатлараро  
тотувликнинг ҳуқуқий  
замини**

120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгилаш, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш осонлик билан кўч-

мади. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардаёқ миллатлараро тотувликни таъминлаш асосий масалалардан бири бўлиб турарди.

Мамлакат раҳбарияти миллий масалани миллатлараро муаммоларни оқилона, қонуний йўл билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрди. Бу борада ҳукумат энг аввало конституциявий талаблар асосида иш тутди. Аҳолининг барча табақаси ва турли миллат вакиллари диққати бир нуқтага қаратилди, қонун олдида ҳамма тенг қилиб қўйилди. Ҳар бир фуқаро қалбига ягона замин, ягона макон, ягона ватан учун жавобгарлик ҳисси сингдирила борилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», — дейилади. Бундай қоида жаҳондаги бирор-бир конституцияда учрамайди. Конституциямизда «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг таърифи баён этилган. Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро, миллати ва ирқий мансублигидан, диний эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон халқига мансубдир. Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойили инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган Париж ҳартияси талабларига тўла мос келади. Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни рес-

публиканинг барча фуқароларига «Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый маъқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар» тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат конституцияси даражасига кўтарилди. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари қонунан ҳимоя этилади, уларнинг ривожланиши учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланади. Ўзбекистонда юритилаётган ижтимоий ҳимоялаш сиёсати республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир.

**Миллий-маданий  
марказлар ва уларнинг  
вазифалари**

Мустақиллик йилларида фақат ўзбеклар орасидагина эмас, Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслашиш жараёнлари

содир бўлди. Миллий-маданий марказлар вужудга келди. 1989 йилда Маданият вазирлиги қошида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Унинг таркибида 12 та, жумладан, Қозоқ, Корейс, Арман, Озарбайжон, Тожиқ маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Мустақиллик йилларида уларнинг сони орта борди. 1995 йилга келиб мамлакатда 80 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатди. Бундай ривожланиш ўз навбатида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни тақозо қиларди. Шу мақсадда 1992 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Байналмидал маданий Маркази» ташкил қилинди.

Марказ фаолиятида умумхалқ байрамларига тайёрларлик кўриши ва уни ўтказишда фаол иштирок этиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Жумладан, республикада ўтказиладиган анъанавий «Наврўз» байрамида нафақат маҳаллий миллат вакиллари, балки республикада яшаётган барча миллат вакиллари қатнашадилар, бу байрамга чуқур ҳурмат билан қарайдилар. Ўз навбатида маҳаллий аҳоли ҳам русларнинг миллий байрами

бўлмиш «Масленница рождество», татарларнинг «Сабантўй» ва бошқа қатор халқларнинг миллий байрамларида фаол иштирок эта бошладилар. Бу, биринчидан, маълум бир халқнинг миллий байрамини, ўзига хос анъана ва урф-одатларини ўрганишга, шу туфайли ўз дунёқарашларини бойитишга ёрдам беради. Иккинчидан, ўзаро ҳурмат ва яқин қардошлик асосида умумий хонадон — ягона ватан туйғусини кучайтиради. Учинчидан, мамлакатда соғлом, маънавий-руҳий иқлимнинг барқарор бўлишини таъминлайди.

Мустақиллик йилларида Байналмилал маданий Марказ томонидан амалга оширилган ишларнинг яна бир йўналиши бу 1994 йили бошланган биринчи «Халқ ижодиёти» фестивали бўлди. Бу фестивал Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ташкил этилди ва уни ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қарор қилинди.

Айниқса, арман, озарбайжон, тожик, қozoқ, татар, немис ва корейс халқларининг профессионал ва бадий ҳаваскорлик санъаткорларининг чиқишларини халқ хурсандчилиги ва қизиқиши билан кутиб олди. Миллий-маданий Марказларнинг йиллик якунловчи чиқишларини мустақиллик байрами арафасида — 20 август кuni Халқлар Дўстлиги саройида ва мустақиллик кuni — 1 сентябрда Мустақиллик майдонида ўтказиладиган тантанали концертлар намойиш қилиш анъанага айланди.

Ўзбекистонда қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар, улар ижодига бағишланган кечалар ўтказиш одат тусига кирди. Кейинги йилларда Ўзбекистон кунларининг Қозоғистонда ўтказилиши, Қозоғистон кунларининг Ўзбекистонда ўтказилиши қozoқ ва ўзбек халқи ўртасидаги қардошларча алоқанинг янада раванқ топишига катта ҳисса қўшди. Рус маданий Маркази Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда С. Есенин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган муҳим тадбирлар уюштирди. Атоқли рус шоири С. Есенин юбилейига бағишланган кеча иштирокчилари «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуйда сўхбат ўтказдилар. Қozoқ маданий Маркази Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда буюк қozoқ шоири Абай тавалдулининг 150 йиллигини, миллий истиқлол учун толмас курашчилар Турор Рисқулов, Султонбек Хожановларнинг 100 йиллигини нишонлаш тадбирларини ўтказди. Қирғиз маданий

Маркази Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда «Манас» эпосининг 1000 йиллигини кенг нишонлади. Украина миллий маданий Маркази «Тақдиримиз — ягона» мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

Шунингдек, турли миллатта мансуб ижодкорлар асарларининг кўргазмаларини ташкил қилишга катта эътибор берилди. Масалан, 1994 йил март-апрель ойларида Тошкентда «Бир дарахтнинг шоҳлари» мавзуида ана шундай кўргазма ташкил қилинди. Унда мамлакатда истиқомат қилувчи 11 миллатга мансуб 58 ижодкорнинг 98 та тасвирий санъат асари намойиш қилинди.

Ўзбекистонда ўтказиладиган «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуидаги кечалар, учрашувлар халқлар ўртасидаги дўстлик ва аҳилликни кучайтиришда катта роль ўйнамоқда.

Хуллас, Ўзбекистонда 80 дан ортиқ миллий-маданий Марказлар халқлар ўртасидаги чинакам иноқликни тарбиялашда катта роль ўйнаб, уларнинг халқлар ўртасида обрў-эътибори тобора оша борди.

**Миллатлараро тотувликни таъминлаш — барқарорлик ташвиши**

Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси Германия, Россия, Корея ва Марказий Осиё мамлакатларига расмий ташриф буюрганда, тегишли миллий-маданий

марказлар раислари шу Ҳукумат делегацияси таркибида бордилар. Бу ҳам мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатлар давлат эътиборида эканлигини, унга доимий равишда ғамхўрлик қилинаётганини кўрсатади.

Мамлакат Байналмилал маданият Маркази 1995 йил 10—11 март кунлари Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази билан ҳамкорликда «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди. Ушбу конференция тавсиялари кейинги йилларда миллатлараро тотувликни ривожлантиришга доир ишларни янада такомиллаштиришга, уни янгидан-янги тажрибалар ва илмий-назарий хулосалар билан бойитишга ёрдам берди.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ва Байналмилал маданият Маркази 1996 йил «Ўзбекистон миллат-

~~лараро ҳамжихатлик йўлида» номли китобни нашр этди.~~ Унда миллий ва миллатлараро муносабатларнинг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш шароитида тугган ўрни ва роли, миллий маданиятлар равнақи ва мустақиллик имкониятлари ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилларида ўқиши, таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилди. Улар керакли миқдорда ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминланмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 120 дан ортиқ миллат ва элатларнинг фарзандлари мамлакатимиз ўқув юртларида бемалол таълим олмоқдалар. Ёшларга олий ўқув юртларида ва мактабларда 8 тилда таълим берилмоқда. Кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилмоқда. Телекўрсатувлар ва радиоэшитиришлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликнинг таъминланиши республика ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлигидир.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда қандай миллат ва элат вакиллари яшайди?
2. Миллий тотувликни таъминлайдиган қандай ҳуқуқий базаларни биласиз?
3. Ўзбекистонда қандай миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда?
4. Миллатлараро тотувликни таъминлаш давлат эътиборида эканлигини исботланг.
5. «Туркистон — умумий уйимиз» иборасини қандай тушунасиз.
6. Мамлакат ижтимоий-сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлашда миллий тотувликнинг аҳамиятини тушунтиринг.

### 31-§. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА МАМЛАКАТ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

**Миллий хавфсизликни таъминлаш зарурияти**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш вазифаси турарди. Вазият миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чи-

қиш, унинг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонунлар яратишни тақозо этарди. Давлат миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий масъулиятни ўз зиммасига олди.

1995 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди. Кенгаш мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш, муҳокама қилиш, зарур чора-тадбирлар куриш билан шугулланувчи маслаҳат органидир.

1996 йил 24 апрелда Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун мамлакатимизда миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш, миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий нормаларини белгилаб берди.

**Ўзбекистон Қуролли  
Кучларининг барпо  
этилиши**

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мамлакатнинг мудофаа қобилиятига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонига асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги Қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва Низоми тасдиқланди. Вазирлик маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, фуқаролар мудофааси штаби ва армия сафидан ташқаридаги хизматнинг махсус бошқармаси негизда ташкил қилинди. Кейинчалик Туркистон ҳарбий округининг бошқарув органлари негизда Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармаси ҳамда уларнинг жойлардаги қуйи бўлинмалари тузилди.

Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ҳарбий сафарбарлик тадбирлари;
- Миллий гвардия тузиш ва таълим бериш;
- фуқаролар мудофаасини амалга ошириш;
- ҳарбий билим юртларини комплекшлаш;
- олий ўқув юртларидаги ҳарбий кафедралар ва кучайтирилган ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш;
- муқобил хизматни ташкил қилиш;
- уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчилар билан ишлаш;

— ҳарбий хизматга чақариш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга кўчириб жойлаштириш, шунингдек ҳарбий техника ва қурол-яроларни четга чиқариш ва ташқаридан олиб келиш;

— ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш;

— ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда «Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва қўшинларни ўз тасарруфига олиш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, мамлакат ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоқ Куролли Кучларининг барча қисм, ҳарбий ўқув юрглари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий қисмлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди ва улар моддий-техника ва маблағ билан таъминланадиган бўлди. Бу Ўзбекистоннинг ўз Куролли Кучларини барпо этишда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикасида 14 январ «Ватан ҳимоячилари кўни» деб эълон қилинди.

Мамлакат тасарруфига олинган ҳарбий тузилмаларга раҳбарлик қилиш Мудофаа ишлари вазирлигига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган 12-чақириқ X сессияси мамлакат Куролли Кучларини тузишда муҳим воқеа бўлди. Сессияда «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги муҳим Қонунлар, шунингдек ҳарбий қасамёднинг янги матни ва қасамёд қилдириш тартиби қабул қилинди. Мустақил Ўзбекистон Куролли Кучларининг бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилди..

**Куролли Кучлар — Ватан  
хавфсизлигининг муҳим  
кафолати**

ҳамда Миллий гвардиядан иборат.

Ўзбекистон Куролли Кучлари Куруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари

Куруқликдаги қўшинлар Қуролли Кучларнинг энг кўп сонли тури бўлиб, бошқа қўшин турларининг биргаликдаги ҳаракати билан тажовузни қайтариш, зарур бўлганда эса душманни тор-мор қилишга мўлжалланган.

Ҳарбий ҳаво кучлари Қуролли Кучларнинг манёврли турларидан бири. Улар куруқликдаги жанг майдонида бўлаётган йирик операцияларнинг бориши ва якунига таъсир қилиш, мамлакат ҳаво чегараларини қўриқлаш, куруқликдаги ва ҳаводаги душманга зарба бериш имкониятига эга.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини, унинг ҳаво чегараларини, энг муҳим давлат ва саноат объектларини ҳамда қўшин гуруҳларини ҳаво ҳужумидан ишончли мудофаа қилиш вазифаси юклатилган. Махсус қўшинлар эса жанговар ҳаракатларни оператив таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибий қисмидир. Бу гвардия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 январдаги қарорига биноан, республика Қуролли Кучлари қисмлари негизида тузилди. Миллий гвардиянинг асосий вазифаси: Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишдир. Гвардия таркиби фуқароларни мажбурий ҳарбий хизматга чақириш ва армия хизматига ўз ихтиёри билан боришни биргаликда мувофиқлаштириш асосида тўпланади. Гвардия зиммасига бир қанча ўзига хос вазифалар, жумладан, давлат тантана маросимларида иштирок этиш юклатилган. Шу мақсадда гвардия таркибида фахрий қоровул ротаси тузилган. Шунингдек, гвардия зиммасига алоҳида муҳим давлат объектларини қўриқлаш вазифалари ҳам юклатилган.

Армия мамлакат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобига таъминланади. Ҳар йили мудофаага ажратиладиган маблағ миқдори Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Қуроллар, ҳарбий техника, бугловчи қисмлар ва бошқа ашёларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва таъмирлаш, мудофаани зарур озиқ-овқатлар билан таъминлаш, шунингдек, мудофаа манфаатларига хизмат қилувчи илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва қурилиш ишларини амалга ошириш, давлат ва сафарбарлик резервларида сафарбар этиладиган (моби-



зацион) маблағларни вужудга келтириш, ривожлантириш ва сақлаш тўлиқ ҳажмда давлат буюртмасига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент мамлакат Куролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади. «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Президент мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлаш, куролли тажовуз бўлган ҳолларда давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қабул қилади, мудофаа вазирини тайинлайди. Куролли Кучларнинг қурилиш, уларни стратегик қўллаш режаси, шунингдек, сафарбарлик режасини тасдиқлайди. Куролли Кучларга жанговар ҳаракатларни олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилади ва буйруқ беради.

Ҳарбий касбни танлаган ёшлар учун Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассисликларга йўналтирувчи лицейлар ташкил этилди. Ҳарбий лицей тингловчилари икки йил мобайнида ҳарбий кўникма тўплаб, ўзлари танлаган кўшин турлари бўйича Олий ҳарбий билим юртларига тайёрланадилар.

Тошкент умумкўшин командирлари, Самарқанд автомобильчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент алоқа-электротехника институтида ташкил этилган махсус факультет Куролли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаб берадиган олий ҳарбий илм ўчоғига айланди.

Тошкентда олий қўмондонлар тайёрловчи ҳарбий Академиянинг очилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси учун муҳим воқеагина бўлиб қолмай, у халқро аҳамиятта ҳам моликдир. Мамлакат Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов Академиянинг очилишига бағишланган тантананда нутқ сўзлар экан, жумладан шундай деди: «**Ишончим комилки, йиллар ўтиб, авлодларимиз биз халқимизнинг мустақиллиги йўлида, унинг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш йўлида қилган ишларимизга муносиб баҳо беради.**»

Марказий Осиёда ягона ҳарбий Академиянинг очилиши замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, Шарқий саркардаларнинг, аввало Соҳибқирон Амир Те-

мурнинг тажрибаларини, жаҳон ҳарбий илми ҳамда хорижий мамлакатлар жанговар тайёргарлигининг илғор тажрибаларини ўзлаштирган миллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш демакдир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Миллий ҳавфсизлик деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича қандай тадбирлар кўрилди?
3. Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари қандай ҳужжатларда ўз ифодасини топди?
4. Қуролли кучлар тизимига қандай қўшинлар киради?
5. Мудофаа вазирлиги зиммасига қандай вазифалар юклатилган?
6. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг вазифалари нималардан иборат?
7. Қуролли Кучларни миллий кадрлар билан таъминлаш соҳасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

## 6 - б о б . ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### 32-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЙЎЛИ

**Бозор иқтисодиёти нима?**

Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонуनлар асосида ҳаракатлана-

диган иқтисоддир. Бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шакллана бошлаган ва минг йиллар давомида ривожланиб келмоқда. Тарихан бозор муносабатларининг икки тури фарқланади. Биринчиси, тартибсиз, стихияли ривожланувчи бозор иқтисодиёти. У тарқоқ ўзибўларчиликка, мақсади ва ҳаракати олдиндан келишилмаган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятдан иборат. Иккинчиси, тартибга солинувчи, бошқариладиган бозор иқтисодиёти. Жамият бундай бозорга давлат орқали ҳамда нарх, солиқ, фойиз, фойда, рента, субсидия каби иқтисодий воситалар билан маълум йўналиш беради, онгли таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти бугунги кунда дунёда иқтисодиётнинг бош шаклига айланган бўлиб, иқтисодий соҳадаги умумбашарий қадрият ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг бир қатор муҳим сифат белгилари, хусусиятлари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

— товар ишлаб чиқарувчи иқтисодий эркин бўлади, яъни бозор учун товар ишлаб чиқарувчи корхона ёки айрим кишилар мустақил иқтисодий фаолият юритади;

— кишилар мулк эгаси бўлади, яъни товар ишлаб чиқарувчи меҳнат воситаси эгаси бўлади ёки уни ижарага олиб, ўз билганича ишлатади;

— товар ишлаб чиқарувчи ўзи яратган маҳсулотнинг эгаси, уни ўзи билганича сотиш ёки сотмай туришга ҳақли;

— бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади;

— бозор иқтисодиёти монополизмни инкор этади, товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги эркин рақобатини тақозо этади;

— бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартини қўяди, чунки пул унинг қўлида бўлади. Товар ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг эҳтиёжини қондиргандагина даромад топади;

— ишлаб чиқарилган товарга бозорда тан олинадиган даражада меҳнат сарфланиши лозим, чунки товарни сотиш унга сарфланган ижтимоий зарур меҳнатга мувофиқ амалга оширилади;

— бозорда нимага талаб ошиб борса, шу нарсани ишлаб чиқариш фойдали бўлади;

— бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар, жамият аъзолари ўз даромадларига кўра табақаланади.

#### **Бозорнинг қадимий аъёнлари**

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб аста-секин шаклланиб келган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича,

бундан минг йиллар муқаддам Самарқанд, Бухоро ва Хива савдогарлари одамларни ўзига жалб қиладиган чиройли, пишиқ товарлар ва буюмларни Ҳиндистонга ва Хитойга, Россияга ва Фарбий Европа мамлакатларига етказиб борганлар.

Жаҳон тажрибаси, шу жумладан мамлакатимиз тажрибаси ҳам иқтисодиёт фақат унинг ўзигагина хос бўлган қонунлар асосида ривожланиб борганлигини кўрсатади. Бозор муносабатларининг қонунларини назар-писанд қилмаслик, бузиш иқтисодиётни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Собиқ СССРда етмиш йилдан ортиқроқ давр мобайнида бозор иқтисодиётига алоқаси бўлмаган иқтисодиётни яратишга, яъни мулкни ёппасига давлат ихтиёрига олиш, ресурсларни марказлаштирган тарзда буйруқбозлик-режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўли билан ижтимоий адолатни қарор топтириш ва халқ фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга уриниб кўрилди. Бу уриниш бизнинг ота-боболаримизга, собиқ Иттифоқнинг барча халқларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам жуда қимматга тушди. Ижтимоий адолат ҳам қарор топмади, халқ учун фаровон турмуш ҳам яратилмади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин умумбашарий жаҳон цивилизациясининг катта йўлига тушиб олди. Турли мамлакатлардаги бозор иқтисодиёти, у хоҳ Америка ёки Германияда бўлсин, хоҳ Япония ёки Жанубий Кореяда бўлсин, барибир, умумий қонунлар бўйича ривожланиб борган ҳолда ҳар бири ўзининг ўзига хос хусусиятларига ҳам эга бўлган. Бу хусусиятлар хўжаликнинг тузилиши ва шарт-шароитлари, табиати ва иқлими, миллий расм-русумлари, анъаналари ва миллий характери орқали белгиланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг асосий қоидалари И. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида, республика парламентида қилган маъруза ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда баён этиб берилган. Бу йўлга, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинган.

Иккинчидан, республикамизнинг хўжалик имкониятлари, шарт-шароитлари, яккаҳокимлиқ тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобга олинди. Умри тугаган марказий ҳокимиятдан яккаҳокимлиқ иллатлари, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлиқ услуби, директив режалаштириш, «қайта қуриш» даврида батамом барбод бўлган иқтисодиёт, издан чиққан молиявий, нарх-наво тизими, бақариқ-чақариқ, ўғирлиқ, бузуклик, қотиллик авж олган аянчли ижтимоий муҳит мерос бўлиб қолган эди. Иқтисодиёт ночор аҳволда эди. Ўзбекистон Марказнинг хом ашё базаси, яъни арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи ўлка бўлиб қолган эди. Хўжалиқ тармоқларининг аксарияти хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан тўхтаб қолар эди. Марказ бўйсунувида бўлиб келган корхоналар, табиий конлар собиқ Иттифоқ бўйича кўпдан-кўп корхоналар билан боғланган эди, энди улар ўртасидаги алоқалар узилиб, хўжалиқ фаолияти мураккаблашиб қолган эди. Қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлигининг қарор топтирилиши натижасида республика озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича Марказга қарам қилиб қўйилган эди. Аҳоли турмуш даражаси паст эди, агар 1990 йилда Россия ва Украинада 30 фоиз аҳолининг даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан кам бўлган бўлса, Ўзбекистонда аҳолининг 70 фоизи шундай аҳволда яшарди. Бозор

иқтисодиётига ўтишда ана шундай вазият инобатга олинди.

Учинчидан, **бозор** иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилашда мамлакатимизнинг тарихан таркиб топган миллий қадриятлари, хусусиятлари, анъаналари ва манфаатлари ҳисобга олинди.

#### **Ислоҳотнинг беш тамойлари**

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлига доир Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил нафақат республи-

камизда, шунингдек жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди. Энг муҳими, халқимизнинг ўзи беш тамойилни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади.

**Биринчиси.** Бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси кўрсатадики, иқтисодиёт сиёсий манфаатларга бўйсундирилганда у барбод бўлади. Иқтисодиёт ўзига ҳос бўлган ички қонунлар асосида ривожланмоғи зарур. **Иқтисодиёт**, — деб таъкидлайди И. Каримов, — **сиёсатга нисбатан устивор мавқеида бўлиши лозим.** На сиёсат, на мафкура иқтисодиётни назорат қилиш, унга тазйиқ ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги зарур. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур. Ўзбекистонда «аввал иқтисод, кейин сиёсат», «аввал таом, кейин калом» деган ҳикматларга амал қилинди.

**Иккинчиси.** Жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигини кўрсатди. Акс ҳолда иқтисодиёт чуқур ларзаларга, кризисларга маҳкум бўлади. «**Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат беш ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур**», — деб таъкидлайди. И. Каримов. Миллий иқтисодни шакллантириш, мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни ҳимоя қилиш, жаҳон хўжалиги билан интеграцияга эришиш, халқ манфаатини юзага чиқаришда давлат асосий рол ўйнайди.

Давлат ихтиёридаги иқтисодий механизмни йўқотиб, ўрнига бирданига бозор механизмини ўрнатиш мумкин эмас. Шу боис Ўзбекистонда давлат иқтисод тизими бирданига бўш қўйиб юборилмади, унинг ҳукмдорлиги сақлаб қолинди. Хўжаликнинг базавий тармоқлари — сув хўжалиги, темир йўл, автомобиль ва ҳаво

йўллари, мудофаа саноати давлат ихтиёрида бўлиб, уларни тадбиркорлик билан юритиш давлатнинг вазифасидир.

**Учинчиси.** Бозор иқтисодиётига ўтишда қонун ва қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Негаки, бозор иқтисодиёти қонунчиликка таянади. Унинг қоидалари, мезонлари минг йиллар давомида яратилган. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фарқ қилади. Яхлит бозор тизимини яратиш учун унинг турли томонларига оид қонунлар яратилиши ҳамда уларга риоя қилиниши шарт. Қонунчилик назар-писанд қилинмаган, қонунлар бузилган жойда бозор иқтисодиётини амалга ошириб бўлмайди.

Қонуннинг устиворлиги ҳуқуқий давлат барпо этиш заруриятидан ҳам келиб чиқади. Қонун олдида ҳамма баробардир. Барча ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади. Ҳуқуқий давлатнинг моҳияти маълум қонунлар тизими борлиги билан эмас, балки омманинг шу қонунларни билиши, ўз фаолиятида уларга асосланиши билан белгиланади.

**Тўртинчиси.** Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бунинг зарурияти иқтисодий аҳвол билан боғлиқ. Биринчидан, Ўзбекистонда аҳолининг деярли тўртдан уч қисми Шўролар ҳокимиятининг сўнгги йилларида ҳам ўзларининг минимал эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлмай, давлатнинг мададига муҳтож эди. Иккинчидан, аҳоли таркибида давлат ва жамият ўз ҳимоясига олиши зарур бўлган болалар, ўсмирлар, қариялар кўпчиликини ташкил этади. Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида дастлаб аҳоли ижтимоий жиҳатдан табақаланади ва ҳимояга муҳтож бўлганлар қатлами кенгайди. Шу боисдан иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал одамларни, биринчи навбатда ҳимояга муҳтож қатламни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш зарурлиги инобатга олинди. Ижтимоий сиёсат инфляция келтириб чиқарган қимматчилик шароитида аҳоли харид қобилиятини ҳимоя қилишни ҳам кўзда тутди.

**Бешинчиси.** Бозор иқтисодиётига ўтиш эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши

**ЛОЗИМ.** Бунинг сабаби шундаки, бозор иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, уни бирданига яратиб бўлмайди. Аҳолининг тоталитар тузум шароитида таркиб топган қарашлари ва кўникмалари бор, уларни бирданига бозор иқтисодиёти шароитига мослаб ўзгартириб бўлмайди. Гап шундаки, тоталитар тузум психологиясидан бозор психологиясига ўтиш учун муайян бир вақт ҳамда янги иқтисодий, маънавий имкониятлар ва шароитлар керак. Булар босқичма-босқич яратилади. Бу таъмоийл бизга мерос бўлиб қолган барча прогрессив жиҳатларга авайлаб муносабатда бўлишни, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган ҳикматга риоя этишни тақозо этади.

Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини шакллантиришда юқорида айтилган барча таъмоийллар бирдай муҳим ва белгиловчи аҳамиятга эгадир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Бозор иқтисодиёти нима, унинг қандай турларини биласиз?
2. Бозор иқтисодиётининг қандай сифат белгилари, хусусиятларини биласиз?
3. Ўзбекистон нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади?
4. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида танлаган ўзига хос йўли нималарга таянади?
5. Нима учун иқтисодиёт сиёсатта нисбатан устивор бўлиши керак?
6. Давлат бош ислоҳотчи деганда нимани тушунасиз?
7. Қонун ва қонунларга риоя этиш заруриятини тушунтиринг.
8. Кучли ижтимоий сиёсат нима?
9. Нима учун бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилади?

### **33-§. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ**

#### **Иқтисодий ислоҳот асослари**

Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар орқали бозор муносабатларини шакллантиришга киришилган экан, аввало, унинг стратегик мақсадлари белгилаб олинди. Улар қуйидагилардан иборат:

— кишилар турмуши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровучи иқтисодий тизимни барпо этиш;



— кўп укладли иқтисодиётни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлат йўли билан тўғридан-тўғри аралашидан воз кечиш;

— иқтисодиётда чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш;

— жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш;

— кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш.

Президент Ислом Каримов асарларида ва унинг республика парламентида сўзлаган нутқларида иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари ҳам назарий жиҳатдан пухта асослаб берилди. Улар қуйидагилардан иборат:

— иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш. Шу мақсадда қатъий молиявий сиёсат юритиш, кредит-банк тизимини мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсизланиши ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирлар кўриш;

— иқтисодиётнинг таркибини қайта қуриш, илғор технологияларни жорий қилиш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш;

— кенг кўламда аграр ислохотлар орқали ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, ўзи етиштирган маҳсулотига мустақил эгаллик қилиш, ўз оиласининг тўқчилигини таъминлаш имконини берувчи механизм яратиш. Қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникациялар тармоғини, маиший хизмат шохобчаларини ташкил этиш;

— аҳолини озик-овқат билан таъминлаш;

— хўжаликнинг давлатимиз мустақиллигини таъминловчи базавий тармоқларини — нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб чиқариш ва рангли металлургия тармоқларини ривожлантириш;

— мамлакатнинг экспорт қувватидан тўла-тўқис фойдаланиш, уни жадаллик билан ривожлантириш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, инвестиция базасини мунтазам ривожлантириб бориш, хўжаликнинг замонавий тармоғини вужудга келтиришга қўмаклашувчи хорижий сармояларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юритиш.

Бозор ислоҳотларининг юқорида айтилган стратегик мақсадлари ва устивор вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг негизини ташкил этди. Белгиланган мақсадларга босқичма-босқич эришилиб борилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичи мустақиллик кунидан миллий валютани муомалага киритишгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Биринчи босқичда иккита ҳал қилувчи вазифа ҳал қилинди. Биринчиси — маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатлари енгиб ўтилди, тангликлан чиқилди, иқтисодиёт барқарорлаштирилди. Иккинчиси — бозор муносабатларининг негизлари шакллантирилди. Биринчи босқичда иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишлари белгилаб олинди ва уларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

**Бозор иқтисодиёти  
ҳуқуқий негизининг  
яратилиши**

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида бозор муносабатларининг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Аввало, ислоҳотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш-

нинг яхлит тизими таркиб топди. Бу тизим ҳокимиятнинг ҳамма тармоқларини: қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини ўзида узвий қовуштиради. Президент ҳузурида махсус иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идораларро кенгаш тузилди. Иқтисодий соҳага тегишли бўлган 100 га яқин қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларни бешта йўналишга бўлиш мумкин.

**Биринчи йўналиш** — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар. Ана шу йўналиш доирасида «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғ-

рисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар асосида марказий ва маҳаллий бошқарув органлари тизими вужудга келди.

**Иккинчи йўналиш** — янги иқтисодий муносабатларни, энг аввало, хусусий мулкчиликни ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар мажмуаси яратилди. Бу йўналиш доирасида мулк тўғрисида, ер тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар бозор муносабатларининг асослари ва зарур шартлари бўлган кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланишида ҳуқуқий меъёрлар бўлиб хизмат қилди.

**Учинчи йўналиш** — ҳўжалик юритишни тартибга солувчи қонунлар, яъни корхоналар тўғрисида, кооперация тўғрисида, деҳқон ҳўжалиги тўғрисида, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Булар ҳўжалик юритиш янги механизмининг асосий қоидаларини белгилаб берди.

Бозор инфраструктурасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар ва банк фаолияти тўғрисида, пул тизими тўғрисида, талбиркорлик тўғрисида, сугурта тўғрисида, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, аудиторлик фаолияти тўғрисида, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Корхоналар билан давлат ўртасидаги муносабатларни йўлга қўювчи солиқ тизими, монополистик фаолиятни чеклаш, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳақида қонунлар қабул қилинди, ҳўжалик-процессуал кодекси ишлаб чиқилди, ҳўжалик суди тузилди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши билан республикада бозор механизмларини ривожлантириш ишига мустаҳкам пойдевор қўйилди.

**Тўртинчи йўналиш** — Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар яратилди. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида, эркин иқтисодий минтақалар тўғрисида қабул қилинган қонунлар, халқаро пакт ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

Республика иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган, хорижий инвесторларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ишончли кафолат яратадиган қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятли бўлди.

**Бешинчи йўналиш** — инсон ҳуқуқларини, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватланишини ва ижтимоий кафолатини таъминлайдиган қонунлар қабул қилинди. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти асослари тўғрисида, таълим тўғрисида, ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитида аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, кишиларнинг ижодий имкониятларини очиш имконини яратди.

Мустақил Ўзбекистоннинг илк конституцияси — давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни қабул қилинганлиги қонун чиқариш фаолиятининг гултожи бўлди. Бу қонунлар ўз умрини яшаб бўлган эски иқтисодий муносабатларни ва сиёсий тизимни ҳуқуқий йўл билан янги иқтисодий муносабатлар ва сиёсий тизим билан алмаштирди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Иқтисодий ислохотларнинг стратегик мақсадлари нималардан иборат?
2. Бозор ислохотларининг устивор вазифаларини тушунтиринг.
3. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизи деганда нимани тушуна-сиз?
4. Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини қандай ҳужжатлар белгилаб берди?
5. Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётни шакл-лантирувчи қандай қонунларни биласиз?
6. Хўжалик юритишни тартибга солувчи қонунлар ҳақида сўзланг.
7. Қандай қонунлар Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берди?
8. Инсон учун ижтимоий кафолатни таъминловчи қонунлардан қайсиларини биласиз?

### 34-§. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ. КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МУЛҚДОРЛАР СИФИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Хусусийлаштиришнинг  
зарурияти ва унинг  
тамойиллари**

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларда етакчи ўринда турди.

Хусусийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралда Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис қилинди. 1994 йилда унинг функциялари ўзгартирилиб, у Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди. Мазкур қўмита зиммасига бир қатор муҳим вазифалар: кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни амалга ошириш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш; мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устивор йўналишларини белгилаш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш; хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш ва бошқалар юклатилди.

Хусусийлаштириш танлов ва ким ошди савдоси орқали амалга оширилди, бу тартиб такомиллашиб борди. Дастлаб савдо-сотиққа фақат мол-мулкнинг ўзи қўйилган бўлса, кейинроқ хусусийлаштирилаётган мол-мулк жойлашган ер участкалари, янги қурилиш қилиш учун ер майдонлари ҳам ким ошди савдосига қўйилди. Ўзбекистон хусусийлаштиришдан тушган барча маблағлар тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш учун берилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос йўлга эга бўлган давлат сифатида кўзга ташланди. Унинг тажрибалари жаҳон ҳамжамияти диққатини ўзига тортди.

Тadbиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш қонунлар мажмуини яратишни ташкил қилишни уюштириш мақсадида Олий Мажлис таркибида янги Иқтисодий ислохотлар ва тadbиркорликни ривожлантириш қўмитаси тузилди.

Давлат мулкни хусусийлаштиришнинг Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойиллари энг аввало ўзининг маҳаллий хусусиятларини ва талабларини ҳисобга олганлиги, айни пайтда ҳозирги замон илғор тажрибаларига мос келиши билан алоҳида ажралиб туради. Бунинималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, хусусийлаштириш қандайдир кишилар ёки маълум мафкура манфаати учун бўйсундирилмади. «Давлат бош ислохотчи» тамойилига амал қилинди. Давлат хусусийлаштиришни бошқариб борди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда чек воситаси билан хусусийлаштириш ғоясидан воз кечилди, давлат мол-мулки фақат янги мулкдорга сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирила бошланди.

**Учинчидан**, хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан борилди.

#### **Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий негизлари**

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида мулкни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра хусусийлаштириш ва мулкчилик шакллари ўзгартириш махсус дастурлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Дастурга асосан дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондиди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини қамраб олди. Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олди.

**Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди**  
1992—1994 йилларда 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулк бўлиб қолди. 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди. Ҳар уч корхонанинг иккитаси мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклига эга бўлди. 1994 йилда мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг деярли ярми иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторда ишлаб чиқилди, бу секторда 4 миллионга яқин киши иш билан банд бўлди.

1 миллион квартира ёки давлат уй-жой фондидининг 95 фоиздан ортиқроғи, ҳар уч квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди. Уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, илмий ходимлар ва ижодий зиёлилар квартираларининг бепул эгалари бўлишди.

**Хусусийлаштиришнинг  
янги босқичи**

1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1994 йил 16 мартда қабул

қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармонлари хусусийлаштириш жараёнини яна ҳам янги поғонага кўтариш, уни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди.

Қабул қилинган қарорларга мувофиқ янги босқичда корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, ушбу жараёнга аҳолини ва чет эллик инвесторларни кенгроқ жалб қилиш жараёнини авж олдириш вазифаси қўйилди. Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорини ташкил этиш учун асос яратилди. Давлат мулкни сотиш бўйича кимошди савдолари ва танловлари ўтказиладиган бўлди.

Хусусийлаштириш борасидаги барча ишлар изчил ва мунтазам олиб борилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурларга мувофиқ халқ ҳўжалигидаги барча соҳа тармоқларини оммавий хусусийлаштириш учун имкон яратилди, бу борадаги чеклашлар олиб ташланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 29 мартда тасдиқланган Давлат Дастурига мувофиқ шу йилнинг ўзида 5127 объект хусусийлаштирилди.

1995 йили халқ ҳўжалигида оммавий хусусийлаштиришлар даври бўлди. Йирик корхоналар ҳам давлат ихтиёридан чиқарила бошланди. Шу йили машинасозлик комплексига қарашли 89 та корхона, 81 та ёқилғи-энергетика, 55 та қурилиш индустриясига қарашли, 114 та транспорт, 68 та уй-жой-коммунал ҳўжалиги, 229 та қайта ишлаш корхонаси ва 291 та қурилиш билан боғлиқ объектлар хусусийлаштирилди. Иқтисодиётнинг давлат сектори негизида мингдан ортиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, 6000 хусусий ва оилавий корхоналар вужудга келди.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун имтиёзли тизим яратилди. Масалан, хусусийлаштирилаётган корхона ходимларига имтиёзли акциялар берилди. Шунингдек, давлат ҳўжаликла-

рининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартларда хусусийлаштирилди.

1998 йил 1 апрелга келиб аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. Агар 1993 йилда жами корхоналарнинг 39,4 фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлмаган корхона бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, 1998 йилда эса 88,2 фоизга етди.

Президент И. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида ёзганидек, «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорини вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоғи бўлиб хизмат қилади... Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғипт қўйилди. Ушбу масаланинг давр талабларига мувофиқ муваффақиятли ҳал этилиши республикаимиз иқтисодиётини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан бир қаторга қўядиган асосий омилдир».

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт ва ўрта мулкдорлар синфи вужудга келди. 1997 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 100 мингдан ошиб кетди.

#### **Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш**

Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ноёб, ўзига хос тизими яратилди ва иш олиб бормоқда.

Унга давлатнинг ўзи раҳнамолик қилмоқда. 1996 йил 12 мартда тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида, шу жумладан, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган жисмоний шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ишларини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Республика Палатасининг жойларда худудий бўлимлари ташкил қилинди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди тузилди. Тадбиркорлар ва бизнесменларга маслаҳатлар билан кўмаклашиш мақсадида илмий-техникавий кўмаклашув жамияти Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини тузди. Европа ҳамда Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Буюк Британия инвестиция фонди тадбиркорларга кўмаклашмоқда.



Хусусийлаштиришдан тушган деярли барча маблағлардан иқтисодийнинг нодавлат секторини шакллантириш ва мустақамлаш учун фойдаланилмоқда. Хусусийлаштиришдан тушган бутун маблағларнинг 50 фоизи мамлакат «Бизнес-Фонди»га йўналтирилади. У эса ўз навбатида, фақат фуқароларнинг ўз маблағига асосланган кичик ва ўрта бизнесга, тадбиркорликка кредитлар ажратади. 30 фоизи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси, ассортиментини жадал суръатда алмаштираётган ва инвестицияларга қаттиқ муҳтожлик сезаётган хусусийлаштирилган корхоналарга кредит ажратиш учун Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушади. 20 фоизи эса ижтимоий эҳтиёжлар учун ҳокимиятларга келиб тушади ва у мактаблар, касалхоналарни таъмирлаш, янги автомобиль йўллари қуриш ва ҳоказолар учун, яъни маориф, соғлиқни сақлаш, муҳандислик хизматлари ва бозор инфраструктура кўринишида тадбиркорларга қайтариб бериладиган барча нарсаларга сарфланади. Қолган 10 фоизи эса хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурини амалга оширишга ишлатилади.

Тўпланган тажриба катта-катта саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш имконини берди. Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси очик турдаги давлат-акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг 15 та корхонаси юқори инвестиция салоҳиятига эга бўлган хўжалик тузилмасини — «Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг»ни ташкил этди. Унинг таркибига Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошқишмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент агрегат заводи, «Чирчиққишмаш» «Ўзбекқишмаш» сингари акционерлик жамиятлари каби йирик корхоналар кирди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида хусусийлаштириш жараёни Ўзбекистонда изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширила борди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ўзига хос тарзда амалга оширилар экан, тадбиркорлик ва ишбилармонликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилди.

### Савол ва топшириқлар

1. Мулкни хусусийлаштириш деганда нима тушунаси?
2. Қандай давлат органи хусусийлаштиришга раҳбарлик қилди?

3. Давлат мулкани хусусийлаштириш тамойиллари тўғрисида сўзланг.
4. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари қайси қонунларда белгилаб берилди?
5. Хусусийлаштириш жараёни ҳақида сўзланг.
6. Кўп укладли иқтисодиётнинг барпо этилишини исботлаб беринг?
7. Мулкдорлар синфи қандай шаклланди?
8. Кичик бизнес ва тадбиркорлик давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланди?

### 35-§. БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

#### Бозор инфраструктурасининг шакллантирилиши

Бозор муносабатлари бозор инфраструктурасисиз амал қилолмайди. Бозор инфраструктураси дейилганда товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида хўжалик

юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминловчи иқтисодий воситалар — тегишли молия ва банк-кредит тизими, суғурта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими тушунилади. Шу боисдан ҳам бозор инфраструктурасини бирданига яратиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтишда бозор инфраструктурасини шакллантириш муҳим жараён бўлиб, анча вақтни талаб қилади. Бу жараён одамларнинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш кабилар билан ҳам боғлиқ.

#### Бозор инфраструктурасининг зарурияти

Бозор инфраструктурасини шакллантиришдаги муҳим қадамлардан бири маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси

(республика хавфсизлигини мустақкамлаш, ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича экспорни бажариш) зарур бўлган маҳсулотларни эркин (келишилган) нархларда харид қилиш билан алмаштирилди.

Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган

собиқ таъминот ташкилотлари ҳам тугатилди. Уларнинг ўрнида товарлар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди. 1991 йилда республикада биринчи бўлиб «Тошкент» товар-фонд биржаси тузилди ва дастлабки ким ошди савдосини ўтказди. 1992 йилда 30 дан ортиқ шундай биржалар иш олиб борди. Республика товар-хон ашё биржаси 1994 йилда умумий суммаси 1,3 миллиард сўмдан ортиқроқ бўлган мингдан зиёд олди-сотди битимини расмийлаштирди.

Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизими билан боғлиқ ҳолда кўплаб тадбиркорлик бўғинлари — брокерлик ва диллерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлди. 1996 йилда кўчмас мулкни сотиш бўйича 190 та ва лицензия сотиш бўйича 132 та брокерлик идоралари, республика фонд биржасининг 13 та филиали ва бўлимлари фаолият кўрсатди.

1994 йилдан бошлаб республикада кредит ресурслари бозори фаол ишлай бошлади. Фоиз ставкаси (даражаси) ўзгартирилди, энди у молиявий ресурсларни корхоналар ўртасида қайта тақсимлашга фаол таъсир эта бошлади. Банкларо валюта биржаси ташкил этилиб, бу биржа томонидан ўтказилаётган валюта ким ошди савдосида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар бемалол қатнашадиган бўлди.

Республика собиқ Давлат суғурта бошқармаси тугатилди. Унинг ўрнига акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи қирқдан ортиқ давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари вужудга келди, улар молия бозорига фаолият кўрсатмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишсизлик асосий муаммолардан бирига айланди. Негаки, иқтисодий тизимлар ўзгараётган, оммавий хусусийлаштириш амалга оширилаётган пайтда малакасиз кишиларгагина эмас, маълум ихтисосга эга бўлган ходимларга ҳам талаб чекланади, ишсизлар тоифаси кенгаяди. Бундай шароитда ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик тадбирлари кўрилди. Республика бўйича 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ барпо этилди. Ҳар бир туманда меҳнат биржаси ташкил этилди. Меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш билан шуғулланди. Республикада ходимларнинг касбини ўзгартириш механизми яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш йўлга қўйилди. Натижада расман рўйхатга олинган ишсизлар республика меҳнат ресурсларининг бир фоиздан камроғини ташкил этди.

## Пул-кредит сиёсати

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,

шунингдек, кейин унга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар банк соҳасини ислоҳ қилиш, бозор шарт-шароитларига мос келадиган банк муассасаларини ташкил этиш йўлларини белгилаб берди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, собиқ СССР Давлат Банкнинг минтақавий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкига айлантирилиб, унга олтин-валюта заҳираларини сақлаш, банклар фаолиятини назорат қилиш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва бошқа вазифалар топширилди.

Шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклар тажрибаларини инобатга олиб ҳамда мустақил мамлакат, пул-кредит сиёсатини бутунлай янгитдан изга солиш мақсадида Марказий Банк тўғрисида, банклар ва банклар фаолияти тўғрисида алоҳида Қонунлар ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келди.

1995 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида», «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида» алоҳида Қонунлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки томонидан юқори баҳоланди.




Республика биржа марказининг ташқи кўриниши.

Аҳолининг ўтиш давридаги талабларини қондира оладиган тижорат ва хусусий банк тармоқлари вужудга келди. «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Савдобанк», «Ме-васабзавотбанк», «Тадбиркорбанк» ташкил этилди. Ўзбекистонда 20 та тижорат банки рўйхатга олинди. 1995 йилда фаолият юритган банкларнинг 19 таси акциядорлик-тижорат шаклида, 5 таси масъулияти чекланган жамият, 1 таси кооператив, 2 таси хорижий сармоя иштирокидаги, 2 таси давлат банки сифатида аҳолининг тадбиркорлик ишларига хизмат қилди.

#### Сўмининг муомаласага киритилиши

Мамлакатимизда амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири пул муомаласини мустақкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш бўлди. Президент И. Каримов 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида нутқ сўзларкан, «Мустақил давлат бошқа давлатлардан айри тарзда иқтисодий хур бўлиши учун ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлмоғи керак. Бу иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан биридир», — деган эди.

1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги — сўм муомаласага киритилди. Шу кундан бошлаб мамлакат ҳудудидаги ягона қону-



Биржа марказининг ички кўриниши.

ний тўлов воситаси сифатида у барча турдаги тўловлар учун, шунингдек банкдаги ҳисоб варақаларига киритиш учун қабул қилиниши шарт бўлиб қолди. Шундан кейин миллий валюта қадрини ошириш учун катта ишлар қилинди. Натижада 1995—1996 йилларда пулнинг қадрсизланиши суръатлари анча қисқарди.

Умуман, мамлакатда миллий валютанинг муомалага киритилиши иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг, корхоналар ва тармоқлар молиявий аҳволи мустаҳкамланишининг, аҳолини ва мамлакат истеъмол бозорини муҳофаза қилишнинг муҳим омили бўлди.

Жами пул массасининг ўсиш суръати инфляцияга қарши сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида йилдан-йилга пасайиб борди. Жами пул массасининг ўсиши 1996 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра 1995 йилнинг айнан шу давридагидан 7,6 фоиз ҳисобида ва 1994 йил даражасидан 2 баробар кам бўлди.

Нақд пул массасининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1995 йил даражасидан 1,3 марта оз бўлди. Муомалага нақд пул чиқариш — эмиссия улуши 1995 йилдаги 20,7 фоиз ўрнига 15 фоизни ташкил этди. Ўтиш даври иқтисодиётининг объектив шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кредитлар биринчи навбатда иқтисодиётнинг устивор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва риwoжлантиришга йўналтирилди.

1992—1996 йиллар мобайнида валютани бошқариш соҳасидаги фаолият миллий валютани мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни изчил яратиб беришга қаратилди, валюта бошқаруви масалалари бўйича норматив база вужудга келтирилди. 1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистон валюта биржасида доимий савдолар ўтказилиб келинмоқда. 1994 йили реализация қилинган чет эл валютасининг умумий суммаси 16 миллион 558 минг АҚШ долларини ташкил этди. 1995 йил давомида ҳаммаси бўлиб 90 марта савдо ўтказилди. Бунда валюта биржасининг умумий обороти 1 миллиард 545 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 1994 йилга қараганда 14 баробар кўп бўлди.

## Нархларнинг эркинлаштирилиши

Ўзбекистонда ўзига хос йўл билан нархлар эркинлаштирилди. Нархлар 1992 йил январидан бошлаб босқич-ма-босқич, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чораларни олдидан кўриб қўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистонда кенг доирадаги ишлаб чиқариш маҳсулотлари, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган (эркин) нархлари ва таърифларига ўтилди. Ҳукумат аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирасидаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегарасини, кўрсатиладиган айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифларини белгилаб қўйди. Шу муносабат билан дон, бугдой етиштириш учун, ун ва бошқа озиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланди. Уқувчи ва талабаларга бепул нонушта ва имтиёзли овқат беришдан кўрилган зарар давлат ҳисобидан қопланди, болаларга мўлжалланган айрим турдаги товарларни, дори-дармонларни ишлаб чиқаришга давлат дотацияси берилди.

1993 йилда қатъий белгиланган ва тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати анча қисқарди. Келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди.

1994 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида жиддий босқич бўлди. Халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Нон ва унинг нархлари, уй-жой коммунал хўжалиги, шаҳар умумий транспорти хизматларининг тарифларигагина қисман дотация бериладиган бўлди, холос.

Шундай қилиб, иқтисодий ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўла эркинлаштириш билан тугади, бу жараён ижтимоий ларзаларсиз ўтди. Негаки, давлат турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорий этди, энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар мунтазам суратда ошириб борилди.

Нархни эркинлаштириш иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш билан бевосита боғлиқ. 1993 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонуни кучга киритилди. Бу қонун асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Молия вазирлиги тизимида тузилган Антимонополь ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш Бош бошқармаси монополия мавқеидаги корхоналарни белгилаб, уларнинг маҳсулотлари бўйича нархларни ва рентабелликни тартибга солиб турибди. 1625 гуруҳдаги товарлар хили бўйича 658 корхона монополиячилар рўйхатига киритилди ва назорат қилиб борилди.

### **Солиқ сиёсати**

Мамлакатимиз иқтисодиёти ни барқарорлаштиришда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чоралар ҳам муҳим роль ўйнади. Чунки солиқлар хазинани тўлдирувчи асосий манбадир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мамлакатда мавжуд солиқ тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат Солиқ органлари ҳақида»ги Қарори мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Амалда шу қарор асосида Ўзбекистонда энг замонавий шаклда, бутунлай янги типдаги солиқ тизими юзага келди. 12 август «Солиқчилар куни» деб эълон қилинди ва у касб байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ Бош Бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кўмитасига айлантириш тўғрисида»ги Фармони солиқ тизимини мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб берди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида барча соҳалар қатори солиқ тизимига бўлган муносабатлар ҳам тубдан ўзгарди. У бозор иқтисодиётини амалда тартибга солувчи муҳим восита ва давлат даромадларини вужудга келтирувчи бош манба даражасига кўтарилди.

Мамлакатда солиқ тизимини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар солиқ тўловчилар онгида туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.



Мулк шаклидан қатъи назар солиқ тўловчилар сони йилдан-йилга кўпайди. Агар 1994 йилда 91 мингдан ортиқ солиқ тўловчи юридик шахс рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 148 мингга етди. Яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, жисмоний шахслар ҳам солиқ тўловчилар сафини тўлдириб бормоқда. 1996 йилда уларнинг сони 1994 йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайиб, 2 миллион 31 минг кишига етди. Улардан бюджетга тўшаётган солиқ тўловлари 5,7 марта кўпайди.

Мамлакатда солиқ тизimini жаҳон андозалари даражасига кўтаришда Президентимиз ва ҳукуратимиз кўрсатаётган доимий ғамхўрлик туфайли республика солиқчиларининг иш тажрибаси эндиликда МДҲга аъзо мамлакатларда қизиқиш уйғота бошлади. 1995—1996 йилларда Россия Федерацияси Солиқ полицияси департаменти, Япония молия вазирлиги делегацияси, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси, Жаҳон банки ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси иш фаолияти билан танишдилар ва унга юқори баҳо бердилар.

Ўзбекистон солиқ органлари 1991 йилда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонун, 1995 йил 22 декабрда ушбу Қонунга киритилган ўзгаришлар, 1997 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси» асосида иш юритмоқда. Ушбу Қонун ҳужжатларида умумиқтисодий ҳисобланган солиққа тортишнинг тўрт тамойилига асосланилади:

1. Даромад манбаларидан қатъи назар, ҳамма даромадларни солиққа тортишнинг мажбурийлиги.
2. Маҳаллий ҳокимиятлар имкониятини ҳисобга олган ҳолда бутун мамлакатда ягона умумдавлат солиқ сиёсатини олиб бориш.
3. Корхоналар ва ташкилотлар муҳим ижтимоий, иқтисодий, экологик масалаларни ҳал этаётганлигини ҳисобга олиб, уларни манфаатдор қилиш мақсадида имтиёзлар бериш орқали солиқларнинг манфаат келтирувчилик ролини таъминлаш.
4. Солиқ тўловчилар мажбуриятларининг бажарилиши устидан молиявий назорат ўрнатиш. Бу тамойил солиқ идораларининг бош вазифаси бўлиб қолмоқда.

## Савол ва топшириқлар

1. Нархларни эркинлаштириш нима?
2. Ўзбекистонда нархларни эркинлаштириш қандай ҳолатларда амалга оширилди?
3. Бозор инфраструктураси деганда нимани тушунасиш?
4. Товарлар бозорининг шакллантирилиши ҳақида сўзланг.
5. Меҳнат биржалари нима? Уларнинг фаолиятини тушунтиринг.
6. Банк тизими қандай шакллантирилди?
7. Сўмнинг муомалага киритилиши ҳақида сўзланг.
8. Солиқ сиёсати, унинг ҳуқуқий асосларини тушунтиринг.

### 36- §. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРАР СЕКТОРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Қишлоқда туб ислоҳотлар  
зарурати**

Қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказишнинг бир неча ўзига хос омиллари бор. Бу борада шуни айтиш керакки, истиқлолга эришгач, қишлоқ-

нинг устун даражада ривожланишини таъминламасдан, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тикламасдан туриб мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Туғилиш қишлоқларда кўп бўлгани туфайли иш билан таъминлаш муаммолари ҳам қишлоқларда энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ аҳолисининг 50 фоизидан ортиги 18 ёшга етмаган ёшлардан иборат. Бу қишлоқда энг катта ишчи кучи потенциали жойлашганини, мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳукумати қишлоқнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини юксак баҳолаб, уни янада юксалтиришга доимий эътибор беришининг боиси ана шунда. Шунинг учун ҳам И. Каримов Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 декабрда бўлиб ўтган IV сессиясида шундай деган эди: «**Мен бир ҳақиқатни айтиб чарчамасам керак. Бунинг мазмуни шуки, қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир**».

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида 1991—1996 йилларда қишлоқ хўжалиги мажмуига раҳбарликни яхшилаш, аграр ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш чоралари кўрилди. Дастлаб 1992 йилда Президент Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков бошчилигида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи комплекс ташкил қилинди.

1991 йил 21 декабрда қабул қилинган «Деҳқон (фермер) хўжалиklarини янада мустақкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Вазирлар Маҳкамаси 1994—1995 йилларда қишлоқда ислохотлар ўтказишга доир 10 дан ортиқ қарор қабул қилди.

1996 йил 26 ноябрда мамлакат ҳукумати қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бутунлай янги тизимини яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди.

1996 йил 3 апрелда Президент томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди.

#### Аграр ислохотлар

Қишлоқда аграр ислохотлар ўтказилди. 1992 йилдан бошлаб 1995 йил бошларигача қишлоқ туманларидаги 1137 давлат хўжалиги (совхоз) бошқа мулк шаклига — 530 жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара, шунингдек бошқа мулк шаклларига айлан-тирилди. Бундан ташқари 1516 қорамолчилик фермаси сотиш йўли билан меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Қишлоқ туманларидаги колхозларнинг чинакам кооператив моҳияти тикланди. Қишлоқ хўжалигида давлатга қарашли бўлмаган сектор 1994 йилда бутун маҳсулотнинг деярли 95 фоизини, 1995 йилда 97 фоизини ишлаб чиқарди.



Фермер хўжалиги.

Ислоҳот йилларида одамларга шахсий томорқа учун қўшимча равишда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди ва шахсий томорқа учун берилган ер майдони 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда.

Қишлоқда деҳқон (фермер) хўжалигини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. 1994 йил охирида деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 25 мингдан зиёдни ташкил этди, уларнинг 10 мингтадан ортиқроғи чорвачиликка ихтисослашган. Фермер хўжаликлари дон, картошка, сабзавот-полиз маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум етиштиришда тобора салмоқли ўринни эгалламоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Хўжаликлар қандай экин экиш соҳасида мустақил бўдилар. Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни тиклаш йўли изчиллик билан амалга оширилди. Пахта экиладиган экин майдонлари 2 миллион гектардан 1,5 миллион гектарга қисқартирилиб, донли экинлар майдони 1,2 миллион гектарга кенгайтирилди. 1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилларга қараганда 44 фоиз кўп дон етиштирилди. 1995 йилда бۇ кўрсаткич 3,5 миллион тоннага етди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўс-тиришни рағбатлантиришга, қишлоқдаги мулкчиликнинг барча шаклларини ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, қишлоқда янги иш ўринлари ва бозор инфраструктурасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар кўрилди.

**Қишлоқ  
инфраструктурасидаги  
ўзгаришлар**

1996 йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривож-

лантириш Дастури» тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Ўзистикболстат» Давлат Кўмитаси, Ўзбекистон Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлигига 2000 йилгача қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга доир ишларни амалга оширишни топширди.

Қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини жиҳозлар, мебеллар билан ўз вақтида тўлиқ таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Файз» мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 1996—2000 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Шартномага асосан ҳиссадорлик жамиятининг иккита цехида фақат таълим муассасалари, хусусан, мактаблар учун мебеллар, жиҳозлар ишлаб чиқарилиши ҳақида келишилиб, бу иш 1996 йилнинг биринчи чорагидаёқ бошлаб юборилди.

1996 йилнинг биринчи ярмида қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар учун 30 миллион сўмлик мебель (стол, стул, жавон, парта, тахта)лар жойларга етказиб берилди, булардан 21,5 миллион сўмлиги қишлоқ ҳудудларидаги янги мактабларга юборилди.

Бундан ташқари Халқ таълими вазирлигига қарашли «Таълимтаъминот» Бош бошқармаси қошида «Жаҳонгир» фирмаси, бир қатор вилоят халқ таълими бошқармалари қошида кичик корхоналар тузилиб, уларда кунда зарур бўлган парта ва тахталар ишлаб чиқарила бошлан-

ди. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси қошида эса устахона ташкил этилиб, унда мактаб учун бўйлаб чиқариш йўлга қўйилди. Республика «Таълимтаъминот» ва Андижон вилоят «Таълимтаъминот» корхоналари қошида Россия билан лингафон, физика, химия кабинетлари, электр ускуналарини амперметр, вольтметр, осциллограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб-лингофон», Бухоро вилояти «Таълимтаъминот» корхонаси қошида эса кодоскоп, эпидиаскоп, эпипроектор, графопроектор, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи «Мактаб—Жиҳоз—Бухоро» қўшма корхоналари очилди.

Қишлоқ аҳолисининг саломатлигини яхшилаш масаласига ҳам эътибор кучайди. Фақат 1996 йилнинг 11 ойи мобайнида республикада 62 қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Шу давр мобайнида 71 минг квадрат метр савдо ўринлари, 27,9 минг квадрат метр умумий овқатланиш шохобчалари, 1992 маиший хизмат объекти қуриб фойдаланишга топширилди.

Аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар қилинди. 1991 йилгача мамлакатимизда 1 миллион 842 минг хонадон газлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йил бошига келиб 3 миллион 155 мингга етди.

1992—1996 йилларда Хоразм вилоятида 127 километр катта диаметрли сув ҳайдагич, 902 километр ичимлик суви тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Аҳолининг табиий газ билан таъминланиши 86,7 фоизга, ичимлик суви билан таъминланиши эса 54,8 фоизга етказилди.

Бу фойда муҳим соҳада Наманган вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. 1990 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича жами 1480 километр газ тармоқлари тортилган бўлса, 1991—1995 йиллар давомида 2025 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Қишлоқда ислохотлар амалга оширилиши жараёнида меҳнатга яроқли аҳолини меҳнат билан банд қилиш масаласига ҳам катта эътибор берилди. Ҳозир қишлоқда қарийб 2 миллионга яқин ортиқча ишчи кучи мавжуд. Шу боис Республика Президенти қишлоқда кичик корхоналар, маиший хизмат объектлари ташкил қилиш, ортиқча ишчи кучини шу соҳаларда банд қилиш вазифасини мутгасил суръатда таъкидлаб келмоқда. Бу борада 1991—1995 йилларда меҳнатга қобилият-

ли ёшдаги аҳолини иш билан таъминлаш ҳукумат Дастури ишлаб чиқилди. Иш билан банд бўлганлар салмоғи 59 фоиздан 74 фоизга оширилди.

Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган Дастурда 1996—2000 йиллар орасидаги даврда қишлоқда қарийб 2 миллионга яқин янги иш жойи яратиш, деярли 950 минг кишини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш мўлжалланди.

Мамлакат ҳукумати Ўзбекистонда қишлоқни ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу соҳанинг моддий базаси ва молиявий аҳолини мустаҳкамлашга, аграр сиёсатнинг устивор вазифаларини амалга оширишга мунтазам эътибор бермоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни қандай?
2. Қишлоқ хўжалигини бошқариш соҳасида қилинган ўзгаришларни сўзланг.
3. Аграр ислоҳотлар, уларнинг натижаларини тушунтиринг.
4. Деҳқон (фермер) хўжалиklarининг ташкил топиши ва аҳамияти ҳақида сўзланг.
5. Қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш мақсадида қандай ишлар қилинди?
6. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш соҳасидаги ишларни гапиринг.
7. Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи қандай?

### 37-§. МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ЭРИШИШ

**Макроиқтисодий  
барқарорликка эришиш  
зарурияти**

Иқтисодий ислоҳотлар бошланган дастлабки пайтлардаёқ мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бош вазифа қилиб қўйилди. «Барқарорлаштириш сиёсати, — деб ёзади И. Каримов, — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш со-

**ҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир».**

Биринчи навбатда республика иқтисодиёт тузилмасини янгилаш, қайта қуришга киришилди. Унинг бир-томонлама, хом ашё базаси сифатидаги йўналишидан воз кечилди.

Мустақиллик кўлга киритилган дастлабки даврда «давлат ва халқ ўз тақдирини, ўз мустақиллигини, ўз озодлигини ҳимоя қила олишга қодирми?» деган саволга жавоб беришга тўғри келди. Чунки СССРнинг парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган молиявий ва хом ашё заҳираларининг ниҳоятда тақчиллиги юз берди. Масалан, бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналар тўхтаб қолиш арафасида эди. Бунинг устига аҳолининг моддий аҳволи яна ҳам пастлашиб кетди. Чкалов номидаги авиация, «Ташқишмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент трактор заводи, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ва бир қатор вилоятлардаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари асосан СССРдаги бир неча корхоналар билан боғлиқлиги туфайли уларда маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турлари четдан олиб келиниши сабабли бирмунча қийинчиликларга дуч келинди.

#### **Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар**

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолият, яъни иқтисодиётга сармоя ётқизиш ишлари жадаллаштирилди.

1997 йилда таъминотнинг барча манбалари ҳисобига 270 миллиард капитал маблаг ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 17 фоиз ўсди. Инвестицияларнинг 63 фоиздан ортиқроғи ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилишга эътибор берилди. 1992—1997 йилларда иқтисодиётга 7 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб этилди. Фақат 1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада иқтисодиётнинг мутлақо янги, самарали тизимларини шакллантирувчи йирик корхоналар барпо этилди. 1997 йилга келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштиро-



кида тузилган 3200 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатди.

Йилига 2,5 миллиард куб метр газ ҳайдаш қувватига эга бўлган Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси, Кўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё корхонаси, Тошкент ип-йигирув фабрикаси, Фарғона кимёвий тола корхонаси таркибида полиамид ишлаб чиқарадиган ихтисослашган цех бунёд этилди.

Республика вилоятларида барпо этилган йирик корхоналар Андижон автомобил заводи, Зарафшон-Ньюмонт корхонаси, Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи, Хоразм чанқовбости ичимликлар заводи, Қувасой кварц заводи, Янгийўл ва Андижон спорт заводлари, Самарқанд тамаки фабрикаси, Тошлоқ ип-йигирув фабрикаси ва бошқалар макроиқтисодий барқарорликка эришишда муҳим ўрин эгалладилар.

Иқтисодиёт таркибидаги туб ўзгаришлар, янги корхоналарнинг бунёд этилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида самарали натижалар берди. 1990 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмини 100 фоиз деб олсак, ундан кейинги йилларда камайиб, 1992 йилда — 94,7 фоизга, 1993 йилда — 98,1 фоизга тушган эди. 1995 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилди. Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич даражадан 12,7 фоиз ортди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш Россияда — 48, Украинада — 49, Белоруссияда — 71, Қозоғистонда — 49, Қирғизистонда — 51 фоизга тушиб қолганини ҳисобга олсак, Ўзбекистондаги ютуқлар кўзга яққол ташланади.

Ўзбекистонда 1997 йилда 1996 йил билан таққослаганда дон маҳсулотлари, шакар ва қанд маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти — 5 марта, кийим-кечак импорти — 7 марта, пойабзал маҳсулотлари импорти — 4 марта қисқарди. Бошқача айтганда, мазкур маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш шунча марта кўпайди.

Ўзбекистон маҳсулотлари дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Пахта, рангли металл, калава, автомобиллар сотилмоқда. 1997 йилда автомобиллар экспорти 7,4 марта, кимёвий штапель тола экспорти — 6,8 марта, кийим-кечак экспорти — 68 фоизга ошди. 1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

### Нефть мустақиллигининг таъминланиши

Ўзбекистон ҳудудида анчагина нефть заҳиралари аниқланган бўлса-да, 90-йилларнинг бошларида нефть маҳсулотлари асосан четдан келтириларди. Қарийб 2 миллион тонна пахта хом ашёси (600 минг тонна пахта толаси) Россия ва бошқа мамлакатларга нефть маҳсулотлари учун бериларди. Мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ нефть мустақиллигига эришиш вазифаси илгари сурилди, 1996 йилда бунга эришилди. 1990 йилда 5,7 миллион тонна нефть маҳсулотлари четдан сотиб олинган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 0,2 миллион тоннани ташкил этди. 1996 йилдан бошлаб четдан нефть маҳсулотлари сотиб олиш тўхтади ва 1997 йилда Ўзбекистоннинг ўзи нефть маҳсулотлари экспорт қилувчи мамлакатга айланди. Нефть ва газ қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш саноати, рангли металлургия саноатида барпо этилган қудратли салоҳият макроиқтисодий барқарорликка ва охир-оқибатда бутун иқтисодиётга ижобий таъсир ўтказувчи, ҳаракатлантирувчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

### Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Иқтисодий барқарорлик даражаси ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликка мустаҳкам база яратилди. 1997 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 105,2 фоизга ўсди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли ўсиш даражасидан ошди. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини берди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1997 йилда 11,2 фоиз кўпайди. 1997 йилда 6,7 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди.

### Транспорт ва алоқа воситалари

Мустақиллик йилларида республикада транспорт ва алоқа ҳам замонавий талаблар асосида ташкил қилинди. Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида «Трансosiё» магистралининг бир қисми ҳи-

собланган, Жануби-Шарқий Осиёни Фарбий Европа билан туташтирадиган ва Транссибирь магистралидан 1500 километр қисқа бўлган Тажан — Серахс — Машиҳад янги йўли ишга туширилди. Тошкент—Андижон — Уш — Қашқар автомобил йўлининг Қамчиқ довони участкасини қуриш ва тамирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий Авиаконпанияси А—310, Ил—86, Ил—76, ТУ—154, Американинг «Боинг» ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги самолётларга эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДХнинг барча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Сингапур сингари йигирмадан ортиқ мамлакатлари билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Собиқ Иттифоқдаги айрим республикалардан фарқли равишда Ўзбекистонда ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси республика аҳолиси ва халқ хўжалиги эҳтиёжини тўлиқ қондириб келмоқда.

Айни чоқда Ўзбекистон ривожланган телекоммуникацияга эга бўлди. Мамлакатда 1,5 миллиондан ортиқ абонент телефон тармоғи хизматидан фойдаланмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар амалга оширилган экан, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ҳам фойдаланила бошланди. Жумладан, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш борасида дастлабки қадамлар кўйилди. 1996 йил 25 апрелда — Олий Мажлиснинг V сессиясида «Эркин иқтисодий зоналар туғри-сида» Қонун қабул қилинди. Бундай хўжалик юритиш тажрибаси ҳали мамлакатда йўқ эди. Замонавий хўжалик юритиш тажрибаларини синовдан ўтказишнинг энг муқобил йўли бу — «Эркин иқтисодий зоналар» ташкил қилишдир.

Эркин иқтисодий зонанинг ўзи нима? Бу, биринчидан, ички ва ташқи сармояларни жалб қилиш, иккинчидан, истиқболли технологиялар жорий қилиш ва бошқарувга оид янгича услубларни тажрибада қўллаш мақсадида махсус ҳуқуқий тартиботга эга бўлган ҳудудда хўжалик юритишдир. Қолаверса, бундай зоналарнинг республикада ташкил қилиниши кишиларга иқтисодий билимларни кенгайтириш учун ҳам зарурдир.

## Савол ва топшириқлар

1. Макроиқтисодий барқарорлик деганда нимани тушунаси?
2. Иқтисодиётда қандай таркибий ўзгаришлар юз берди?
3. Дафтартингизга мустақиллик йилларида барпо этилган йирик корхоналар номини ёзиб олинг.
4. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини тушунтиринг.
5. Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўсишига мисоллар келтиринг.
6. Транспорт ва алоқа воситалари тармоғининг кенгайишини тушунтиринг.

### 38-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИГА ҚўШИЛИШИ

**Миллий автомобилсозлик  
саноатига асос солиниши**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. А. Каримов  
бошчилигидаги давлат деле-  
гациясининг 1992 йил июнь  
ойида Жанубий Корея Рес-

публикасига қилган расмий ташрифи чоғида икки дав-  
лат ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлан-  
тириш тўғрисида дастлабки ҳужжатлар имзоланди. 1992  
йилнинг август ойида эса Жанубий Корея Республикаси  
билан ҳамкорликда Ўзбекистонда автомобиль ишлаб  
чиқарувчи қўшма корхона барпо қилиш тўғрисида кели-  
шиб олинди.

Корхонани ташкил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 5 ноябрда «Сельхозмаш» концерни ва «ДЭУ корпорейшн» корпорацияси билан ҳамкорликда автомобиллар ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унда «Сельхозмаш» концернига 3 ой муддат ичида республикада автомобиль ишлаб чиқаришга қаратилган Концепция ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея Республикаси ҳамкорлигида барпо қилинадиган ушбу қўшма корхона таъсисчилари қилиб Жанубий Корея Республикаси томонидан «ДЭУ» корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси томонидан эса «Ўзавтосаноат» уюшмаси белгиланди ва Ўзбекистонда барпо қили-

наётган автомобиль ишлаб чиқарувчи корхонани «ЎзДЭУавто» номи билан юритишга келишилди. Шартномага кўра ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши миқдори «ДЭУ» корпорацияси учун 50% ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси учун 50% ҳисобида белгиланди.

Бир қарашда Ўзбекистон машинасозлиги маълум бир босқични босиб ўтган, ўз тарихига эга бўлган соҳалардан бири. Собиқ шўролар даврида ўлкамизда қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарадиган «Тошқишмаш», «Ўзбекқишмаш», Тошкент трактор заводи, Экскаватор заводи, «Чирчиқсельмаш» заводлари бунёд этилганди. Андижон ва бошқа вилоятларда турли русумдаги тракторлар ишлаб чиқарилар эди. Бироқ, аслида улар том маънодаги ишлаб чиқариш қувватига ва имкониятига эга эмас эди. Собиқ Иттифоқнинг ўнлаб шаҳарларидан, чекка-чеккаларидаги турдош корхоналаридан тайёр қисмлар олиб келиниб, Ўзбекистонда йиғилар эди, холос. Бу Ўзбекистон машинасозлик индустриясини ривожлантиришга эмас, аксинча, унинг иқтисодий қарамлигини чуқурлаштиришга хизмат қилар эди.

Ўзбекистонда ҳақиқий ўзбек машинасозлигини барпо этишга киришилди. 1993 йилнинг март ойида автомобиль ишлаб чиқарувчи завод «ЎзДЭУавто» номи билан рўйхатга олинди ва Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги прицеплар ишлаб чиқариш корхонаси негизидан уни қуриш бошланди.

#### «ЎзДЭУавто» корхонаси

Қўшма корхонанинг умумий майдони 476 минг 266 квадрат метр бўлиб, шундан бино ва иншоотлар учун ажратилгани 146 минг 266 квадрат метрни ташкил қилади.

Қурилиш 1993 йилнинг февралидан бошлаб 32-ой мөбайнида охирига етказилди.

Лойиҳа ишлари асосан «ДЭУ инжиниринг» ва «Узтяжпром» фирмалари томонидан амалга оширилди. Узининг кўлами жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ягона бўлган мазкур корхона қурилишида ҳар турдаги 25 минг тоннадан зиёд металл конструкциялари, 17 минг тонна йиғма темир-бетон, 40 минг куб метр монолит бетон ва 1000 километр кабель линиялари ўтказилиб, 25 минг тоннадан зиёд мураккаб технологик жиҳозлар ва дастгоҳлар ўрнатилди.

Лойиҳа қувватига кўра йилига 200 минг автомобиль ишлаб чиқара оладиган бу улкан иншоотнинг умумий қиймати 658 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, унда 3900 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Корхонада 1996 йилнинг охиригача жами 29 минг 835 дона, шу жумладан 11 минг 285 дона «ДАМАС», 5030 дона «ТИКО» ва 13 минг 520 дона «НЕКСИЯ» русумидаги автомобилларни ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, улардан 7000 донаси экспорт қилинди.

Автомобилсозликда кўп жиҳатдан янги бўлган илгор технологиялар қўлланилган ушбу корхонада ишлайдиган ишчи, муҳандис кадрлар тайёрлаш ишларига қўшма корхонага асос солингандан бошлаб катта эътибор берилди. Корхона цехларида меҳнат қилаётган ёшларнинг 1000 дан кўпроғи Жанубий Корея Республикасида — «ДЭУ» компанияси автомобиль ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб тажриба орттириб қайтишди.

1996 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов иштирокида ушбу қўшма корхонанинг ишга туширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда нутқ сузлар экан Президент И. Каримов «ЎзДЭУавто» корхонаси қурилишида фаоллик кўрсатганларга чуқур миннатдорчилик билдирди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти билан тақдирланганликларини маълум қилди. Шу билан бирга Президент «Вилоятнинг Асака шаҳрида икки йил ичида бунёд этилган, 1996 йилнинг март ойида «Дамас» машинаси, июнь ойида «Тико», июль ойида Эса «Нексия» ишлаб чиқарган «ЎзДЭУавто» истиқлол йилларида бунёд этилган Қудратли корхона бўлиш билан бирга Ўзбекистоннинг энг илгор давлатлар қаторига кириш учун қўйган дадил қадам» эканлигини алоҳида уқтирди.

**«ЎзДЭУавто»**  
корхонасининг иқтисодий  
аҳамияти

Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишга тушиши Ўзбекистонда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, республика индустриясининг қудрати муттасил ор-

тиб бораётганини кўрсатувчи муҳим далилдир. Жаҳон мамлакатлари тарихи гувоҳлик бераётгани, дунёдаги энг кучли мамлакатларгина автомобиль индустриясига эга. Улар асосан, АҚШ, Фарбий Европа, Россия ва

Жанубий Осиёдаги мамлакатлардан иборат 28 тани ташкил этади.

Автомобиль индустрияси бозорига кириш ва ундаги кучли рақобатта бардош бериш ўта мушкул иш бўлаётганлиги учун иқтисодий ва молиявий бақувват мамлакатлар ҳам бу бизнесга кира олмаяптилар. Ўзбекистон эса кучли рақобатчилари бўлган автомобиль бозорига собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар орасида биринчи бўлиб кириб борди. Бундай ютуққа Ўзбекистон осонликча эришмади.

**Биринчидан**, Ўзбекистонда автомобиль саноатини барпо этиш учун катта инвестиция, юқори технология ва малакади кадрлар тайёрлаш талаб қилинар эди.

**Иккинчидан**, автомобиль ишлаб чиқарувчилар учун, иқтисодчилар таъбири билан айтганда, доимо ўзаро ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш ҳолати мавжуд бўлиши лозим эди. Бунда кучли инженер-конструкторлик ишини қатъият билан ривожлантириш, ижодий-технологик жараённи доимий равишда, узлуксиз такомиллаштириб боришнинг зарурий чораларини кўриш талаб қилинарди.

**Учинчидан**, хом ашё маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар етказиб берувчиларни, яъни таъминловчиларнинг автомобиль бизнесига таъсири катта бўлганлиги учун улар ишончини қозонмоқ керак эди.

Ўзбекистон автомобиль индустрияси ана шу муҳим масалаларни ҳал этишга қодир эканлигини амалда кўрсатди ва бунга бошқа мамлакатлардаги ҳамкорларини ишонтира олди. У қийинчиликларни оқилона енгиб, муаммоларни чўчимай ҳал қилиб, бизнес бозорига дадил кириб борди.

Ҳозирги кунда «ЎЗДЭУавто» корхонасида дунё андозаларига жавоб бера оладиган 3 хил моделдаги автомобиллар чиқарилмоқда. Шулардан НЕКСИЯ модели АҚШ ва Япония талабларига тўла жавоб беради. Маълум такомиллаштиришлар ҳисобига у Европа стандартига ҳам тўла жавоб берадиган даражага келтирилди. Жаҳон бозорида унинг харидорлари тобора кўпайиб бормоқда.

**Автомобилсозликни  
ривожлантириш**

Ўзбекистонда автомобилсозликни ривожлантиришга мунтазам эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда автомобиль саноатининг ишлаб

чиқариш базасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 30 майда «Автомобиллар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарилган Ўзбекистон — Корея қўшма корхоналарини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Натижада машина деталларини ҳам Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришга кенг йўл очилди.

Вазирлар Маҳкамаси «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 1996 йил 3 сентябрда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида автомобиллар ишлаб чиқариш, сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш масалалари тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорда «Мерседес-Бенц» ва «ДЭУ» компанияларининг ҳамда бошқа йирик автомобиль компанияларининг мутахассисларини жалб этган ҳолда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобилларини ҳам мамлакат ичида, ҳам мамлакат ташқарисида сотиш бўйича маркетинг тадқиқотлари марказини ташкил этиш кўзда тутилди. Аини чоқда бу марказ «ДЭУ» корпорацияси билан келишган ҳолда автомобиль моделларини янгилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиши кераклиги назарда тутилди.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини тўла қувват билан ишга тушириш, ишлаб чиқарилган автомобиллар учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, сотиш ва сотувдан кейин сервис хизмати кўрсатиш, маркетинг хизматларини йўлга қўйиш чоралари кўрилмақда. Шу кунларда корхонада 4000 га яқин ишчи ишлаётган бўлса, яқин келажакда тахминан 55—65 минг киши ишлайдиган йирик автомобилсозлик комплексига айланади.

Ўзбекистонда самолётлар, қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенг кўламда қайта таркиблантириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи каби йирик корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига, «Ўзқишлоқхўжалик» машинасозлиги эса «Ўзқишлоқхўжалик-машхолдинг» компаниясига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда дунёнинг икки мамлакатида, аниқроғи АҚШ ва Ўзбекистонда пахтачилик машиналари ва ускуналари тўлиқ ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда ипакчилик ва пиллачилик техникалари ишлаб чиқарувчи ягона давлатдир.



Шу тариқа Ўзбекистон 90-йилларнинг ўрталарига келиб замонавий автомобиль индустриясига эга мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда миллий автомобилсозликка қандай асос солинди?
2. «ЎзДЭУавто» корхонаси ҳақида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистонда қандай русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда?
4. Ўзбекистонда автомобилсозликни ривожлантириш соҳасида қандай ишлар қилинмоқда?
5. «ЎзДЭУавто» корхонасининг аҳамияти ҳақида фикрларингиз.

## 7- б о б. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

### 39-§. МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР, МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ТИКЛАНИШИ

#### Маънавий янгилашни жараёни

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири янги тарихий шароитда жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида етарли даражада халққа маълум қилинмаган, синфий-партиявий мафкура томонидан таъқиқланган ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаши ва унинг янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиши керак эди.

Дарҳақиқат, давлат томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётда маънавий янгилашни жараёнини амалга оширмасдан мустақилликни мустаҳкамлаш учун халқни сарфарбар қилиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Халқимизнинг кучи, аввало, унинг бой маънавий меросга эга эканлигидир. Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам.

Мамлакатимиз бир неча бор ажнабий bosқинчилар ҳужумига дучор бўлган, қарамлик зулми остида қолган бўлса-да, халқ ўзлигини йўқотмади, ўзининг бой маънавий меросини авайлаб сақлаб ва бойитиб келди. Айниқса, сўнги мустамлакачилик даврида маънавий меросга синфий нуқтаи назардан ёндошиш оқибатида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз прогрессив ва реакцион блокларга бўлинди. Реакцион деб баҳоланган миллий қадриятларимиз, одатларимиз ва анъаналаримиз қораланди, танқид остига олинди. Кўпгина тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди, китоблар ва қўлёзмаларни нашр этиш, ўргатиш ман этилди ёки эътиборсиз қолдирилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тафаккурга, миллий тикланишга кенг йўл очилди.


Миллий тикланиш ўз-ўзидан содир бўлмайди, бунинг учун халқ дунёқарабини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш зарур. Бу биринчи навбатда маънавиятга боғлиқ. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз қолдирган маънавий меросни тиклаш ишлари бошланиб кетди. Хўш, маънавий мерос нима, унинг тикланиши нималарда намоён бўлмоқда?

Маънавий мерос қадимий замонлардан бери аجدодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар — сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Маънавий қадриятлар, бойликлар инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзга келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради, у ҳаёт ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади. Ҳар бир авлод маънавиятни янгидан яратмайди, маънавий меросга таянади, бироқ уни қандай бўлса шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилавермайди, тараққиётпарварлик, инсонпарварлик, адолат нуқтаи назаридан қабул қилади ва ривожлантиради.

#### **Маданий меросимизнинг тикланиши**

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган 1991 йилиёқ Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Бу тўйга республикада катта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг катта маданият байрамига айланди. Аввало, буюк шоирнинг йигирма жилдлик мукамал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Бундан ташқари «Лисон ут-тайр», «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳайрат-ул Аброр» сингари шоҳ асарлари алоҳида-алоҳида ҳолда бир неча минг нусхада босмадан чиқарилди. Бир неча илмий-оммабоп асарлар совға китоблар сифатида нашр қилинди.

Юбилей олдидан Алишер Навоийнинг буюк сиймоси ифода этилган сахна асарлари, кинофильмлар яратилди. Алишер Навоий номида Давлат мукофоти таъсис этилди. Пушкин номидаги Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. Шоир номи берилган Давлат адабиёт музейи янги экспонатлар билан бойи-



**Миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали.**

тилди. Гўзал Тошкентда улуғ бобомизнинг мухташам ва пурвиқор ҳайкали қўйилдики, у халқнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос бугунги кунда янгилаётган жамиятимизни маънавий юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1994 йилнинг ҳукумат қарори билан Улуғбек йили деб эълон қилиниши, унинг 600 йиллигининг Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши ҳам буюк аллома қолдирган илмий мероснинг умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган алломалар сифатида халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолди. Самарқанд, Бухоро ва Хива бутун инсоният учун зиёратгоҳга айланди.

Ўзбекистонда ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби улуғ шоир ва маърифатпарварлар кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Масалан, 1992 йил май ойида мамлакатимиз пойтахтида бошланган Машрабхонлик кунлари унинг ватани Наманганда кенг нишонланди. Ушбу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди.

Мустақиллик йилларида Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Файзулла Хўжаев ва бошқа жамоат арбоблари юбилейларини ўтказиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳам маънавий ҳаётдаги муҳим қадамлардир. Хусусан, шу даврда Бехбудийнинг «Падаркуш» асари, Фитратнинг «Қиёмат» қиссаси ва «Абулфайзхон» тарихий драмаси нашр қилинди. Чўлпоннинг айрим шеърлари «Гулистон» журналида, «Кеча ва кундуз» асари эса «Шарқ Юлдузи» журналида эълон қилинди. Кейинроқ улар алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Улуғ шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг адабий-бадиий мероси халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкидир. Унинг ҳар бир асари, ҳар бир шеъри одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоий адолат учун курашга, ноҳақликка нисбатан муросасизликка даъват этади. Чўлпоннинг

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир,  
Халқ қўзғалса, куч йўқдир, ким тўхтатсин,  
Қувват йўқ ким халқ истагин йўқ этсин

каби мисралари ўзлигини тиклаётган, чинакамига фуқаролик жамиятини қураётган халқимиз орзу-умидининг ифодасидир.

**Маънавият ва маърифат  
маркази**

Мамлакат маънавий ҳаётини янада яхшилашда 1994 йил 23 апрелда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил

этиш тўғрисидаги Президент Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Марказ қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди, у ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши қилиб ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш, жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини ошириш ва ҳоказолар белгиланди.

Маънавият маркази нисбатан қисқа вақт ичида турли социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юза-

сидан тавсиялар ишлаб чиқди. Жамоат бирлашмалари, илмий-ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, маънавий-маърифий масалаларга доир кўплаб тadbирлар, анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этиш йўлга қўйилди. Булар маданий-маърифий жараёни тезлаштириш, миллий маданият ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Хуллас, мустақилликка эришганимиздан кейингина мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг ҳурмати ўрнига қўйилди. Бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни, интилишларни Марказий Осиёдаги кўшнилариимиз, маданий халқаро ҳамжамият кўллаб-қувватлади.

Маънавий ва маърифий турмушимиз муаммоларини ҳал этишда бош ислоҳотчи — Давлат кўмакка келди. Мамлакат Президенти «Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий — давлатнинг ўзи», деди. Зотан, ҳар йили маънавий ва маърифий равнақ учун давлат жамғармасидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани мазкур тармоқ ташкилий-ижодий ишларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

#### Давлат тили ва маънавий тикланиш

Маънавий покланишда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши катта аҳамиятга эга бўлди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуни анча илгари — 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган эди. Бу Қонун халқимиз миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, маданий мероснинг тикланиши ва жамиятнинг маънавий янгиланишида муҳим роль ўйнади.

Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан кейинги йиллар мобайнида республикада катта ишлар қилинди. Ўзбек тилини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судларда, давлат нотариал идораларида кўллаш тўғрисидаги моддалар рўёбга чиқарилди. Халқ таълими, фан соҳаларида, оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб тарихий номлар тикланди, атамалар миллий тил асосларига мувофиқ янгилана бошлади.

Бу собитқадам йўл 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунда ва 1995 йил май ойида Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонунда янада мустаҳкамланди ва ривожлантирилди. Мазкур қонунлар ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомининг мустаҳкамланиши, мамлакатнинг ҳар тарафлама камол топиши ва жаҳон коммуникация тизимига кириши учун анча қулай шарт-шароит яратиб берди.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини узил-кесил жорий этишни 2005 йилгача босқичма-босқич амалга ошириб боришга қарор қилинди. Шунингдек, ҳаёт давлат тили ҳақидаги қонуннинг айрим қоидаларини қайта кўриб чиқишни, таҳрир қилишни талаб қиларди. Хусусан, 4-модда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг барча ходимларидан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун етарли даражада давлат тилини билишни тақозо этади. Амалиёт шунини кўрсатадики, бу талабни рус тилида ўқиган ва узоқ йиллар шу тилда касб-кор билан шуғулланган юзлаб ва минглаб кексайган малакали мутахассислар бажаришга қодир эмас эди. Уларга жамият равнақи йўлида хотиржам ишлаш ва ўз имкониятларидан лоақал пенсия ёшига етгунга қадар самарали фойдаланишлари учун имконият бериш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди. Ҳамма жойда Давлат тили ва янги алифбога ўтиш асосли ўқув-услубий негизни яратишни тақозо этарди. Педагогика олий ўқув юртлири ва университетларида ўзга тилда сўзлашувчилар ўқийдиган мактаблар учун ўзбек тили ўқитувчилари тайёрлаш бўйича махсус факультетлар ва бўлимлар очиш, илмий-услубий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, янги дарсликлар ва қўлланмаларни нашр этиш лозим эди. Халқимиз кўз қорачиғидек ардоқлаётган барқарорликни, фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1995 йил 22 декабрдаги сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

## Савол ва топшириқлар

1. Маънавий мерос нима? Уни тиклаш деганда нимани тушунасиз?
2. Маънавий қадриятларни тиклаш йўлида амалга оширилган тадбирлар ҳақида сўзланг.
3. Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг тузилиши ва унинг фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
4. Мустақиллик маънавиятга муносабатларингизни ўзгартирганлигини айтиб беринг.
5. Давлат тили тўғрисидаги Қонун ва унинг аҳамияти ҳақида гапиринг.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисидаги Қонунлар ва уларнинг аҳамиятини тушунтиринг.
7. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга нима учун ўзгартиришлар киритиш зарур бўлди?

### 40-§. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА АМИР ТЕМУР ОМИЛИ

**Амир Темур мероси —  
буюк қадрият**

Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишда шахсан Президент И. Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди. Соҳибқирон шахсини улуғлаш учун у бутун имкониятини ишга солди. Бунинг сабаби нимада? Буни Президент қуйидагича изоҳлайди:

**Биринчидан**, Амир Темур қадрияти мустамлакачилик йилларида онгу шууримиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларимизни қайта тиклаш, миллатни миллат, давлатни давлат қилиш учун керак. Соҳибқироннинг «Бизким мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи — туркнинг бош бўғинимиз», деган гаплари халқимизга миллий ўзлигини, буюк ва жаҳоншумул анъаналарга ворис эканлигини чуқур англашга хизмат қилади.

**Иккинчидан**, халқимизнинг миллий ғурурини, миллий онгини юксалтириш учун қарийб унутилган тарихимизни қайта тиклаш лозим. Амир Темур эса ана шу кўҳна тарихнинг буюк чўққисидир.

**Учинчидан**, Амир Темурнинг ҳурматини жойига қўйиш фарзандларимизни, келгуси авлодни улуғ аждодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга



ўргатиш, уларни ана шу буюк анъаналарнинг муносиб давомчилари қилиб тарбиялаш, миллий гурурини юксалтириш учун керак.

**Тўртинчидан**, Амир Темур қадрияти бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ғояни рўёбга чиқариш учун керак. Янги жамият, янги ҳаёт, янги тафаккур, қолаверса, бугун давлатчилик асосларини қайта тиклаётган бир пайтда Амир Темур ўзбек халқига тоғдай таянч бўлиб хизмат қилади, унинг олижаноб ишларига беқиёс сафарбарлик руҳи бахш этади.

**Бешинчидан**, Амир Темур қадрияти мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак.

Мамлакатимиз туманлари, хўжаликлари, сўлим кўчаларига бобокалонимиз Амир Темур номи берилди. Тошкент шаҳрининг марказида Амир Темур хиёбони бунёд этилди. 1993 йилда мазкур хиёбон ўртасида Соҳибқирон Амир Темурга суворий ҳайкал ўрнатилди. Амир Темур фаолиятига оид турли адабиётларни нашр этишга киришилди. «Темур тузуқлари» нашр этилди. «Амир Темур тузуқларини ўқисам, — деган эди Президент И. Каримов, — худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан».



Амир Темур ҳайкали.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, Президентнинг 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисидаги 1995 йил декабрдаги Фармони Амир Темур қадриятини тиклашда муҳим аҳамият касб этди.

1996 йилнинг 18 октябрь куни мамлакатимиз пойтахти қадимий Тошкентнинг қоқ марказида тонг сахарда Қуръон тиловати олис-олисларга таралди. Улуғ бобокалонимиз, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда Амир Темур ёди хотирасига атаб Шарқ миллий меъморчилигининг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими ана шундан бошланди. Минг-минглаб кишилар — тошкентликлар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар, хорижий элчихоналар ва ваколатхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлишди. Уламои киромларнинг фотиҳаси билан қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинди. Соҳибқирон руҳига дуои фотиҳалар қилинди. Бир неча минг кишилик дастурхонга ош тортилди. Мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Музей очилишига бағишланган тантанали митинг-ни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов очди. Президент Ислон Каримов йиғилганлар олдида нутқ сўзлаб, «Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланганини, истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бораётганини таъкидлади ва ўз фикрини давом эттириб, «Буюк шахсларни тарих яратади», дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суроли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади», — деди.

Темурийлар тарихи давлат музейи бор-йўғи олти ой мобайнида бунёд этилган, меъморий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб, муҳташам иншоотдир. Бу аввало, бобокалонимизнинг шаъну шавкатига, дунёвий обрўэтибори ва даҳолигига муносиб бўлса, иккинчи томондан, темурийлар бугунги авлодининг бунёдкорлик қудратидан, нозик диди, беқиёс истеъдод ва хаёлотининг чексизлигидан далолат беради. Иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил эта-



Темурийлар тарихи давлат музейи.

ди. Музей қурилишида бутун мамлакат мутахассислари иштирок этдилар. Тошкентлик кўли гул қурувчилар, чиннисозлик ва керамика, «Миконд» корхоналарининг моҳир хунармандлари, «Уста» бирлашмаси, Югославиянинг «Горевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоалари бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар. Олис-олислардан ярқираб товланадиган, улугворлиги ва нафислиги билан кишини ҳайрату ҳаяжонга соладиган нилий гумбаз эса Тошкент авиасозлик давлат ҳиссдорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланди.

Соҳибқирон юбилейига тайёргарлик жараёнида самарқандликлар ўнлаб тарихий обидаларни, осори-атиқаларни таъмирладилар, уларни қайта тикладилар, мумтоз бобомиз номи билан боғлиқ қадамжоларни обод этдилар. Янги иншоотлар қурилди, боғлар барпо қилинди. Шаҳар марказидаги кўркам Амир Темур майдони қурилди. Майдон Самарқанд сайқалига сайқал қўшди. Амир Темур юбилейи кунлари — 1996 йил 18 октябрда давлатимиз раҳбари ана шу майдонда қад кўтарган Соҳибқироннинг ҳайкалини тантанали равишда очди. Йиғилганлар кўз ўнгида ҳамиша музаффар ва ғолиб Амир Темурнинг салобат ва улугворлик билан тахтда ўтирган сиймоси гавдаланди. Қалбларни ларзага келтирадиган ҳаяжонли вазиятда Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги байрами арафасида шаҳар аҳлининг хайрли хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Тантаналар пайтида Президентимиз Самарқанд шаҳрига биринчи рақамли «Амир Темур» орденини топширди.

**Соҳибқирон юртидаги  
тантаналар**

Қашқадарё воҳасида, хусусан Шаҳрисабз — қадимий Кеш шаҳрида тарихий воқеалар юз берди. Бу мўътабар тупроқ бобокалонимизга бешик бўл-

ган, уни вояга етказган ота макон. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан озод қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу юртдан бошланган. Ҳазрати Темур ўз олдига улугвор мақсадларни қўйганида, аввало, ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган.

Ўзбекистон Президенти 1996 йил 18 октябрь куни Шаҳрисабзга ҳам ташриф буюрди. Қадимий Оқсарой ҳовлисига уланиб кетган улкан майдон байрамона безатилган. Ватанимиз мадҳиясининг тантанавор оҳанглари остида Ислом Каримов рамзий лентани қирқиб, машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган Соҳибқирон Амир Темур ҳайкатини очди. Майдонда йиғилган жамоат олдида Шаҳрисабз шаҳри байроғига «Амир Темур» орденини қадаб қўйди ва нутқ сўзлади. «Улуг зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «илму адаб куббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуг тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввало бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз», — деб таъкидлади Президент. Бу сўзлар халқимизнинг эзгу туйғуларини ўзида мужассам этади.

**Соҳибқирон рўҳининг дунё  
узра эъзозланиши**

ЮНЕСКО қарори билан Соҳибқирон юбилеи жаҳон миқёсида нишонланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган

тадбирлар дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатада ўтказилди. Туркия, Эрон, Қирғизистонда Конрад Аденауэр ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида илмий анжуманлар бўлиб ўтди.

ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида 1996 йил апрел ойида Парижда Амир Темур ҳазратлари таваллудининг

660 йиллигига бағишланган маданият ҳафталиги бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислом Каримов ва ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майор жанобларининг саъй-ҳаракатлари туфайли амалга оширилган бу маданият ҳафталиги мамлакатимизни Амир Темур сиймосида, у ҳомийлик қилган маданий, маънавий мерос орқали яна бир қарра дунёга танитди.

ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида халқаро конференция ва кўргазма уюштирилди. Ўзбек санъат усталари Париждаги «Одсон» театри ва ЮНЕСКО қароргоҳида катта концерт дастурларини намойиш этишди. Париж ва ЮНЕСКО доирасида бутун дунё уни беқиёс завқу шавқ, олқишлар билан кутиб олди.

«Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуидаги кўргазмага қўйилган экспонатлар томошабинларга ўзбек халқи ижоди, маданий ва маънавий мероси, тасвирий санъати намуналари билан танишиш имконини берди.

Ислом Каримов кўргазманинг очилиши маросимида сўзлаган нутқида Европа ва Осиё давлатлари ўрта асрлардаёқ ўзини ягона жўғрофий-сиёсий маконга тааллуқли эканлигини англаганини Амир Темурнинг тарихий хизмати сифатида баҳолади. «Ушбу маданият ҳафталигининг очилиши Амир Темурнинг ўша хизматларига дунё халқлари эҳтироми деб бемалол айтиш мумкин», — деди Президент.

Орадан олти асрдан кўп вақт ўтганига қарамай, Амир Темур ғоялари ҳамон долзарблигича, ҳаётийлигича қолмоқда. Қолаверса, бу ғоялар бугунги дунё мамлакатлари ялпи интеграцияга эҳтиёж сезаётган бир пайтда ЮНЕСКОнинг ҳам энг олижаноб мақсадларидан биридир. Темур ва темурийлар даврида гуллаб-яшнаган маданият, маърифат, қарор топган маънавий қадриятлар ҳалигача дунёни бир бутун ҳолда тасаввур этиш, инсонлар ўртасидаги тенглик, биродарликка хизмат қилиб келмоқда.

Бу кўргазма очилишига дастурда белгиланмаган ҳолда шахсий қизиқиши ва ўзбек маданиятига ҳурмат-эҳтироми туфайли Франция Президенти Жак Ширак

рафикаси билан ташриф буюрди. Бу ўзбек халқининг беқиёс дунёвий нуфузидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур ма-росимда ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Феде-рико Майорга Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги беқиёс хиз-матлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дасту-рини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республика-сининг олий мукофоти — «Дўстлик» ордени билан му-кофотланганини эълон қилди ва таъна қилди. Франция-лик машҳур олим, Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йиллари тарихининг зукко билимдони, Ўзбекистон ва Франция маданиятларини ўзаро яқинлаштириш иши-нинг жонқуяри Д. Керэн жаноблари Ўзбекистон Рес-публикасининг «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Уша тантанали кунларда Ўзбекистон Президенти билан Франция Президенти ўртасида учрашув ва суҳ-бат бўлиб ўтди. Учрашув чоғида Франция Президенти Жак Ширак Ўзбекистон Президенти И. Каримовга Амир Темурнинг 1402 йили Француз қироли Карл VI га йўллаган мактубини совға қилди. Бу Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар ҳақиқий эканлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

1996 йил 24 октябрь кунини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий конференция Амир Темур тавал-лудига бағишланган юбилей тадбирларига яқун ясади.

### Савол ва топшириқлар

1. Амир Темур хотирасини тиклашнинг тарихий аҳамияти ва зару-рияси нимада?
2. Амир Темур юбилейини нишонлаш тўғрисида қандай ҳужжатлар эълон қилинди?
3. Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали биринчи бўлиб қаерда ва қачон ўрнатилди.
4. Темурийлар тарихи давлат музейининг бунёд этилиши, очилиши ва аҳамияти ҳақида сўзланг.
5. Самарқандда Амир Темур юбилейига қандай тайёргарлик кўрилди ва қандай нишонланди?
6. Шаҳрисабзда Амир Темур юбилейига қандай тайёргарлик кўрил-ди ва қандай нишонланди?
7. Қандай шаҳарлар «Амир Темур» ордени билан мукофотланди?
8. Соҳибқирон юбилейи дунёда қандай нишонланди?
9. Парижда ЮНЕСКО раҳбарлигида ўтказилган тантаналар ҳақида сўзланг.

## 41-§. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР, ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

### «Наврўз»нинг тикланиши

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий урф-одатлари, маросим ва байрамлари ташкил қилади. Шу боис мустақиллик йилларида халқнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Халқимизнинг азалий қадрияти, севимли байрами ҳисобланмиш «Наврўз» байрамининг халқимизга қайтариб берилиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди. Президент Фармонига кўра Ўзбекистонда «Наврўз» ҳар йили 21 март умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Эл ардоқлаган, авлоддан-авлодга ўтиб келган азалий анъана яна ҳаётдан мустаҳкам жой олди. Ушбу шодиёна — Наврўз кунларида қадимда, ҳатто, урушлар ҳам тўхтатилган, эл-юрт осойишта ҳаёт кечирган. Наврўз гўзаллик ва яхшилик, меҳр-оқибат, мурувват байрами сифатида қадрланган. Бу қадимий байрамни халқимиз ниҳоятда орзиқиб ку-



Наврўз тантаналарида.

тишининг яна бир боиси шундаки, Наврўз ризқ-рўзимиз бўлмиш деҳқон йилининг бошланиши ҳамдир. Қадимий халқ байрами — Наврўзнинг тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олди.

Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши қўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари миллий тикланишнинг қудратли омили бўлди.

#### **Ҳайитларнинг тикланиши**

Маънавий ҳаётдаги диний байрамлар, ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очилгани ҳам маънавий покланишнинг муҳим кўринишидир. Маънавий ҳаётда ислом динининг алоҳида ўрни бор. Бу илоҳий таълимот оламни англаш, дунёвий тафаккур, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни идрок этиш борасида беқийёс аҳамиятга эга. Бутун жаҳон аҳли диққатини тортган бой ва ранг-баранг маданий-маънавий меросимиз икки қудратли тўлқин — дунёвий илмлар ва диний-фалсафий тафаккурга таянади. Шу боис ҳам бу ўлмас қадриятлар бугунги янги давлатчилигимиз қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатда Ислом дини омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида Президент И. Каримовнинг 1992 йил 7 мартдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди.

1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кўни деб эълон қилиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Фармонда жумладан, шундай дейилади: «Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам — Рўза ҳайитининг биринчи кўни дам олиш кўни деб тайинлансин». 1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда рўза ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда.



**Дин ва давлат ўртасидаги  
муносабатлар**

Агар биз босиб ўтилган истиқлол йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, озодликнинг илк онларидан бошлабоқ динга муносабат,

давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон дунёвий давлат, бинобарин, мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган. Аммо республикамиз раҳбарияти бу масалага оқилона ёндашиб, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан ажратилмаганини, хусусан, Ўзбекистон сингари қадимий ва барқарор диний анъаналарга эга мамлакатда бу борада ғоят эҳтиёткорлик билан сиёсат юритиш лозимлигини ўз вақтида тўғри англаб етди. Бу Президентнинг қуйидаги фикрларида ўз ифодасини топди: «Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканини таъкидлаб, одам боласини хушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз, диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади. Айти замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмақчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият таллашиб юришлар худога ҳам ёқмайди. Ислоҳ дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир деб таллашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин, кимнинг фазилати қанча, кимнинг гувоҳи қанча эканини Яратганининг ўзи ажрим қилиб беради».

Қачонки киши ўзлигини англамаса, ўз виждони билан юзма-юз турмаса, иймон ва эътиқод олдида ҳисоб бермаса, қўшниси, маҳалласи, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этмаса, бундай одам инсонлик шарафига муносиб бўлмайди.

Президент Каримов сиёсий вазият ниҳоятда қалтис ва нозик бир пайтда, юқорида эслатилгандек, оташин нутқ ва маърузалари билан одамларнинг нозик туйғу-

ларига таъсир этди, уларни узоқ йиллик қарахтлик ва гафлатдан уйғотди, фикрлашга, ўз тақдири ва фарзандлари истиқболи ҳақида қайғуришга даъват этди. Бу билан у, биринчидан, мамлакат аҳолисининг руҳий-маънавий покланишига имкон яратди. Иккинчидан, мамлакатдаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликка ўзига хос замин яратди.

Кремлнинг асабий жазаваларига қарамай, юртимиз ҳали советлар исканжасида турган оғир кунларда Президентимиз халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб, унутилмас бир тарихий фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон халқи ўз тарихида биринчи марта бевоҳита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришди. Биргина 1998 йилнинг ўзида 4 мингга яқин фуқаролар Макка мунаввара ва Мадинаи мукаррамага сафар қилдилар.

Президент Ислом Каримов 1992 йили Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ас-Сауд тақлифига биноан ушбу мамлакатда бўлди. Подшоҳ олий мартабали меҳмонни катта обрў ва иззат-икром билан кутиб олди ҳамда кисво — муборак Каъба узра ёпилган ёпинчикни ҳадя этди. Албатта, бу қутлуғ ҳадя диёримиз мусулмонларининг ислом тараққиётига қўшган оламшумул ҳиссалари, айти вақтда Президентимизнинг юртимизда исломий арконларни тиклаш борасида амалга ошираётган улкан хизматлари учун ўзига хос бир эҳтиром рамзи эди. Бундай табарруқ совға жуда камдан-кам одамларгагина насиб этади. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари бу муқаддас каъбапўшни мамлакатимиздагина эмас, балки бутун мусулмон дунёсида машҳур қадамжо — зиёратгоҳ ҳисобланувчи Муҳаммад Исмоил Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги масжид-мақбарасига тортиқ қилди. Бунинг теран тарихий-рамзий маъноси бор.

Ислом оламининг забардаст алломалари — ватандошларимиз имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги кенг қўламла нишонланиши юртимизда паймон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далил бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одат-

ларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқаролар учун виждон эркинлигини кафолатлайди. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Айни чоқда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди деб ёзилган. Бироқ кейинги йилларда бу талаблар ҳамма жойда ҳам бирдай бажарилмаган ҳоллар юз берди. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, оила аъзолари атрофдагиларга ва ўз яқинларига тазйиқ кўрсатиб, масжидга боришга, диний расм-русумларни бажаришга мажбур қилаётган мисоллар учрай бошлади.

Бундай ҳаракатларнинг ташаббускорлари «ваҳҳобийчилик» деб аталмиш диний оқим вакиллари эди. Бу оқимга мансуб кишилар кўпинча ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари билан жамиятдаги ишларнинг аҳволига таъсир кўрсатишга интилдилар. Ўз моҳиятига кўра «ваҳҳобийчилик» ислом ақидапарастлигининг ошқора ифодаси бўлиб, унда диний фанатизм ва экстремизмнинг барча унсурлари мавжуддир. Бундай унсурлар эса турли диний эътиқодга амал қилувчи фуқаролар ўртасидаги ва умуман жамиятдаги муносабатларни кескинлаштиришга қаратилгандир.

Мамлакатимизда «ваҳҳобийчилар» ўз ғаразли мақсадларини кўзлаб ҳокимиятнинг қонуний фаолият кўрсатаётган органлари ва мансабдор шахсларга зуғум ўтказган, сал бўлмаса давлатга қарши яширин фаолиятни ташкил этишга уринган ҳоллар ҳам маълум бўлиб қолди. Албатта, улар ўз жиноий хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб бердилар.

Шу муносабат билан жамиятимизда ҳар бир кишининг виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқини таъминлаш, динга муносабатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг тенглигини таъминлаш ишида ҳанузгача баъзи бир камчиликлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Олий Мажлиси 1998 йил апрель ойида бўлиб ўтган сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилди. Бу қонун замон талабларига мос бўлиб, фуқароларнинг динга монеликсиз эътиқод қилиш, диний урф-одатларни ижро этиш ҳуқуқини ка-

фолатлайди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлайди, диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солиб туради, салбий ҳолатларга мустаҳкам тўсиқ яратиш имконини беради.

Мустақиллик шарофати билан «Ислом нури» ҳафтаномаси дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, имом Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп қилинди. Куръони Карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бу муқаддас китоб юртимизда илк бор Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва уч марта, жами 300 минг нусхада босмадан чиқарилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шаърий илмларга доир кўпгина асарлар она тилимизга ўтирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Маъмур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий қадриятларимизни ва ҳақиқий ислом таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори-атиқалар тарихини ўрганиш, нодир қўлёзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборатдир. Мамлакат телевидениеси орқали берилаётган «Маърифатнома» кўрсатуви халқнинг маънавиятини юксалтиришда, диний маърифатини ўстиришда катта аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон мусулмонлари эркинлик ва имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Президент Ислом Каримовнинг маънавий ва руҳий покланиш, юксак инсоний баркамоллик соҳасида амалга ошираётган ишларининг миқёси фақат шулар билан чекланмайди. У мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат аҳолиси маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақиға қанчалик кенг йўл очиб берган бўлса, советлар тузуми даврида юртимизнинг хорижий ислом мамлакатлари билан бутунлай узилиб қолган алоқаларини бутунлай янгитдан ташкил этди. Бу алоқалар ўзаро иқтисодий ва маданий муносабатларни чуқурлаштириш асосида минтақавий

барқарорликни, дини ва дили бир-бирига яқин бўлган халқлар ўртасида манфаатли ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ислом Каримовнинг Туркия, Эрон, Малайзия, Индонезия, Покистон, Миср сингари мамлакатларда бўлиши Ўзбекистон мусулмонлари ҳаётида ўчмас из қолдирди.

**Кўп миллатли мамлакатда  
дин ва эътиқод эркинлиги**

Кўп миллатли мамлакатда динга муносабатнинг ўзига хос томонлари бор. Аҳолининг турли табақаларини умумий мақсадларни амалга оширишга сафарбар этиш, ақидапарастликни авж олтирмаслик, жамият аъзолари ўртасида ягона замин, ягона макон тақдирига жавобгарлик ҳиссини кучайтиришда миллатлараро муносабатларни барқарор сақлаш ва ривожлантиришда дин омили муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, баптистлар, яҳудийлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, криштаитлар, буддистлар, пятидесятниклар, Иегова худоси шоҳидлари сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафкураси, тартиб-қоидалари, муайян диний қавмнинг ҳаёт тарзи ва дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Ана шундай хилма-хилликдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга», деган қоида киритилган (31-модда). Бу Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсий йўлнинг қонуний асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори қошида диний-маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йил ноябрь ойида Епархиянинг 125 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги мурожаатини қўллаб-қувватлади ва бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилди. Қарорда Тошкент шаҳридаги Свято-Успенский собори ҳудудини кенгайтириш учун икки гектар ер, уни ободонлаштиришга бюджет маблағлари ажратилиши таъкидланди.

130 га яқин миллат ва элат истиқомат қилаётган, аҳолисининг руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ранг-баранг бўлган Ўзбекистондай мамлакатда тили, миллати,

ирқи, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонни улуғлаш давлат сиёсатининг бош йўналишидир.

Шундай қилиб истиқлол йилларида мамлакатда юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу эса Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган маданий-маърифий сиёсатнинг олижаноб моҳиятидан далолат беради.

### Савол ва топшириқлар

1. «Наврўз» байрами, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиринг.
2. Диний қадриятларимизга берилаётган эътибор ва уларнинг қадрланаётганлигини тапириг.
3. Қайси диний байрамлар тикланди?
4. Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилинг.
5. Истиқлол туфайли диний маърифат ва маънавият қайтадан тикланиши ва унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини кўрсатинг.
6. Мустақил Ўзбекистоннинг Ислоҳ мамлакатлари билан алоқалари ҳақида нималар биласиз?
7. Кўп миллатли юртимизда дин ва эътиқод эркинлиги қандай йўлга қўйилган.

## 42-§. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

**Миллий истиқлол  
мафкураси. Эҳтиёжнинг  
туғилиши**

Мустақиллик шароитида жамиятда юз бераётган демократик жараёнлар, ҳурфикрилиққа интилиш одамлардан ҳодисаларга янгича

тафаккур билан қарашни тақозо қиларди.

Халқни янги йўлдан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу-мақсадларини бир йўналишга буриш, кучларни уйғунлаштириш учун мафкура зарур эди. Негаки, 80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида одамлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати олдида бирмунча гангиб қолишди. Турли сафсаталар, хатти-ҳаракатлар, «ғоявий» курашлар, «хонаки» ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Бир маромдаги турмуш ва бир қолипдаги фикрлаш тарзи бузилиб, саросималик, тўқнашувлар ва парокандалик кайфиятлари кучая борди. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфаатларига мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, бунинг учун эса мафкуравий яққаҳоқимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақалари қатламларини, талаб-эҳтиёжларини, маънавий-руҳий чан-

қоқлигини қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш зарур эди.

Масаланинг яна бошқа бир томони ҳам бор эди. Бу бевосита узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган ғоя ва ақидалардан халос бўлиш, унинг бир ёқлама, ҳавойи, баландпарвоз даъватларидан воз кечиш каби оғир, вақт талаб этадиган жараён билан боғлиқ. Энди тафаккур тарзи ва қарашларни тубдан ўзгартириш учун энг аввало, ўша даврнинг бош мафкурачиси собиқ коммунистик партия ғояларидан воз кечиш, қолаверса, бутунлай янги, замон талаблари ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган мафкурани ишга солиш лозим эди.

Шу боис республика мафкуравий ақидаларга ва бир қолипдаги сафсатабозликка бўйсунадиган, инсон, халқ, жамият манфаатларига путур етказётган сиёсий, мафкуравий ва давлат тузилмаларидан дадил воз кечила бошланди. Ижтимоий адолатни, хавфсизлик, ижтимоий муҳофазани, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш томон йўл тугилди.

**Миллий истиқлол  
мафкурасининг  
вазифалари**

1991 йил 31 августда қўлга киритилган тарихий воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг аҳамияти ва моҳиятини мафкуравий воситалар орқали халқнинг онгига етказишда,

уларни истиқлолни мустаҳкамлаш учун фидойилик билан меҳнат қилишга сафарбар қилишда сусткашлик ҳоллари кўрина бошлади. Ана шундай шароитда Ўзбекистон Мустақиллигининг ташаббускори ва ташкилотчиси Президент И. А. Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан холи бўлиш зарурлигини, шу асосда миллий истиқлол мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйди. 1992 йил 2 июлда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида қилган маърузасида Президент бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган ижтимоий оғн, ижтимоий руҳият масаласига катта эътибор берди. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг янги даври кишиларда янги тафаккур ва дунёқарашни шаклланти-

ришни талаб қилаётганлигини таъкидлади. «Бугунги кунда халқни яқдил қиладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичйда энг улуғи, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!», — деб мурожаат қилган эди И. Каримов сессия қатнашчиларига.

**Миллий истиқлол  
мафкурасини яратишнинг  
асосий тамойиллари**

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 1992 йилда нашр этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари миллий истиқлол мафкураси учун

назарий асос, маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб аталган бобида илгари сурилган умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш; инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши; ватанпарварлик тамойиллари истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи қоидалардир.

Мустақилликка эришилгандан кейинги ўтган икки йиллик тажриба республикаimizдаги барча фуқароларни, уларни миллати, сиёсий ва ғоявий қарашларидан, диний эътиқодларидан қатъи назар, истиқлолни мустақамлашга чорловчи ғоялар мажмуасидан иборат ўзига хос миллий мафкура яратиш зарурлигини кўрсатди. Шу сабабли Президент Ислоҳ Каримов 1993 йилнинг 23 апрелида бир гуруҳ адиблар билан бўлган учрашувда ана шундай мафкура яратиш зарурлигини таъкидлади. 1993 йил 6 майда мамлакат Олий Кенгашининг XII сессиясида қилган маърузасида Президент мафкурасиз, аниқ йўналишга эга бўлган ғояларсиз тараққиёт бўлмаслигини таъкидлаб: «олдимизда турган энг муҳим масала — бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир», — деди.

Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш (1993 йил 7 декабрь)да мамлакат Президенти И. Каримов нутқ сўзлаб, миллий мафкурани миллий эҳтиёж даражасига кутариш зарурлигини таъкидлади. Барчанинг диққат-эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратди ва «Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақ-



садларга эришини, ўз олдимиздаги қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади. Миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий дастурни йўлга қўймоқ керак», — деган фикрни илгари сурди.

Президентнинг бу кўрсатмаси асосида Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида, олий ўқув юргларида, ижодкор зиёлилар уюшмаларида, жамоат ташкилотларида семинарлар, йиғилишлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида концепциялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бу борада ўз қарашларини ишлаб чиқди ва уни Ўзбекистонда Ижтимоий Фанлар журналида эълон қилди.

**Миллий истиқлол  
мафкураси —  
жамиятимизнинг  
тараққиёт дастури**

Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий, бадиий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч,

этиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

— халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос ғоялар асосида одамлар онгига келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдириш;

— миллий истиқлол мафкураси орқали халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида, илғор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш ҳиссини тарбиялаш;

— соғлом, маънавий бой, комил авлодни шакллантириш.

Миллий истиқлол мафкурасининг негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, байналмилаллик каби хусусиятлар ташкил этади.

Демак, миллий истиқлол мафкураси ўз моҳияти ва негизларига кўра мустақилликни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз барча имкониятларини буюк мақсад сари йўналтиришга қаратилган.

## Савол ва топшириқлар

1. Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ҳаётий зарурият эканлигини исботланг.
2. Миллий истиқлол мафкурасининг вазифалари нимада деб ўйлайсиз?
3. Юртбошимиз асарларида Миллий истиқлол мафкурасининг назарий заминлари яратилганлигини кўрсатинг.
4. Миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини тушунтиринг.
5. Миллий истиқлол мафкураси қандай тамойилларга асосланади.

### 43—44 - §§. ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Таълим соҳасидаги  
ислоҳот зарурлиги

Ўзбекистон тараққиётида таълим устивор соҳа ҳисобланади. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун таълим-

нинг барча йўналишларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун имконият яратди.

Таълим ислоҳоти ва унинг истиқболларини белгилашда қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинди:

— таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;

— таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

— таълимда умуминсоний ва миллий маданий-маънавий кадриятларнинг устиворлиги;

— миллати, этниқоди, динидан қатъи назар барча фуқаролар учун таълим олиш имконияти яратилганлиги;

— таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан холилиги.

Таълим ислоҳотида асосий эътибор таълим-тарбиянинг миллий заминини мустаҳкамлашга, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, унинг моддий-техника базасини замон талабларига мослаштиришга, таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга қаратилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизими яратилди. У мактабгача тарбия, умум таълим мактабидан ташқари таълим, хунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълим, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш тармоқларини ўз ичига олди.

Аввало, мактабгача тарбия тизимида туб ўзгартиришлар қилинди. «Мактабгача тарбия концепцияси», «Соғлом авлод учун» дастури, «Олти ёшли болаларни саводга ўргатиш концепцияси ва дастури» мактабгача тарбия муассасалари ишини такомиллаштирди. Янги типдаги мактабгача тарбия муассасалари вужудга келди. «Хонадон боғчаси», «Мактаб боғчаси» шулар жумласидандир. 1997 йилда мамлакатда фаолият кўрсатган турли хилдаги мактабгача тарбия муассасаларида 1 миллиондан ортиқ ўғил-қизларга 110 мингга яқин педагог ходимлар тарбия берди. Уларда кичкинтойлар саводини чиқаришга, уларга хорижий тилларни, миллий хунармандчиликни, компьютер илмини ўргатишга, миллий қадриятларга асосланган тарбия беришга эътибор кучайди.

Умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш, таълим-тарбия сифатини оширишга катта эътибор берилди. 1993 йилда 8745 та мактабда 4,6 миллиондан ортиқроқ ўқувчи таълим олган бўлса, 1997/98 ўқув йилида 9578 мактабда 5 миллион 317 минг бола ўқиди. 1996/97 ўқув йилидан бошлаб 1-синфларда ўқиш лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида олиб борилди.

#### Янги дастурлар ва дарсликлар

Янги ўқув дастурлари ва дарсликларини ишлаб чиқиш таълим сифатини оширишда ягона мезон бўлди. Мамлакатда айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар тармоғи тез ривожланди. Масалан, 1991 йилда турли фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар сони 799 тани ташкил этган бўлса, уларнинг сони 1998 йилда 9143 тага етди. Янги турдаги ўқув масканлари вужудга келди. Масалан, ҳозирги пайтда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 185 та гимназия, 292 та лицей фаолият кўрсатяпти. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб академик-лицейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил этилмоқда. Таълим муассасаларининг ўқув режалари, таълим шакллари ва усулларини ишлаб чиқишда эркинликка эга бўлганликлари принцип жиҳатдан янгиликдир. Уларда «Иқтисод алифбоси», «Иқтисодий билим асослари», «Инсон ҳуқуқлари», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Маънавият ва маърифат асослари» каби фанлар ўқитиладиган бўлди.

Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашга эътибор кучайди. Биргина 1998/99 ўқув йили учун 77 номда 22 миллион нусхадан

ортиқ дарсликлар чоп этилди. Мактабларни компьютерлаштириш анча яхшиланди.

Ўқувчилар билимини синашда анъанавий усуллар билан бирга тест синовларидан ўтказиш тизими кенгроқ қўллана бошлади.

Минтақавий ва республика миқёсида ўқувчиларнинг фанлар бўйича олимпиадалари мунтазам ўтказиладиган бўлди. Олимпиада ғолиблари ихтисослиги мос келадиган олий ўқув юртларига тест имтиҳонларисиз қабул қилинадиган бўлди.

Олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган лицей ва коллежларнинг янги тизими қисқа муддатларда юқори малакали ўрта бўғин мутахассисларини, аynи вақтда шу йўналишдаги олий ўқув юртларига кириш учун абитуриентлар тайёрлаш имконини бера бошлади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хунар таълими ҳам ислоҳ қилинди. Уларда 260 дан ортиқ ишчи касби бўйича ёшларга таълим берилди. 1995—1996 йилларда 140 та хунар лицейи, 18 та миллий хунармандчилик лицейи, 50 та бизнес мактаблари ташкил этилди. Уларда кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун кичик мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳар бир вилоят ва туманларда тадбиркорлик ўқув юртлари, касб лицейлари, бизнес мактаблари, кичик ва ўрта бизнес, фермерлик хўжаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун коллежлар очилди.

Шўро ҳукумати миллий кадрлар тайёрлаш масаласида риёкорона сиёсат олиб борарди. Энг нуфузли, жаҳон мезонларига жавоб берадиган мутахассислар етиштирадиган ўқув муассасалари аксарият Марказда — Россияда жойлашган бўлиб, иттифоқдош республикалар, хусусан Ўрта Осиё минтақасидан бу даргоҳларга санокли вакилларгина қабул қилинар, бундай имконият чегараланган эди. Ва натижада миллий республикаларда ноёб ихтисосга эга мутахассислар етишмайди, деган муаммо сунъий равишда вужудга келтирилиб, бу юртларга минг-минглаб «ўз одамлари» жўнатилар эди.

Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Бир қатор ўқув юртларининг мақоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай ўзгартирилди. Энг замонавий, шу пайтгача бўлмаган муҳим ихтисосликлар бўйича алоҳида олий ўқув юртлари, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги

қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ-кончилик институти каби ўнлаб янги ўқув муассасалари ташкил этилди. 1997 йилда 59 та олий ва 258 та ўрта махсус ўқув юртлари фаолият кўрсатди. Уларда 360 мингдан ортиқ талаба 276 мутахассислик бўйича олий, 170 мутахассис бўйича ўрта махсус таълим олдилар.

#### **Янги университетлар**

Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Президент И. Каримовнинг 1992 йил 28 февраль Фармони билан 8 та вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. Бу республика ҳукуматининг изчил маданий-маърифий сиёсатининг яна бир далили бўлди. Вилоятларда университет таълимини ташкил этиш бу соҳада кўплаб ютуқларга эришишга олиб келди.

**Биринчидан**, бу жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон тарихий-жўғрофий жиҳатдан хилма-хил шароит ва иқлимга эга бўлган мамлакат. Бунинг устига, турли ҳудуд халқлари умумий тарихга эга бўлгани билан руҳияти, яшаш тарзи, воқеликка муносабати, уни идрок этиш жиҳатидан озми-кўпми фарқланади. Университетлар ташкил этилганда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинди.

**Учинчидан**, вилоят университетларининг ташкил этилиши ҳаёт билан илмнинг, назария билан амалиётнинг яқинлашувига катта ёрдам берди. Ҳозирги кунда илму фан соҳасида ҳам рақобат муҳити ҳаётий зарурат бўлиб қолди, бусиз эса тараққиёт бўлмайди. Илм-фандаги рақобат янги-янги фикр ва ғояларга туртки беради, киши дунёқарашини кенгайтиради. Қайси университет ўз ихтиролари, илмий хулоса ва ишланмалари билан ном чиқарса, ўша университетнинг нуфуз ва эътибори оша боради.

**Тўртинчидан**, вилоятларнинг келажак тараққиёти ана шу ҳудудлардаги олий таълим марказлари билан бевосита боғлиқ. Вилоятларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун янги соҳаларни эгаллаш, янги ихтисосликларни ташкил этиш, зарур кадрларни шу жойларда тайёрлаш имконияти туғилди. Олдиндан марказда ўқиган кадрларни вилоятга юбориш масаласи анча-мунча

муаммо эди. Вилоятларда университетлар ташкил этилиши билан бу муаммонинг ҳам ечими топилди.

**Бешинчидан**, вилоятлардаги университетлар воситасида дунёнинг энг илғор, машҳур ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида дунё тажрибасини ҳаётга тезроқ олиб кириш, фан ва техникани янги ўзанга буриш, шу асосда мамлакат тараққиётини жадаллаштириш имконини берди.

Албатта, биргина олий ва ўрта махсус ўқув юртлари сонини ошириш, уларда янги мутахассисликлар очиш билан замонавий мутахассислар тайёрлаб бўлмайди. Бунинг учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалар қабули янги тартибининг жорий қилиш талаб қилинади. Шу мақсадда жаҳоннинг илғор университетлари тажрибаларини қўллашга киришилди. Масалан, кейинги йилларда АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Германия ва бошқа мамлакатлардаги олий ўқув юртлари иши ўрганилди. Натижада олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишнинг бутунлай янги тизими вужудга келди. Шу мақсадда республикада давлат комиссияси тузилиб, олий ўқув юртларига қабул қилишда тест синиви ўтказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари икки поғонали ўқиш тизимига ўтилгани ҳам олий таълимни ҳозирги замон шароитида янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирдир. Масалан, бакалаврлик даражасини олиш учун 4 йил, магистрлик даражасини олиш учун 6 йил ўқиш талаб қилинади. 1993 йилда Ўзбекистон шароитида шундай янги тизим учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Низом ва Дастурлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш учун республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Олий таълим ислоҳоти» Дастурини ишлаб чиқди. Ушбу Дастурнинг муҳим қондаси олий таълимни гуманитарлаштиришдан иборат эди. Жумладан, ушбу Дастурга «гуманитар таълим бериш ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ажралмас қисмидир ва у ўзбек халқининг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, умуминсоний қадриятларга содиқлик, фуқаролик ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, ўзбек халқи миллий руҳининг асоси бўлмиш инсонпарварликни тарбиялашга асосланади», — деб алоҳида қайд қилинди.

Таълимни гуманитарлаштириш, уни партиявий мафкурадан холи қилиш борасидаги муҳим қондалар-

дан бири юрт тарихини ўрганишга катта эътибор берилиши бўлди. Бу борадаги муҳим амалий қадам шунда эдики, олий ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари тарихи кафедралари ташкил этилди. Мактабларда Ўзбекистон тарихи ўқитила бошланди.

Тарихий билимлар ёшларни кўп нарсага онгли равишда қарашга ундади. Уларнинг ҳар бири қалбида Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини шакллантира бошлади. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёшларда Ватанга меҳр ҳиссини тарбиялашда, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда Ўзбекистон Мадҳияси ва Конституцияси (Асосий Қонуни)ни халқ таълими тизимида ўрганиш ҳам, шу мавзуларга бағишлаб махсус мураббийлик соатларининг ўтказилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўла бошлади. Шу билан бирга «мустақиллик кунлари»нинг байрам қилиниши аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

1992 йил 22 августда «Ўзбекистон ўқув юртларида ҳар йили 1 сентябрда «Мустақиллик куни»ни ўтказиш тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинди. Президент Фармони асосида Ўзбекистондаги умумтаълим мактаблари ва ўқув юртлари 1 сентябрда Мустақиллик кунини кенг нишонлаши анъанага айланди.

Ёшларда ахлоқий баркамолликни тарбиялаш мақсадида мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда, ўқув юртларида, махсус «Одобнома» курсини ўқиш жорий этилди.

Иқтидорли талабаларни хорижда ўқитиш ишлари йўлга қўйилди. Республиканинг халқаро алоқалари кенгайтиши натижасида ўқувчиларга ҳукуматлараро битимлар бўйича хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида билим олиш имконияти яратилди.

Ҳар йили республикада умумий таълим мактабларининг тест синовларидан ўтган 50 дан зиёд ўқувчиси АКСЕЛС йўли билан АҚШга ўқишга юбориладиган бўлди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда талабаларнинг хорижда ўтадиган стажировкаларига ва қўшма корхоналар, фирмалар, аудиторлик компанияларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтишларига катта аҳамият берилмоқда. Таълим соҳасида Ўзбекистон АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Коллежлари Консорциуми, САРЕ, Тинчлик Корпуси (АҚШ), Конрад Аденауэр Фонди (Германия), Британия Кенгаши, Тацис каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Иқтидорли ёшларнинг «Истеъдод» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон ижодкорлар жамғармаси, маданият жамғармаси ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Улар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, рағбатлантириш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида 1993 йилда «Улуғбек» номидаги Ўзбекистон Ёшлар жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг асосий мақсади ёшларнинг интеллектуал имкониятларини янада кенгайтириш, салоҳиятли ёшлар кучини бирлаштириш, уларни асраб-авайлаш, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга бўлган интилишларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Жамғарма ўз фаолияти давомида «Истеъдодларни излаймиз», «Чет элларда илм оламиз», «Чет тилларини ўрганамиз», «Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаймиз», «Телекўрсатувлар — илмий тараққиёт кўмакчиси», «Ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаймиз» дастурлари асосида иш олиб борди.

Ижодий ва илмий кучларга кўмаклашувчи қатор жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. 1996 йи 17 апрелда ёш ижодкорларга, олимларга ва тадқиқотчиларга кўмаклашувчи, умуман ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи «Камолот» жамғармаси таъсис этилди. «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватан парварлик, меҳнатсеварлик фазилатлари ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг давомчилари бўли етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилади.

Истеъдодли ёшларни саралаш, танлаш ва уларга ёрдам бериб, хорижий мамлакатларда ўқиб, дунёвий тажрибаларни, жаҳон тараққиётини ўрганишлари мақсадида 1997 йил 7 январда «Умид» жамғармаси тузилди. Бу жамғарма ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Бую Британия, Франция, Германия ва Японияга иқтидорли ёшларни бакалавр ва магистр даражаларини олиш учу ўқишга жалб этмоқда.



**Ёшлар келажагига давлат  
гамхўрлиги**

Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий кафолати учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсат ишлаб чиқиши му-

ҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу қонунда: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижтимоий иқтисодий жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шароитлар яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир», — дейилади.

Республика Президенти биргина 1992—1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида 14 та Фармон қабул қилди. Уларда ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг моддий аҳволини яхшилашдан тортиб, ёшлар истеъдодини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришгача бўлган тадбирлар кўзда тутилди. Президентнинг 1993 йил 5 февралда қабул қилган «Ўзбекистонда ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига биноан аъло ўқиётган талабалар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётган аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил январь ойида Ёшлар сиёсати бўйича Қонун қабул қилди. Вилоят ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1992 йил 4 декабрдаги 568-сонли Қарори асосида вилоятларда ва туманларда ёшлар ишлари бўйича ҳокимлар раислигида Кенгашлар тузилди. Тошкент вилоятида ёшлар сиёсати оид Дастур қабул қилинди. Ёш ижодкорларнинг уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳокимлик 82 хонали уйни ёш ижодкорларга фойдаланишга берди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Наманган ва Бухоро вилоятларида ҳам ёш ижодкорларга уй-жой берилди. Булар мамлакатимизда ёшларга кўрсатилган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Бироқ таълим соҳасида қолоқлик, замонавий ва тараққий топган давлатлар талабаларига жавоб беролмаслик ҳамон сезилмоқда. 9-синфни битираётган 450 минг нафар болаларнинг 100 мингга яқини таълим-тарбия жараёнидан четлашиб қолмоқда. Шу боисдан 1997 йил 29 августда Олий Мажлис «Таълим тўғрисида» янги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» қабул қилди. Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. 9-синфни битирган ёшлар уч йиллик академик лицей ёки касб-хунар коллежларига жалб қилинадиган бўлди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий дастур таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Ислохотлар босқичма-босқич ўтказилади.

**Биринчи** босқич ўтиш даври бўлиб, у 1997—2001 йилларда давом этади, таълимнинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, моддий шарт-шароитлар яратилади.

**Иккинчи** босқич 2001—2005 йилларни ўз ичига олади ва миллий дастур тўлиқ амалга оширилади.

**Учинчи** босқич 2005 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш асосида кадрлар тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилади ва ривожлантирилади. Ўзбекистонда узлуксиз таълим қўйидаги турларда амалга ошириладиган бўлади: мактабгача таълим; умумий ўрта



**Ёшлар компьютер сирларини ўрганишмоқда.**

таълим; ўрта махсус ва касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар ма-лакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактаб-дан ташқари таълим.

### Савол ва топшириқлар

1. «Таълим тўғрисида»ги 1992 ва 1997 йилларда қабул қилинган қонунларнинг фарқи нимада?
2. Таълим ислоҳотида қандай тамойиллар асос қилиб олинди?
3. Мактабгача таълим нима, унинг қандай янги турлари вужудга келди?
4. 1992—1996 йиллардаги таълим ислоҳотининг натижалари ҳақида сўзланг.
5. Қачон ва нима учун ўқиш лотин алифбосида олиб бориладиган бўлди?
6. Касб-хунар таълимида қандай ўзгаришлар бўлди?
7. Олий таълим ислоҳоти ҳақида нималарни биласиз? Қандай янги олий ўқув юртлири ташкил этилди.
8. Ҳукумат томонидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи қандай тадбирлар амалга оширилди.
9. «Умид» жамғармаси қачон ва нима мақсадда тузилди?
10. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» таълимни тубдан ислоҳ қилиш бўйича қандай вазифаларни қўйди?
11. Сиз истиқомат қилаётган вилоят ва туманда таълимнинг қандай янги тури ташкил этилди, уларга сизнинг муносабатингиз қандай?

### 45-§. МАДАНИЙ ҲАЁТ

#### Театр

Мустақиллик йилларида ма-даний ҳаётда ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. Бу ав-вало театр санъати ривожла-

нишида яққол сезила бошланди, янги-янги театр дар-гоҳлари қуриб ишга туширилди. 1991 йилда Фарғонада ва 1993 йилда Хивада давлат кўғирчоқ театрлари иш бошлади, 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида кўғирчоқ гуруҳлари очилди. Анди-жонда жамоатчилик асосида ишлаб келаётган ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, у 1994 йилда Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар ва болалар театрига айлантирилди.

1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бош-лаган ҳашаматли «Туркистон» саройи нафақат маҳал-лий театр ва томоша гуруҳларининг чиқишлари, балки

узоқ ва яқин мамлакатлардан ташриф буюрадиган сахна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Туркистон» саройи очилиши маросимида нутқ сўзлаб, «Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу кошона, иншоолло, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади», — деган эди.

Ўзбек театрлари ва санъаткорларининг дунё сахнасига чиқиши учун янада кенг йўл очилди. Навоий номидаги театр балет труппасининг Малайзия ва Таиландга, А. Ҳидояттов номидаги театр жамоасининг Англия, Шотландия ва Германия, Рус болалар театри жамоасининг Қоҳирага сафарлари шулар жумласидандир.

Театр сахналарида янги замонавий мавзудаги асарлар намойиш этила бошланди. 1992 йилнинг ўзидагина Аброр Ҳидояттов номидаги ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси машҳур итальян комедиянависи Карло Гашиннинг «Маликаи Турандот» спектаклини, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри жамоаси эса «Шум боланинг саргузаштлари» ва комедия жанрида яратилган «Менинг оппоқ кабутарларим» спектакларини, шунингдек, Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг 1000 йиллигига бағишлаб мазкур асар асосида «Фаридун» номли икки қисмли фожиани сахналаштирди. Шунингдек, Абдулҳамид Чўлпон қаламига мансуб, бадиий жиҳатдан яхшилик, чин муҳаббат, инсоф-диёнат улуғланиб, фисқу-фасод ҳамда тажовузкорлик кескин қораланган «Ёрқиной» пьесаси ҳам яна сахна юзини кўрди. А. Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театрининг ижодий жамоаси мазкур томошани ўз мухлисларига тақдим этдилар.

Узоқ йиллардан буён таъқиқлаб келинган Амир Темур мавзусига эътибор кучайганлиги ҳам истиқдолнинг буюк неъматидир. Қашқадарё вилоят мусиқали драма ва комедия театридан сўнг республикамизда иккинчи бўлиб Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида жаҳонгир ҳаёти ҳақидаги «Соҳибқирон» драмаси сахнага қўйилди.

1993 йилнинг август ойида Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси драматург Эркин Самандарнинг «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмасини ҳам сахнага қўйди.

## Миланий ҳамкорлик

Марказий Осиё халқлари театрларининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Тошкентда мазкур соҳа жамоаларининг 1992 йилнинг 26 мартдан то 4 апрелигача «Наврўз — 92» халқаро анжумани ўтказилди. Анжуманда Тожикистоннинг «Ахорун» театри «Йўқолган Юсуф хонадонга қайтади», Туркменистон Давлат ёшлар тажриба театри «Далли Думбул», Лохутий номидаги Тожикистон Академик драма театри «Асрга татиғулик кун», А. Ҳидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театри «Искандар», Қирғизистон Академик драма театри «Айкул манас» («Ажойиб манас»), Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри «Тошкентга саёҳат» танлов спектакллари намойиш этдилар. 4 апрель куни «Наврўз — 92» халқаро театр байрамининг ғолиблари эълон қилинди. Олий мукофот (Гран-При) — Туркменистон Давлат ёшлар театрининг «Далли Думбул» спектаклига, Халқаро Театр уюшмалари конфедерациясининг махсус мукофоти — Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг «Тошкентга саёҳат» комедиясига берилди. Юксак режиссёрлик маҳорати учун «Асрга татиғулик кун» спектакли режиссёри Мамбетовга (Қозоғистон) миллий қадриятларни тиклаш йўлидаги катта хизматлари учун — қирғизистонлик санъаткорларнинг «Буюк қалбли манас» спектаклига, режиссурадаги янги услуб ва шакл изланишлари учун Абдор Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрининг «Искандар» спектакли режиссёри Баходир Йўлдошевга Халқаро Театр уюшмалари конфедерациясининг махсус мукофоти берилди.

1993 йил июль-август ойларида Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб Навоий вилоятида туманлараро дўстлик фестиваллари бўлиб ўтди. Унда халқларимиз ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат, миллий анъаналар ва қадриятларимизга хурмат тарафдорлик этилди.

1997 йилнинг октябрь ойида эса Тошкентда «Театр: Шарқ ва Ғарб» халқаро фестивали ўтказилди. Фестивалда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган театр санъаткорлари билан бирга Марказий Осиё давлатлари ҳамда республика театрлари ҳам ўз асарларини маҳорат билан намойиш этдилар. Ушбу фестивалда Гонконг шаҳрининг «Резолю» театри жамоасининг «Осмонўпар

бинодаги икки одобли хизматкор» спектакли, Германиянинг Дортмунд опера ва балет театри жамоасининг «Донниторн хонимнинг эслан оғиши» операси, Туркманистон Республикаси А. Кулаҳмедов номидаги театр жамоасининг «Пайғамбарлар ноласи» каби спектакллари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Айни пайтда ўзбек миллий театр санъати ривожланиш ва такомиллашиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу миллий ўзлигини англаш, миллий тафаккур ва миллий истиқлол мафкурасининг бетимсол қудратидир.

#### **Миллий мусиқа тараққиёти**

Табиатан нозиктѳаб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавий кўзгусидир. Мустақиллик йилларида мусиқа санъатида туб бурилиш, аслига қайтиш, анъанавий оҳанглар равнақи даври бўлди. Бунинг учун энг аввало, халққа яқинлашиш, эл орасида юриш, энг ноѳб халқ истеъдодларини излаб топиш зарур эди. Ана шунинг учун 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика маркази мусиқа санъати соҳалари бўйича бир қанча кўрик-танловлар ўтказди. Жумладан, 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, қўшна, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика кўрик-танлови, апрель ойида Тошкент вилоятида ҳаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, апрель ойида машҳур санъаткорлар Жўраҳон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниѳзов, Фаҳриддин Содиқов ва Жанақ Шомуротовлар асарлари ижрочиларининг «Боқий овозлар» деб номланган кўрик-танловлари ўтказилди. Шунингдек, 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизикчи ва масҳарабозларнинг, июнь ойида Кўқон шаҳрида ўтказилган IX анъанавий ва лапар, яла ижрочиларининг август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган XI анъанавий кўрик-танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шу билан бирга бир неча ўнлаб истеъдодларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Ўзбек халқ чолғулари ва баян созанда-ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган навбатдаги олтинчи республика кўрик-танлови илгаригиларидан фарқли ўлароқ уч босқичда ўтказилди. Учинчи босқичда танлов ғолиблари «Баҳор» концерт залига Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестри ҳамда Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиштириш Давлат компанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида махсус танлов дастурини ижро этдилар. Танловда барча вилоятлардан 46 нафар ижрочилар иштирок этишди.

1992 йил 2 март кунини Тошкент шаҳрида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида халқ артисти, Давлат мукофотларининг соҳиби, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг 80 йиллиги ва мустақил Ўзбекистоннинг яқинлашиб келаётган анъанавий «Наврўз» байрамлари олдидан «Чаман» ўзбек болалар фольклор-этнография-рақс ансамблининг ҳисобот концерти ва рақслар байрами ўтказилди. Унда ўзбек, тожик, афғон халқларининг қатор мафтункор рақслари, куй ва фольклор кўшиқлари ижро этилди.

Республика Маданият ишлари вазирлиги Халқлар Дўстлиги саройида 1993 йил 14 апрелда вазирлик тасарруфидаги санъат ва маданият олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг талаба-ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари иштирокида «Истиқлол жилolari» йиғма концертини намойиш этди. Концерт дастурида халқ куйи ва кўшиқлари, дилрабо рақслар, ўзбек ва хорижий мамлакатлар бастакорларининг асарлари ва бадий кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

Истиқлол даври ўзбек миллий мусиқа санъатининг ривожланишида ғоят сермазмун давр бўлди. Бир қатор бастакорлар, жуладан, Мустафо Бафоев, Алишер Икромов, Анвар Назаровлар ижодининг янги даври бошланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Бафоев ўзбек миллий мусиқаси тарихида услуб жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам бутунлай янги бўлган «Ҳажнома» яратиб, улкан ижодий муваффақиятга эришди. Унинг Амир Темур юбилейига бағишланган мусиқалари ва кўшиқлари ўзбек миллий-анъанавий йўли билан жаҳон мусиқа санъати илғор тажрибаларининг бетимсол, уйғунлашган намунаси бўлди. Оркестр оҳанглариининг бу миллий шакли эндигина яратилди.

«Ўзбекистон — Ватаним  
маним» кўрик-танлови

1995 йил декабрида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги кўшиқлар кўрик-танлови эълон қилингандан сўнг юзлаб янги, мустақил-

лик даври кўшиқлари яратилди. Бу кўрик-танлов мамлакатимизнинг ҳамма вилоят, шаҳар ва туманларида кўтаринкилик билан ўтказилди.

1996 йил март ойида пойтахтнинг «Баҳор» концерт залида «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб аталган кўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлди. У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик жуда қизиқарли бўлиб, унда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб мамлакатдаги бир қанча педагогика институтлари талабаларигача иштирок этишди. Кўрик қатнашчиларининг она Ватан гўзаллиги, унинг истиқлолини мадҳ этган кўшиқлари таниқли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

Умуман кўрик-танловнинг биринчи босқичида 54 мингдан зиёд санъаткор қатнашди. 10 мингдан ортиқ кўшиқ ижро этилди.

1996 йил 24 август куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида кўшиқлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлди. Озод Ватанимиз ва мустақиллигимизни тарафдор этувчи энг сара кўшиқлар мамлакат бош ҳайъати ҳукмига ҳавола этилди. Танловда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўпгина миллат вакиллари фаол қатнашди. Рус, қozoқ, туркман, уйғур, қирғиз, корейс тилларида ҳам жонажон Ватанимизни мадҳ этувчи кўшиқлар янгради. Уч кун давом этган кўрик-танловнинг якунловчи босқичида ҳакамлар ҳайъати ва санъат мухлислари эътиборига 60 дан ортиқ кўшиқ тавсия этилди.

1996 йилнинг 26 августида кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин берилмади. Учта иккинчи ўринларга Мудофаа вазирлигидан Асатилло Холиқов «Ўзбекистон аскарлари», қорақалпоғистонлик Роза Кутекеева «Мустақиллик гуллари», Тошкент вилоятидан Бахтиёр Умаров «Она юртим» кўшиқлари учун сазовор бўлдилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан Саломат Иброҳимова «Ўзбекистон — Ватаним маним», рус миллий маданият марказидан Павел Борисов «Мен сени севаман,



Ўзбекистон», Самарқанд вилоятидан Сафия Сафтарова  
«Ватан ягонадир» кўшиғи учун белгиланган учта учин-  
чи ўринларни олишди.

Бу кўрик-танлов 1996 йил 28 августда Мустақиллик байрамининг 5 йиллиги арафасида Тошкентда Халқлар Дўстлиги саройида яқунланди. Унда вилоятлар, вазирликлар, муассасалар бўйича танлов ғолиблари ўзларининг дилрабо кўшиқлари билан иштирок этдилар. Танлов якунига бағишланган катта концертда, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкентдаги дипломатик корпус ходимлари, мамлакат жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Умуман, «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги кўрик-танловининг ўтказилиши Мустақилликни, Ватанни англаш, уни улуғлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди, мамлакат ва халқимиз ҳаётида кўшиқ байрамининг одат тусига кириши учун замин яратди. Шунинг учун ҳам 1996 йил 27 август кuni «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами ҳақида» махсус Фармон қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танловининг халқимиз маданий-маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлгани, минглаб фуқаролар томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватланганлиги» қайд қилинди.

Фармонда инсонлар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва кўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами кuni деб белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди.

#### Адабиёт

Мустақиллик ўзбек бадиий адабиёти ривожиди, адабиёт-шунослик фани тараққиётида ҳам янги босқични бошлаб берди. Энди адабиётга «социалистик реализм методи» қонуниятлари, комму-

нистик партиявийлик, синфийлик сингари принциплар нуқтаи назаридан қарашларга барҳам берилди. Янги илмий ва бадиий меъёрларга ўтиш бошланди. Мумтоз адабиётга муносабатда диний адабиёт, феодал-клерикал адабиёт, сарой адабиёти дейилган тушунча ва бир миллат адабиётини реакцион ва прогрессив деб иккига бўлиб ўрганишдек методологик хато назарияларга чек қўйилди. Бадиий асар қимматини, ёзувчи дунёқарашини мафкура нуқтаи назаридан баҳолашдек шўровий ва сиёсий доктриналардан воз кечилди. Бадиий асарни баҳолашнинг бош мезонлари бадиийлик, умуминсоний маънавий-руҳий қадрият, миллий истиқлол идеалларига дахлдорлик бўлиб қолди.

Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Тавалло, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунавварқори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди холисона ўрганила бошланди. Уларнинг асарлари чоп этилди, саҳна юзини кўрди.

Жадидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўй-рост кўрсатиш бошланди. Бир вақтлар диний ва сарой адабиёти вакили деб ноҳақ қораланган Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Ғаззолий, Ҳожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳусайн Бойқаро, Феруз сингари буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди.

А. Навоийнинг юксак инсоний ғояларни диний манбалар асосида ёритувчи «Муножот», «Арбаъин», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳоқимлар ҳақида») каби асарлари нашрдан чиқди. Мустақиллик шарофати боис мўътабар Куръон ва ҳадислар чоп этилди. Истеъдодли олим Ҳамидулла Кароматовнинг «Куръон ва ўзбек адабиёти» номли китоби нашр этилди. Айтиш мумкинки, бундай асарларнинг халқимиз қўлига етиб бориши бутунлай янги, соғлом, соф миллий ғояларимизнинг, мақсад ва интилишларимизнинг сифат даражасини белгилайди. Мазкур тадқиқот ва унга ўхшаган бошқа асарлар миллий истиқлол мафкура-сининг тантанасини кўрсатади.

Амир Темур билан алоқадор орзуларнинг юзага чиқиши мустақилликнинг улкан тантанасидир. Бу йўналишда А. Ҳайитметовнинг «Амир Темур ва ўзбек адабиёти» асари чоп этилди. Б. Валихўжаевнинг Ҳожа Аҳрор ва унинг муҳити билан боғлиқ бир қанча тадқи-

қотлари яратилди. Атоқли олим Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур», Т. Маликнинг «Шайтанат» романлари, Э. Воҳидов, О. Матчон, О. Ҳожиёва, Х. Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, Х. Дўстмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий баркамол, ғоявий етук асарлари туфайли ўзбек миллий истиқлол адабиёти шаклланди. Хусусан, А. Ориповнинг «Соҳибқирон», М. Жалилнинг «Соҳибқирон Темур» драмалари дунёга келди, булар янги давр адабиётининг нодир намуналари бўлиши билан бирга, янги ҳаёт, янги турмуш тарзи ва истиқболга янги қарашнинг шаклланаётганидан, миллион-миллион халқимизни истиқлолдек буюк неъматдан баҳраманд этаётганидан далолат беради.

### Савол ва топшириқлар

1. Театр соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида нималар биласиз?
2. Театр соҳасида олиб борилган маданий ҳамкорликнинг аҳамияти нимада?
3. Миллий мусиқани ривожлантириш соҳасида қандай ишлар қилинди?
4. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Адабиёт ва адабиётшуносликдаги туб ўзгаришларни гапиринг.
6. Миллий истиқлол адабиёти ва санъати вакилларида кимларни ёқтирасиз! Нима учун?

### 46-§. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

#### Спортдаги ислохотлар

Жисмоний тарбия кишилик жамияти тарихининг барча босқичларида халқ маданиятининг таркибий ва муҳим қисми бўлиб келган. Хусусан, унга Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқлар маънавий ва жисмоний баркамоллик мезони сифатида қарашган. Жисмоний тарбия ва ҳарбий санъат XIV—XV асрларда ҳам анча ривож топган. Амир Темур олиб борган сиёсат жамиятнинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби жисмоний тарбиянинг моҳиятини юқори босқичга кўтарган. Темурийлар даврида ҳарбийларни жисмоний тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Кураш, камондан отиш, от спорти ўйинлари бўйича кўпгина мусобақалар ўтказилган.

Ўзбекистон қадимдан миллий ўйинларга бой. Айниқса, «Арғумчоқ», «Бекинмачоқ», «Қиличбозлик», «Оқ те-

ракми-кўк терак», «Ололмайд-ё, шугинани-ё», «Тортишмачоқ», «Чиллик» ва ҳақозолар кенг тарқалган.

Лекин Ўзбекистонда мустамлакачилик даврида жисмоний тарбия катта йўқотишларга учради. Куч, тезкорлик, чиниқиш мактаби бўлган миллий ўйинларга эътибор сусайди. Бу маҳаллий аҳолининг жисмоний тарбиядан узоқлашишига олиб келди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида 1992 йил 14 январда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғриси»да Қонун қабул қилинди. ~~Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 1993 йил 18 мартда «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1996 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарорлар қабул қилди.~~

Мамлакатда «Соғлом авлод» Давлат дастури ишлаб чиқилди ва кенг кўламда амалга оширила бошланди. Ушбу дастурга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий кадриятларни тиклашга катта эътибор берилди. Миллий ўйин ва спорт турлари бўйича ҳар йили мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди.

#### Мустақил спортчимиз ютуғи

1992 йилдан бошлаб ҳар йили Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилган бўлди. 1994 йилда Тош-

кентда Теннис саройи қурилди, унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини» учун теннис бўйича катта халқаро мусобақа ўтказиш анъанага айланди. Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари спорт турлари бўйича бир қанча жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Жумладан, 1994 йили Ўзбекистон спортчилари биринчи марта Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффақиятларга эришдилар. Улар 42 мелални, жумладан, 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистон фут-

бол терма командаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. 1994 йилги қишки Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик Л. Черязова олтин медалга сазовор бўлди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Халқ ўйинлари» II Республика Олимпиадаси 1996 йил 10—11 майда бўлиб ўтди.

1996 йил Ўзбекистон спорти тарихида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йуриқчиси Артур Григорян ўз вази бўйича Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб катта ютуқларга эришди. У мутлақ чемпион «Олтин камарини» қўлга киритди. Унинг спорт соҳасида эришган ютуқлари мамлакат Президенти томонидан юксак баҳоланди.

Республикада жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базаси мутгасил мустақамланиб борди. Республикада 233 стадион, 5040 спорт зали, 135 сузиш ҳавзаси, 32865 спорт майдончаси, 4841 футбол майдони, 1883 отиш тури, 13139 волейбол ва 7196 баскетбол майдончаси, 168 теннис корти, «Алпомиш» марказий спорт зали, «Ёшлик» спорт аренаси, «Пахтакор» марказий стадиони, Теннис саройи ва бошқалар ёшларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон спорти тарихида миллий олимпия Кўмитасининг ташкил топиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1993 йилнинг сентябрида Халқаро Олимпия Кўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Кўмитаси тўла-тўкис тан олинди. Кўмита халқаро спорт ва олимпия ҳаракатининг ривожланишига ёрдам бермоқда. У Ўзбекистонда олимпия ғояларини тарғиб қилиш, Олимпия ўйинларида республика вакиллари иштирокини таъминлаш, жаҳон спортчилари билан дўстона алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришдек шарафли вазифа билан шуғулланмоқда. Миллий Олимпия Кўмитасининг 127 аъзоси, 11 фахрий аъзоси бор.

1996 йил январда Халқаро Олимпия Кўмитасининг қарорига мувофиқ, жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ва олимпия ғояларига садоқати учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олимпия Олтин ордени билан мукофотланди. Олимпиада олтин медалининг юртбошимизга топширилиши жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистонимизнинг обрўсини оширди.

Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди. Уни Халқаро Олимпия Кўмитасининг

Президенти Х. А. Самаранч мамлакатимиз Президенти И. Каримов билан бирга тантанали равишда очиб берди. Х. А. Самаранчнинг Ўзбекистон спортини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони**

### **А. Р. Григорян ва В. Н. Шинни мукофотлаш тўғрисида**

Республикада жисмоний тарбия ва спортини ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Германияда ўтказилган профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионатида катта ютуқларга эришганликлари учун мукофотлансин:

#### **«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ордени билан**

**Григорян Артур Раммикович** — Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси

#### **«ДЎСТЛИК» ордени билан**

**Шин Владимир Николаевич** — Ўзбекистон бокс федерацияси раиси ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 26 сентябрь

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистонда спорт соҳасида ислохотларнинг бошланиши ҳақида гапиринг.
2. Спортнинг миллий турларини ривожлантириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?
3. Истиқлол йилларида Ўзбекистон спортининг ютуқлари ҳақида нималар биласиз?
4. Спортнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги фикрларингиз.
5. Ўзбекистонликлардан кимлар жаҳон чемпиони бўлганлар?

## Мавзуга доир адабиётлар

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. *Каримов И. А.* Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри. Хабарнома, 2 (22)-сон, 1996.
5. *Йўлдошев Ж.* Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёти йўлида. Т., «Ўқитувчи», 1994.
6. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида қонун. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992 йил 28 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992—1993 йилларда қабул қилган Фармонлари.


## «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНГАНЛАР



### МАҲАМАТҚОДИР МАТЌУБОВИЧ АБДУЛЛАЕВ, «Динамо» кўнгилли спорт жамияти йўриқчиси


1973 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Ўзбек. Андижон Педагогика институтини тугатган. Андижон бокс мактабининг энг ёрқин вакиллари билан бири. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Мураббийлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устозлари М. Г. Кўчқоров ва А. А. Размахов. 63 килограммгача бўлган вазнда қатнашади. Бокс бўйича 1995 йилги Осиё чемпионатининг қумуш медали совриндори (Тошкент), 1997 йилги Осиё чемпиони (Индонезия), 1998 йилда Хитойда бўлиб ўтган Жаҳон Кубогининг соҳиби ва энг яхши боксчиси. Атланта Олимпиадаси иштирокчиси, Марказий Осиё ўинлари чемпиони (1997 йил, Алмати), йирик халқаро турнирлар қилиби, Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони. 1995 ва 1997 йилги Жаҳон чемпионатлари иштирокчиси.





**ЛАЗИЗБЕК МАМАЖОНОВИЧ ЗОКИРОВ,  
Жиззах вилояти, Жиззах тумани,  
36-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси**

1976 йилда Жиззах вилояти, Жиззах туманида туғилган. Ўзбек. Жиззах Давлат педагогика институтини тугатган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. 91 килограммдан юқори вазнда қатнашади. Мураббийси Ш. Б. Худойбердиев. Бокс бўйича 1998 йилда Хитойда бўлиб ўтган Жаҳон Кубоги соҳиби, 1995 йилги Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори, 1997 йилги Осиё чемпионатининг бронза медали совриндори, II Марказий Осиё ўйинлари чемпиони, Таиланд ва Туркияда ўтказилган йирик халқаро турнирлар ғолиби, Ўзбекистоннинг 3 қарра чемпиони, 1997 йилги Жаҳон чемпионати иштирокчиси.



**АРТУР РАЗМИКОВИЧ ГРИГОРЯН,  
Профессионал бокс клуби боксчиси**

1967 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Армани. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатган. Биринчи мурабийси Л. Г. Аҳмеджанов. Хизмат кўрсатган спортчи, «Меҳнат шўхрати» ордени, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби. 61 килограммгача бўлган вазнда бокс бўйича ҳаваскорлар ўртасида II Яхши Ният ўйинлари ғолиби, 1991 йилги Жаҳон чемпионатининг қумуш медали совриндори, собиқ СССР чемпиони, собиқ СССР халқлари Спартакиадаси ғолиби. Барселона Олимпиадаси иштирокчиси. Профессионал боксчилар ўртасида 5 қарра Жаҳон чемпиони, «Интерконтиненталь» Кубоги ғолиби. Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги энг яхши спортчиси.



**ТИМУР ТУРИНОВИЧ ТУЛЯКОВ,**  
**«Динамо» кўнгилли спорт жамияти йўриқчиси**

1975 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Қирғиз. Машҳур Андижон бокс мактаби вакили. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Устозлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устозлари М. Г. Кўчқоров ва А. А. Размахов. 53 килограммгача бўлган вазнда қатнашади. 1995 йилги Осиё чемпионатининг бронза медали совриндори, Марказий Осиё ўйинларининг кумуш медали совриндори, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони. 1998 йил июль ойида Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган IV Яхши Ният ўйинларида икки карра Жаҳон чемпиони, икки карра Европа чемпиони Р. Малахбеков (Россия), Жаҳон чемпионати ва Атланта Олимпиадаси совриндори Фонт (Куба) каби машҳур боксчиларни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлган.



**ШУХРАТ ХУРШИДОВИЧ ХЎЖАЕВ,**  
**Бухоро вилояти 2-ихтисослаштирилган**  
**олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар мактабининг**  
**самбо кураши бўйича мураббийси**

1969 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Ўзбек. Бухоро техноло-  
гия институтини тугатган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Мураб-  
бийси Ф. Исомов. Ўзбекистоннинг энг номдор самбочиси. 1996 ва  
1997 йилларда ўтказилган Жаҳон чемпионатларининг 91 килограмм-  
гача вазнда икки карра ғолиби, 1996 ва 1998 йилларда бўлиб ўтган  
Жаҳон Кубогининг икки бор соҳиби. 1995 йилда ўтказилган Жаҳон  
чемпионатининг бронза медали соҳиби. 1997 йилда бўлиб ўтган Жа-  
ҳон Кубогининг кумуш медали совриндори. Ҳч карра Осиё чемпио-  
ни (1996, 1997, 1998 йиллар). Осиё Кубоги соҳиби (1995 йил), Ўзбе-  
кистоннинг беш карра чемпиони (1994—1998 йиллар).



**РУСЛАН ШАМИЛЬЕВИЧ ЧАГАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасининг  
бокс бўйича спортчи-йўриқчиси**

1978 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Татар. Андижон Давлат Университетининг 2-курс талабаси. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Бутун дунёга машҳур Андижон бокс мактаби вакили. Устозлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устозлари М. Г. Қўчқоров ва А. А. Размахов. 91 килограммгача вазнда Жаҳоннинг энг кучли боксчиларидан бири. 17 ёшида бокс бўйича 1995 йилда Тошкентда бўлиб ўтган катталар ўртасида Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлган. Атланта Олимпиадаси иштирокчиси. 1996 йилда Кубада ўтказилган ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори. Тошкент ва Алматида бўлиб ўтган Марказий Осиё ўйинларининг икки карра голиби. Кўпгина йирик халқаро турнирлар голиби, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони.



**ЛИНА АНАТОЛЬЕВНА ЧЕРЯЗОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият**  
**Миллий банки капитал қурилиш ва кўчмас**  
**мулк бошқармаси директор ўринбосари**

1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Рус. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Устози Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Д. Кавунқов. Уч марта Олимпиада ўйинларида қатнашган (1992 йил — Альбервиль, 1994 йил — Лиллехаммер, 1998 йил — Нагано). Қишки Олимпиада ўйинларида ғолиб чиққан (1994 йил, Норвегия, Лиллехаммер). Ўзбекистонлик биринчи ва ягона спортчи. Фристайлнинг чанги акробатикаси тури бўйича Жаҳон чемпиони (1993 йил), икки карра Жаҳон Кубоги соҳиби (1993 ва 1994 йиллар). Осмонда уч марта айланган ҳолда сакрашни ўзлаштирган жаҳондаги ягона фристайлчи аёл.

Л. Черязова ниҳоятда иродаси кучли инсон. 1994 йилда жуда оғир жароҳат олганига қарамай (клиник ўлимни бошдан кечирган), барча қийинчиликларни енгиб, яна спортга қайтишга ўзида куч топди ва 1996 йилда Хитойнинг Харбин шаҳрида бўлиб ўтган Қишки Осиё ўйинларида ва 1998 йилда ўтказилган Қишки Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди.



**ОЛМОС ТУРГУНЖАНОВИЧ ЮСУФОВ,**  
**Тошкент шаҳар «Биллур» спорт клуби йўриқчиси**

1974 йилда туғилган. Уйғур. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Кикбоксинг бўйича мағлубият аламини тортмаган спортчи, 75 килограмм вазнда икки карра Жаҳон чемпиони (1995 йил, Киев, 1997 йил, Гданск, Польша), Евроосиё чемпиони (1997 йил, Қозон) ва Осиё Кубоги соҳиби (1997 йил, Бишкек). 1997 йил яқунлари бўйича Ўзбекистоннинг энг кучли спортчилари қаторига киритилган. Ўзбекистон Кикбоксинг федерациясининг вице-президенти сифатида мамлакатда ушбу спорт турини ривожлантириш борасида катта жамоатчилик ишини олиб бормокда.

## 8-б о б. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

### 47-§. XXI АСР БЎСАҒАСИДА ДУНЁ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕОГРАФИК-СИЁСИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

**XXI аср бўсағасида дунё**

Инсоният XX асрни охир-лаб, Ер юзида вазият ва кучлар нисбати кескин ўзгарган бир пайтда янги асрга қадам қўймоқда. Бутун инсониятни, жумладан, ўзбекистонликларни ҳам биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Дунёнинг қиёфаси қандай? Инсоният ўз тараққиётининг қандай маррасига қўтарилди? XXI аср Ўзбекистон учун қандай келади, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни қандай бўлади? — деган саволлар ўйлантириши табиий.

XXI аср бўсағасида жаҳон тараққиётининг мазмуни тубдан ўзгарди. Илгари бир-бирига қарама-қарши бўлган — СССР ва АҚШ етакчилиқ қилган икки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок мавжуд эди. Дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлик тизими шу икки системанинг, блокнинг ўзаро мухолифлик мувозанатига асосланган эди. Дунёда «совуқ уруш» сиёсати ҳукмронлик қиларди. Бутун инсоният ядро уруши хавфи остида яшарди.

Асримизнинг 90-йилларига келиб, социалистик дунёнинг етакчиси бўлган улкан империя — СССР пароканда бўлди, социалистик система ҳалокатга учради. Варшава Шартномаси блоки тарқалиб кетди. Дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Биргина СССРнинг парчаланиши натижасида 15 та мустақил давлат, жумладан, мустақил Ўзбекистон давлати бунёд этилди.

Халқаро вазиятда туб ўзгаришлар содир бўлса-да, «совуқ уруш» сиёсати барҳам топса-да, дунё ҳамон мўрт, мураккаб ва муаммоли бўлиб турибди. Дунё тинчлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар, зиддиятлар сақланиб қолди.

Халқаро вазиятнинг қалтислиги, **биринчидан**, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар



тизимда қарор топган мувозанатнинг бузилишида намоён бўлди. Кучлар маркази илгари асосан икки жойда тўпланган, дунё икки қутбли бўлган бўлса, энди вазият ўзгарди, дунё кўп қутбли бўлиб қолди, назорат қилиш қийинлашди.

**Иккинчидан**, турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар янада ўсди. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланган табиий ресурсларни ривожланган мамлакатларнинг ўз қўлига олишга, назорат қилишга интилиши кучайди. Дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар мавжуд. Мамлакатлар ўртасида илмий-техникавий билимлар, илғор технология, эркин сармояларни тўплаш ва жойлаштиришда тафовутлар катта.

**Учинчидан**, кўпгина мамлакатларда ижтимоий осойишталикка қарши хавф-хатарлар ўсиб бораёпти. Бой ва камбағаллар ўртасидаги мулкий тафовут кучайди, ишсизлик, қашшоқлик янада авж олмоқда. Ривожланган мамлакатлар аҳолиси ривожланаётган мамлакатлар аҳолисига нисбатан сайёрамиз ресурсларини 20 марта кўп истеъмол қилмоқда. Бундай нотенглик жаҳонда ижтимоий адолатни таъминлашга хавф солувчи жиддий муаммодир.

**Тўртинчидан**, бир қатор минтақаларда, ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий-этник ва диний низолар келиб чиқиб можароларга, қонли урушларга айланмоқда. Минтақавий можароларнинг хавфли тус олганлигини қуйидаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди: ҳозирги пайтда бутун дунёда қарийб 50 миллиондан ортиқ қочоқ бор; 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган; фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшайдиган жойларни ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган.

Президент Ислоҳ Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида Афғонистон ва Тожикистон можароларини таҳлил қилиб, уларнинг Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон хавфсизлиги учун солаётган таҳдидини кўрсатиб берди. Бу можаролар туфайли Ўзбекистон фронт олди мамлакатига айланиб қолди. Қуроли ёки бошқача тарздаги қўпоровчилик ҳаракатларининг, фитначи

элементларнинг, қочоқларнинг Ўзбекистонга ҳам ўтиб кетиш хавфи вужудга келди.

**Бешинчидан**, умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм ҳам таҳдид қилмоқда. Динни сиёсийлаштириш натижасида вужудга келган экстремистлар, шу жумладан ислом фундаменталистлари одамлар ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқаришга, миллатларни парчалашга интиладилар. Улар давлатларни исломлаштиришга, ислом цивилизацияси билан бошқа цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликлар, можаролар келтириб чиқаришга уринадилар. Ислам экстремистларининг қадимги ислом ғоялари ва анъаналарини қайта тиклаш байроги остида қилаётган террорчилик, суиқасд уюштириш ишлари дунё аҳлини ташвишлантирмоқда.

Ислам фундаментализмининг кучайишига, бир томондан, мусулмон мамлакатларида мулкий тенгсизлик ва табақаланишнинг кучайиши, ўз даромад манбаидан маҳрум бўлганларнинг шаҳарларга оқшининг ўсиши, ишсизлик ва қашшоқликнинг кўпайиши сабаб бўлди. Иккинчи томондан, ривожланган давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик сиёсати, мусулмонларга қарши зўравонлик, иқтисодий камситиш каби иллатлар ҳам диний ва бошқа турдаги экстремизмни вужудга келтиради, пировардида дунё тинчлигига, миллатлар ўртасидаги тотувликка раҳна солади.

**Олтинчидан**, умумий хавфсизликка, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка айрим давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик сиёсати ҳам хавф солмоқда. Бундай сиёсатнинг хавфи халқаро, давлатлараро, миллатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни, можароларни келтириб чиқаришда намоён бўлмоқда. Шовинистлар кичик давлатларнинг, эндигина мустақилликни қўлга киритган ёш давлатларнинг халқаро ҳуқуқ ва ички давлат суверенитетини рўёбга чиқаришига қаршилик кўрсатади, ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга ва камситишга уринади.

**Еттинчидан**, «совуқ уруш» сиёсатига чек қўйилиши натижасида ялпи ядро уруши хавфи камайган бўлсада, бу турдаги оммавий қирғин қуролининг кўп миқдорда сақланаётганлиги, бундай қуролга эга бўлаётган

давлатлар (масалан, Ҳиндистон, Покистон) сафининг ортиб бориши дунё аҳлини ташвишлантирмоқда.

**Саккизинчидан**, жаҳон миқёсида атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, носоғлом экологик вазият, жумладан, Марказий Осиёдаги экологик танглик, биогенетик бузилишлар инсоният бошига хавф солиб турибди. Тобора кучайиб бораётган коррупция, уюшган жиноятчилик, экстремизм, террорчилик, гиёҳвандлик, яширин қурол олди-соттиси бугун дунёни, инсониятни ташвишлантирмоқда. Буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам илгаридек мўрт бўлиб турганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Халқаро мулоқотда ва муомалада бўлиш ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ учун ижтимоий заруриятдир. Шу боис Ўзбекистон, ўзбек халқи қадимдан бошқа мамлакатлар, халқлар билан алоқада, муомалада бўлиб келди. Мустақиллик бутун дунё билан алоқаларни, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, мазмунан бойитишга катта имконият яратди. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаси ва халқаро нуфузи аввало, унинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Тараққиёт даражаси қанчалик юқори бўлса халқаро алоқалар ҳам шунчалик юқори, кўп томонлама кенг, чуқур бўлиб бораверади.

Бугунги кунда бутун инсониятнинг тақдири, ижтимоий тараққиёт истиқболлари халқаро муносабатларга боғлиқ бўлиб қолди. Халқаро майдондаги ҳар бир сиёсий танглик, можаро барча мамлакатлар ва халқлар манфаатига дахлдор бўлиб қолди. Ҳатто айрим олинган мамлакат ичкарасидаги низоли жараёнларни, урушларни бартараф этиш ҳам жаҳон ҳамжамиятининг вазифасига айланди.

Асримизнинг муҳим хусусияти аҳоли талаб ва эҳтиёжларининг ғоят даражада ўстанлиги билан белгиланади. Алоҳида олинган бир мамлакат ресурслари билан унинг аҳолиси талаблари, эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Ҳатто ривожланган мамлакат учун ҳам бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш объектив зарурият бўлиб қолди. Шу боисдан барча мамлакатлар, халқлар бири бири билан боғланган, ўзаро алоқададир.

**Ўзбекистоннинг  
географик-сиёсий  
имкониятлари**

Ҳозирги дунёда бирон-бир мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам бошқалардан ажралган ҳудуд эмас. Сайёрамиз яхлит ва бўлинмасдир. Ҳар бир мам-

лакат жаҳон хўжалик алоқаларининг муайян географик ва сиёсий тизимлари таркибига киради.

Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай географик-стратегик имкониятларга эга. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятлар боғланиб бир-бирини бойитган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Осиёни боғлайдиган йўллар Марказий Осиёдан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликни қўлга киритганидан кейин бу алоқалар янада шаклланиб, аҳамияти ошиб бормоқда.

Марказий Осиёда географик-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тугган Ўзбекистон ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларига эга. Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтамоқда. Минтақа доирасида манфаатли муносабатлар ўрнатиш имконияти Ўзбекистон орқали очилади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг транспорт, энергетика, сув тизими марказида жойлашган. Аҳоли сони, илмий-техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги қўшиларида маълум даражада устун туради. Табiiй иқлим шароити қулай, улкан минерал-ҳом ашё захиралари ва стратегик материалларга эга. Деҳқончилик маданияти ривожланган, озиқ-овқат билан ўзини таъминлашга қодир бўлган Ўзбекистонда сааноатнинг базавий ва замонавий тармоқлари ҳам мавжуд. Ўзбекистон ўзини нефть, газ, рангли металлар билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилиш имкониятига ҳам эга. Юртимизнинг жаҳонга машҳур бой маънавий мероси бор, шу туфайли инсоният цивилизациясида салмоқли ўрин эгаллаб, дунёнинг маънавий ва сиёсий жараёнларига таъсир ўтказиб келган.

Географик-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистонга қийинчиликлар туғдирувчи омиллар ҳам мавжуд. Ўзбекистон ўзининг географик-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган. У Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказида жойлашган. Шу боисдан бу ҳудудда бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида кўпгина давлатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари ўзаро тўқнашмоқда. Бир томондан, Россия, Хитой ва Ҳиндистон, шунингдек Шарқ ва Ғарб мамлакатлари мазкур минтақада ўз манфаатларини изламоқда. Иккинчи томондан, мусулмон дунёсидаги баъзи кучли мамлакатлар — Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони ҳам бизнинг ҳудудимиздан ўз манфаатларини излайди.

Яна бир ноқулайлик шундан иборатки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник мурасасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантирилиб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон билан чегарадош.

Маълумки, советлар даврида Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда коммуникациялар номақбул равишда шакллантирилган эди. Эндиликда, истиқлол йилларида Жанубий йўналишда транспорт коммуникацияларини ривож топтириш имконияти вужудга келди ва бу борада муҳим чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайдиган, бунинг устига денгиз бандаргоҳларидан энг узоқда жойлашган мамлакат. Унинг Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Япон денгизи ва Шимолий денгизларга олиб чиқувчи темир йўли қарийб 3 минг километрни ташкил этади. Бу бир неча давлатлар ҳудудидан ўтадиган олис йўл бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқаларини чегаралайди, юк ташишни қимматлаштириб, маҳсулотларни рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўяди.

Сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик муаммолар, Орол фожиаси ҳам мамлакатимиз учун ноқулайлик омилдир. Шунингдек, мустамлакачилик даврида юритилган Туркистонни бўлиш, миллат ва элатлари устидан ҳукмронлик қилиш сиёсатининг асоратлари ҳозиргача ташвишли омил ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон бу қийинчиликларни барта-  
раф этиш, географик-сиёсий имкониятларини мустақ-  
камлаш тадбирларини амалга оширмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. XXI аср бўсағасида дунёда қандай туб ўзгаришлар юз берди?
2. Дунё мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий нотенглик-  
ни, илмий-техникавий тафовутларни тушунтириб беринг.
3. Умумий минтақавий ва миллий хавфсизлик нима?
4. Қандай омиллар дунё тинчлигига таҳдид солмоқда, инсониятни  
ташвишлантирмоқда?
5. Ўзбекистоннинг қулай географик-стратегик имкониятларини ту-  
шунтириб беринг.
6. Қандай омиллар географик-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистонга  
қийинчиликлар туғдирмоқда?

### 48-§. МУСТАҚИЛ ТАШҚИ СИЁСАТ АСОСЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ, УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

#### Мустақил ташқи сиёсат заминларининг яратилиши

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифа сифатида кўндаланг бўлиб турарди. Негаки, давлатимиз мустақиллигини мустақкамлаш, мамлакатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг оқилона ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолган эди. Бу осонгина ечиладиган вазифалар эмас эди. Масаланинг мураккаблиги шундан иборат эдики, Иттифоқ даврида ташқи сиёсат юритиш, ташқи дунё билан алоқа қилиш, ташқи савдони ташкил этиш марказий ҳокимият томонидан олиб бориларди. Республикалар эса, жумладан, Ўзбекистон ҳам ташқи дунёдан ажралган, тўғридан-тўғри алоқа қилолмайдиган ёпиқ мамлакат ҳисобланарди. Шу боис давлатимиз ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳам, жаҳон дипломатияси ва ташқи иқтисодий фаолиятни биладиган кадрларига ҳам эга эмас эди. Республикада бундай кадрлар тайёрловчи бирорта ҳам ўқув юрти йўқ эди.

Вазият зудлик билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришни талаб қилди. Ўзбекистон раҳбариятига бу соҳадаги кўп қиррали ишларни бошдан бошлашга тўғри келди.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида мустақил ташқи сиёсат юритиш қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёсат қоидалари қонунлаштирилди ва у жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари ортга қайтмаслигининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Булар фаол ва кенг кўламли ҳамкорлик учун мустақкам ҳуқуқий кафолат яратиб берди.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республика қонунчилик фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Биринчидан, республика қонунлари халқаро ҳуқуқ нормаларига доимо мувофиқлаштирилмоқда ва яқинлаштирилмоқда. Иккинчидан, мамлакатимиз халқаро нормаларнинг бажарилишини кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тарафдори. Шунингдек, бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолишни, «катта оға»нинг қош-қовоғига қараб иш тутишни хоҳламайди. Ўзбекистон дунё учун очиқ мамлакат бўлиб, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади.

Ташқи алоқаларни таъминлайдиган вазирликлар ва муассасалар ташкил этилди. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари шулар жумласидандир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва

жамият қурилиши академияси ва бошқа университетларда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Ўзбекистон ташқи  
сиёсатининг асосий  
тамойлари**

Республика Президенти Исом Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий тамойилла-

рини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни белгилашда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди, мамлакатимиз, халқимиз хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинди. Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

— мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

— давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;

— бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

— куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;

— ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устиворлиги;

— давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;

— тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

— давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

— ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.



Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар жумласига АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 20 дан ортиқ давлатда — АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди.

**Ташқи иқтисодий  
фаолиятнинг  
эркинлаштирилиши**

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йиллари бўлди.

Иттифоқнинг парчаланиши билан биргаликда ташқи алоқаларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, экспорт ва импортни бир марказдан шакллантирувчи умумиттифоқ тизими, валюта ресурсларининг умумиттифоқ даражасига қайта тақсимлаш тартиби ҳам барбод бўлди. Ўзбекистонда, шунингдек бошқа республикаларда ҳам бундай тизим амалда йўқ эди. Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эҳтиёжларини биладиган, ташқи савдо қилиш тажрибасига эга бўлган мутахассислар деярли йўқ эди. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўрни йўқлиги сабабли экспорт ҳажми камайди, валюта тушумлари қисқарди.

Вазият ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш тизimini яратишни, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўллариини зудлик билан белгилашни тақозо этарди. Республикада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи муассасалар — Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати, ташқи савдо фирмалари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва ма-

ҳаллий бошқарув идораларида тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди. Хорижий ҳамкорлик иштирокида халқаро савдо-сотиқ марказлари ташкил этилди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлидан бориб Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот ва бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Халқаро валюта фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам таркибий ўзгартиришлар дастури ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдорида дастлабки маблағ ажратилди. Жаҳон банки билан Ўзбекистонга ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш учун 160 миллион АҚШ доллари миқдорида тикланиш қарзи бериш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва қарз берувчи 21 та мамлакат томонидан Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993—1994 йилларда салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Ушбу маблағ мутахассислар тайёрлашга, энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилди. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа мамлакатлар ўртасида савдо-саноат палаталари барпо этилди. Республиканинг 2 мингдан кўпроқ хўжалик субъекти, шу жумладан уюшмалар, концернлар, кичик ва хусусий корхоналарга ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқи берилди. Республикаимизда дунёнинг 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 166 та вақолатхонаси ишламоқда. Республика миллий банки дунёнинг 80 та йирик банкида вақидлик ҳисобини очган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи қонунлар қабул қилинди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласига киради. Бу ҳуқу-

қий ҳужжатлар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун шарт-шароитлар яратди. Ташқи савдо учун имтиёзлар берилди. Товарларни импорт ва экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари ташқи савдонинг тез ўсишини таъминлади. Ислохотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки йўналиш бўйлаб амалга оширилди. Биринчидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар асосида, иккинчидан, хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валюта ҳисоб-китоб қилиш асосида савдо-сотик ишлари амалга оширилди. Шунингдек, бевосита ташқи иқтисодий кооперация алоқалари ўрнатилиши рағбатлантирилди. Ташқи савдо обороти изчил ўсиб борди. У 1994 йилда 5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилда қарийб 9 миллиард АҚШ долларига етди ёки Ўзбекистон шу йилнинг бошларида дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатди. Экспорт миқдори анчага ошиб кетди. Экспортнинг пахта, рангли металл каби анъанавий турларидан ташқари, қалава, бензин, автомобиль каби тармоқ маҳсулотлари жаҳон бозоридан муносиб ўрин олди.

Экспортнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Англия, Франция, Голландия, Польша, Жанубий Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади. 1995 йилда ташқи савдо оборотининг 57 фоизи тараққий этган хорижий мамлакатлар ҳиссаси тўғри келди.

Ташқи иқтисодий алоқаларда республикаміз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта аҳамият берилмоқда. Бу, биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган сиёсатда намоён бўлмоқда. Иккинчидан, илғор технологиянинг кириб келишига, хўжалик таркибини замонавийлаштиришга кўмаклашадиган хорижий сармояларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатида ўз ифодасини топмоқда. Учинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоядорларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, ташкилотлар ва муассасалар тузиш бобида зарур тадбирлар амалга оширилди. Хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди. Тавак-

калчилик ишлари йўлида сиёсий ва тижорат хатарлари келтирадиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси тузилди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда Ўзбекистонда лойиҳалар тайёрловчи гуруҳ тузилди ва ишламоқда. Бу гуруҳ шу банк йўли билан ажратилган 60 миллион доллар инвестиция кредитини ўзлаштириш мақсадида инвестиция лойиҳалари учун техникавий-иқтисодий асосларни тайёрлашга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида инвестицияларга кўмаклашиш муассасалари — чет эл инвестициялари бўйича агентлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Лизинг компанияси ташкил этилди. Бу муассасалар хорижий сармоядорларга инвестиция таклифларини тайёрлашга ёрдам бермоқда. Давлат мулк қўмитаси хузурида кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги ташкил этилди. У хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни жалб этишга кўмаклашмоқда.

Республикамизга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзлар тизими, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилди. Чунончи, улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашга қатнашсалар, етти йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Чет эл инвестициялари иштирокида тузилган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод қилинади. Устав фондида чет эл сармоясининг улуши 30 фоиздан ошиқ бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 2 йил давомида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинган.

Умумлаштириб айтганда, Ўзбекистонда хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай ҳуқуқий ва имтиёзли шароитлар яратилди, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоялари қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида хорижий давлатлар билан битимлар имзолади.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган йўли республикага хорижий сармояларнинг кириб келишини таъминламоқда. Ўзбекистон ҳукумати Канада, ХХР, Туркия, Голландия, Германия, Швейцария банклари ва фирмалари

билан 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида 32 та йирик кредит битими тузди ва улар амал қилмоқда. Фақат 1994 йилда республикага 640 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар асосида Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда олтин қазиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» кўшма корхонаси қурилиб ишга туширилди, Тошкентда халқаро савдо-кўرғазма комплекси, Хоразмда қандшакар заводи қурилди.

Жанубий Корея сармоядорлари билан ҳамкорлик кенгайтиб бормоқда. Асака шахрида машҳур ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда «ЎздЭУавто» Ўзбекистон—Корея кўшма автомобиль заводи қурилди ва 1996 йил март ойида ишга тушди. Заводнинг биринчи навбати учун сарфланган инвестиция қиммати 200 миллион АҚШ долларига тенг. «ЎздЭУ электроникс» ҳиссадорлик бирлашмасини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Германия ва Жанубий Корея Республикаларининг фирмалари иштирокида Ўзбекистоннинг телефон тармоғи янгиланмоқда.

1997 йил охирида Ўзбекистонга киритилган инвестицияларнинг жами суммаси 8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 1998 йил бошларига келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортиқ кўшма корхона фаолият кўрсатди.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини қандай вазирликлар ва муассасалар таъминлайди?
2. Қайси олий ўқув юрларида ташқи фаолият учун мутахассис кадрлар тайёрланади?
3. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятта доир қандай қонунлар мавжуд?
4. Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай тамойилларга амал қилади?
5. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиши дегани нима?
6. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг маъноси нима?
7. Ўзбекистонда қандай йирик кўшма корхоналар бунёд этилди?
8. Сизнинг вилоятингиз, шаҳрингиз, туманингизда қандай кўшма корхоналар ишламоқда?

## 49-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚўШИЛИШИ ВА ХАЛҚАРО НУФУЗИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

Ўзбекистоннинг БМТга  
1993 йили

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан оқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилот-

лар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади ва оғишмай шу йўлдан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг хоҳиш-иродаси ва таклифига кўра 1992 йил 2 мартда жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ Низомини, халқаро ҳуқуқий меъёрларни, давлатлараро муомала қоидаларини, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотлар талабларига риоя қилишини билдирди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштирок этиши ва унда 27 сентябрда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўҳна ва ёш навқирон давлат сифатида намоён этди. Ўзбекистон Республикаси номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақиритиш, нарқобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари натижасида БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси мамлакатимизда БМТнинг Тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича олий қўмита комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлаштиш жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1993—1997 йилларда БМТ ваколатхонасига бошчилик қилган Халид Маликнинг фаол иштирокида Ўзбекистонда қўллаб-хўшлаб халқаро тадбирлар ўтказилди. Чунончи, Тошкентдаги БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий қўмитаси комиссарининг вакили тожик қочоқлар-

ни юртига қайтариш, уларга БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини етказиш бўйича катта тadbирларни амалга оширди. 1994 йил октябрнинг бошларида БМТ ваколатхонасининг ёрдами ва иштирокида Тошкентда бўлган жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йули» халқаро ййғилиши жаҳон сайёҳлик ва тижорат ишларида Ўзбекистоннинг мавқеини янада кутарди.

1995 йил 20 январда Тошкентда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон тараққиётининг стратегик муаммолари, ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўллари муҳокама этилди. Ўзбекистон ўзининг БМТ ишидаги иштирокини Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти деб биледи. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15—16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда иштирок этган 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигининг, можароларининг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрларини, таклифларини айтдилар. Кенгаш якуналари юзасидан қабул қилинган Баёнот жаҳон халқларини, хусусан Марказий Осиё халқларини, турли сиёсий кучларни минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва экологик ҳамкорлик тизимларини барпо этишга чақирди. Шунингдек, минтақадаги можароларни бартараф этиш, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш халқаро ташкилотларнинг ҳам вазифаси эканлиги таъкидланди. Негаки, минтақалар хавфсизлиги жаҳон хавфсизлигининг гаровидир.

Ўзбекистон БМТнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол қатнашди. Мамлакатимиз Президенти И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида бўлган юбилей сессиясида қатнашиб ва нутқ сўзлаб, бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларни баён этди. Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан бошланадиган жараён эканлиги, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билангина жаҳон хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Афғонистондаги урушга барҳам бе-

риш учун унга ташқи кучларнинг аралашувини баргараф этиш, қурол олиб киришни таъқиқлаш таклифлари илгари сурилди. Шунингдек, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, қурол савдосини чеклаш тўғрисида, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммони ҳал этишга халқаро молия тузилмаларини ва ривожланган мамлакатларни жалб қилиш, БМТнинг ташкилотчилиги ишини фаоллаштириш тўғрисида бир қатор таклифлар илгари сурилди. Халқаро ташкилотлар ва нуфузли давлатлар бу таклифларни маъқуладилар ва муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашмоқдалар.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг ёрқин саҳифаларидан яна бири Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зонага айлантириш масаласида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб сўзлаган нутқида Марказий Осиёни Ядро қуролидан холи зонага айлантириш ғоясини илгари сурган эди. Ўзбекистоннинг бу ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралда Алматида бўлган учрашувида минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантиришга аҳдлашилди ва бу аҳднома мазкур учрашувда қабул қилинган Алмати декларациясида ўз ифодасини топди. «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» шиори остида халқаро конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди. 1997 йил 23 июлда Бишкекда Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг мажлиси бўлиб, унда «Тегишли минтақа давлатлари ўртасида ихтиёрий равишда имзоланган аҳдлашув асосида ядро қуролидан холи зона ташкил этиш» номли ҳужжатни тайёрлаш, уни БМТ ва хорижий ваколатхоналарга тарқатиш масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё давлатлари дипломатлари халқаро конференцияни, унинг ҳужжатларини тайёрлашда фаол қатнашдилар. Тошкентда Норвегия, Россия, АҚШ экспертлари билан ишчи маслаҳатлари ўтказилди.

1997 йил 15–16 сентябрь кунлари Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ушбу масала юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирликларининг Баёноти им-



золанди. Унда БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари, барча давлатлар Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни барпо этишга кўмаклашишга чақирилади. Марказий Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи зонага айланиши мазкур минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

**Ўзбекистоннинг  
ЮНЕСКО билан  
алоқалари**

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-  
жамияти билан интеграция-  
лашувида БМТ доирасидаги  
ихтисослашган ташкилотлар  
билан ҳамкорлиги муҳим аҳ-  
миятга эга. Жумладан, унинг

БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият билан шу-  
ғулланувчи халқаро ташкилот — ЮНЕСКО билан ало-  
қалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 183 давлат  
аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади — барча халқ-  
лар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб чи-  
қиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини  
янада чуқурроқ ўрганишга кўмаклашишдан иборат.  
ЮНЕСКО ҳар йили ўз фаолияти доирасида жаҳонда  
150—200 йирик тадбир ўтказади. ЮНЕСКО ҳар бир  
давлатдаги илғор тажрибаларни ўрганувчи ва бошқалар-  
га тарқатувчи «ғоялар лабораторияси» ролини бажар-  
моқда.

1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги  
қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қа-  
бул қилиш маросими бўлди. Ўша кун Улугбек тавал-  
лудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дасту-  
рига киритилди. 1994 йил октябрда Парижда Улугбек  
ҳафталиги тантаъа билан ўтди. Хива ва Бухоро  
ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий калдриятлар рўйхати  
киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор. Самарқанд,  
Бухоро, Хиванинг меъморий мажмуаларини қайта тик-  
лаш ишларига ЮНЕСКО эксперти қайта тикловчи  
меъмор Жованни Боккарди Ўзбекистонда ишлаб ёр-  
дамлашмоқда.

1994 йил декабрда республикамизда ЮНЕСКО иш-  
лари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комис-  
сияси ташкил этилди, у идоралараро орган бўлиб, тар-  
кибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги  
вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.

ЮНЕСКО Марказий Осиё тараққиётини ўрганиш,  
тиклаш ва оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда.

«Ипак йўли — мулоқот йўли» деб номланган йирик тадқиқотда Марказий Осиёга биринчи даражали аҳамият берилди. Олти жилдлик Марказий Осиё маърифати тарихи тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. 1992 ва 1994 йилларда унинг икки жилди нашр этилди. Минтақа мамлакатлари мутахассислари унда қатнашмоқда. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чоғида институт тантанали равишда очилди. ЮНЕСКО бобомиз Амир Темури таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қарор қилди ва 1996 йил октябрда Парижда Амир Темурига бағишланган халқаро ҳафталик анжуман бўлиб ўтди.

1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди. Бу Ўзбекистон билан БМТнинг нуфузли халқаро ташкилоти ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. 1997 йил 19—20 октябрь кунлари Ватанбимизда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган улкан тантаналарда БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг элчилари ва вакиллари, бир қатор меҳмонлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро Олимпиада кўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар — Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам кўмаклашмоқда. Халқаро савдо маркази (ЮНКТАД), таърифлар ва савдо Бош бийими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

**Ўзбекистоннинг ЕХХТ  
билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёда тинчликни мустақамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни

амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)га аъзо бўлиб кирди. И. Каримовнинг 1992 йил 9—10 июлда бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. И. Каримов ўз нутқида у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шуғулланувчи механизмни вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг можароларнинг олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди. 1994 йил сентябрь ойининг охирларида Тошкентда ЕХХТнинг умумий масалаларга бағишланган халқаро анжумани бўлиб, унда ташкилот фаолиятининг барча қирраларига оид масалалар кўриб чиқилди. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди, Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХХТнинг алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

ЕХХТнинг 1996 йил декабрда Лиссабон саммитида XXI аср арафасида янги хавфсизлик моделини яратиш хусусида мунозара бўлди. Ўзбекистоннинг можаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш, ЕХХТнинг Марказий Осиё фаолиятини кучайтиришга оид таклифлари маъқулланди ва Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1996 йилнинг 11—13 сентябрь кунлари Тошкентда ЕХХТ Демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИХБ)нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзусидаги халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат экспертларининг, шунингдек 29 та халқаро ва ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди-

лар. Семинар-кенгашда Марказий ва Шарқий Европада омбудсман институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимини такомиллаштириш, халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масалалари кўриб чиқилди. Бу тадбирлар Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нуфузли ташкилот ЕХХТ билан яқин ва самарали алоқалар ўрнатганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

1996 йил февраль ойида Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар бошлади. Шу йил июль ойида Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизи бўлиб сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очди. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Атлантика мамлакатлари ташкилоти — НАТО ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди. Ўзбекистон бу дастурдаги иштирокига ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан баҳраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларни кенгайтириш нуқтаи назаридан қарайди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури томонидан 1995 йилда АҚШда, 1997 йили Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сайёрамиз озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколига, атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенция-

га, Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома-  
га қўшилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда, умумий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтарилди.

### Савол ва топшириқлар

1. Жаҳон ҳамжамияти нима?
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини тушунтириб беринг.
3. Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона, деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбекистон қайси халқаро ихтисослашган муассасалар билан ҳамкорлик қилмоқда?
5. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги нималарда ўз ифодасини топмоқда?
6. Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб беринг.

### 50-§. ЎЗБЕКИСТОН ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

**Мустақил Давлатлар  
Ҳамдўстлигининг ташкил  
топини**

1991 йил 8 декабрда Минскда уч славян республикаси — ~~Россия, Украина, Белорус~~ раҳбарлари — Б. Ельцин, Л. Кравчук, С. Шушкевичларнинг учрашуви бўлди. Уша

қуни Беловежское Пушчеда уч давлат бошлиқлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни тузиш тўғрисида Шартнома имзоладилар. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси бўлади, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташқи сиёсат ва армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди. Ҳужжатда СССРнинг мавжудлиги ва СССР Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинди.

Украина, Белоруссия, Россия Парламентлари МДҲ ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1992 йил 30 декабрдаги СССРни тузиш тўғрисидаги шартномани бекор деб ҳисобладилар. Республикаларнинг СССР Олий Советидаги депутатлари чақириб олинди.

СССР Президенти бўлмиш М. С. Горбачевнинг Иттифоқни янги шаклда сақлаб қолиш йўлидаги ури-нишлари барбод бўлди. Мамлакатда уни қувватловчи бирорта сиёсий куч топилмади.

Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Президентлари 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда учрашдилар ва Минскда имзоланган МДХ ҳақидаги шартнома муносабати билан вужудга келган аҳволни муҳокама қилдилар. Учрашувда Баёнот қабул қилинди. Баёнотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳуқуқий асосда, собиқ СССРдаги барча республикалар томонидан ихтиёрий ва тенг асосларда тузилиши лозим, уларнинг барчаси МДХни тузувчилар бўлиб қолиши керак деб, таъкидланди. Баёнотда МДХ этник принцип асосида ёки инсонлар ҳуқуқини бузиш асосида қурилмаслиги керак, дейилган эди. Беш давлат бошлиқлари МДХга, уни таъсис этувчилар ролида киришга тайёр эканлигини билдирдилар.

1991 йил 21 августда Россия (Б. Ельцин), Украина (Л. Кравчук), Беларус (С. Шушкевич), Қозоғистон (Н. Назарбоев), Ўзбекистон (И. Каримов), Қирғизистон (А. Ақаев), Тожикистон (Р. Набиев), Туркменистон (С. Ниязов), Озарбайжон (А. Муталибов), Арменистон (Тер-Петросян), Молдавия (М. Снегур) давлат бошлиқларининг кенгаши бўлди. Уша кунини 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, «Тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар» мақомида МДХ муассиси бўлдилар. Кенгашда Алмати Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда қуйидагилар ҳақида баёнот берилди:

— Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузиладиган битимлар ҳамда битимларда белгиланган тартиблар доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади;

— МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас;

— халқаро стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақлаб қолинади;

— МДХ очиқдир, унинг барча аъзолари розилиги билан собиқ СССРнинг аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга қўшилиши мумкин;

— умумий иқтисодий маконни, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади:

— МДХнинг тузилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатилади;

— Ҳамдўстлик қатнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб қоидаларга биноан собиқ СССРнинг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат берадилар;

— МДХ қатнашчилари мазкур Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

МДХ давлатлари бошлиқлари Алмати кенгашида қуролли кучларнинг ислоҳ қилинишигача қуролли кучларга қўмондонлик қилишни маршал Е. И. Шапошниковга топшириш ҳақида протокол туздилар.

МДХ давлатлари бошлиқларининг Алмати кенгаши махсус қарор қабул қилиб Ҳамдўстлик аъзолари бўлган давлатларнинг БМТ Низоми бўйича мажбуриятларни бажариш ниятида эканлигини ва БМТга аъзо бўлиш истакларини билдирдилар.

Шундай қилиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб аталмиш империя тугади. СССР қон тўкилмасдан, тинч йўл билан емирилди, унинг юзлаб вазирликлари ва идора органлари тарқатиб юборилди. СССР тарихига охириги нуқта қўйилди.

МДХ доирасидаги кўп  
томонлама ҳамкорлик

МДХ олдида катта муаммолар турарди. Бу муаммоларни ечиш учун Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари

тез-тез учрашиб, муҳим ҳужжатлар ва талбирлар ишлаб чиқдилар.

1991 йил 30 декабрда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Кенгашида МДХ мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган муҳим масалалар кўриб чиқилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлар бошлиқлари кенгаши ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгаши тўғрисида муваққат битим» алоҳида ўрин тутади.

Битимда давлатлар бошлиқларининг Кенгаши олий орган бўлиб, унда Ҳамдўстликда қатнашувчи барча давлатларнинг вакиллари умумий манфаатлар соҳаси-

даги фаолиятни мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун давлат бошлиқлари даражасида қатнашадилар, деб таъкидланди. Унда давлатлар бошлиқлари Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашининг фаолияти ҳамдўстлик аъзоларининг давлат суверенитетини ва суверен тенглигини, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқини, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатмаслик ва дўқ қилмаслик, низоларни тинч бартараф этиш, оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилади, деб белгилаб қўйилди. Битимда: «Кенгашда ҳар бир давлат бир овозга эга бўлади. Кенгашнинг қарорлари ҳаммининг розилиги — яқдиллик билан қабул этилади», — деб таъкидлаб қўйилган. Давлатлар бошлиқларининг Кенгаши йилида камида икки марта, ҳукуматлар бошлиқларининг Кенгаши эса уч ойда камида бир марта мажлисга йиғилади. Ҳамдўстликдаги давлатларнинг давлат тиллари кенгашларнинг расмий тилларидир, иш тили рус тилидир, деб белгилаб қўйилди.

Минск Кенгашида муҳокама қилинган бошқа масалалар бўйича қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— қуролли кучлар ва чегара қўшинлари тўғрисида битим;

— космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида биргаликдаги фаолият ҳақида битим;

— собиқ СССРнинг чет эллардаги мол-мулки тўғрисида битим;

— МДХ кенгашларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида протокол.

1992 йил 9 февралда Москвада МДХ давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлиб, унда қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— экология ва теварак атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида битим;

— бир-бирларининг ҳудудларидан юкларни бемалол ўтказиш ҳақида битим (унда юклар учун божхона солиғи, бож ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун солиқлар ва йиғимлар солмасликка келишилди, аммо битимни Украина имзоламади);

— гидрометеорология соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида битим;

— темир йўл транспортида йўловчилар ва юк ташининг янги ягона тарифлари ҳақида ахднома.



1992 йил 20 мартда Киевда МДХ давлат бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда СССРнинг мулки ҳақида, давлат архиви, қарзлари, СССР Давлат банки ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Киев учрашувида давлатларнинг чегараларини ва Ҳамдўстликнинг денгиз иқтисодий зоналарини қўриқлаш ҳақида битим имзоланди.

1992 йил 15 май куни Тошкентда МДХ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар — Ҳамдўстлик доирасида молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик, ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш, космик дастурларни бажариш, ягона бюджетни шакллантириш ва чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тартиби, коллектив хавфсизлик, ягона ахборот макони ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Собиқ СССРнинг даромадлари, қарзлари ва молмулклари тўғрисидаги ахборотлар тингланди.

Тошкент кенгашида 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар орасида «Коллектив хавфсизлик, тинчликни сақлаш, коллектив кучларнинг мақоми ҳақида битим» алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Ҳамдўстлик давлатлари хавфсизлигини кафолатлайди.

Тошкент Кенгашида яна бир қатор ҳужжатлар имзоланди, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик ҳақида битим;
- ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш ҳақида битим;
- космик дастурларни бажаришга пул ажратиш тўғрисида битим;
- чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тўғрисида битим;
- қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида битим ва бошқалар.

1993 йил январда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда МДХнинг Низоми имзоланди ва МДХни ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди. ~~Кенгашида давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик маслаҳат кенгашини тузиш, Афғонистон билан Тожикистон ўртасидаги чегарани мустаҳкамлаш учун МДХнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш масалалари муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. МДХнинг зарурлиги, уни мустаҳкамлаш кераклиги ҳамма Президенти~~

дентлар томонидан таъкидланди. Минскда имзоланган ҳужжатлар иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга, танглик жараёнларини бартараф қилишга қаратилди.

1993 йил 14 майда Москвада МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Учрашувда МДХнинг мувофиқлаштириш-маслаҳат қўмитасини ҳамда ижроия котибиятини тузишга қарор қилинди. Тожикистонга ёрдам беришга келишилди.

1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Унда муҳим масала — МДХ доирасида Иқтисодий иттифоқ барпо этиш масаласи муҳокама этилди ва Иқтисодий иттифокни тузиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Бу шартнома Ҳамдўстлик фаолиятининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Кенгашда 18 та масала кўрилди: МДХ аъзолари бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги Низом, МДХ бирлашган кўролли кучлари бош қўмондонлигини қайта тузиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар ҳақидаги баёнотнома, Тожикистонга доир масалалар, Тожикистонда тузиладиган Бирлашган мудофаа кучлари тўғрисидаги Низом, давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш ва бошқалар. МДХ давлатлари ўртасида ягона валюта — рубль зонасини сақлашга келишилди. Аммо рубль зонасини сақлаб қолиш ҳақидаги аҳднома барбод бўлди. Ҳар бир давлат ўзининг миллий валютасини жорий этди.

1993 йил 24 декабрда Ашгабатда МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Унда Грузия раҳбари Эдуард Шеварнадзе қатнашди ва Грузия МДХга аъзо этиб қабул қилинди. 1993 йил 24 сентябрда имзоланган Иқтисодий иттифоқ шартномасининг парламентларда тасдиқланишини кутиб ўтирмай, уни кучга киритиш ҳақида Битим имзоланди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича штаб тузиш ҳақида битим имзоланди. Тожикистоннинг Афғонистон билан чегарасида вазиятни барқарорлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар келишиб олинди. Сармоя сарфлаш фаолияти соҳасида ҳамкорлик ҳақида, дори-дармон ва бошқа медицина маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисида, давлатлараро «Мир» телекомпаниясининг фаолиятини таъминлаш ҳақида битимлар имзоланди.

МДХ давлатлари ўртасидаги муносабатларда ишонч-ни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида Ашгабад Декларацияси қабул қилинди. Ашгабадда жами 21 та ҳужжат имзоланди.

1994 йил апрелда Москвада Ҳамдўстлик давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлди. Унда коллектив тинчликни сақлаш кучларининг Тожикистонда бўлиш муддати, таркиби ва вазифалари ҳақида битим имзоланди ва коллектив тинчликни сақлаш кучларининг қўмондони ҳақида қарор қабул қилинди. Эркин савдо маконини барпо этиш тўғрисида битим имзоланди. Аҳолининг кўчиши ва кўчиб келганларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, фашизмга қарши уруш иштирокчилари ва ноғиронлари, бошқа давлатлар ҳудудидаги уруш ҳаракати қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари учун ўзаро имтиёзлар ва кафолатлар тўғрисида битим имзоланди. Ҳукумат бошлиқлари эса ишлаб чиқариш, тижорат, кредит-молия, сугурта ва миллатлараро аралаш бирлашмалар, корхоналар барпо этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисида битим туздилар. Кенгаш миллий ёки этник жиҳатдан, тили ва дини жиҳатидан камчиликни ташкил этувчи кишиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласида конвенция ишлаб чиқишни таклиф қилди.

**МДХ доирасида иқтисодий  
муносабатларнинг  
ривожланиши**

1994 йил 21 октябрда Москвада МДХ давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда 10 га яқин масалалар муҳокама қилинди. Асосий эътибор МДХ мамлакатларининг иқтисодий интеграциясига доир масалага қаратилди. МДХ давлатлари ўртасида интеграцияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида меморандум имзоланди. Унда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, интеграциявий тараққиётнинг истиқбол режалари белгилаб берилди. Мазкур Кенгашда Иқтисодий иттифоқнинг Давлатлараро-иқтисодий кўмитаси (ДИК) тузилди. ДИКнинг мақсади — Иқтисодий иттифоқ фаолиятини шакллантириш ва самарадорлигини таъминлаш, МДХ аъзолари ўртасида иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, интеграция жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлашдан иборат, деб белгиланди. ДИКнинг вазифаси

иктисодиётни, ислохотларнинг боришини таҳлил этиш, хўжалик қонунларини бир-бирига яқинлаштиришни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантиришни прогнозлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни ривожлантириш бўйича кўшма дастурлар ишлаб чиқиш, транснационал характердаги тармоқлар (энергетика, транспорт, алоқа, газ ва нефть қувурлари) бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш каби умумий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдан иборатдир. ДИҚнинг штаб-квартираси Москва шаҳри деб белгиланди. ДИҚга тартибга солиш билан бирга, назорат қилиш функцияси ҳам берилди. ДИҚ Иқтисодий иттифоқни шакллантириш учун қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва имзоланишини таъминлаш зарур деб белгиланди: ўзаро тўлов иттифоқи; эркин савдо ҳудудлари барпо этиш; бож иттифоқи; товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучи умумий бозорини вужудга келтириш; валюта иттифоқи ва бошқалар. Кенгашда МДХ аъзолари ўртасида ўзаро тўлов иттифоқини тузиш ҳақида битим имзоланди.

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш, қурбонлар хотирасини абадийлаштириш бўйича тадбирлар келишиб олинди. Учрашувда миллий озчиликни ташкил этувчи кишилар ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида тайёрланган конвенция ҳамдўстлик аъзоларига кўриб чиқиш учун тавсия этилди.

МДХни мустақамлашда бу учрашув муҳим қадам бўлди. Унда давлатлараро муассаса — ДИҚнинг тузилиши МДХ мамлакатлари ўртасида узилиб қолган алоқаларни қайта тиклашга, интеграцияни чуқурлаштиришга умид уйғотди.

1995 йил 10 февралда Алматида МДХ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДХ аъзолари бўлган мамлакатлар чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш концепцияси муҳокама қилинди. Аммо масаланинг характери ва мазмуни ҳақида бир-бирига мос бўлмаган турли фикрлар билдирилди. Жумладан, Ўзбекистон томони миллий тизимлардан устун турадиган тузилмалар, айниқса ҳарбий тузилмалар тузишга қарши эканлигини билдирди.

МДХ давлатлари ҳукумат бошлиқларининг Кенгаши ҳам бўлди, унда 15 та масала муҳокама қилинди. Улар орасида Иқтисодий иттифоқ аъзолари бўлган давлатларнинг хўжалик муносабатларини — ўзаро ҳуқуқий тартибга солиш концепциясининг лойиҳаси,

давлатлараро транспорт қатновида қатъий баҳо белгилаш сиёсатини такомиллаштириш ва бу соҳадаги ўзаро ҳисоб-китоб ва бошқалар бор эди. Алмати учрашувида 13 та битим имзоланди. Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари А. Большаков Давлатлараро иқтисодий қўмита коллегиясининг раиси этиб тасдиқланди.

1995 йил 26 май куни Минскда МДХ давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзаро тўловларни тартибга солишга хизмат қиладиган давлатлараро валюта қўмитаси тузиш, коллектив хавфсизлик, МДХ чегараларини кўриқлаш, коллектив тинчликни сақлаш кучларининг (КТСК) Тожикистон ва Абхазия каби кескин ўчоқларда туриш муддатини узайтириш, ихтилофларни бартараф этиш, Парламентлараро ассамблея, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар фуқароларини Жуков медали билан мукофотлаш, иқтисодий суд фаолияти ва уни такомиллаштириш каби кўплаб масалалар муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжатлар имзоланди.

МДХ умумий чегаралари ва уларни биргалашиб кўриқлаш тўғрисида томонларнинг фикри турлича бўлди. Мустақил давлатлар чегараларини Ҳамдўстликнинг умумий чегаралари деб тан олиш ва кўриқлаш тўғрисидаги шартномани 7 давлат имзолади. Ўзбекистон томони имзоламади, чунки МДХнинг умумий чегараси йўқ, аксинча, ҳар бир мустақил давлатнинг ўз чегараси бор ва ҳар бир давлат уни ўзи кўриқлаш керак, деб таъкидлади.

1996 йил 19 январь куни Москвада МДХ давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлди. Унда ўндан зиёд масалалар муҳокама қилинди. Божхона ва тўлов иттифоқини шакллантириш, Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш, ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Муҳокама қилинган масалалар орасида Тожикистон, Абхазиядаги ихтилофларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам бор эди. Тожикистонда МДХ тинчликни таъминлаш кучлари ваколати олти ойга узайтирилди, бу кучларнинг қўмондони этиб генерал-лейтенант В. Заварзин тайинланди. Россия Президенти Б. Ельцин яна бир йил муддатга МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши раиси этиб сайланди.

1 МДХ давлат бошлиқларининг 1996 йил 17 май ва 1997 йил 28 март кунлари Москвада, 1997 йил 23 октябрда Кишиневда Кенгашлари бўлиб ўтди. Уларда интеграция жараёнларини тезлаштириш концепцияси, уюшган жиноятчилик ва бошқа хавfli жиноятларга қарши биргаликда кураш дастури, МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиш аҳволи, МДХнинг истиқболлари, МДХ органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

1998 йил 29 апрелда Москвада МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда МДХ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш, Ҳамдўстлик фаолиятини яхшилаш, хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисодий интеграция масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда Б. Ельцин МДХ давлат бошлиқларининг 2000 йилгача раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов МДХ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг раиси, Борис Березовский МДХ ижроия кенгашининг раиси этиб тайинланди.

МДХ ташкил этилгандан бери ўтган даврда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқалари катта машаққатлар ва секинлик билан мустақамланиб бормоқда. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетди. Бунга сабаб томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётганида эмас, аксинча, ўзаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилишига интилаётганлиги билан боғлиқ. Ўтган йиллар давомида эришилган ахдлашувларни амалга оширишнинг самарали механизми яратилмади, ўзаро ҳисоб-китоблар ҳозирги кунгача мувофиқлаштирилмади.


Ўзбекистон Республикаси МДХ доирасида сунъий равишда жорий этиладиган интеграцияга ҳамда давлатлардан юқори турувчи тузилмаларни — парламент, кўплаб амалдорлар ишлайдиган маъмурий идоралар, ҳарбий-сиёсий органларни ташкил этишга қарши. Ўзбекистон мустақиллик ва интеграцияни уйғунлаштириш тарафдори, МДХни ҳақиқий мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни хоҳлайди. Кейинги йилларда МДХ айрим аъзоларининг Тўртлар

шартномаси (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Белорусь), Иккилар иттифоқи (Россия ва Белорус) тарзида қайта гуруҳланиши ҳам содир бўлди. Бу МДХни янада заифлаштиришга олиб бориши табиий.

### Савол ва топшириқлар

1. МДХ қачон ташкил топди, қайси давлатлар унга аъзо бўлди?
2. Беловежское Пушче шартномасини кимлар имзолади. Унда нималар дейилган?
3. Алмати декларациясини кимлар имзолади, унда нималар баён этилган?
4. МДХ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик деганда нималарни тушунаси?
5. МДХ давлат бошлиқларининг Тошкент кенгаши қачон бўлди ва қандай ҳужжатлар қабул қилинган?
6. МДХ доирасида Иқтисодий иттифоқ, унинг Давлатлараро иқтисодий кўмитаси қачон тузилган ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?

### 51-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МДХ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутди.

Икки томонлама ҳамкорлик дейилганда икки давлат ўртасидаги, яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1991 йил 26 октябрда Ўзбекистон Президенти И. Каримов расмий давлат сафари билан Москвага борди. Учрашувда И. Каримов ва Б. Ельцин икки давлат ўртасида мухтор ваколатхоналар очиш, бир-бирларининг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, ташқи сиёсатда ва иқтисодий масалаларда ҳам-

корлик қилишга келишиб олдилар. Шу сафар чоғида 1992 йил учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари бўйича битим имзоланди.

1992 йил 30 майда И. Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди.

1992 йил май ойида Б. Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи пайтида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш чораларини кўришга аҳдлашилди. 1993 йил 19 мартда Ўзбекистон ва Россия ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Икки давлат ўртасидаги алоқаларни такомиллаштириш ва ривожлантиришда И. Каримовнинг 1994 йил март ойидаги Россия Федерациясига қилган расмий давлат ташрифи муҳим ўринни эгаллади. И. Каримов билан Б. Ельцин ўртасидаги музокаралар якунида 1994 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларация имзоланди. Шунингдек икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси В. С. Черномирдин 1995 йил 26—28 июль кунлари расмий сафар билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар чоғида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисида меморандум;

— 1996—1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— «Ильдюшин» транснационал молия-саноат қўшма гуруҳини барпо этиш ҳақида битим;

— Россия рубли ва Ўзбекистон сўмининг ўзаро алмаштирилиши ва уларнинг қийматларини барқарор-



лаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, илмий-техник ҳамкорлик, «супа» халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар;

— иккала мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, коммуникация, фан-техника, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан савдо оборотида Россия етакчи ўринни эгаллайди. 1997 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо обороти 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1998 йилга келиб Ўзбекистонда Россия сармоядорлари иштирокида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 260 га етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1998 йил 5—7 май кунлари Россия Федерациясига қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Россия Президенти билан олий даражадаги учрашуви ва икки давлат бошлиқлари томонидан имзоланган қўшма баёнот мазкур икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтарди. Сафар чоғида ИЛ-76 самолётларини ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш, шунингдек ИЛ-76 ва ИЛ-78 самолётларининг эксплуатация ва модернизация қилинишини таъминлаш ҳамда модефикациялаш соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида битим имзоланди. Бу битим В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини янада кенгайтириш учун катта имконият яратади. Шунингдек маданият, ахборот марказлари таъсис қилиш ва уларнинг фаолият шароитлари ҳақида, оммавий ахборот воситалари мухбирларининг мақоми ҳақида битимлар имзоланди. Шу тариқа, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар мустаҳкамланиб ва чуқурлашиб бормоқда.

## Ўзбекистон — Украина муносабатлари

Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларга асос солишда И. Каримовнинг 1992 йил август ойида Киевга расмий

дават ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. 25 август кунини Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчук Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолادилар. Сафар чоғида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик битими имзоланди.

1994 йил 10—11 ноябрь кунлари И. Каримовнинг Украинага иккинчи давлат ташрифи Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларни янада юқори поғонага кўтарди. Икки Президент — И. Каримов ва Леонид Кучма музокаралар пайтида ўзаро ҳамкорлик борасида, халқаро масалалар юзасидан амалий фикр алмашинди. Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида баённома, Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида даромад ва мулкдан икки томонлама солиқ олмаслик ҳақида ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Икки давлат ҳукуматлари ўртасида 1995 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ўзбекистон ва Украина Президентлари алоқаларнинг янги шаклларини ривожлантириш, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятларини барпо этиш, эркин савдо-сотиқ тартибини ўрнатишга аҳдлашдилар. Юксак малакали мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилишга келишилди.

И. Каримов Украинанинг машинасозлик ҳарбий sanoat мажмуаси ва конверсия вазири В. Петровни қабул қилиб, машинасозлик соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида фикрлашиб олди. И. Каримов Украинадаги йирик sanoat бирлашмаси — О. Антонов номидаги авиация илмий-техник мажмуасига ташриф буюрди ва авиация sanoati бўйича ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди. Ўзбекистонда 30 тонна юкни 5 минг км. га элтиб берувчи самолёт ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳамкорлик қилишга келишилди. Украинанинг енгил sanoati Ўзбекистон пахта толасига,

оғир саноати эса Ўзбекистоннинг рангли металлларга муҳтож эканлиги, Ўзбекистондаги газ ва нефть конларини ўзлаштириш Украина ускуналарига муҳтож эканлиги қайд қилинди. Ўзбекистоннинг Қора денгиздаги Украина бандаргоҳлари орқали Фарб билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб бораётганлиги таъкидланди.

1995 йил 20—21 июнь кунлари Украина Президентини Леонид Кучма Ўзбекистонда бўлди. Иккала давлат Президентлари Ўзбекистон — Украина ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўллари тўғрисида Декларация, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартномани имзоладилар.

Сафар чоғида Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақида битим, элчихоналар фаолияти ҳақида битим имзоланди. Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1992—1997 йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникация, фан-техника, саноат, савдо ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича 70 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Ўзаро савдо ҳажми 1992 йилдаги 20 миллион АҚШ долларидан 1997 йилда 350 миллион АҚШ долларига етди. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда. 20 та ўзаро қўшма корхоналар ишламоқда.

#### Ўзбекистон ва Белорус ҳамкорлиги

Белорус Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. Шункевичнинг 1991 йил 6 ноябрда Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи Ўзбекистон

билан Белорус ўртасида давлатларо алоқаларга асос солди. Ташриф пайтида Тошкентда И. Каримов ва С. Шункевич Ўзбекистон Республикаси билан Белорус Республикаси ўртасида давлатларо муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома имзоладилар. Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим имзоланди.

1994 йил 21—22 декабрь кунлари Белорус Республикаси Президентини Александр Лукашенконинг расмий ташрифи билан Тошкентда бўлиши Ўзбекистон ва Белоруссия ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришда янги босқич бўлди. Ташриф пайтида давлатларо,

ҳукуматлараро ҳамда ҳар икки давлат муассасалари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон билан Белорус ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларацияни, маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани И. Каримов ва А. Лукашенко имзолади. Ҳукуматлар ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автомобиль, темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ҳақида протокол ҳамда тармоқлараро ҳужжатлар имзоланди.

**Ўзбекистоннинг Молдова,  
Грузия ва Озарбайжон  
билан алоқалари**

Ўзбекистоннинг Молдова, Грузия ва Озарбайжон Республикалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек ўз мустақиллигини қўлга киритган бош-

қа республикалар билан ҳам икки томонлама давлат алоқалари йўлга қўйилмоқда.

1995 йил 30—31 март кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримов Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди. И. Каримов ва Молдова Президенти Мирча Снегур ўртасидаги музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Ҳукуматлар ўртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ўндан зиёд битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар издан чиққан алоқаларнинг тикланиши учун ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон учун шакар, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик техникаси, электро-техника асбоб-ускуналари, сугоришда фойдаланиладиган насослар керак. Молдова саноати учун эса Ўзбекистоннинг пахтаси, кимёвий толаси, қаттиқ металлари керак. Бу зарурият икки мамлакат ҳамкорлигининг заминидир.

1995 йил 5 сентябрда Грузия давлат раҳбари, республика парламенти раиси Эдуард Шеварнадзе расмий визит билан Ўзбекистонда бўлди. Бу ташриф Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги қадимий алоқаларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки томонлама

муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди ва музокаралар низоҳида И. Каримов ва Э. Шеварнадзе томонидан Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Икки мамлакат ўртасида 20 дан зиёд ҳукуматлараро ва муассасалараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва Грузия Бош вазири ўринбосари Б. Шулуа Ўзбекистон билан Грузия ҳукуматлари ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, фан-техника, банк, қишлоқ хўжалиги, божхона, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо ва ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида 10 дан зиёд битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Грузия ташқи ишлар вазири А. Чикваидзе ҳар икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида протокол, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларни имзоладилар. Ўзбекистон солиқ қўмитаси билан Грузия божхона департаменти ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик бўйича битим тузилди. Икки мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон — Грузия қўшма ахборотида икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга, Марказий Осиё ва Кавказorti минтақалари хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

1996 йил 12 май куни Ашгабалда Ўзбекистон, Грузия, Туркменистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви бўлди. Учрашувда тўртта республика ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. Мазкур битимни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1996 йил май ойида Грузия ва Озарбайжон Республикаларига расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислам Каримовнинг Грузияга сафари чоғида Э. А. Шеварнадзе билан халқаро Транс-Кавказ йўли, унинг Грузиядан ўтадиган қисмини барпо этиш, Грузиянинг Поти бандаргоҳи имкониятларидан Ўзбекистон юкларини ташишда фойдаланиш масалалари бўйича ахдлашиб олинди. И. Каримов ва Э. Шеварнадзе Ўзбекистон ва Грузия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва

чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон билан Грузия ўртасида молия-саноат гуруҳини тузиш, ҳуқуқ-тартибот, почта алоқаси, савдо, солиқ, божхона тизими каби 15 га яқин ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида давлатлараро алоқалар йўлга қўйилди ва ривожланиб бормоқда. 1996 йил 27 май кунини Ислон Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси Озарбайжонда бўлди. Икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар. Икки қардош мамлакат ўртасида давлатлараро алоқалар йўлга қўйилди. Сафар чоғида Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида савдо-иқтисодий, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобиль ва темир йўли алоқалари, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш бўйича 20га яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат раҳбарлари халқаро Транс-Кавказ йўлини барпо этиш, унинг Озарбайжондан ўтадиган қисмини шакллантириш, Ўзбекистон юқларини Озарбайжон ҳудуди орқали Европа томон чиқариш, Озарбайжон бандаргоҳларини таъмирлаш масалалари тўғрисида келишиб олдилар. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар тўғрисида протокол имзоланди.

Ўзбекистоннинг Болгиқ-  
бўйи республикалари  
билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 6—8 июнь кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ташриф чоғида И. Каримов Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис билан Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ўзбекистон ва Латвия ҳукумати ўртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг 1996 йил 23 майда Ўзбекистонга қилган давлат сафари икки мамлакат ўртасида алоқаларни янада чуқурлаштирди. Икки Президент Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш

тўғрисида Декларация имзоландилар. Ҳукуматлараро фуқаролик, меҳнат, ҳуқуқ-тартибот, халқаро автомобиль катнови, темир йўл транспорти, маданият, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Латвиядан электр машиналари, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, эфир мойи, қора металл сотиб олади. Латвияга эса рангли металллар, ипак пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Тошкентда «Дзинтарс» Латвия акционерлик жамиятининг Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси қурилади. «Дзинтарс» фирма дўкони қурилиб, «Волида», «Саодат», «Истиқбол» сингари атирлар ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон ва Латвия ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув тўғрисида Протокол имзоланди. Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ўсиб бормоқда. 1994 йил ўзаро товар айирбошлаш 121,8 миллион сўмни ташкил этди.

И. Каримов 1995 йил июнь ойида Литвага ташрифи чоғида Президент А. Бразаускас Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма Декларацияни имзолади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Литвадан электр ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сут ва сут маҳсулотлари, мебель саноати маҳсулотларини сотиб олиб, Литвага пахта, нефть, рангли металллар экспорт қилади. 1994 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 248,6 миллион сўмдан иборат бўлди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан Литванинг Литимпекс банки ўртасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон Литванинг транспорт-ҳўжалик коммуникациясига, денгиз йўлига, айниқса, Клайпед бандаргоҳига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қизиқиш билдирди.

## Савол ва топшириқлар

1. Икки томонлама ҳамкорлик деганда нимани тушунаси?
2. Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги алоқалар қандай ҳужжатлар асосида ривожланиб бормоқда?
3. Ўзбекистон билан Украина ўртасида қандай соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда?
4. Ўзбекистоннинг Молдова билан алоқалари ҳақида гапириб бering.
5. Ўзбекистон билан Грузия ўртасида давлатлараро алоқалар қачон ўрнатилди ва қандай ривожланиб бормоқда?
6. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида сўзлаб бering.
7. Ўзбекистон қайси соҳаларда Латвия ва Литва билан ҳамкорлик қилмоқда?

### 52—53-§§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ

**Марказий Осиё  
давлатлари ўртасидаги кўп  
томонлама ҳамкорлик**

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон

билан ҳамкорлик, қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Минтақадаги бешта давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, дилимизнинг бирлиги, томирларимизнинг тутшиб кетганлиги бу мамлакат халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришнинг заминидир. Ўзбекистон раҳбарияти бу минтақадаги давлатлар, халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ва мустаҳкамлаш чораларини қадамма-қадам кўриб бормоқда.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг биринчи учрашуви 1990 йил июнда Алмати шаҳрида бўлиб ўтди. Унда бу давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатилиш зарурлиги асослаб берилди. Учрашув Совет Иттифоқи ҳали мавжудлиги шароитида, унинг аҳволи тобора ёмонлашиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида танглик кучайиб бораётган, пул қадрсизланаётган, нарх-наво қимматлашиб бораётган шароитда бўлган эди.



Шунинг учун ҳам Марказий Осиёдаги беш давлат иқтисодий тангликдан чиқиш учун ресурсларни бирлаштириш зарур деган хулосага келдилар. Бешта республика олий раҳбарлари — И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Масалиев, Қ. Маҳкамов ва С. Ниёзовлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари а муурожаатнома ҳамда республикалар раҳбарларининг Баёноти номли ҳужжатларни имзоладилар.

1990 йил июнда бўлган Алмати учрашувида давлат бошлиқлари ҳар йили учрашув ўтказиш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

2 Марказий Осиё давлатлари Президентларининг навбатдаги учрашуви 1991 йил 13-15 август кунларида Тошкент шаҳрида бўлди. Унда учрашув якунлари хусусида Ахборот ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Маслаҳат Кенгашининг вазифаси бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратишдан, бозор муносабатларига ўтишда минтақа манфаатларини ҳимоя қилувчи келишилган сиёсат юритишдан, иқтисодиётнинг умумий муаммоларини ҳал этишга ягона ёндошувларни ишлаб чиқишдан иборат деб белгиланди. Битимда Маслаҳат Кенгашининг фаолият юритиш тартиблари ҳам қуйидагича белгилаб берилди:

- Маслаҳат Кенгашининг фаолияти тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик, ишбилармонлик фаолияти учун шарт-шароит яратиш қоидаларига асосланади;
- унинг таркибига республикалар ҳуқуқат бошлиқлари ўринбосарлари раҳбарлигидаги вакиллар киради;
- Кенгаш ҳузурида доимий ишлайдиган Ишчи гуруҳи тузилади ва у Ашгабад шаҳрида жойлашади;
- Маслаҳат Кенгашининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида, навбати билан республикаларда ўтказилади;
- Қарорлар манфаатдор томонлар вакиллари маъқуллаган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади;
- Кенгаш фаолиятини ҳар бир республика валюта ва молиявий воситалар билан барабар миқдорда таъминлайди.

Битимни Озарбайжон делегацияси раҳбари бош вазир Г. Гасанов ҳам имзолади.

1991 йил 13 декабрда Ашгабадда Марказий Осиё давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб, унда Тажан-Серахс темир йўл қурилиши бўйича иқтисодий ҳам-

корлик қилиш бўйича битим имзоланди. Уни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Президентлари И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев ва С. Ниезовлар имзоладилар. Темир йўл қурилиши ҳақидаги бу битим ягона Осиётранс магистралини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир. Беш давлат бошлиқлари Чернобиль ҳалокати, Орол фожиаси оқибатларини тугатиш масаласида биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Ҳалокат зоналари аҳолисига тезликда гуманитар ёрдам жўнатишга аҳдлашдилар.

1993 йил 4 январда И. Каримов ташаббуси билан Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Президентларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё атамаси тилга олинди ва бундан кейин Марказий Осиё ва Қозоғистон тушуниладиган бўлди. Учрашув қатнашчилари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни муҳокама қилдилар. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, савдо-иқтисодий битимлар қандай бажарилаётганлиги таҳлил этилди.

Тожикистонда 1992 йилда бошланган биродарқушлик уруши тўғрисида фикр алмашинди ва Тожикистонга кўрсатилаётган ёрдамни давом этказишга келишилди. Минтақа хавфсизлигини ва тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш масалалари хусусида маслаҳатлашиб олинди.

Бир-бирларига элчилар юборишга қарор қилинди ва уни 1993 йил 1 февралгача белгиланган тартибда ҳал қилиш ташқи ишлар вазирликларига топширилди. Хукуматларга нарх сиёсати, энергия манбалари билан таъминлаш, Орол ва Каспий денгизлари муаммоларини томонлар манфаатини кўзлаб ишлаб чиқишни топширдилар. Тошкент учрашувида Оролни сақлаб қолиш халқаро жамғармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарма мажлисларини Қизил Ўрда, Нукус ва Тошқовузда ўтказиш зарур деб топилди.

Ягона минтақа бозорини вужудга келтириш, Дон, Энергетика бўйича ҳамкорлик қилишга келишилди. Форс кўрфази, Тинч океанига чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Тошкент учрашуви Марказий Осиё ҳамкорлигига асос солди. Бешала давлат бошлиқлари ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзоладилар.

1993 йил март ойида Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия давлат делегацияси иштирокида анжумани бўлиб ўтди. Унда Орол

бўйидаги экология танглигини, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжиҳат кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида маслаҳатлашилди, умумий ёндошув ишлаб чиқилди.

Анжуманда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисида битим имзоланди. Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро Кенгаш тузилди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Н. Назарбоев бир йил муддатга шу жамғармаларнинг Президенти этиб сайланди.

Учрашув қатнашчилари Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Россия номидан БМТ Бош котиби Бутрос Галийга мактуб йўллаб, Орол бўйидаги мураккаб аҳвол ва рўй берган муаммоларни ҳал этиш учун белгиланган чора-тадбирлар ҳақида, шунингдек Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳал қилишга халқаро жамиятнинг диққат-этиборини жалб қилиш зарурлиги тўғрисида уни хабардор этдилар.

1993 йил августда Нукусда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро Кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг қўшма мажлиси бўлди.

1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё мамлакатлари бошлиқларининг Россия Федерацияси давлат делегацияси иштирокида конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Орол денгизи ҳавзасидаги ҳозирги аҳвол билан боғлиқ кўпгина масалалар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси маблағлари қандай тўпланаётгани муҳокама қилинди, унинг фаолияти маъқулланди. Экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин 3—5 йил ичида бажарилиши лозим бўлган муайян вазифалар белгиланди. Орол денгизини қутқариш бўйича давлатлараро Кенгаш Низоми тасдиқланди ҳамда унинг ижроия органининг раҳбари тайинланди. Бу масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон раҳбарияти минтақадаги мамлакатлар ва халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиб, уни мустақкамлаш ва ривожлантириш тадбирларини қадамма-қадам амалга ошириб бормоқда. Тожикистон халқи бошига мусибат тушганда Ўзбекистоннинг берган сиёсий ва иқтисодий мадати,

бешта мамлакатни Ўрта Ер денгизи, Ҳинд океани, Тинч океани билан боғловчи темир йўллар қурилишида ҳамда Оролни қутқариш ҳаракатида Ўзбекистоннинг фаол иштироки фикримизнинг далилидир.

1994 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Шу йили 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида шартнома имзоланди. 1994 йил 30 апрелда Чўпонота шахрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида уч тёмонлама шартнома имзоланди. Уч қардош мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик янги поғонага кўтарилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг 1994 йил июль ойи бошида Алмати шахрида бўлиб ўтган учрашуви ҳам бу уч қардош мамлакатлар халқлари ўртасидаги муносабатларни мустақкамлашда яна бир янги қадам бўлди. Унда ўзаро интеграцияни кучайтириш бўйича, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини тузиш тўғрисида битимлар имзоланди. Томонлар давлатлараро Кенгаш ҳамда унинг доимий ижроия органини, шунингдек, Бош Вазирлар Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, Мудофаа Вазирлари Кенгашини таъсис этдилар. Бундан ягона мувофиқлаштирувчи бошқарув органларининг пайдо бўлиши Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида интеграция учун ҳуқуқий заминни мустақкамлади. Яхлит иқтисодий маконнинг барпо этилиши бу ҳудудда яшаётган халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустақкамлашга, уларнинг мустақил тараққиётига кўмаклашди.

1995 йил 3 мартда Тошҳовузда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда Н. Назарбоев Орол денгизини қутқариш бўйича халқаро жамғарма фаолияти ҳақида маъруза қилди. Мазкур жамғармага маблағ ажратиш масалалари кўриб чиқилди. Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти жамғармани қўллаб-қувватлаётгани таъкидланди. Орол денгизини қутқариш бўйи-

ча Давлатлараро кенгаш ижроия кўмитасининг фаолияти, амалга оширилаётган ишлар, режалар муҳокама қилинди.

Тошхўвуз учрашувида Марказий Осиё республикалари Президентлари — И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев, И. Раҳмонов ва С. Ниёзовлар Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалаларини кўриб чиқдилар ва қўшма Баёнот имзолادилар. Унда: «Ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўлини, давлат ва жамият қуриш андозаларини танлаб олиш ҳуқуқини эътироф этамиз, ўзимизнинг бир-биримизга нисбатан мақсадларимиз бирлигига шубҳа уйғотувчи, нодўстона кучлар манфаатига хизмат қилувчи баёнотлардан тийилиб туришга тайёр эканимизни баён этамиз», дейилади. Қўшма Баёнотда демократик кадриятларга асосланган, экстремизмнинг сиёсий, диний ва бошқа шакллари рад этадиган адолатли жамият барпо этамиз, бир-биримиз билан ҳамда бошқа мамлакатлар билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик қиламиз, деб таъкидланади.

1995 йил 14 апрель куни Чимкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Президентларининг учрашуви бўлди. Тожикистон ва Афғонистон чегарасидаги вазият ҳақида маслаҳатлашиб олинди. Қабул қилинган Баёнотда Тожикистон муҳолифат кучлари томонидан 1995 йил 7 апрелда қилинган қон тўкишга олиб келган хужум қораланди. Хужум натижасида қурбон бўлган россиялик, қозоғистонлик, тожик чегарачилар оиласига таъзия билдирилди. Баёнотда можарони тинч йўл билан, келишув йўли билан ҳал этиш лозимлиги таъкидланди, МДҲ, БМТ, ЕХҲТ Тожикистонда миллий тотувликка эришиш, тинчликни мустақамлашда ҳамкорлик қилишга чақирилди.

Тожикистон раҳбариятига тожиклараро музокара-ларни фаоллаштириш ва можарони бартараф этиш учун барча воситалардан фойдаланиш таклифи илгари сурилди.

Уч давлат бошлиғи Марказий Осиё давлатлари интеграциясини жадаллаштириш бўйича Хужжат (Ком-мюнике) имзоладилар. Бу борада 2000 йилгача дастур маъқулланди. Учрашувда давлатлараро Кенгаш ва Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки («Центр-разбанк»)нинг ахборотлари тингланди.

Уч давлат Президентлари минтақа барқарорлигини кўзлаб, БМТ ҳомийлигида тинчликни таъминловчи

бирлашган батальон тузиш мақсадга мувофиқ деб таъкидладилар ва ўз ҳукуматларига, мудофаа вазирларига бу борада давлатлараро Кенгашга аниқ таклифлар киритишни топширдилар.

1995 йил 15 декабрда Жамбулда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Президентлар 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар. Интеграция дастурида 53 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Уларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилмоқда. «Центразбанк» уч мамлакат ҳудудидаги 10 дан ортиқ лойиҳани, жумладан Ўзбекистонда «Фармсаноат» концернини, Қозоғистонда тоғ-кон саноатини, Қирғизистонда электр двигателлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни маблағ билан таъминламоқда.

Жамбул учрашувида 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурлари бўйича қарор қабул қилинди. Мудофаа вазирлари кенгаши Низоми тасдиқланди.

БМТ раҳнамолигида ҳаракат қиладиган Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш коллектив батальонини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Уч давлатнинг тинчликни сақлаш коллектив батальони шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Қозоғистон Республикаси Президентининг таклифи биноан 1996 йил 12 январь куни Кўкчатов вилоятида И. Каримов, Н. Назарбоев ва А. Акаевлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Президентлар Марказий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастури юзасидан фикр алмашдилар ва бу жараёнлар стратегик мазмундаги муносабатлар бўлиб уччала мамлакат халқларининг фаровонлиги йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Улар ўртасидаги ҳамкорлик 33 та лойиҳани ўз ичига олувчи иқтисодий интеграция дастурида ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида иқтисодий интеграция жараёнларига бошқа мамлакат-

лар ҳам эътибор билан қарамоқда. Бу уч мамлакатнинг 1996 йил 23 августда бўлган Давлатлараро Кенгашининг мажлисида Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси кузатувчи сифатида иштирок этди.

1997 йил 9—10 январь кунлари Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлат бошлиқларининг кенгаши бўлиб унда уч қардош давлатлар ўртасида ~~абдий дўстлик ҳақида шартнома имзоланди. Бу ҳужжатда ўзбек, қозоқ, қирғиз халқларининг орзу-ниятлари ўз ифодасини топди. Мазкур шартнома уч қардош давлат халқларининг иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлигини янги асосларда ривожлантиришга йўналтиради. Улардан бирининг ҳудудий хавфсизлигига бирор мамлакат ҳавф солгудай бўлса, уч давлат раҳбарлари зудлик билан йиғилиб, халқаро ҳамжамиятни бундан огоҳ этади, биргаликда муҳофаа учун чора-тадбирлар кўради. Бишкек учрашувида давлатлараро Кенгашга раислик қилувчи Қозоғистоннинг ваколат муддати тугагани боис ўтган уч йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Кейинги муддатга давлатлараро Кенгаш ва унинг муассасаларига Қирғизистон вакиллари раислик қилишга келишилди.~~

1997 йил 12 декабрь кўни ~~Қозоғистон Республикасининг янги пойтахти — Оқмола шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг Кенгаши бўлиб~~ ўтди. Кенгашда уч мамлакат ўртасида энергетика, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация ҳамда минерал хом ашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузиш тўғрисида музокара бўлди. Президентлар халқаро консорциумлар тузиш бўйича уч мамлакат ҳамкорлиги таъминлари концепциясини маъқулладилар.

Халқаро консорциумлар тузишдан мақсад мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар орқали Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, минтақадаги энергетика, ер, сув, минерал хом ашё, меҳнат ва бошқа заҳиралардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат. Консорциумлар орқали уч мамлакат ўртасидаги ишлаб чиқариш ва технологик ҳамкорлик фаоллашади, маҳсулот ва хизматлар сифатини жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган даражага чиқариш, экспорт имкониятини юксалтириш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида минтақа мамлакатлари учун хориджаги

бозорлар сари кенг йўл очади, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув суръатини оширади.

Ягона иқтисодий макон барпо этилишининг аҳамияти шундаки, у уч мамлакат учун эркин савдо тамойиллари жаҳон бозорида вужудга келаётган нархнаво, хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит, чоралар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг умумий бозорини барпо этиш, илмий-техника, ишлаб чиқариш, сармоя, молия, транспорт ва ижтимоий соҳаларда биргаликда иш юритиш асосида ҳамкорлик қилишни амалга оширишга имконият очиб бермоқда.

1998 йил 5—6 январь кунлари Ашгабадда Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, учрашув чоғида нефть ва газ узатиш, транспорт ҳамда коммуникациялар тармоқларини ривожлантириш, бу орқали жаҳон бозорига чиқишни яхшироқ таъминлаш масалалари ҳам қараб чиқилди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи жиҳатлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Музокараларда Тожикистондаги вазиятни йўлга солиш жараёнидан мамнуният изҳор қилинди ва Тожикистонда бошланган тинчлик, муроса жараёни қўллаб-қувватланди. Беш давлат бошлиқларининг Қўшма баёноти имзоланди. Томонлар мазкур Баёнот орқали ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини бир хил қатъият билан давом эттираётганини билдирдилар. Бешала давлатнинг миллий манфаатларига, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка мос келадиган дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни чуқурлаштиришга содиқ эканлиги тасдиқланди. Томонлар минтақадаги интеграция жараёнларини ривожлантиришда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартноманинг муҳимлигини таъкидладилар. Тожикистон Президенти И. Раҳмонов мазкур ягона иқтисодий ҳудудга Тожикистон ҳам қўшилишини билдирди. Ашгабад учрашуви беш давлат ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни янада мустаҳкамлади.



1998 йил 26 мартда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тожикистон Президентини И. Раҳмонов ҳам иштирок этди. Кенгашда ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил 30 апрелда имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида протокол имзоланди. Кенгашда минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт давлат раҳбарларининг Баёноти, халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги қарор, тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, «Центразбат — 97» ўқув машқлари якуни ва «Центразбат — 98» машқларини ўтказиш тўғрисида қарор, Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури (СПЕКА) тўғрисидаги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Тошкент учрашуви Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро иқтисодий интеграция йўлида имзоланган барча ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан гувоҳлик беради. Тожикистон Республикасининг ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўтиш даври муаммоларини биргаликда бартараф этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

**Ўзбекистоннинг Марказий  
Осиё давлатлари билан  
икки томонлама  
ҳамкорлиги**

Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик билан бирга улар ўртасида икки томонлама алоқалар ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан икки томонлама муносабатлари 1992 йил 24 июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий давлат таширифи пайтида Н. Назарбоев билан И. Каримов томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома» асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

1993 йил 10 ноябрда И. Каримов Алматига сафар қилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки мамлакат интеграциясига оид алоқалар масаласини, иқтисодий сиёсатини муҳокама қилишди. Ўзаро сармояларни амалга ошириш йўллари ва усуллари, қўшма корхоналар, юксак технологиялар яратиш ҳақида гаплашиб олишди.

Томонлар пул тизимига доир масалани муҳокама қилиб, иккала томон бир вақтда миллий валютани жорий этиш ҳақида аҳдлашдилар. Иккала мамлакат пул тизими-ни биргаликда мустаҳкамлашнинг принципиал масалалари бўйича келишиб олишди. Аҳолининг иккала мамлакат пуллари эркин алмаштириш учун пул алмашув тармоқларини вужудга келтиришга эътибор қилиш зарурлигини таъкидладилар, ҳукуматларга ва банкларга банклараро ҳисоб-китоблар, эркин савдо, божхона бўйича амалий чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма берилди. Икки давлат ўртасида савдо-сотик, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида иқтисодий интеграцияга оид алоқалар, ўзаро сармоялар алмашиш, қўшма корхоналар ва юксак технологиялар яратиш ишлари йўлга қўйилди.

*СК* Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев 1994 йил ~~10~~ 12 январда расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Икки Президент Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи шартномани имзолادилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон чегаралари орқали киришда ва чиқишда иккала мамлакат фуқароларининг юкларини божхона текширувидан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Миллий банки билан Қозоғистон Миллий банки Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон—Қозоғистон» ҳамда Алмати шаҳрида «Қозоғистон—Ўзбекистон» клиринг палаталарини, шаҳарларда унинг филиалларини, валюта алмаштириш пунктларини очиш тўғрисида икки мамлакат ҳукуматлари ва банклари ўртасида битимлар имзоланди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан икки томонлама ҳамкорлиги «Ўзбекистон Республикаси билан

Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида шартнома» асосида йўлга қўйилди ва ривожлантирилмоқда. Бу шартнома Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи пайтида Тошкентда 1992 йил 29 сентябрда И. Каримов ва А. Акаев томонидан имзоланган эди.

И. Каримовнинг 1993 йил августда Қирғизистонга қилган расмий давлат ташрифи пайтида Уш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тўғрисида Баёнотнома имзоланди. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштиришга, хом ашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиётдан унумли фойдаланишга қаратилган. Икки давлат ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланган.

1994 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Қирғизистонда бўлди. Расмий ташриф якунида икки давлат Президентлари товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучларининг эркин юришини, ўзаро келишилган ҳисоб-китоб, сармоя, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини белгиловчи шартномани имзоладилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг иқтисодий имкониятларини уйғунлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу қарорга биноан фуқароларнинг чегаралардан ўтаётганида юқларини божхона текширувидан ўтказиш бекор қилинди, солиқлар, тўловлар ва бошқа турдаги чеклашлар камайтирилди.

Икки мамлакат банклари клиринг палаталари, уларнинг филиаллари, валюта алмаштириш пунктларини очишга келишиб олишди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, спорт ва туризм бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар асосида икки мамлакат ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

1991 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари учрашувида «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома» имзоланди. Бу шарт-

нома икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий алоқаларга негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

И. Каримовнинг 1993 йил 14—15 апрель кунлари Туркменистонга расмий сафари икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Ана шу сафар чоғида томонлар нефть ва табиий газ қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш, бунинг учун зарур корхона ва иншоотларни қуриш ҳамда ишга тушириш, бу соҳадаги лойиҳаларни биргаликда пул билан таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Томонлар жаҳон талабларига мос автомобиль ва темир йўллар қуриш соҳасида зарур чора-тадбирлар қўриш ҳақида келишиб олишди. Сув бойликларидан фойдаланиш, экология, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1996 йил 16 январь куни амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Чоржўй шаҳрида С. Ниёзов билан И. Каримов ўртасида ва икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегарасини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимларни имзоладилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эса сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, ҳаво йўли, божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, даромад ва мулкдан икки ёқлама солиқ олмаслик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги 20 дан зиёд битимлар имзоланди.

Қабул қилинган шартнома ва битимлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларни янги bosқичга кўтарди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида ҳам алоқалар ўрнатилган ва ривожланиб бормоқда. Тожикистонда 1992—1996 йилларда давом этган биродаркушлик уруши Тожикистоннинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир қилди, унинг қўшни мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон билан ҳамкорлигига ҳам путур етказди.

1997 йилда Москвада Тожикистоннинг расмий ҳокимияти билан муҳолифат кучлар ўртасида тузилган миллий муроса ҳақидаги шартнома Марказий Осиё

минтақаси мамлакатлари учун айна муддао бўлди. Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар билан алоқалари яна жонланди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил 4 январь куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. Икки мамлакат раҳбарлари ташриф якунлари бўйича Қўшма ахборот имзоладилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Бош вазирлари соғлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳа, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимларни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида юк ташиш ҳамда газ етказиб бериш, Тожикистоннинг қарзи бўйича ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ўзининг янги, мустақамланиши ва тараққиёт даврига ўтди. Шу вақтгача Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида 30 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланган. Улар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда 50 миллион АҚШ долларидан ошди, бу аввалги йилга нисбатан 50 фоиз кўпдир. Ўзбекистон Тожикистон ҳудудидан ўтган транспорт коммуникацияларидан фойдаланмоқда.

#### Туркистон — умумий уйимиз

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ўзбек, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман ва минтақада яшовчи барча халқлар ўртасидаги қадимий дўстлик алоқаларини янги шароитда мустақамлашни назарда тутиб «Туркистон — умумий уйимиз» деган гоғни илгари сурди. Минтақа жамоатчилиқ вакилларини, биринчи навбатда, ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг эътиборини Туркистон туйғусини — тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклашга қаратди.

Минтақа зиёлилари, Туркистон заминида яшовчи барча халқларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучлар бу гоғни қўллаб-қувватладилар. «Туркистон — умумий уйимиз» деб ном олган жамоатчилиқ ҳаракати ташкил топди.

1995 йил 21 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиё зиёлилари иштирокида «Қардош халқлар учрашуви» мавзусида халқаро қурултой бўлиб ўтди. Қурултойда «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов маъруза қилди. Маърузачи

ва сўзга чиққан қардош халқлар вакиллари минтақада яшаб ўтган аждодларимиз руҳи билан олис истиқболда туғилажак авлодлар боғлиқлиги, минтақа яхлитлиги, ягона Туркистон туйғусининг муқаддаслиги ҳақида сўзладилар. Курултойда «Туркистон халқлари маданияти Ассамблеяси» ташкил этилди. Чингиз Айтматов Ассамблея Президенти, Одил Ёқубов Ассамблея вице-президенти этиб сайланди. Ассамблеянинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида бўлиб, Бишкек ва Алматида унинг бўлимлари ташкил этилди.

«Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини тўғри тушуниш лозим. Унинг замирида Марказий Осиё мамлакатларини бирлаштириш ёки улар тепасида турувчи янги бир тизимни яратиш каби мақсадлар қўйилаётгани йўқ. «Туркистон — умумий уйимиз» деганда барча туркий давлатлар ҳамда туркий халқлар назарда тутилаётгани ҳам йўқ. Гап Туркистон деб номланган сиёсий-географик ҳудуд устида, ҳудуддаги мамлакатларнинг ўзаро бирлигини мустаҳкамлаш, уларнинг халқларини яқинлаштириш ҳақида бормоқда. Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири ўз доирасида, ўз тараққиёт йўлидан ривожланиб бораверади.

Туркистон халқлари маданияти Ассамблеяси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари маданият, санъат, адабиёт ва фан намояндлари ўртасида алоқаларни чуқурлаштириш, халқларни бир-бирига янада яқинлаштириш тadbирлари кўрилмоқда.

1997 йилда Бишкекда «Мустақиллик вазиятида маънавият масаласи» мавзусида симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда қардош халқлар маънавиятининг янги шароитдаги ҳолати ва ривожлантириш муаммолари ҳақида қимматли фикрлар билдирилди.

1997 йил апрел ойида Тошкентда таниқли қozoқ адиби Мухтор Аvezовнинг ижодига бағишланган «Мухтор Аvezов ва ўзбек адабиёти» мавзусида илмий конференция бўлди. Уша йили май ойида «Мустақиллик — бахтимиз, толеймиз, камолимиз» мавзусида мушоира, «Марказий Осиё мустақил давлатлари халқлари шеъриятининг бугуни ва эртаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

1997 йил октябрда Ассамблея Алматида «Мухтор Аvezов ва жаҳон адабиёти» мавзусида унинг 100 йиллигига бағишланган халқаро конференция ўтказди.

1997 йил октябрь ойидан бошлаб Ассамблея ташаббуси билан 8 саҳифалик «Марказий Осиё маданияти»

номли ҳафталик газета ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус тилларида чиқмоқда. Бу тадбирлар минтақа халқлари ўртасидаги азалий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга кўмаклашмоқда.

### Савол ва тошпириқлар

1. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1990 йил июнь ва 1991 йил август учрашувларида қандай ҳужжатлар имзоланди?
2. Оролни кутқариш бўйича Давлатлараро кенгаш ва халқаро жамгарманинг тузилиши ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
3. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш бўйича қачон ва қандай ҳужжатлар имзоланди?
4. Ўзбекистон раҳбарияти Тожикистондаги можароларни бартараф этиш бўйича қандай таклифларни илгари сурди?
5. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий интеграция дастури ҳақида сўзлаб беринг.
6. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари қачон абадий дўстлик ҳақида шартнома имзоладилар, унинг моҳияти нима?
7. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида қайси соҳалар бўйича ва нима мақсадда халқаро консорциумлар тузишга аҳдлашилди?
8. Марказий Осиё давлатларининг нефть ва газ узатиш коммуникациялари тармогини ривожлантириш бўйича ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб беринг.

### 54-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАН ҲАВЗАСИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, жаҳондаги нуфузли давлатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлидан бормоқда.

**Ўзбекистоннинг Яқин ва  
Ўрта Шарқ мамлакатлари  
билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга ки-

ришди. Негаки, Ўзбекистоннинг руҳи, дини, урф-одатлари ва анъаналари Осиёдаги мусулмон мамлакатларига яқиндир.

1991 йил 16—19 декабрь кунлари И. Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат

Туркияда бўлди. Туркия Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Дамирэл ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар билан амалий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида Протокол, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ахборот айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда анча кенгайди. Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда Туркия давлати раҳбарлари Турғут Ўзол, Сулаймон Демирэл, Тансу Чиллер, Месут Йилмазларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар катта аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар куриш, кадрлар тайёрлаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалий натижалар бермоқда. Туркиялик ҳамкорлар Ўзбекистон иқтисодиётига 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоялар киритди. 200 га яқин қўшма корхоналар барпо этилди. «Коч холдинг», «Айсел» шулар жумласидандир. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда 30 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

1992 йил 27—28 июнь кунлари Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоъ Шарифнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Сафар кунларида Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республика ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.



Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликни Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг 1992 йил 13—14 август кунлари Покистонга расмий ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар янги поғонага кўтарди. Икки давлат ўртасида сув ресурслари, электрлаштириш, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, почта ва телекоммуникация соҳасида, давлат банклари ва миллий банklar ўртасида ваколатхоналар айирбошлаш тўғрисида, инвестициялар ва сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Бўлиб ўтган учрашувларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва Марказий Осиё хавфсизлиги, Афғонистонда биродарқушлик урушини тўхтатиш масалалари бўйича фикр алмашилди. Иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, фан, техника, сайёҳликни ривожлантириш ҳақида битимлар имзоланди. Ўзбекистонда Покистон сармоялари иштирокида 120 та қўшма корхона тузилган. Табани, Меркурий, Метро, Лаксан Тарака каби 19 та йирик фирма ва компаниялар фаолият кўрсатмоқда. 1994 йилда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 4,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Покистонга чарм хом ашёси, пилла, шойи, матолар, шиша, биллур, енгил саноат учун машина ва ускуналар экспорт қилмоқда. Покистондан эса халқ истеъмоли моллари, хусусан, тайёр кийимлар, пойафзал, чарм буюмлар, какао ва шакар келтирилмоқда.

1992 йил 24—25 ноябрь кунлари республикаимиз Президенти И. Каримовнинг Эрон Ислон Жумҳуриятига расмий давлат ташрифи Ўзбекистон ва Эрон ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислон Жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида декларация, ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум, почта, телефон ва телеграф соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум, давлат Марказий банклари ўртасида битим имзоланди. 1993 йил 18 октябрда Эрон Президенти Али Акбар Хошмий Рафсанжонийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи билан келиши икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайтишига кўмаклашди. Сафар чоғида транзит алоқаларни тартибга солиш тўғрисида ҳамда халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони, Мисрда бўлди ва улар билан давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик битимлари имзоланди. Саудия Арабистони, Миср давлат ва ҳукумат вакилларининг Ўзбекистонга расмий сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар эса давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик ёшлар Қоҳира университетиди, «Аль-Азхор» ва «Айн Шамс» университетларида, мисрликлар Тошкент техника ва аграр университетларида таҳсил кўрмоқдалар. Тошкентда Миср Республикасининг фан ва таълим маркази фаол ишлаб турибди.

1992 йил 6 февралда Ўзбекистон Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тузилган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлиб кирди. 1992 йил 10 майда Ашгабадда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Эрон, Туркия, Покистон давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда Трансosiё темир йўлини вужудга келтириш мақсадида Тажан—Серахс—Машҳад темир йўли қуриш ҳақида битимни, божхона хизматини ташкил этиш, шу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ҳақида ҳужжатларни имзолادилар. Ахдлашувга биноан, 1992—1996 йилларда узунлиги 295 км бўлган Машҳад—Серахс—Тажан темир йўли қурилди. 1996 йил 12 май кuni мазкур темир йўлининг очилишига бағишланган тантаналар бўлиб утди, унда ЭКО аъзолари бўлган мамлакатларнинг раҳбарлари, Россия, Украина, Белорус ҳукуматларининг вакиллари, жами 50 мамлакат вакиллари қатнашди. Истанбул—Пекин Трансosiё темир йўлининг таркибий қисми бўлган Машҳад—Серахс—Тажан темир йўли Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида юк ташиш муддатини бир ҳафтага қисқартирди. Бу темир йўлининг 132 км Туркменистон ҳудудида қурилди, уни қуришда ўзбекистонлик йўлсозлар фаол қатнашдилар. Қурилиш ишларига 45 миллион АҚШ доллари сарфланди. Туркменистон йилига юк ташишдан 20 миллион АҚШ доллари ҳажмида даромад олади. Ана шу йўл орқали Ўзбекистон ўз маҳсулотини Анқарагача ёки Форс кўрфазигача, кейин дунёнинг исталган бурчагига етказиши мумкин бўлиб қолди. Шунингдек, ЭКО аъзолари халқаро автомобиль қатнови очиш учун Истанбул, Техрон, Исломобод, Ашгабад, Тошкент, Биш-

кек, Алматини бирлаштирувчи катта автомобиль йўли участкаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистоннинг йирик мамлакат — Ҳиндистон билан алоқалари кенгайиб бормоқда. 1993 йил 23—25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома, фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисида, ҳаво йўллари тўғрисида ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ~~1993 йил 17—19 август~~ кунлари Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техниквий ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

1995 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг «ТАТА Прожектс ЛТД» фирмаси томонидан қуриб битказилган 600 ўринли саломатлик зали, мажлислар хонаси, сервис хизмати, ер ости гаражи, сауна барлари, катта ресторанлари бўлган замонавий меҳмонхонанинг очилиши фикримизнинг далилидир.

**Шарқ ва Тинч океани  
ҳавзаси мамлакатлари  
билан ҳамкорлик**

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожланти-

ришга қаратилган. Бу мамлакатлар орасида айниқса Хитой Халқ Республикаси билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлардаёқ Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил ~~2—3 январь~~ кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьзин Тошкентда бўлди, шу кунлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, элчихоналар очишга қарор қилинди.

1992 йил 12—14 март кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ХХРга расмий давлат ташрифи

икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Сафар чоғида ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида, қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик тўғрисида, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар бор эди.

~~1994 йил 18—20 апрель кунлари ХХР давлат Кенгашининг раиси Ли Пеннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистонда тайёрланаётган ИЛ-76 ва ИЛ-114 самолётларини харид қиладиган бўлди.~~

1994 йил 24—25 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Хитойга иккинчи марта сафар қилди ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома» имзоланди. Шунингдек, икки давлат ўртасида консуллик шартномаси имзоланди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 78 та Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганининг далилидир.

~~1992 йил март ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Жанубий Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Бу сафар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий-техникавий алоқаларга асос солди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация имзоланди. Савдо-иқтисодий айирбошлаш ҳақида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар ҳақида битимлар тузилди. Маданият, маориф, оммавий ахборот, саёҳат, спорт соҳаларида баҳамжиҳат ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган режалари белгилаб олинди. Жанубий Кореядаги ДЭУ Корпорацияси раҳбарияти билан Асакада автомобиль заводи қуришга келишилди. 1992—1996 йилларда «ЎЗДЭУавто» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма автомобиль заводини лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари амалга оширилди. Завод 1996~~

У  
Йил 25 март куні автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди.

Ўзбекистон Шарқнинг энг ривожланган мамлакати — Япония билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. 1994 йил 16—19 май кунлари Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлди. Сафар пайтида Ўзбекистон билан Япония ўртасида муносабатларнинг асосий принциплари ҳақида қўшма баёнот, ташқи ишлар бўйича муносабатлар ҳақида ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон делегацияси машҳур Панасоник концернида бўлди ва унинг раҳбарияти билан Ўзбекистонда филиал очишга келишилди. Республикамиз шаҳарларида Панасоник маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машҳур «Мицуи ва КО, ЛТД», «Мицубиси корпорейшн», «Сумитото корпорейшн», «Томен корпорейшн», «Чори» каби компанияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Япония ҳукумати Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштиришда, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашмоқда. Фақат 1994 йилда 40 нафардан ортиқ ёшлар Японияда малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистоннинг Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари — Малайзия ва Индонезия билан давлатлараро алоқалари ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1992 йил июнь ойидаги Малайзия ва Индонезияга сафари муҳим аҳамиятга эгадир. Сафар кунларида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш бўйича қўшма ахборот, икки томонлама муносабатлар бўйича қўшма баёнот, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1995 йил 8—10 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённома имзолади-

лар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандум ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

Ўзбекистоннинг Осиё ва Океания минтақасидаги Вьетнам Социалистик Республикаси, Таиланд, Австралия ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик алоқалари йўлга қўйилди, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

### Савол ва тошпириқлар

1. Президент И. Каримовнинг Туркия Жумҳуриятига биринчи расмий ташрифи қачон бўлди ва қандай ҳужжатлар имзоланди?
2. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида абадий дўстлик тўғрисида шартнома қачон имзоланди, унинг моҳияти нима?
3. Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги давлатлараро алоқаларга қандай ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилмоқда?
4. Ўзбекистоннинг Эрон Ислом Республикаси билан алоқалари ҳақида сўзлаб беринг.
5. ЭКО қандай ташкилот, қачон тузилган, қайси давлатлар унга аъзо бўлиб кирган?
6. Тажан—Серахс—Машҳад темир йўл қурилиши ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва чуқурлашиб бориши ҳақида сўзлаб беринг.
8. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида алоқалар қачон ўрнатилди ва қайси соҳаларда ривожланмоқда?
9. Япониянинг қайси компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда?

## 55-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҚШ ВА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРИ

### Ўзбекистон ва АҚШ алоқалари

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Америка Қўшма Штатлари ва ривожланган Европа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида давлатлараро алоқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилди. 1992 йил 15—16 февраль кунлари АҚШ давлат котиби ~~Жеймс Бейкер~~ ўз-

бекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг элчихонаси очилди. 1993 йил 14 сентябрда АҚШ давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Галбот Ўзбекистонда бўлди ва Ўзбекистон Президенти билан ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди. 1995 йил 6 апрелда АҚШ муҳофаз вазир Уилям Перси Ўзбекистонга келди, Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштироки муҳокама қилинди. АҚШ армияси ўқув-машқ марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон Куролли кучлари взводи иштирок этди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида шартномалар тузилди. Тошкент—Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўли очилди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов БМТ юбилей сессияси кунларида АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашди. Учрашувда жаҳон ва минтақавий ҳавфсизлик масалалари, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида фикр алмашинди. Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та ўзбек—америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунтовда Ақшнинг Ньюмонт Майнинг Корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи «Зарафшон—Ньюмонт» қўшма корхонаси бор. Американинг 28 та компания, фирма ва банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1996 йил 23—28 июнь кунлари АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва Америка муносабатларини янги поғонага кўтарди. И. Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, ҳавфсизлик масалалари муҳокама этилди. Билл Клинтон АҚШ маъмурияти Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва равнақидан манфаатдор эканини, Ўзбекистон билан қалин муносабатлар ўрнатишни истаётганини, Ўзбекистон тезроқ дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида ёрдам беражагини таъкид-

лади. И. Каримов билан Б. Клинтон учрашуви икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга сиёсий замин ҳозирлади.

1996 йил 25 июнь куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди. Бу маросимда Ўзбекистон Президенти И. Каримов, АҚШ Мудофаа вазири У. Перри, энергетика вазири Г. О'Лири, АҚШ давлат департаментининг МДХ давлатлари бўйича вакили Ж. Коллинз қатнашди.

Ўзбекистон Президенти АҚШдаги Хорижий хусусий сармоялар корпорацияси (ОПИК)нинг Вашингтондаги қароргоҳида ўтказган брифингда, Хьюстон шаҳрида Ўзбекистон газ ва нефть саноатига бағишланган, Денвер шаҳрида Ўзбекистон тоғ-кон саноати имкониятлари ва бой табиий ресурсларига бағишланган конференция ҳамда кўргазмалар чоғида нутқ сўзлаб Ўзбекистонда чет эл сармоялари ва бизнеси учун яратилган қулай иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий шароитлар тўғрисида батафсил ахборот берди. Бу тадбирларда АҚШнинг 70 дан ортиқ молия, тоғ-кон саноати, ишлаб чиқариш билан машғул етакчи компаниялари раҳбарлари иштирок этди. «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан «Энрон» корпорацияси ва ОПИК ўртасида лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва суғурта қилиш тўғрисида протокол, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Кейс» корпорацияси ўртасида лизинг компанияси тузиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва суғурта қилиш тўғрисидаги протокол бўйича ОПИК ажратадиган 400 миллион АҚШ доллари Ўзбекистонда газ саноатини ривожлантиришга хизмат қилади. 1996 йил биринчи ярмигача ОПИК иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётига 200 миллион долларлик АҚШ сармояси киритилди.

Ўзбекистон делегациясининг Техас штатининг пойтахти Хьюстонга сафари самарали бўлди. Нефть ва газ саноати билан боғлиқ бўлган йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар бўлди. «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси ва «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида таъсис шартнома, «Ўзбекнефтгаз» билан «Энрон Ойл Газ Интернешнл» ўртасида газ конларини разведка қилиш ва ишга тушириш бўйича қўшма корхона тузиш шартлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шартномада Аме-



риканинг мойлаш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда технологияларини Ўзбекистонга келтириш кўзда тутилади. Президент И. Каримов ва Теннесси штатининг губернатори Т. Сандквест ўртасида Ўзбекистонда «Газомоторс» ва «Газкомпрессор» қўшма корхоналари тузиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда 200 мингта енгил автомобиллар, автобус ва юк автомобилларини бензиндан суюлтирилган табиий газга ўтказиш имкониятини беради. Бу дастлабки беш йилда 1,2 миллиард галлон (бир галлон 3,79 литрга тенг) бензинни тежаб қолишга имкон беради.

Ўзбекистон делегациясининг Колорадо штатига сафари чоғида И. Каримов ва Колорадо штати губернатори Р. Ромер ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. АҚШ компаниялари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келган «Ньюмонт Майнинг» корпорациясининг қароргоҳи жойлашган Колорадо штатининг Денвер шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистонда тоғ-кон саноатига ва минераллар қазиб олишга сармоя солиш имконияти» мавзусидаги конференция ва кўргазма америкалик бизнесмен ва сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқишини янада орттирди. 28 июнь куни И. Каримов «Ньюмонт Майнинг» корпорациясининг бош қароргоҳига ташриф буюриб, унинг президенти Р. Кембри билан учрашди, музокаралар ўтказди. Учрашув чоғида Ўзбекистон Давлат геология кўмитаси билан «Ньюмонт Майнинг» ўртасида олтин конларини қидириб топиш ва разведка қилиш борасида қўшма корхона тузиш тўғрисида битим ҳамда Ўзбекистон Давлат геология кўмитаси, «Ньюмонт Майнинг» ва «Мицуи» корпорациялари ўртасида олтин конларини биргаликда ишга тушириш соҳасида битим имзоланди.

Ўзбекистон Президенти бошлиқ давлат делегациясининг АҚШда бўлиши чет эл сармояси учун республикада яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги ахборот тақчиллигини бартараф этди. Сафар чоғида имзоланган ҳужжатлар Америка бизнеси ва сармояларининг Ўзбекистонга эркин кириб келиши учун янада кенг йўл очди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш йўлидан бормоқда.

**Ўзбекистоннинг Европа  
мамлакатлари билан  
алоқалари**

Ўзбекистон ташқи сиёсати-  
нинг Европа йўналиши  
қатъиятлик билан ривожлан-  
тирилмоқда. Ўзбекистон Пре-  
зидентининг Германияда 1993  
йил 28 апрель куни бошлан-

ган ва беш кун давом этган расмий ташрифи Ўзбеки-  
стон билан Германия ўртасидаги муносабатларни йўлга  
қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир. Айни пайтда бу сафар  
республикаemizга Европа сари катта йўлни очди. Жаҳон  
сиёсатдонлари, журналистлар И. Каримов немис юрти-  
дек бой мамлакатга моддий ёрдам сўраб келади, деб  
фараз қилишаётган эди. Президентимизнинг самолёт  
пиллапоясидаяқ саволларга: «Мен Ўзбекистонни немис-  
ларга танитгани келдим, Ўзбекистон ҳеч кимдан садақа  
сўрамайди, фақат тенгма-тенг ҳамкорликка тайёр», —  
деб жавоб берганида журналистлар ҳайратда қолдилар.  
И. Каримов ГФР Федерал президенти Рихард фон  
Вайзенкер ва Федерал канцлери Гельмут Коль билан  
самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва қатъият би-  
лан суҳбатлашди. Икки давлат ўртасида маданий ҳам-  
корлик тўғрисида, сармоялар қўйишни амалга ошириш  
ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида, илмий  
тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш  
тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон делегация-  
си Германия саноатини ўрганишга катта эътибор бе-  
ришди. Сафар самарали бўлди, жиддий ва истиқболли  
муносабатлар ўрнатишга, бўлажак ҳамкорлик иморатига  
пойдевор қўйилди. «Дойче банк», «Мерседес-Бенц» ва  
«Сименс» компанияларининг раҳбарлари билан учра-  
шувлар бўлди, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида ке-  
лишиб олинди. Жумладан, Хоразмда «Мерседес-Бенц»  
компанияси иштирокида юк машиналари йиғадиган за-  
вод қуриш ҳақида аҳдлашилди. Сафар натижаларига  
кўра ўзбек-германия ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳу-  
куматлараро комиссия тузилди. Тошкентда икки-томон-  
лама савдо-иқтисодий палата ташкил этилди, ГФРнинг  
элчихонаси очилди. «Тошкент—Франкфурт» ҳаво йўли-  
да самолётлар қатнай бошлади. «Дойче банк»нинг бўли-  
ми фаолият кўрсатмоқда. 1994 йилдан бошлаб «Мерсе-  
дес-Бенц» компанияси билан ҳамкорликда қурилган Хо-  
разм автомобиль йиғув заводида юк автомобиллари чи-  
қарилмоқда. 1995 йил апрелда Германия Федерал Пре-  
зиденти Рөман Герцогнинг Ўзбекистонда бўлиши икки  
мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамла-

ди. Роман Герцог Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 50 мингдан ортиқроқ немис миллатига мансуб Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёти билан танишиб, улар учун тенг имкониятлар яратилганидан мамнун бўлди.

~~1994 йил 9—12 июнь кунлари Ўзбекистон давлат делегацияси Нидерландия (Голландия)да бўлди, қиролича Беатрикс ва ҳукумат бошлиғи — Бош вазир Рудольф Любберс билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида суҳбатлар бўлди. Ўзбекистон делегацияси аъзолари кун давомида деҳқонлар ва чорвадорлар хўжалигида бўлди, улар билан суҳбатлашди, кўп нарсаларни ўрганишди. Сафар натижасида Ўзбекистон ва Голландия ўртасида давлатлараро муносабатлар принциплари ҳақида баёнот ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида протокол имзоланди. Голландия аграр хўжалигининг технологияси, уруғ ва насллари, меҳнат усуллари билан Ўзбекистонда фойдаланишга келишилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Голландия картошка уруғлари экилиб мўл ҳосил етиштирилмоқда.~~

Ўзбекистон билан Франция ўртасида муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. ~~1993 йил 28—30 октябрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И. Каримов Франция Президенти Ф. Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар юритди. Ф. Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: «Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди», — деди. Бу Ватанимиз тўғрисида, унинг шухратини улугловчи ҳолисона, олижаноблик билан берилган баҳодир. Сафар натижасида Парижда Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, маданият, илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди. Мамлакатимиз раҳбарининг Париж хартиясини~~

имзолаши республикамизда демократиянинг ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашувида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик «Кредит коммерсиал де Франс» банки ўртасида муддоалар ҳақида битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини сармоя билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқли «Элф-акитен» нефть-химия концерни, «Технип» фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуришга келишилди. Франция ва Ўзбекистон ўртасида савдо-сотиқ ҳисоб-китобларини таъминлаб турган «Кредит коммерсиал де Франс» банки завод қурилишини ҳам маблағ билан таъминлади. Ўзбекистон бу банкка маблағ қўйди, у ҳамкорлик учун кафолат бўлиб турибди. Ана шу ҳамкорлик ва ҳужжатлар қаторига 1994 йил 25—27 апрель кунлари Франция Президенти Ф. Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, шунингдек ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялар қўшилди. 1996 йил апрель ойида Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги давлат делегациясининг Францияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисида конвенция ҳамда молиявий Протокол имзоланди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон халқаро ишларда катта тажриба ва нуфузга эга бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йил 17—19 июнь кунлари Буюк Британия қироличасининг қизи малика Анна Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимиз билан, халқимизнинг турмуш тарзи билан танишиб, Самарқанд шаҳрининг ўлмас тарихий ёдгорликларини зиёрат қилиб кетди. 1993 йил 15 октябрь кунини Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдустлик ишлари бўйича давлат вазири Даглас Хогнинг Ўзбекистонга сафари чоғида икки давлат ўртасида маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик бити-

ми, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида битимлар имзоланди.

1993 йил 22—25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошлиқ республикаимиз делегациясининг расмий амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида буюк воқеа бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг қиролича Елизавета II, Бош вазир Ж. Мейжор билан самимий, ўзаро манфаатли суҳбатлари, музокаралари бўлиб ўтди. Сафар самарали бўлди. Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия қироллиги ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, ҳаво йўллари очиш тўғрисида битим, икки мамлакат ҳудудида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида меморандум имзоланди. Машҳур Ротшильдлар банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, улар билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида битимлар тузилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда олгин қазиб олиш корхоналари қуриш учун 150 миллион АҚШ доллари ажратишга қарор қилди. Ўзбекистон ва «Лонро» компанияси ўртасида имзоланган битим амалий аҳамиятга эга бўлди. Ливерпуль пахта ассоциацияси раҳбарлари билан Ўзбекистон пахта толасини жаҳон бозорида сотиш масалалари бўйича музокаралар бўлди. «Тошкент — Лондон» ҳаво йўлида самолёт қатновининг йўлга қўйилиши алоқаларни яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилнинг бошларида Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлимининг иш бошлаши ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатди ва кенгайиб бормоқда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат — Швейцариядаги ваколатхонасига ҳам айланди. 1995 йил октябрда Женевада «Ўзбекистонда хусусийлаштириш: ҳамкорлик учун имкониятлар» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Шу йил

ноябрь ойида эса Лондонда ўтган «Ўзбекистонда бизнес» конференциясида иқтисодий ислохотларнинг хусусиятлари муҳокама қилинди. Штутгартда бўлиб ўтган «Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кургазмаси Ўзбекистоннинг ақл-зиё соҳасида жаҳонда тугган ўрнига ва салоҳиятига берилган катта баҳо бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Давосда ҳар йили ўтadиган Жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этиши ва анжуманда сўзлаган нутқлари унинг иштирокчиларини, давлат ва ҳукумат бошлиқларини, халқаро молия ташкилотлари, йирик банклар ва компанияларнинг раҳбарларини, қолаверса жаҳон бизнесменларини Ўзбекистон билан, унинг салоҳияти билан таништирди, Ўзбекистонга хорижий сармояларни жалб қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида алоқаларнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигини янги bosқичга кўтарди. 1996 йилда Европа Иттифоқи Кенгаши билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланди. Бу битим Ўзбекистоннинг савдо ташкилотига қўшилишига йўл очиб берди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг географияси узлуксиз кенгайиб бормоқда. У мустақилликни мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Ўзбек дипломатияси хорижий мамлакатлардан садақа сўрашга эмас, икки томонлама манфаатдорликка, инсонпарварликнинг юксак ва олижаноб принципларига таянади. Республика Президенти И. Каримов қайси мамлакатда бўлмасин, аввало улардаги илғор тажрибани ўрганишга, фойдали нарсаларни топишга, улардан фойдаланишга алоҳида эътибор беради.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омилар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикага илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир. Ҳозирги кунда республикамизда хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 3200 қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатмоқда. Улар истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқармоқда, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Илғор мамла-

катлар кадрлар тайёрлашда, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, етакчи биржалар билан алоқалар ўрнатишда, қонунчилик тажрибасини ўрганишда республикамизга кўмаклашмоқда.


Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобидан бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустақамланиб бормоқда.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида давлатлараро алоқаларнинг ўрнатилиши ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ўзбекистон хўжаликнинг қайси соҳаларида АҚШ компаниялари билан ҳамкорлик қилмоқда?
3. Ўзбекистонда АҚШ сармоядорлари иштирокида қандай қўшма корхоналар бунёд этилди ва фаолият кўрсатмоқда?
4. Ўзбекистон билан Германия ўртасида давлатлараро алоқалар қачон ва қандай ҳужжатлар асосида ўрнатилди?
5. Ўзбекистоннинг Франция билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб беринг.
6. Ўзбекистон Президенти И. Каримов қачон Буюк Британияда расмий ташриф билан бўлди ва қандай ҳужжатлар имзоланди?


**Хўжалик юритувчи субъектлар динамикаси**






йил бошига; мингта



**Мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакллар буйича хўжалик юритувчи субъектлар таркиби**

йил бошига; умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



-  Давлат корхоналари
-  Қўшма ва чет эл корхоналари
-  Хусусий корхоналар
-  Жамоа корхоналари
-  Бошқалар



## Иқтисодиёт тармоқлари бўйича давлат ва нодавлат сектори нисбати


жамига нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки  
 Нодавлат мулк


## Иқтисодиёт сектори бўйича банд аҳоли тақсироти

фонз ҳисобида




## Ташқи савдода МДҲ ва хорижий мамлакатлар салмоғи

яқунга нисбатан фонз ҳисобида




### Саноат ишлаб чиқариш динамикаси

1996 йил тегишли даврига  
нисбатан фоиз ҳисобида



### Саноатнинг давлат ва нодавлат сектори нисбати

саноат маҳсулоти умумий ҳажмига  
нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат сектори
- ▨ Нодавлат сектори

## Истеъмол моллари ишлаб чиқариш

(1996 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Жами	Шу жумладан	
		озик-овқат маҳсулотлари	ноозик-овқат моллари
Ўзбекистон Республикаси	111,2	107,8	114,8
Қорақалпоғистон Республикаси	99,0	99,3	95,9
вилоятлар:			
Андижон	1,5 м.	103,9	1,7 м.
Бухоро	110,0	111,4	109,0
Жиззах	122,7	119,4	123,5
Қашқадарё	121,7	122,1	125,0
Навоий	120,9	109,0	128,6
Наманган	111,2	113,0	107,2
Самарқанд	115,1	136,6	118,0
Сурхондарё	105,4	104,5	108,9
Сирдарё	130,3	129,1	113,7
Тошкент	121,6	113,6	122,5
Фарғона	111,2	110,3	107,1
Хоразм	108,9	114,0	98,7
Тошкент ш.	126,3	128,9	128,5

## Аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми

(сўм)

	1996 й.	1997 й.	1997 йилда 1996 йилга нисбатан % ҳисобида (қийёсий нархларда)
Ўзбекистон Республикаси	1464,2	2972,1	119,0
Қорақалпоғистон Республикаси	684,8	1391,1	110,5
вилоятлар:			
Андижон	958,2	2075,1	131,4
Бухоро	1049,9	2400,4	137,4
Жиззах	766,9	1218,7	98,2
Қашқадарё	635,2	1573,6	1,5 м.
Навоий	1289,6	2119,4	98,6
Наманган	1043,3	1681,5	98,1
Самарқанд	867,6	2458,2	1,7 м.
Сурхондарё	434,7	969,4	133,8
Сирдарё	702,1	1279,0	115,9
Тошкент	1381,0	2598,2	113,7
Фарғона	956,5	1799,4	112,2
Хоразм	1034,6	2201,7	106,5
Тошкент ш.	4443,6	8449,6	107,9

## Ўзбекистон Республикаси миллий даромади

	Жорий нархларда, млрд. сўм		1997 йилда 1996 йилга нисбатан % ҳисобида
	1996 й.	1997 й.	
Ўзбекистон Республикаси	438,6	780,6	103,7
Қорақалпоғистон Республикаси	17,3	27,8	96,5
вилоятлар:			
Андижон	30,5	65,0	109,3
Бухоро	24,7	46,8	103,1
Жиззах	10,1	22,5	99,0
Қашқадарё	32,4	71,0	103,3
Навоий	20,8	36,6	101,4
Наманган	22,2	42,6	100,3
Самарқанд	29,3	57,7	106,1
Сурхондарё	16,9	35,1	102,2
Сирдарё	13,5	23,7	102,7
Тошкент	43,6	80,6	100,0
Фарғона	58,2	89,7	104,6
Хоразм	21,7	42,8	108,3
Тошкент ш.	62,0	116,3	104,5

**Қўшма корхоналар сони, маҳсулотлари, ишлар ва  
хизматлар ҳажми**

	Қўшма корхо- налар сони	Маҳсулот, ишлар ва хизматлар ҳажми	
		млн. сўм	1996 йилга нисбатан, марга
Ўзбекистон Респуб- ликаси	3278	123542,6	3
Қорақалпоғистон Республикаси	12	8,3	0,2
вилоятлар:			
Андижон	88	36759,3	3,4
Бухоро	54	448,0	2,5
Жиззах	34	160,0	4,9
Қашқадарё	46	463,6	8,3
Навоий	31	13133,1	2,5
Наманган	73	1647,9	2,6
Самарқанд	144	2780,5	4,3
Сурхондарё	47	321,4	3,7
Сирдарё	30	186,5	1,6
Тошкент	128	6202,1	7,2
Фарғона	78	2638,3	4,2
Хоразм	36	2254,1	6,2
Тошкент ш.	2477	56539,5	2,6

## Саноат ишлаб чиқариш ҳажми

(амалдаги нархларда)

	Млрд. сўм	1997 йилда 1996 йилга нисбатан % ҳисобида	1996 йилда 1995 йилга нисбатан % ҳисобида
Ўзбекистон Республикаси	704,5	106,5	106,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15,5	100,9	101,5
вилоятлар:			
Андижон	71,1	1,6 м.	1,7 м.
Бухоро	30,6	127,6	112,3
Жиззах	7,3	113,1	105,3
Қашқадарё	57,6	106,2	102,9
Навобий	62,6	107,1	118,3
Наманган	21,9	103,5	104,7
Самарқанд	28,0	108,2	108,4
Сурхондарё	16,7	100,3	101,1
Сирдарё	9,0	104,5	108,5
Тошкент	84,3	106,4	112,0
Фарғона	97,0	102,8	102,3
Хоразм	22,2	103,5	100,2
Тошкент ш.	110,8	118,0	124,4



## Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш

	Сўмда	1997 йилда 1996 йилга нисбатан % ҳисобида	1996 йилда 1995 йилга нисбатан % ҳисобида
Ўзбекистон Республи- каси	11940,2	109,2	106,0
Қорақалпоғистон Рес- публикаси	6414,1	97,5	100,4
вилоятлар:			
Андижон	25033,7	1,5 м.	2,1 м.
Бухоро	11266,6	108,2	103,2
Жиззах	3311,4	120,2	104,7
Қашқадарё	5190,0	118,6	129,4
Навоий	8099,2	119,1	101,4
Наманган	6641,5	108,8	107,6
Самарқанд	8651,7	112,7	99,3
Сурхондарё	4043,1	102,6	110,9
Сирдарё	6633,7	128,5	100,7
Тошкент	12137,7	120,2	105,4
Фарғона	10566,1	109,1	105,9
Хоразм	9688,1	106,6	102,5
Тошкент ш.	32961,6	125,3	144,2

## Чакана товар айланмаси ҳажми

	Млрд. сўм	1996 йилга нисбатан	
		амалдаги нархларда, марта	қиёсий нархларда, %
Ўзбекистон Республикаси	497,9	2,1	112,7
Қорақалпоғистон Республи- каси	16,4	2,3	112,9
вилоятлар:			
Андижон	46,5	1,9	100,6
Бухоро	21,7	1,9	102,7
Жиззах	10,2	2,8	142,0
Қашқадарё	26,7	2,4	133,5
Навоий	12,8	2,1	104,6
Наманган	36,4	1,8	101,1
Самарқанд	50,4	2,0	104,9
Сурхондарё	13,7	2,1	116,0
Сирдарё	11,6	1,9	100,1
Тошкент	38,8	2,2	113,5
Фарғона	58,0	2,3	125,6
Хоразм	16,6	2,1	108,7
Тошкент ш.	138,1	2,1	116,3

## Аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси

(амалдаги нархларда, сўм)

	1996 й.	1997 й.	1997 йилда 1996 йилга нисбатан % ҳисобида (қийсий нархларда)
Ўзбекистон Республикаси	10269	21044	110,6
Қорақалпоғистон Республи- каси	5052	11273	111,2
вилоятлар:			
Андижон	11613	22120	98,5
Бухоро	8542	15778	101,0
Жиззах	3986	11117	139,1
Қашқадарё	5592	12982	130,2
Навоий	7931	16750	103,1
Наманган	11218	19714	98,9
Самарқанд	10200	19604	102,7
Сурхондарё	3990	8297	113,0
Сирдарё	9821	17961	98,7
Тошкент	7680	16844	112,2
Фарғона	9932	22555	123,2
Хоразм	6407	13116	106,5
Тошкент ш.	31090	64617	115,4

## Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми

	Млрд. сўм	1997 йилда 1996 йилга нисбатан	
		амалдаги нархларда, марта	қийсий нархларда, %
Ўзбекистон Республикаси	70,3	2,1	121,3
Қорақалпоғистон Республикаси	2,0	2,1	112,2
вилоятлар:			
Андижон	4,4	2,2	134,2
Бухоро	3,3	2,3	139,7
Жиззах	1,1	1,6	100,3
Қашқадарё	3,2	2,5	1,5 м.
Навоий	1,6	1,7	100,0
Наманган	3,1	1,6	100,3
Самарқанд	6,3	2,9	1,7 м.
Сурхондарё	1,6	2,3	136,6
Сирдарё	0,8	1,8	117,5
Тошкент	6,0	1,9	114,9
Фарғона	4,6	1,9	114,4
Хоразм	2,8	2,2	108,7
Тошкент ш.	18,1	1,9	108,6

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
-----------------	---

### **1-б о б. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши**

1-§. Мустақиллик — ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши . . . . .	7
2—3-§§. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши . . . . .	11
4-§. Ўзбекистон давлат суверенитетининг эълон қилиниши . . . . .	25
5-§. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг умумхалқ томонидан маъқулланиши. Мустақиллик давлат рамзларининг қабул қилиниши . . . . .	33
6-§. Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти . . . . .	40
7—8-§§. Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли . . . . .	46
9-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, унинг аҳамияти . . . . .	58
10-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусиятлари, тамойиллари ва аҳамияти . . . . .	64

### **2-б о б. Сиёсий ислохотлар. Миллий давлатчилик пойдеворининг барпо этилиши**

11-§. Ўзбекистонда Олий давлат вакиллик органи — қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши . . . . .	72
12-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик фаолияти . . . . .	80
13-§. Миллий давлат бошқарув тизимининг барпо қилиниши. Бошқарувда янги усулларнинг қарор топиши . . . . .	88
14-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги туб ўзгаришлар . . . . .	96
15-§. Ўз-ўзини бошқариш органларининг янада ривожлантирилиши . . . . .	100
16-§. Кадрлар сиёсатида янгича йўл . . . . .	105

### **3-б о б. Мустақил Ўзбекистон Давлати таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси**

17-§. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистон давлатчилиги тараққиёти . . . . .	112
---	-----

18-§. Иқтисодий тараққиёт . . . . .	118
19-§. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши . . . . .	121
20-§. Халқ таълими, фан ва маданият . . . . .	127

**4-б о б. Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши**

21-§. Ўзбекистоннинг демократик, фуқаролик жамият қуриш йўли . . . . .	133
22-§. Суд ҳокимияти ислоҳотлари . . . . .	136
23-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатининг яратилиши . . . . .	142
24-§. Демократик сайлов тизимининг барпо этилиши . . . . .	145
25-§. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг шаклланиши . . . . .	148
26-§. Сохта демократларнинг экстремистик йўл билан ҳокимиятни эгаллашга уриниши ва унинг барбод бўлиши . . . . .	156
27-§. Жамиятни демократлаштиришда оммавий ахборот воситалари ролининг ортиб бориши . . . . .	163

**5-б о б. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши**

28—29-§§. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш — давлат сиёсатининг бош йўналиши . . . . .	168
30-§. Миллатлараро тотувликни таъминлаш чораларининг амалга оширилиши . . . . .	177
31-§. Миллий хавфсизлик ва мамлакат муҳофафа қобилиятининг мустаҳкамланиши . . . . .	181

**6-б о б. Иқтисодий ислоҳотлар. Бозор муносабатларининг шаклланиши**

32-§. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли . . . . .	187
33-§. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва унинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши . . . . .	192
34-§. Давлат мулкани хусусийлаштириш. Кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфининг шакллантирилиши . . . . .	197
35-§. Бозор инфраструктурасининг шакллантирилиши . . . . .	202
36-§. Иқтисодиётнинг аграр секторидagi ўзгаришлар . . . . .	210
37-§. Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш . . . . .	215
38-§. Ўзбекистоннинг замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига қўшилиши . . . . .	220

**7- б о б. Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ва маданий тараққиёти**

39-§. Маънавий қадриятлар, миллий ўзликни англашнинг тикланиши . . . . .	226
40-§. Миллий истиқдол ва Амир Темур омили . . . . .	232

41-§. Миллий урф-одатлар, диний қадриятларнинг тикланиши .	239
42-§. Миллий истиқлол мафқураси . . . . .	246
43—44-§§. Таълим тараққиёти . . . . .	250
45-§. Маданий ҳаёт . . . . .	259
46-§. Жисмоний тарбия ва спорт . . . . .	267

### **8-б о б. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги**

47-§. XXI аср бўсағасида дунё. Ўзбекистоннинг географик-сиёсий имкониятлари . . . . .	280
48-§. Мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий тамойиллари . . . . .	286
49-§. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши . . . . .	294
50-§. Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги . . . . .	301
51-§. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлиги . . . . .	311
52—53-§§. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мамлакатлар билан қардошлик алоқалари . . . . .	320
54-§. Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари билан ҳамкорлиги . . . . .	335
55-§. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари . . . . .	342
<b>И л о в а л а р</b> . . . . .	352

НАРЗУЛЛА ЖЎРАЕВ  
ТУРСУНБОЙ ФАЙЗУЛЛАЕВ  
ҚАМАРИДДИН УСМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

*Миллий истиқлол даври*

*11-синф ўқувчилари учун дарслик*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1998 йил

Муҳаррир *И. Шоймардонов*  
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
Мусахҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 30.06.98. Босишга руҳсат этилди 08.10.98. Бичими 84X108  $\frac{1}{32}$ . Таймс UZ гарнитураси. Офсет босма. Нъюпринт фин. қоғозида чоп этилди. Шартли ҳисоб табоғи 20,16.+1,0 вкл. Нашриёт ҳисоб табоғи 19,63.+1,7 вкл. Адади 120000 дона. Буюртма №2745. Баҳоси 160 сўм.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси, 700083,  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.